

# Махон АДАБИЁТИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал



**Жамоатчилик кенгаши:**

Абдулла ОРИПОВ  
Омонулла ЮНУСОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Абдухалил МАВРУЛОВ  
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Низом КОМИЛОВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ  
Хуришид ДЎСТМУҲАММАД

**МУАССИСЛАР:**

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

**Бош муҳаррир:**

Шухрат РИЗАЕВ

**Тахрир ҳайъати:**

Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Отабек САФАРОВ  
Дилдорхон АЛИЕВА  
Алимурод ТОЖИЕВ  
Алишер ОТАБОЕВ  
Даврон РАЖАБОВ  
Севара АЛИЖОНОВА  
Шаҳноза НАЗАРОВА

## МУНДАРИЖА

### МУҲАРРИР МИНБАРИ

Ш.РИЗАЕВ. Эл-юртини ўйлаган инсон. ....6

### НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Сенсиз. (*Рус ва инглиз тилларига В.Рождественский, А.Обид тарж.*). . 9

### НОБЕЛЬ СОВРИНДОРЛАРИ

Б.ШОУ. Қалблар парчаланадиган хонадон. Пьеса. (*Рус тилидан М.Хайруллаев тарж.*). ....127

### НАСР

А.АБДУЖАББОРОВ. Сўнгги қор. Қисса. (*Рус тилидан А.Файзулла тарж.*). ....49

И.КАЛАШНИКОВ. Қаттол аср. Тарихий роман. (*Рус тилидан М.Ўлдошев тарж.*). ....84

### ЭПОС – ТАФАККУР ДУРДОНАСИ

А.ПУМПУР. Лачплесис – латиш халқ қаҳрамони. Эпос. (*Рус тилидан М.Қўшмоқов, К.Жўраев тарж.*). ....79

### ДРАМА

Муҳаммад АЛИ. Навоий ва Бойқаро. Тарихий драма. ....13

### ГЛОБУС

### АРМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Арман адабиёти ва санъати манзаралари. ....146

Арман шеърляти. ....162

### АДАБИЙ САЁҲАТ

О.ОТАХОН. Дардкаш адиб. ....174

Г.МАТЕВОСЯН. Бегона. Қисса. (*Рус тилидан О.Отахон тарж.*). ....175

### ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ

Армен Жигарханян. ....199

Жанг Айлин. ....202

Муковамизда. ....201

Таквим. ....204

Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. ....206

# БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ

У Ўзбекистоннинг қийин дамлардаги етакчиси, мамлакатининг эркинлиги ва мустақиллиги учун кураш рамзи ҳамда республика учун тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи манбаи эди.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг замонавий тарихидаги энг муҳим сиймолардан бири бўлиб авлодлар хотирасида қолажак.

**Николае Тимофти**  
**Молдова Республикаси Президенти**

Ўзбекистон етакчиси бундан 25 йил олдин мустақиллик қўлга киритилган пайтдан бошлаб мамлакат тараққиёти учун ўзининг бутун кучини бағишлади. Бу давр ичида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ижобий ўсувчанлик касб этди. ГФР барча соҳалардаги ҳамкорликни давом эттиришга ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар сиёсатини шерик сифатида қўллаб-қувватлашга тайёрдир.

**Йоахим Гаук**  
**Германия Федератив Республикаси Президенти**

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти сифатида тарихдан жой олди. Мамлакат мустақиллиги ва суверенитетининг қўлга киритилиши, ривожланиши ҳамда мустаҳкамланиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда эришилган муваффақиятлар, қардош Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви унинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Ислом Каримовни Озарбайжонда кўп асрлик дўстлик ва бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаш анъаналарини мустаҳкамлашга, икки томонлама муносабатларни шакллантириш ҳамда изчил ривожлантиришга ҳисса қўшган самимий дўст сифатида билишади ва чуқур ҳурмат қилишади.

Ислом Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу сақланиб қолади.

**Илҳом Алиев**  
**Озарбайжон Республикаси Президенти**

Президент Ислом Каримов мустақил сиёсат йўлидан борди ва ўз халқининг ҳақиқий Йўлбошчисига айланди. Унинг донолиги, узоқни кўра билганлиги туфайли Ўзбекистон улкан муваффақиятларга эришди.

Ислом Каримовнинг республика тараққиёти ва фаровонлигига қўшган хиссаси мамлакат аҳлининг қалбидан алоҳида жой эгаллаган.

Ислом Каримов билан 1992 йилнинг июнь ойидаги биринчи учрашувимиздан буён унга ишончли ҳамкор сифатида муносабатда бўлиб келдим. Унинг ҳаётдан кўз юмиши Покистон учун буюк ва самимий дўстдан жудо бўлишдир.

**Навоз Шариф**  
**Покистон Бош вазири**

Жуда қаттиқ қайғудаман. Ислом Каримов буюк инсон ва Япониянинг хақиқий дўсти эди. Мамлакатингизга бир неча маротаба борганман ва у киши билан суҳбатлашганман. Бизга чин дўст бўлган Ўзбекистоннинг шаклланиши ва изчил ривожланиши буюк давлат арбоби Ислом Каримовнинг номи билан боғлиқдир. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатда ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорлик сақланиб турибди. Республика бундан кейин ҳам муваффақиятларга эришишига ва Япония билан дўстона муносабатларини сақлаб қолишига ишонаман.

**Таро Асо**  
**Япония Бош вазир ўринбосари, молия вазири**

Ислом Каримов ўз халқининг қалбида ва жаҳон сиёсатида жуда чуқур из қолдирди. Биз унинг номини, эзгулиги ва оқиллигини доимо ёдимизда сақлаймиз. Тарих ва авлодлар бу машҳур давлат арбобининг юксак салоҳиятига муносиб баҳо беришига ишонамиз.

Биз Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда самарали сиёсий тизим яратилиши ва кенг қўламли ислохотлар амалга оширилишидаги хизматларини қадрлаймиз. Ана шундай омиллар туфайли республика дунёнинг изчил ривожланиб бораётган мамлакатига айланди. Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни сақлашда Ўзбекистон раҳбари катта ўрин тутганини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўзбекистон Биринчи Президентининг ШХТ ривожига қўшган хиссаси юқори баҳога сазовордир. Унинг сиёсатчи сифатида узокни кўра билиши ва дипломатик маҳорати Ўзбекистоннинг 2015–2016 йиллари ШХТдаги раислиги даврида ҳамда ташкилотнинг Тошкент саммити юқори савияда ўтказилганида яққол намоён бўлди. Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланиши Тошкент саммитининг муҳим воқеаларидан бўлди.

**Рашид Алимов**  
**Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош қотиби**

Ислом Каримовнинг ҳаётдан кўз юмгани ҳақидаги хабарни чуқур қайғу билан қарши олдим. Бу ўрнини тўлдириб бўлмас йўқотиш муносабати билан ЮНЕСКО Бош директори ва ўз номидан Ўзбекистон халқига ва Президент оиласига чуқур ҳамдардлик билдираман.

ЮНЕСКО Ўзбекистон ва ташкилот ўртасидаги мустаҳкам

хамкорликни ривожлантириш бўйича Президент Ислом Каримовнинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан ижтимоий жабҳа, шу жумладан, таълим тизимини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг бой маданий меросини дунёга кенг тараннум этиш борасида муваффақиятларга эришилгани эътиборга сазовордир.

**Эрик Фолт**  
**ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари**

Сўнги 25 йил давомида биз мураккаб тарихий йўлни босиб ўтдик. Бугун минтақамиз умумжаҳон миқёсида катта аҳамиятга молик эканлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Ислом Каримов минтақамизнинг энг машҳур сиёсатчиларидан бири, десак, хато қилмаган бўламиз. Мен у билан Қирғизистон ва Ўзбекистонда, хорижий давлатларда, нуфузли тadbирлар, олий даражадаги учрашувларда кўп марта учрашганман. Хусусан, биз Қирғизистон учун қийин ва хатарли даврлар – 2005 – 2010 йиллар оралиғида бир неча бор юзма-юз мулоқотда бўлганмиз. Президент Ислом Каримовнинг қарорлари биз учун ўта муҳим аҳамиятга молик эди. Қирғизистоннинг ўша мушкул вазиятдан чиқиб кетишига Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти шароит яратди, десам, асло хато қилмаган бўламан. Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тиним билмай ишлаганига қойил қоламиз. Биз минтақамизда шундай раҳбар бўлгани билан фахрланишимиз керак.

**Роза Отунбаева**  
**Қирғизистон Республикасининг собиқ Президенти**

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда етакчи давлат бўлиб шаклланишида Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир. Мамлакат бой маданий меросга эга, ўзининг демократик институтларини ривожлантирмоқда. Мустақилликнинг 25 йили давомида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда улкан тараққиётга эришилди. Ўзбекистоннинг айнан ўзи Президент Ислом Каримовга қўйилган ҳайкалдир.

**Фредерик Понсонби**  
**Бирлашган Қироллик парламентининг Лордлар палатаси аъзоси, Британия – Ўзбекистон жамияти президенти**

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти мамлакатни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича улкан ишларни амалга оширдик, ўша даврнинг реалликлари ҳисобга олинмаган бўлса, бу шубҳасиз, мураккаб ва фавқулудда аҳамиятга молик бўлган миссия эди. Қисқа давр ичида Ислом Каримов республикани том маънодаги мустақил мамлакатга айлантирди.

Ўзбекистон Биринчи Президентининг вафоти республика аҳолиси учун жуда катта йўқотишдир. Ўзбек халқига мамлакатда мустақам тинчликни асрагани ҳолда, ўзининг Етакчиси аниқ-равшан белгилаб берган йўлни давом эттиришини тилайман.

**Роберт Блум**  
**Женева Дипломатия клуби президенти**



## ЭЛ-ЮРТИНИ ЎЙЛАГАН ИНСОН

Яратганнинг ишларига шак келтириб бўлмайдую, бандаи ожиз не-нидир ёмонга – хосиятсизга, ненидир эса яхшига – хислату ҳикматлига менгзаб, муносабат сездириб кетаверар экан. Билоштибох, мана шу йилимизни оғирроқ келди дейишга яқин кечмиш кўрғиликлар изн бераётгандек... Бахорнинг сўнгги кунда миллатнинг азиз фарзанди, беназир инсон, буюк шоир оғамиз Эркин Воҳидовни абадий оламга кузатдик. Кўзларда ёш, кўнгилда видо сўзлари билан дилхун кайфи-ятда қолдик. Уч ой ўтиб, куз ибтидосида Йўлбошчимиз сўнгги сафарга кетдилар. Ўттиз икки миллионли халқ етим бўтадек гирёну нолон алам чекиб, бу йўқотишнинг ўрнини не билан тўлдирмоқни билолмай, оҳ уриб юрибди. Мусибат кунларидан қирқ кун ўтибдики, хануз кўзларда ёш, қалбда армон ўчмайди. Қаерга борсанг, шу хусусда мавзу очилади, беистисно барча ўзининг не бир маъкул-номаъкул хабарини айтиб бўлгач, Юртбошининг руҳини шод этгувчи калом сўйлайди, тилак билдиради.

Водий томонларда бир қишлоқ бор – “кўзликлар” қишлоғи. Четдан қарасанг ҳеч бир қишлоқдан фарқи йўқ, туриш-турмуш, рангу ҳол – бори ўз ўзбегимизники каби тус-қиёфа бир хил одамлар. Лекин бир хислати борки, шу қишлоқнинг туб аҳолиси вакили азал-абаддан “кўзли” келаркан. Бировга тикилиброқ қараса, бирор кори ҳол юз бериши аниқ – ё бинойи юриб кетаётган одам ёки от тўсатдан қоқилиб йиқилади, ё ўз-ўзидан, ҳеч йўқ мункиб кетади ва ҳоказо. Юз йиллар оша синовдан ўтган бу ғалат ҳол унча-мунча одамни бу қишлоқдан чеккароқ юришга, одамлари билан кўпда мулоқот-муносабатга киришавермасликка мажбур этади. Чунки ўша ерларда не бир юмуш билан юрган одамга ҳеч бир сабаби бебаҳона “кўз тегиши” аниқ экан.

Билмадим, нега бу қишлоқ ҳақида кимдир, қачондир сўзлаб берган анвойи ҳолат шу тобда хаёлимга келди? Аммо шу сабаб тушунча – сўз бисотимда ўтроқлашган “кўз тегди” ибораси лоп-лоп тилимга келиб, афсусу армонларимни юзага чиқаряпти...

Ҳа, биз, ўзбекистонликларга недир бир совуқ назар инди – қаттол ўлим Юртбошимизни орамиздан олиб кетди...

Бир неча ой аввал Наврўз шодиёналарида, ундан бироз ўтиб, Тошкентда ниҳоятда муваффақиятли ташкил этилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари иштирокидаги саммитда шахду шиддатига, ғайрат-шижоатига ҳавас қиларлик даражада ўқтам,

некбин қиёфада кўришиб юрган Юртбошимизга қараб, биз, Ўзбекистон фуқароларида ҳам ўтаётган кунлардан розилик, эртанги кунга умид, келажакка барқарор ишонч туйғулари ҳукмрон эди. Нафақат бу, мамлакатимизнинг беистисно барча соҳаларда дадил ривожланиб бораётгани, халқаро миқёсда обрў-иззатимиз ошиб, қишлоғу кентларимизнинг обод бўлиб, юртдошларимиз турмушининг фаровонлиги ортаётгани, кексалар дуода, ёшлар катта марраларни кўзлаб, ёниқ тараддудида эканини кузатиб юриб, шоду масрур яшаётган, шу билан кўнглимизга хотиржамлик иниб, “ҳа, энди...” дея гурунғозликнинг авжиадосида нашъу намо топган эканмиз. Ўз-ўзимга савол бераман: қай биримиз бу сафолардан ҳаволанмай, шукроналик сурудини айтмай юргандик?! Наздимда, барчамизнинг қалбимизда кунларимиздан ризолик, хотиржамлик бор эди, тинчу осойишта, фақат ўзгаларни – арабу Африқо, Оврупою Амриқони, ўрису Украинани муҳокама қилиб, фикр айтиб, телевизору интернетда топган далилларимизни дастак қилиб, гурунғ бериб юрган эдик... Қарангки, Оллоҳнинг инояти кенг, яратиклари мўъжизавор, айна чоғда аъмоли фавқуллода, даб-дурустдан ҳам бўлиши мумкин экан. Кеча қулоч-қулоч табрик дарж этилган саҳифаларга бугун аламли видо лаҳжаси битилмоғи мумкин экан... Воассафо, Яратганнинг аъмолларига ҳад йўқ, барини мўминлик билан қабул этмакка қойиммиз... Бугун қарийб ўттиз икки миллионга етган Ўзбекистон халқининг ҳар бир фуқаросининг ўз Ислому Каримови бор. Кимгадир ота, дода, ака, бобо-бобожон, кимгадир Ислому Абдуғаниевич, Юртбоши, лидер – раҳнамо, йўлбошчи, мухтарам раҳбар бўлиб, ҳаётининг бир узвиға, ҳаёлу хотирасининг нури бир сиймосига айланган. У аллақачон тирик тимсол – идеалларимизнинг маёғи бўлиб қолган эди. У зот билан кўришганда нима учундир истиғфорға мойил соме бўлиб, йиғлагинг келарди, ўпканг тўлиб, дийданг юмшаб кетарди, гарчи недир бир вазифадорлик юмуши билан ҳузурида турган бўлсанг ҳам...

Ислому Каримов ўзбек халқи тарихида Амир Темурдан кейин олти аср ўтиб янги мустақил давлатчилик асосларини яратиб, уни бунёдкорлик ила ободу фаровон этиб, жаҳонга юзлатган, ҳар жабҳада тараққиётга эриштира билган улуғ Йўлбошчи – Юрт отаси бўлди. Одатда бундай ҳодисаларға нисбатан Миллат ходими, Миллат отаси сифатларини бериш туркий дунёда урф бўлган. Масалан, Исмоил Гаспирали, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мустафо Камол Отатурк каби. Лекин Ислому Каримов айнан соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари каби фақат миллат учун эмас, балки бори юрт, шу маъво-маскандаги бори миллатлар, эллатларға саодат бағишлаб, уларни истиқлолга олиб чиқди ва истиқболға бошлади. “Мен ҳеч кимдан қўрқмайман!”, “Нима қилсам халқимға суяниб қиламан”, “Халқим учун жонимни бераман” деган шахду изҳорларида айнан юртға Оталигининг, улуғ Йўлбошчилигининг назарий шаҳодатлари бор. Амалдагисига эса барчамиз гувоҳмиз...

*Темурийлар хонадони бир бўлса агар,  
Туркистонға на заволи бор, на хавфу хатар.*

Атоқли шоир ва драматургимиз Мақсуд Шайхзода “Мирзо Улуғбек” асарида Мирзо Улуғбек тилидан шу сўзларни айтган эди. Назаримда катта ижодкорларнинг асарлари, ҳаттоки ҳар бир сўзи эскирмай, балки ўз долзарбланиш палласини кутиб тургандек. Шу маънода ўша сўзларни бироз таҳрирлаб:

*Ўзбекистон фуқароси бир бўлса агар,  
Ўзбекларга на завол бор, на хавфу хатар, –*

дея ҳозирги вазиятимизга чақириқ ўлароқ баралла айтгинг келади. Зеро, аввало, беназир Юртбошимиз барчамизнинг қонимизга байналмилаллик руҳини, ягона Ўзбекистон тушунчасини сингдириб кетди. Нафақат сўзда, балки амалий фаолиятда, ҳаттоки ўз таржимаи ҳоли билан; яъники, Самарқандда туғилиб, Фарғона водийсига куёв бўлиб, Тошкентда ўқиб, ишлаб, Қашқадарёда йирик раҳбар – раҳнамо-йўлбошчи ўлароқ шаклланиб... Бизга энди фақат Юртбошимизнинг сўзу амаллари, ҳаёт ибратларига эргашиш, риоя қилиш, бардавом этиш қолди, холос. Шугинага яраб юрсак ҳам дунё пештоқиға тикилган туғимизга муносиб бўла биламиз.

Шу фикрлар хаёлимдан ўтиб турганда татарларнинг навжувон ёшда ёниб ўтган шоири Фотиҳ Каримнинг куйидаги жўнгина, аммо мазмуни қалбга ботадиган сатрларини ўқиб қолдим:

*Айтай десанг, айтар сўзинг кўп,  
Эринмасдан бўлар сўйласанг.  
Узун гапнинг қисқачаси шу:  
Узоқ яшай дея ўйласанг,  
Ўз элингни ўйла ҳар қачон.  
Ўлим ҳақда ўйлама ҳаргиз.  
Эл-юртини ўйласа инсон,  
Умри узун бўлар шубҳасиз.*

*Шухрат РИЗАЕВ*





## Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

### СЕНСИЗ

*Бормаким, бир дам ўзумни била олмон сенсиз,  
Келки, бир лаҳза таҳаммул қила олмон сенсиз.*

*Чиқма кўнглумдин, ўлар вақтким ул гурбатда,  
Жону тан кишваридин айрила олмон сенсиз.*

*Бода базмида нишотим тиласенг, соқий бўл  
Ки, майи кавсар ичиб, очила олмон сенсиз.*

*Майи ишқинг била бехудмен, агар ҳуш манга  
Истасанг, кел бериким, ойила олмон сенсиз.*

*Гулу булбулдек отим сенсиз эмас эл тилида,  
Шукрким, сўзда доғи айтила олмон сенсиз.*

*Не гам оворалигим, жоним аро чун сенсен,  
Истаган элга доғи топила олмон сенсиз.*

*Чун Навоий сени кўрмай нафасе билмас ўзин,  
Бормаким, бир дам ўзумни била олмон сенсиз.*

**“Бадоеъ ул-васат”, 221-газал**

ЛУҒАТ:

Таҳаммул – сабр-тоқат, чидам  
Гурбат – ғариблик, мусофирлик  
Кишвар – мамлакат, ўлка

Нишот – шодлик, хурсандлик  
 Бехуд – ўзидан кетган, хушсиз  
 Ойилмоқ – хушёр бўлмоқ, ўзига келмоқ  
 Доғи – тағин, яна  
 Нафасе – бир дам

### Ғазалнинг насрий баёни

*Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи*

1. Кетма (эй ёр), сенсиз бир дам ҳам ўзимни била олмайман. Келгилки, бир лаҳза ҳам сенсиз сабру тоқат қила олмайман.
2. Сен менинг кўнглимдасан (эй ёр), кўнглимдан чиқма, сенсиз мусофирликда ўладиган бўлсам, бу жисм мамлакатидан сенсиз айрила олмайман.
3. Агар май базмида менинг хурсандчилигимни истасанг, май қуювчи (соқий) бўл, чунки сен бўлмасанг, жаннат сувини ичсам ҳам, шод бўлолмайман.
4. Сенинг ишқинг майи билангина хушсиз (маст) бўламан, агар менинг ақл-хушдан бегона бўлмаслигимни истасанг, бери келки, сенсиз хушёр ҳам бўлолмайман.
5. Халқ ошиқлар ҳақида гапирганда, “гулу булбул”ни тилга олади, шукурлар бўлсинки, сенсиз эл тилида номим ҳам айтилмайди.
6. Ишқ йўлида овораю сарсон эканимдан сира ғамим йўқ, чунки жоним ичра жон сенсан. Мени қидирганлар ва кўрмоқ истаганлар сенсиз асло топа олмайдилар.
7. Навоий сени бир нафас кўрмаса, ўзини биллолмай қолади. Кетма (эй ёр), сенсиз бир нафас ҳам ўзимни била олмайман.

### Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ишқий мавзуда бўлиб, ёрга мурожаат тарзида ёзилган. Маълумки, мумтоз адабиёт, хусусан, Алишер Навоий ижодидаги анъанага кўра, “ёр” сўзи замирида гўзал маъшуқа билан бирга дўст, пири комил, Пайғамбаримиз (с.а.в.), Оллоҳ ҳам назарда тутилади. Мазкур ғазал юқоридаги маъно қатламларининг ҳар бирини муайян тарзда мужассамлаштира олиш хусусияти билан шоирнинг ўзига хос ғазаллари сирасига киради. Ғазал лирик қаҳрамоннинг ёрсиз бир лаҳза ҳам яшай олмаслик ҳақидаги иқрори билан бошланиб, яна шу иқрор билан яқун топади. Бу иқрор ғазалда раддул матлаъ санъати воситасида намоён бўлган. Яъни ғазални бошлаган “Бормаким, бир дам ўзумни била олмон сенсиз” мисраси бевосита яна унинг яқунини таъминлаган, бошқача айтганда, ғазални бошлаган мисра ғазални яқунлаган. Мумтоз адабиётдаги ишқ талқинига кўра, ёр ошиқнинг кўнглида макон тутди, кўнгил эса жисм мамлакатининг шоҳидир. Агар ёр кўнгилни тарк этса, жон жисмни тарк этгани билан баробардир, ғазалнинг иккинчи байтида ана шу маъно мужассамлигини кўриш мумкин. Учинчи байтда

лирик қаҳрамон ёрнинг май базмида соқий бўлишини истаяпти, чунки фақат ёр май куйсагина, ошиққа шодлик онлари насиб этиши мумкин. Агар мажозий маънода соқийни устоз ва пири комил деб талқин қилсак, байт мазмуни ойдинлашади: илоҳий ишқ файзидан фақат устоз ёрдамидагина баҳраманд, бу баҳрамандлик орқали эса шодумон бўлиш мумкин. Байтда “ёрсиз жаннат майини ичиб ҳам маст бўла олмаслик” билан боғлиқ фикрларнинг келтирилиши ҳақиқий ошиқнинг мақсади жаннат эмас, балки Ёр (Оллох) висоли эканлигига ишорадир. Кейинги байтда ушбу маънонинг янада кенгайиб, чуқурлашиб борганлигини кўриш мумкин.

Халқда, шу орқали адабиётда ошиқ маъшукларни гулу булбулга менгаш бор. Эл тилида гул булбулсиз, булбул гулсиз таъриф қилинмайди. Бешинчи байтда лирик қаҳрамон ёрга мурожаат қилиб, агар у бўлмаса, ўзининг ошиқ сифатидаги номи ҳам халқ орасида тилга олинмаслиги, навоийёна таъбир билан айтганда, “сўзда айтила олмас” лигига шукрона келтиради. Ғазалнинг ушбу ва юқоридаги байтларида шоирнинг ғоят усталик ва маҳорат билан “сенсиз” радифини ёрсизлик билан боғлиқ барча ҳолатлар учун қўллаб, ажойиб поэтик ташбеҳлар яратганлигини кузатиш мумкин. Кейинги байт ҳам шу фикрни далиллайди: ошиқ ёрсиз овораю сарсон, бундан унга ғам йўқ, ким уни топмоқчи бўлса, энди излаганнинг ўзи овора бўлади, чунки ошиқни ёрсиз топиш амри маҳол. Мазкур икки байт энди ғазалдаги дунёвий мазмуннинг торайиб, мажозий маъно қатламлари кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Ғазалнинг ҳар бир байтини ёрсизлик ҳолатининг муайян тарздаги таърифига бағишлаган шоир мақтаъни умумий хулоса сифатида ёрсиз бир нафас ҳам яшай олмаслиги ёки сўз ўйини тарзида қарасак, нафас ҳам ололмаслиги (“нафасе билмас”) билан боғлиқ иқроп билан яқунлайди.

Умуман олганда, мазкур ғазал Алишер Навоийнинг бадиияти юксак, мазмуни чуқур асарлари сирасига мансуб бўлиб, ундан ҳам дунёвий, ҳам мажозий маъно қатламларига доир фикрларни топиш мумкин.

### Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Всеволод  
РОЖДЕСТВЕНСКИЙ

11

*Будь со мной! Я жить не в силах и мгновенья без тебя.  
Приходи! Минута даже мне мученье без тебя.*

*В смертный час останься в сердце: ведь для дальнего пути  
Трудно духу с бранным телом разлученье без тебя.*

*Если радости мне хочешь, виночерпий, на пиру,  
Знай, не даст вино Кавсара опьяненья без тебя.*

*Я сознания лишился от вина любви твоей,  
Приходи: мне невозможно пробужденье без тебя.*

*Соловей, влюбленный в розу, стал в народах знаменит, –  
Мне же слова не подскажет вдохновенье без тебя.<sup>1</sup>*

*Если на любви дорогах ты живешь в моей душе,  
То не зря мои скитанья и смятенье без тебя .*

*Если без тебя рассудком помрачился Навои,  
То вернись: ведь нет рассудку просветленья без тебя!*

### **Ғазалнинг инглизча таржимаси**

*Таржимон – Аъзам ОБИД*

*Do not leave me, I might cognize myself not a moment sans you,  
Come closer, even not a second I can be tolerant sans you.*

*Be always in my heart, it is yours, but if I perish in outland  
To get rid of the body's state it would be big torment sans you.*

*Be a cupbearer if you want me to enjoy the wine feast,  
Since tasting the Eden water I feel not enjoyment sans you.*

*With your vinic love I can get drunk, to be sober-minded  
I will call you to come here, I may not be potent sans you.*

*People talk about lovers like a flower and nightingale,  
Fortunately I will not be mentioned in their comments sans you.*

*I don't mind being a wanderer since you are my only soul,  
Whoever wants to see and seek for me might be ignorant sans you.*

*Navoi just faints away, if he does not find you in,  
Do not leave me, I might cognize myself not a moment sans you.*

<sup>1</sup> Ушбу байт Вс. Рождественский таржимасида нима сабабдандир тушириб қолдирилган. Биз уни шоир ва моҳир таржимон Николай Ильин ёрдамида тикладик ва у кишига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз. – Таҳр.



**DRAMA**

Jahon  
ADABIYOTI



*Муҳаммад АЛИ*

(1942 йили туғилган)

## НАВОИЙ ВА БОЙҚАРО

*Беш парда, ўн кўринишли тарихий драма*

### ИШТИРОКЧИЛАР:

АЛИШЕР НАВОИЙ – улуғ шоир  
БОЙҚАРО – Султон Хусайн, Хуросон салтанати ҳукмдори, подшо  
БАДИУЗЗАМОН МИРЗО – Бойқаронинг катта ўғли, валиаҳд шахзода  
МУЗАФФАР МИРЗО – Бойқаро ўғли  
МЎМИН МИРЗО – Бойқаро набираси, Бадиуззамон Мирзо ўғли  
НИЗОМУМУЛК – салтанат вазири аъзами  
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД – буюк мусаввир  
ҲАДИЧАБЕГИМ – маҳди улё, султоннинг севикли хотини  
ОПОҚБЕГИМ – султон хотинларидан бири, бефарзанд аёл  
ХОНДАМИР – муаррих  
МУҲАММАД БАДАХШИЙ – олим, Навоий дўстларидан  
ПАРВОНАЧИ – сарой мансабдорларидан  
ҚОЗИКАЛОН – мансабдорлардан  
АМИР САЪДВАҚҚОС – Хуросон салтанати лашкарбошиси,  
амирлашкар, Ҳадичабегим жияни  
СУЛТОН АЛИ МАШҲАДИЙ – моҳир хаттот  
АМИР БОБОАЛИ – Навоийнинг жияни  
ДАВЛАТБАХТ – канизак  
СУМАНСО – канизак  
АЁЛЛАР  
МУНШИЙ  
НАВКАР  
ДЕВОНА  
БЕКЛАР, ЧОПАРЛАР, ЖАРЧИЛАР, КАНИЗАКЛАР, САРОЙ  
МУЛОЗИМЛАРИ, ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ

13

JAҲОН АДАБИЙОТИ 2016/9

## Муқаддима

*Парда олдида ҳеч ким йўқ. Ортада, узоқда тўпланаётган одамларнинг элас-элас шовқинлари эшитилиб туради. Эркаклар, аёлларнинг овозлари қулоққа чалинади. Чандан қирқ ёшлардаги рассом Беҳзод, ўнг томондан йигирма беш ёшлардаги тарихчи Хондамир кириб келадилар.*

### Хондамир

*(қўли кўксиди)*

Санъатимиз куёшига салом, ассалом!

### Беҳзод

Тарихимиз юлдузига бори эҳтиром!

*Кўришадилар.*

### Хондамир

Бугун пойтахт ўзгачадир, ўзгача Ҳирот...

Сизга айтсам, томошага келмиш коинот!

*(атрофга ҳавас билан боқиб)*

Ростдан рўйи замин қалби эрур бу маъво –

Ҳирот... Унга нақ куёшнинг ўзи раҳнамо!

Она шахрим яшнаб, обод бир чаман бўлди,

Дўстлар қувнаб, душман кўнгли мустамад бўлди.

### Беҳзод

Бахтимизким, шу шаҳарда туғилдик бизлар,

Улуғ тупроқ фарзандим деб бизни азизлар.

Не тонг бўлса, одил шоҳнинг мамлакати хур,

У халқининг боши узра сочгай гавҳар, дур,

У куёшдай нур таратар, эл-юрт баҳраманд,

У юртининг посбонидир, ёв беролмас панд!

Дўконларда шамлар ўчмас шомдан то саҳар,

Масжидлару хонақоҳлар очиқ сарбасар,

Кечаларда оналарнинг тинмас алласи,

Эшитилар боғ-роғлардан ёшлар ялласи.

Момолар чарх йигиришар, чарх сасига жўр –

“Юрт тинч бўлсин!” деб ўқишар дуолар масрур.

### Хондамир

Олимлари рисоалар битар у ҳақда,

Шоирлари назм иншо этар у ҳақда.

Бастакори шарафига яратар куйлар,

Хонандаси ошиб-тошиб кўшиқлар куйлар!

Шундай подшо бизда бўлсин, деб ўзга халқлар,

Орзу қилса, ҳавас қилса, тамоман ҳақлар!

### Беҳзод

Барин-барин сабабчиси – юрт дориламон,

Шоҳ ёнида дўсти бордир, шоири замон!  
 Навоий ва шоҳ Бойқаро – ялакат мағиз,  
 Ҳар иккиси азиз, азиз, азиздан азиз!  
*(таъзим қилади)*

### Хондамир

Бундай дўстлик учрамагай ҳануз жаҳонда!  
 Васф этсалар арзир уни шеърда, дostonда!  
 Сизга айтсам, тенги йўқ зот улуғ Алишер,  
 Шерлар ичра занжирбанд шер, аммо олий шер!  
 Султон ила Алишернинг тарихи ажиб,  
 Бир-бирига болалиқдан эрурлар ҳабиб.  
 Бир-бирисиз ўтмас эрмиш сабоқ чоғлари,  
 Шовқинларга тўлар эрмиш мактаб боғлари.  
 Бир кун устоз расм чизмиш – бир бош, бир қилич...  
 “Ақл бирлан шарҳлангизлар!” Унда бир илинж:  
 Зехнларни синамоқчи эрдилар устоз...  
 Қиличга шеър ёзмиш Султон бағоят мумтоз.  
 Бош таърифин қилмиш битиб Алишер ғазал,  
 Истиора, ташбеҳлари гўзалдан-гўзал...  
 Ҳар иккисин қучоғига олди-да устоз,  
 Таважжуҳ-ла дуо қилди кўп баландпарвоз:  
 “Не тутсангиз олтин бўлсин, сира бўлманг кам,  
 Сиз, Темурий, қиличингиз тутингиз маҳкам!  
 Зўр саркарда бўлажаксиз, шижоат бисёр,  
 Иншоолло, юрт тузгайсиз, пуркуч, устувор.  
 Темурийлар салтанати давом этгувси,  
 Олис-олис замонларга омон етгувси!..  
 Сизда эса, сўзингизда илоҳий учқун,  
 Ловуллаган олов бўлиб ёнажак бир кун!  
 Кўнгилларнинг пучмоқларин ёритгай тамом,  
 Ер-осмонни қамраб олгай дунёвий илҳом!  
 Ўшал учқун тутантирик олгай аланга,  
 Ёндиргувчи шароралар сочгай оламга!..  
 Ё Ҳақ худо, шогирдларим иқболини бер,  
 Насиб этсун, кўрай, ёрқин камолини бер!  
 Умрларин пурмазмун қил, ҳикмат ато эт,  
 Андозага сиғмас ёруғ қисмат ато эт!..”

### Беҳзод

Бешак-шубҳа, ҳали-ҳамон ўша дуолар  
 Икки дўстнинг йўлларига сочар зиёлар.  
 Боқинг, султон Алишерга маҳрами асрор,  
 Ундай улуғ дўстдан ўзга, айтинг, кими бор?  
 Шоҳ ҳар доим хабардордир хайру коридан,  
 Аламию қувончию йўқу боридан.  
 Шоҳнинг айтғон ҳар каломи шоирга илҳом,

Йироқ кетса, шоҳдан интиқ кутгайдир пайғом...

### Хондамир

Ижод деган боғда “Хамса” отлиғ чаман бор,  
 Дурдоналар ичра номи номдор, жарангдор!  
 Бироқ иншо этилмишдир форсийда, холос,  
 Болалиқдан шоир орзу қилганлиги рост,  
 Истар эди, “Хамса” бўлсин она тилида,  
 Улуғликни ҳис этолсин барча дилида!  
 Устод Жомий демиш: “Илик “Хамса”га сунсанг,  
 Худога ҳам ёқар, бўлгай мақбул, урунсанг.  
 Ва лекин бу эрмас осон: ўрмонга кирмоқ,  
 Ё туби йўқ денгиз ичра қўркмай бош урмоқ –  
 Каби қисмат кутгай сени...  
 Икки наҳанг, шер  
 Низомий ва Дехлавийлар паҳлавон, далер,  
 Уларга тенг келмоқ керак, бу мушкул юмуш,  
 Мушкул юмуш дея, аммо бўлмагил хомуш!  
 Алар наҳанг, шер бўлсалар, сен филга қиёс,  
 Қаламингни маҳкам тутгил, дадил қадам бос!  
 Туркийда ҳеч тенгинг йўқдир, сен ҳам далерсен,  
 Бир сўз бирлан айтар бўлсам, сен – Алишерсен!”

### Бехзод

Хўб дебдурлар! Биз ҳам айлаб саъи журъатлар,  
 “Хамса” учун чизмишдурмиз хейли суратлар.  
 Мутолаа айлаб чиқдим буюк “Хамса”ни,  
 Ёпирайин, яшнаб кетди кўнгил чамани!

### Хондамир

Шоҳ Ғозий ҳам бош кўтармай бир ой мук тушиб,  
 Ҳайратларга чўмибдурлар “Хамса”ни ўқиб!..  
*(Пауза)*  
 Сизни излаб юрғон эрдим, устоди киром...

### Бехзод

Биз ҳам сизга интиқ эрдик... Мухтасар калом:  
 Арк олдига чорлабдурлар Навоий устод.  
 Шоҳ шарафлар шоир дўстин, айлаб эътимод.

### Хондамир

Қани, кетдик.

### Бехзод

Кетдик!

*Чиқадилар.*



## Биринчи парда

### Биринчи кўриниш

*Темурийлар салтанати пойтахти Ҳирот. Ортада шаҳарнинг олис-яқин манзаралари, миноралар, дабдабали биноларнинг пештоқ ва қуббалари кўзга ташланади. Подшо Арки олдидаги кенг майдон. Карнай-сурнайлар, ногоралар овози борлиқни тутган. Шодиёна оҳанглари янграйди. Халқ тўлқини у ёқдан-бу ёққа оқади. Бу ерда донгдор амирлар, номдор беклар, лашкарбошилар, сарой аъёнлари, мулозимлар, Ҳирот зодагонлари, сайиду машойихлар, қозилару қорилар, фозилу фузало, вазиру вузаро, хатиблару воизлар, мутаваллию мударрислар, талабалар, таниқли усталар, меъмору муҳандислар, оддий халқ вакиллари учратиши мумкин. Драманинг барча иштирокчилари сахнада одамларнинг ичида юришади. Аста-секин шовқин-сурон пасаяди. Одамлар ўзларини орқароққа ола бошлайдилар (орқадагилар сахнадан аста-аста чиқсалар ҳам, халойиқ сахнани ўраб тургандай таассурот қолаверади). Саҳнанинг ўртаси очила боради.*

#### 1-овоз

*(ёнидаги шеригига)*

Подшомиз яна ўғил кўрибдиларми?

#### 2-овоз

Балх жангида шоҳимиз Бадиуззамон Мирзони енгиб ғалаба билан қайтган бўлсалар керак-да!

#### 3-овоз

Амир Низомиддин Алишер тагин саройга қайтган эмишлар, деб эшитдим. Ростми?

#### 1-овоз

Йўк, суюкли набира Мўмин Мирзонинг кокил тўйларини ўтказишмоқда, шекилли!

*Ўнг томонидан Биринчи жарчи киради.*

### Биринчи жарчи

Хоқони мансур Шоҳи Ғозий Султон Соҳибқирон Абулғози Баҳодирхон Султон Ҳусайн Бойқаро ибн Ғиёсиддин ибн Мансур Мирзо ибн Бойқаро Мирзо ибн Умаршайх Мирзо ибн Амир Темур Кўрагон ҳазратлари ташриф буюради-л-а-а-ар!..

*Қийқириқ кучаяди. Саҳнанинг ўнг томонидан Музаффар Мирзо, Низомумулк ва бошқа сарой аъёнлари қуршовида шоҳона либосда Бойқаро чиқиб келади.*

## Бойқаро

*(у ёқдан-бу ёққа юриб, ўзича)*

Ғазал мулкин султони ул, Соҳибқирони,  
 Жаҳонларни айлағай жам унинг жаҳони.  
 Она тилин ардоқламиш, меҳру ҳавас-ла,  
 Ўлғон тилга жон, руҳ бермиш, Масих нафас-ла.  
 Ғўзал ғазал, зариф қалбдан тўкилғон дурлар,  
 Суҳанварлар лабларига босмиш муҳрлар.  
 Ўз тилимиз бўстон бўлмиш, чаманлар очмиш,  
 Навоийнинг шеър махзани зар-ғавҳар сочмиш.  
 Шеърнинг азим майдонида сурар экан от,  
 Боқиб еру кўк дермишки: “Минг-минг ҳасанот!”  
 “Ҳамса” мени лол айлади, тинмай туну кун  
 Мутолаа этдим, бари афсуну афсун!  
 “Ҳайрат ул-аброр” да яшнар таҳ-батаҳ гуллар,  
 Турфа-турфа гул саралаб олур кўнгуллар.  
 “Фарҳод ила Ширин” – ошиқ-маъшуклар ёди,  
 Дунёларга сиғмай қолди оху фарёдим!  
 “Лайли-Мажнун” водийсида ишқим мавж уриб,  
 Яқо тутдум, ишқнинг нечоғ поклигин кўриб!  
 Суҳбатларга чорлар мени “Сабъаи сайёр”,  
 Дунёларни кезиб чиқдим, кўнглимда виқор!  
 Битди “Садди Искандарий”, шоир кўп хурсанд,  
 Зулм йўлин тўсди, девор тиклаб сарбаланд!  
 Саҳифама-саҳифа-ю барин жам этмиш,  
 Анга “Ҳамса” деб қўймиш от, муқаррам этмиш!..  
*(халққа қараб)*

Тиллар қосир назм васфида, ожиз каломлар,  
 Каломининг таърифида синар қаламлар.  
 Гар Низомий назм аҳлининг устои эрур,  
 “Ҳамса” дебон кетғон умри ўттиз йил турур.  
 Мир Хусравким, “Ҳамса” битмиш, қудратда нақ фил,  
 Таснифига сарф айламиш олти-етти йил.  
 Алишернинг шиддатида бор буюк маъни:  
 Ўттиз ойда иншо этмиш улуғ “Ҳамса”ни!  
 Ё Оллоҳим, шундай қудрат берибсен, шукр,  
 Миллатга ҳам шаъну шавкат берибсен, шукр!

*Саҳнанинг чап томонидан Иккинчи жарчи киради.*

## Иккинчи жарчи

Ҳидоят соҳиби, дину давлат арбобларининг сараси, хайру эҳсонлар пешвоси, салтанат устун, подшоҳларнинг қўлидан етакловчи, хоқон давлатининг умиди, султон ҳазратларининг яқин дўсти, ҳақиқат ва дин низоми – Низомиддин Мир Алишер ҳазратлари ташриф буюради-л-а-а-ар!..

*Ўзининг яқин дўстлари кузатувида Навоий кўринади. Ортда Маиҳадий, Бобоали, Бадахший, Беҳзод, Хондамирлар келишади.*

*Икки сирдош дўст, Шоир ва Шоҳ бир-бирига пешвоз қадам ташлайдилар ва қучоқ очиб кўришадилар. Сурон кучаяди ва пасаяди.*

### **Бойқаро**

Аҳсан-аҳсан... Сўз демакка ожизмен, ожиз,  
 Фақат лолмен, лол қолгандек Куръондан хофиз...  
 Парвардигор илҳомини тўкиб солибдур,  
 Жумла жаҳон, еру осмон ҳайрон қолибдур.  
 Мақтов эмас... Шижоатни кўриб: “Оҳ!” дедим,  
 Қудрат шундоқ бўлурми деб, “Ё, Оллоҳ!” дедим.  
 Тўғри сўзни айтсанг, шунинг ўзи мақтовдир,  
 Билурсизки, улус иши алғов-далғовдир,  
 Улус тараддуди, вале эл можароси,  
 Хос инсонлар икромия авом ғавғоси,  
 Золим зулми, тааддиси, мазлумнинг доди,  
 Раоёнинг ғулусию аскар барбоди –  
 Боғлаб ташлар кишини... Воҳ, фурсат топиб, сиз  
 Қандай қилиб шундоқ буюк “Хамса” битдингиз?

### **Навой**

*(қўлини кўксига қўйиб)*

Рост, улуснинг ташвиши кўп: жанжаллар лофи,  
 Бор-йўк, миш-миш, чину ёлғон сўз ихтилофи –  
 Бари қўлим тутар эрди... Этдирсам давом,  
 Хўп узайиб кетар сўзнинг риштаси тамом.  
 Кошки эди, Оллоҳимдан рағбатим бўлса,  
 Замон изн берса, кошки, толеим кулса,  
 Мен “Хамса”ни – беш дostonни битирсам, дердим,  
 Шундоқ улуғ ёруғ орзу дардида эрдим...

*(Пауза)*

Шукрларким, шеър завқи тортди комига,  
 Тасаннолар тўлиб-тошғон Ҳақ илҳомига!  
 Кун билан тун жой талашар, кутишар навбат,  
 Бир-бирига ён беришга қилишмас тоқат,  
 Дақиқалар қиммат эди, соатлар азиз,  
 Ижод дебон қалбдан чиққан тоатлар азиз...  
 Кўзларимга келар эди қисилиб уйку,  
 Юммоқ истаб солар эди кўнгилга қутку.  
 На емоққа, на ичмоққа, на мизғимоққа  
 Фурсатим йўқ, вақт мусоид этмас шу чокда...  
 Саҳфа узра югурадир қаламим, ёху,  
 Сиёҳ эмас, тўкиладир доводдан инжу...

### **Бойқаро**

*(сўзни бўлиб)*

Таъзим сизга таъзим, бошим ерга теккунча,  
 Тин билмадим токи охир ўкиб чиккунча.  
 Тунлар уйкум қочмиш, ҳайрат чулғамиш тамом,  
 Шунчалар ҳам нағмапардоз бўлғайму илҳом!

**Бадахший**

Подшои олам! Устод Навоий ёшлик чоғларида Фирдавсийнинг “Си сол бурдам ба “Шоҳнома” ранж” – яъни “Шоҳнома”ни ёзиш учун ўттиз йил меҳнат қилдим” деган сўзларини ўқиб, агар Ҳақдан фурсатим ва рағбатим бўлса, “БитигаЙмен ўттиз йилин ўттиз ой!” деб юборган эканлар. Ҳаққаст рост! Низомиддин Мир Алишер “Хамса”ни ўттиз ойда ёзиб битирдила-а-ар!

**Низомумулк**

Юксак мақтовларга сазовордир!

**Музаффар Мирзо**

Устозга офаринлар айтмоқ вазифамиздур.

*Ҳамма сурон солиб Навоийни қутлашга тушади. “Фақат аҳсану аҳсан демак лозим!”, “Офарин!”, “Офарин!” деган овозлар янграйди.*

**Бойқаро**

Шоир эрур сўз мулкининг кишваристони,  
Қаю кишваристон, балки Хисравнишони.  
Демагил Хисравнишонким, рост қаҳрамони,  
Мақбул бўлгай магар десанг Соҳибқирони!

*Бойқаро Навоий билан тагин қучоқлашиб кўришади. Улар давра кезиб юра бошлайдилар. Олқишлар янграйди.*

**Бойқаро**

*(аллақандай таважжухда Навоийга)*  
Мураккабдур фоний дунё ҳаёти, дўстим,  
Махфий дақойиқин анинг англаб етгон ким?

**Навоий**

Ҳа... ҳа... ҳеч ким англаб етмас илоҳий сирни,  
Бандасига насиб этди ёлғиз тафсирни.  
Филҳақ, умр фоний эрур, қай ерда нажот?  
Абадийдур фақат, ҳалол мардона ҳаёт!

**Бойқаро**

*(жиддий)*  
Рост дедингиз, Мир Алишер... Айтсам, ўзаро –  
Ҳал бўлмасдан келар кўпдан битта можаро...

*Ҳамма ҳайрон, саросимада.*

**Навоий**

*(таажжубини яшириб)*  
Тортинмасдан айтсунлар...

**Бойқаро**

Хўш... айтсам, Алишер,  
Буни билиб эшитишгач, эл-улус не дер?..

*Атрофдаги аъёнлар саросимага тушиб бир-бирларига қарайдилар.*

**Навой**

*(ҳайрон)*

Субҳонолло! Не деюрлар, наҳот бу гап рост?  
 Бундоғ нохуш сўздан ўзинг айлагил халос!  
 Болалиқдан бирга дўстмиз, қадрдон, расман,  
 Бирон кор-ҳол бўлғонини эслай олмасман.  
 Наҳотки, мен ноқис банда, ожиз ва ҳақир,  
 Сиздай зотни ранжитишга ботинсам? Ахир  
 Бир умрлик дўстим дея билурмен сизни,  
 Гар гумроҳлик қилғон эрсак, кечиринг бизни...

**Бойқаро**

*(жиддий)*

Мир Алишер... ўртамизда бир можаро бор,  
 Руҳим қийнар, кечалари айлайди бедор.

**Навой**

*(қўл қовуштириб)*

Очиқ айтинг, ҳукмингизга интиқмен, шоҳим,  
 Жазога ҳам тайёрдурмен, бўлса гуноҳим,  
 Буюрингиз...

**Бойқаро**

Бир мушкул бор, аниқлаш даркор,  
 Ўша қийнар, кўнглимни ҳам этар беқарор.  
*(овозини кўтариб, халққа қараб)*  
 Низомиддин Мир Алишер – низоми диндур,  
 У ўз халқин виждони, бу – ҳақиқат, чиндур!

*Подшо баҳосидан барча ҳаяжонда, сурон кўтарилиб, пасаяди.*

**Бойқаро**

Мен – Хуросон шаҳаншоҳи, теурийзода,  
 Қўл кўксимда, кўнглимдагин айлай ифода:  
 Кўпдан орзум: ўзларини пир деб атасам,  
 Муридингиз бўлайин, деб айласам қасам...  
 Адо этсам инсонийлик бурчим ихлос-ла,  
 Бу қувончни айтиб бўлмас ҳеч бир қиёс-ла!

**Навой**

*(сал қизшигандай, қўлини кўксига қўйиб, у ёқдан-бу ёққа юрар экан)*  
 Субҳонолло!.. Бу қандоқ сўз? Худо асрасун,  
 Бундоқ хунук ният йўқдур, гапнинг сираси!  
 Бундай сўзни айта кўрманг, гуноҳ бўладур,  
 Инс ҳам, жин ҳам чапак чалур, душман куладур.  
 Тўғри йўлдан адашмангиз! Айтсам, сиримиз:  
 Аслида биз муриддурмиз, сизсиз – пиримиз!

**Бойқаро***(бош чайқаб)*

Пир муридни пирим деса... Алишер, йўқ, йўқ!  
 Бундоғ сўзни демакка ҳеч берилмас ҳуқуқ!  
 Хў-ўш, пир киму мурид кимдир?

**Навоий**

Осмон билан ер,  
 Пир тилагин мурид бешак ўз тилагим, дер.

**Бойқаро***(мийигида қулиб)*

Пир тилаги, демак, мурид тилаги эрур...

**Навоий**

Шундоғ, шоҳим.

**Бойқаро***(ўйланиб)*

Пир тилаги муриднинг турур...  
 Пир не деса, мурид учун вожиб бегумон...  
*(хизматкорлардан бирига буюриб)*  
 Зудлик бирлан оқ отимни келтиринг буён!

*Гижинглаган, кишнаган олтин юганли, кумуш узангили  
 оқ отни келтирадилар. Ҳамма ҳайратда, ҳаяжонда.*

Парвардигор ўз бандасин қўймас ноумид:  
 Агарчи мен пирингизмен, сиз эса мурид,  
 Бас, мен сизни пир атармен – Ҳақдан ирода!  
 “Ҳамса” учун ош тортилура Жаҳонорода.  
 Бас, минсунлар гижинглаган оқ ёл тулпорга!  
 Ўзим отни етаклаймен...

**Навоий***(хижолат, ношлож отга минади)*

Мен гуноҳкорга,  
 Ўзинг шафқат нурун ёғдир, ўзинг кечиргил!  
 Пир олдида шувут бўлди юзим, кечиргил!..

*Бойқаро ҳайқириқлар остида аста Навоий минган отнинг  
 олтин юганидан тугиб, етаклаб саҳнадан чиқа бошлайди.*

**Биринчи жарчи**

Боғи Жаҳонорода ош тортилура!

**Иккинчи жарчи**

Ҳамма Боғи Жаҳонорога-а-а-а!

*Барча саҳнадан чиқиб кетади. Низомумулк кимнидир кутгандай охиrhoқда қолади. Чап томонда турган Бобоали вазири аъзамни кўриб, ўнг томонга яширинади. Низомумулк уни кўрмайди.*

**Низомумулк**

*(ўзича)*

Оҳ, душманинг роҳатини кўрмоқлик оғир!  
 Бундоғ қийноқ-азобингдан йироқ тут, тақдир!  
 Баландпарвоз сўз-мақтовлар бағримни ўймиш,  
 Алишерни подшо ошкор “Пирим!” деб кўймиш!  
 Пирим, дея атамиш-а Навоийни шоҳ!  
 От миндирмоқ... Етакламоқ... Оҳ, олампаноҳ,  
 Шу сийловнинг бирин холос қилсангиз ҳиммат,  
 Қулингизни кўрардингиз: зар, зебу зийнат  
 Топар эди туман-туман динору ақча...  
 Тин билмасди хазинангиз токи тўлганча!

*Чап томондан шошиб Чопар киради.*

**Чопар**

Вазир жаноблари!

**Низомумулк**

Сўйла! Шошма, ўзингни бос...  
 Дунё айвонида нелар юз берди, шоввоз?

**Чопар**

*(ҳаллослаб)*

Ёмон бўлмиш: Балх тарафдан етишмиш хабар,  
 Хабарларнинг мазмунидан қон бўлур жигар:  
 Исфизорни қамал қилар экан, ногаҳон,  
 Ҳирот сари қўшин тортмиш Бадиуззамон!  
 Навкарлари ёвқур, ботир, кўркмас, жангари,  
 Ўрмонларда ўкраб юрган шерлар сингари!

**Низомумулк**

Сенга рухсат!

*Чопар кетади.*

*(ўзи билан ўзи)*

Кўшин тортмиш?..

*(ўйга чўмиб, у ёқдан-бу ёққа юриб)*

Индинга томон,

Келиб қолар шиддат билан Бадиуззамон...

Ашаддий тахт даъвогари ўша фарзанддир,

Шундан шоҳнинг нозик кўнгли парканд-парканддир...

Мамнун бўлур маҳди улё Ҳадичабегим,

Ота катта ўғил билан жанг қилсаю, жим –

Иккиси ҳам гумдон бўлса, кўрилса раво  
 Олий тахтга суюк ўгил Музаффар Мирзо!..  
 Малика бу фарзандини қийналиб тукқан,  
 Шул сабабдан бор кучини ўшанга тиккан...  
 Маҳди улё мақсади шул.  
 Менда... ўзга ком:  
 Навоийни ҳайдатурмен саройдан тамом!  
 Мен чўнг вазир, не иш қилсам бекор айлар у,  
 Бошқаларнинг кўз ўнгида хор-зор айлар у.  
 Пишиб турган ошимдан ҳам гоҳ бенасибмен...  
 Ахир, юксак мартабага мен муносибмен!  
 Қачон ахир, айтғон сўзим айтғон бўладир,  
 Саройдаги шаън-шукуҳим қайтғон бўладир?  
 Белим боғлик, қайтмагаймен йўлимдан зинҳор!  
*(қўлларини осмонга кўтариб)*  
 Қўлланг, азиз-авлиёлар, қўллангиз, чорёр!

*Кетади.*

### **Бобоали**

*(яширинган жойидан чиқиб Вазир аъзам ортидан қараб қолади).*  
 Нима деди?.. Ҳайдатамен, дейдими?.. Лаънати ноинсоф-ей!  
 Бировгамас, ўзингга чуқур қазийсен-ку!.. Ўзинг ҳайдалмасанг бўлди,  
 бадбахт!..

*Кетади.*

П а р д а

### **Иккинчи кўриниш**

*Маймана яқинидаги чўл. Султон Бадиуззамон ўрдаси. Йироқларда  
 у ёқдан-бу ёққа от чоптириб юрган аскарлар, лашкарлар кўзга  
 ташланади. Саҳна бўш. Дубулга кийган совутларга чулганган  
 ота-болалар Бадиуззамон Мирзо ва Мўмин Мирзо кирадилар.*

### **Бадиуззамон**

Ҳиротда тўй бўлмоқда денг? Тўй бу – шаън-шукуҳ,  
 Бехабармиз, бизни биров айтғони ҳам йўқ.

*Инак тўшаклар, парқув болишлар солинган  
 каттагина сўрига ўтирадилар.*

### **Мўмин Мирзо**

Ўйланмоқда Музаффарбек Ҳусайн Мирзо...  
 Жаҳонорода зийнатли дастурхонлар жо.  
 Карнай-сурнай садолари борлиқни тутмиш,  
 Эл-халқ жанжал-суронларни бир дам унутмиш.  
 Пули Молон мавзеидан Жаҳоноро то –  
 Ойнаванд йўл, бозорларга бердилар оро.



Жаҳоноро ҳовузига юз ботмон шакар –  
Ташладилар, шарбат бўлди болдан-да беҳтар,  
Қирқ кулокли қозонлардан ошлар тортилмиш,  
Машшоқ-мутриб кўнгилларни сарафроз қилмиш...  
Кўпкарида соврун учун кетмиш мингта қўй,  
Эл-халқ демиш: “Мана буни, бўлар деса тўй!”

### **Бадиуззамон**

Шунақа денг?.. Тўй бошида ул маҳди улё,  
Маҳди улё эмас, бошга битғон бир бало!  
Аёл киши, яхши бўлса, унга баҳо йўқ,  
Аёл киши ёмон бўлса, унга даво йўқ...  
Чет-чеккада безътибор қолдирар бизни,  
Ярим қилиб келар доим насибамизни.  
Отамизни душман қилмиш, етти ёт айлаб,  
Юрагига кин-адоват уруғин жойлаб...  
*(қаттиқ афсусда)*

Онам Бека Султон бегим ҳақда гап чақиб,  
Ҳар бир босғон қадамини айламиш таъқиб,  
Ўтирғонда ўпоқ демиш, турғонда сўпоқ,  
Онам – ёмон, ул Ҳадичабегимлар оппоқ...  
Онам шўрлик шафқат тилаб шоҳга ёлвормиш,  
Бироқ подшо ғзабини кўзгаб юбормиш.  
Шунда хокон не деганин билолмай қолмиш:  
“Талоқ” деган ёмон сўзни оғизга олмиш!..  
Ва саройдан қувилмишлар бечора онам,  
Валиаҳднинг онаси бу, демадилар ҳам...  
Онам – Султон Санжар Мозий авлоди, ахир!  
Ҳазил эмас, салжуқийлар зурёди, ахир!  
Барчасининг сабабкори Ҳадичабегим,  
Фитначию нобакори Ҳадичабегим...

### **Мўмин Мирзо**

Нима керак экан ўзи хонимойимга?..

### **Бадиуззамон**

Бош малика бўлиш, ахир, ёкмайди кимга?  
Онам ўрнида бош бўлиб сурмоқчи даврон,  
Бунга чидар деб ўйлайди Бадиуззамон!  
*(туриб у ёқдан-бу ёққа юриб)*  
Бизга қарши ғам – ўрнида, ситам – ўрнида...  
Бизни хануз кўрмайдилар одам ўрнида...  
Дерлар: “Барин жавоби бор, дунёга бир боқ:  
Ким не экса шуни олар, таомил шундоқ!”  
*(жилмайиб, меҳр билан)*  
Ўғлим... сизнинг тўйингизни қилурмиз ҳали,  
Тўй бўлмас у, бўлар балки тўйлар сайқали!  
Топажакмиз бахти бекам гўзал келинни,  
Айтажакмиз Хуросону Турон элини!

**Мўмин Мирзо***(уялиб, чалгитиш учун)*

Бузрукворим... билурмен, сиз туғилган айём  
 Катта зафар қучмиш Султон Ҳусайн бобом.  
 Лекин ўзга тафсилотин билмаймен ҳануз,  
 Кошки эди шул ҳақида юритсалар сўз...

**Бадиуззамон***(кўнгли ийиб)*

Рост, кўчқорим, билмагингиз жуда ҳам зарур...  
 Йигирмада экан шунда ҳоқони мансур,  
 Тахтни қўлга киритмоқнинг ҳур ниятида,  
 Саваш қурмиш қадим Журжон вилоятида.  
 Ғанимларнинг барчасини мағлуб этмиш у,  
 Астробод шаҳрин дилга марғуб этмиш у:  
 Ўз давлатин пойтахти деб жар ҳам солдирмиш,  
 Ҳирот, Балхда ёвларини ҳайрон қолдирмиш.  
 Ўша-ўша Астробод ардоқли шаҳар,  
 Астробод – музаффарий байроқли шаҳар.  
 Астробод дорулфатҳи – ғалаба шаҳри,  
 Астробод – Соҳибқирон султоннинг фаҳри!

*(Пауза)*

Ўша йили туғилибмен Астрободда,  
 Гўзал маскан, шаҳри кўркама, шаҳри ободда.  
 Мазкур шаҳар подшоҳ учун азиз, мукаррам:  
 Шунда илк бор тож-тахт сари қўйғонлар қадам!  
 Ҳа, ўзим ҳам илк бор ҳоким бўлғон маскан-да,  
 Орзуларим япроқ ёзғон обод чаман-да.  
 Шунда ҳоким бўлиб турғон пир Навоий ҳам,  
 Юрагимга меҳрин қаттиқ жойламиш эгам,  
 Шу важ, сизга илинамен Астрободни,  
 Шунинг бирлан тўла-тўкис кўргум ҳаётни!..  
 Сиз ҳам ҳоким бўлажаксиз қутлуғ шаҳарда,  
 Йўқса, даъво қилиб чиққум ҳатто маҳшарда!

**Мўмин Мирзо***(сўзни бўлишига журъат этиб)*

Бир ходиса хусусида сўраймен, узр,  
 Билгим келар, билим магар дилимга ҳузур.  
 Ҳазрат пирдан сўз очдингиз, ул зотнинг умри  
 Мисли офтоб, ўшандандир кўнглимнинг нури.  
 Олти ёшлик чоғларида юз бермиш бир ҳол,  
 Пиримга дуч келган экан соҳиби камол –  
 Шарафиддин Али Яздий, машҳур муаррих...

**Бадиуззамон***(сўз қўшиб)*

Муаррихмас, деса бўлур, нақ тирик тарих!

**Мўмин Мирзо**

Устозлардан сўз билишни истаркан одам.

Устоз умри бизга ибрат...

**Бадиуззамон**

*(бироз ўйланиб, жилмайиб)*

Хўп, хўп, шахзодам.

Мамлакатда бесаранжом харжу марж<sup>1</sup> онлар

Алишернинг оиласи бўлиб сарсонлар

Ироқ томон борар экан, тўхтайти Тафтда...

Болакайлар боғда ўйнаб юришган пайтда,

Хонақоҳнинг эшигида сурганча хаёл

Жим ўлтирган оппоқ соқол валийсифат чол

Алишерга назар қилар, ёнига чорлар,

Боқса, бола жуда шахдам, кўзлари порлар!

“Ёш нечада?”

“Олтидамен”.

“Мактабми бординг?”

“Бордим, устод”.

“Қай ергача, айт, ўқий олдинг?”

“Ўқиб етдим то “Таборақ” сурасигача...

То йигирма тўққизинчи порасигача...”

“Аҳсан! – деди устод. – Бунда жобажо бўлдинг,

Ҳиммат ила келдинг, бизга ошино бўлдинг”.

Сўнг қўлларин фотиҳага очдилар устод,

Бир-бир ўтган улуғларни айладилар ёд,

Тиладилар: “Алишернинг бергил камолин,

Номин улуғ айла, баланд қилгил иқболин!”

*(ўйга чўмиб)*

Уч ёшида, дерлар, чандон ўқурди шеърни,

Сухбатларда: “Ўн минг байтни ёд олдим” дерди...

Олти ёшда олтимиш етти сурани укмоқ,

Мағзин чакмоқ, ўткир ақл машъалин ёқмоқ,

Дунё кўрғон устодни ҳам қолдирмоқ қойил,

Буюкларга насиб этар қисматдир бу, бил!

*Мўмин Мирзо тасдиқ қилгандай бош тебратади.*

*Ташқаридан отларнинг дупур-дупури, хурсандчилик  
овозлари эшитилади. “Ҳуш келибсиз!”, “Келсунлар!”*

*қабилда сўзлар қулоққа чалинади.*

*Мулозим киради.*

**Мулозим**

Пойтахт Ҳиротдан муқарраби султон Низомиддин Мир Алишер хазратлари ташриф буюрдилар! “Қайда ўғлим Бадиуззамон?” деб сўрайдурлар.

*Бадиуззамон, Мўмин Мирзолар санчиб ўринларидан турадилар.*

*Жигарранг тўн кийган Навоий, изма-из совутда Бобоали кирадилар.*

*Бир-бирлари билан қучоқ очиб кўришадилар, саломлашадилар.*

<sup>1</sup> Харжу марж – тўполон, анархия маъносига.

**Навоий**

Сизлар билан дийдорлашмак қандоқ саодат!  
Сизлар билан суҳбатлашмоқ нечоғ фароғат!  
Сиз фарзандим қаторисиз, балки, аълосиз,  
Жон-жонимда, юрагимнинг тўрида жосиз!

**Бадиуззамон**

Бошимиз нақ осмонда, эй мўътабар устоз!  
Сизга қанча шукр десак, шунча бўлур оз!  
Улуғ “Хамса” итмомиға етибдур, шукр,  
Улуғликнинг, комилликнинг чўққиси шулдир.  
Қутлуғ бўлсин, тасаннолар ҳимматингизга,  
Шону шараф келтирибсиз миллатимизга!..  
Соғиниб ҳам қолғон эдик, қандай соз бўлди...

**Мўмин Мирзо**

*(қўл қовуштириб)*

Хуш дийдордан бу кўнгиллар айни ёз бўлди.

**Навоий**

*(Мўмин Мирзо бошини силаб)*

Катталардай сўзлайдурсиз, қўрқадур киши,  
Балли, бўтам, биз не қилсак, Оллоҳ хоҳиши...  
Юсуфойин Мўмин Мирзо, хушбичим йигит,  
Умидим шул, омон бўлу умидингга ет!  
*(ёш шаҳзода қўлидан тўтиб юраркан, мақтаб қўяди)*  
Гарчи ўсмир, турар худди валламат эран,  
Боболарнинг ақли унда, фикри кўп теран.  
Ғазаллар ҳам иншо этар, идроки тиниқ,  
Ўзин тоғдай мағрур тутар, кўнгли-чи, синиқ,  
Темурбекнинг закосини кўрурмен унда,  
Улуғбекнинг зиёсини кўрурмен унда,  
Темурийлар салтанати у-ла бардавом,  
Бахти бекам шаҳзодадур, хулласи калом!  
Умидларим улуғ; умид – умиддан дерлар,  
Шундай ўсгай, камол топгай чин асл эрлар!  
Дуога қўл кўтарайлик: асрасун худо,  
Мўмин Мирзо хоқон бўлсин, подшо, илоҳо!  
Бизлар унинг дуосида мағрур юрайлик...

**Бадиуззамон**

Насиб этсун, у кунларни бирга кўрайлик!

**Бобоали**

*(қўшилиб)*

Уша кунлар биз ҳам қуллуқ этиб турайлик!  
Қуллуқ этиб турайлик-да, даврон сурайлик!

*Ҳамма дуо қилади. Навоий Мўмин Мирзони бағрига олади,  
кучоқлаб манглайдан ўпади. Мақтовлардан хижолат Мўмин*

*Мирзо ўзини қаерга қўйишни билмай, таъзим қилганча  
ташқарига юради, Бобоали уни кузатиб чиқади.*

**Бадиуззамон**

*(ўғлини кузатаркан, кўзлари ёшланиб)*

Ўғли, жигаргўшасидан ота не кутар?

Ўғлим ўссин, унсин дея куяр, қон ютар...

Оҳ, ўғлимнинг бахтин кўрсам, эрдим бахтиёр,

Қилмасин-да дўстларга зор, душманларга хор!

**Навоий**

Ҳа-ҳа, ўғил – ота сири, деган ҳадис бор,

Мундоқ ҳадис туғилмамиш бекордан-бекор.

*Навоий яқин келиб бир муддат Бадиуззамон қулоғига нималарнидир  
шивирайди. Бадиуззамон хотиржам эшитади. Навоий узоқлашади.*

**Навоий**

*(жиддий)*

Бу сўзларни унутингиз.

**Бадиуззамон**

*(ўзини ҳеч нарса юз бермагандай тутиб, хотиржам)*

...Қайси... сўзлар... ни?..

*Навоий ялт этиб Бадиуззамонга қарайди. Мирзонинг  
фаҳму фаросати ўткирлиги, ўзининг Мирзога ишончсизлик  
билдиргандай савол сўрашидан хижолат бўлади.*

**Навоий**

*(ўнгайсизланиб)*

Биздан хато... Афв этсунлар шоирингизни...

**Бадиуззамон**

*(самимий)*

Афв сўраб, этмасунлар гуноҳкор бизни...

**Навоий**

*(таъзим қилиб)*

Рост айтдингиз, ўғлини деб ота қон ютар...

Оқил фарзанд отасини сарафроз этар...

*(у ёқдан-бу ёққа юради, ўзича)*

Ҳусни сурат, ҳусни сийрат ила ораста,

Жамолию камоли бир-бирга вобаста,

Агар шоҳлик бир кўз бўлса, ул кўзнинг нури

Бадиуззамондур, тиниқ идрок, шуури.

*(Бадиуззамонга)*

Аҳли илму хунарманду шоирлар мамнун,

Иродату ихлосингиз айлагай мафтун,

Табъи назм кўргузурсиз.  
 Куриб бинолар,  
 Эшитгайсиз авом элдан мадху санолар.  
 Инжил наҳри ёқасида бир ҳашматмаоб  
 Мадрасани бунёд этиб, топдингиз савоб...

### **Бадиуззамон**

*(таъзим бажо айлаб)*

Кўнгилларидан нур тушди бизнинг кўнгилга...

### **Навий**

Мадрасангиз безак бўлди наҳри Инжилга...  
 Балли! Ҳар кас ололсин, бу дил муддаоли:  
 Халойиқнинг дуосину холиқ ризосин.  
 Дерлар: шоҳлик низомида душворлик бисёр,  
 Темурхоннинг аторида ажиб ҳикмат бор:  
 Салтанатни бошқаришда тутғил шундай йўл,  
 Даврон-даврон султонлари кўрғонлар мақбул.  
 Кўргил – ўзни кўрмағонга олғил, рост бўлур,  
 Билғил – ўзни билмағонга солғил, соз бўлур.  
 Назарингни солма кўрмас нарсага, асло!  
 Кўзни наргис янглиғ юмгил, қилғил нобино.  
 Эшитгину, эшитмағон каби тут қоим,  
 Бинафшанинг қулоғидек қар бўлғил доим.  
 Худди чинор новдасидек қўлингни шол эт,  
 Сарв каби оёғингни эгримисол эт.  
 Тилингни ҳам гунг айлагил савсанга қиёс...  
 Булар бари давлат сири, шартлари, холос...  
*(хаёл суриб)*

Дунё ишқи бир оловдир, олов беомон,  
 Гирдобига тортиб кетар, қутулмоқ гумон...  
 Олов, дерлар, ҳаётбахшдир, вале ҳикмат бор:  
 Ундан фақат йироқ туриб нафланмоқ даркор!  
 Яқинлашса кул қиладур ҳар нодон касни,  
 Кул қиладур орзу, ният, бори ҳавасни...  
 Балиқни деб қармоқ ташлар овчи, ҳа, бу – нафс,  
 Балиқ қармоққа илинар нафс деб шу нафас...  
 Қачонки нафс ўз комига бергай кўп ҳаво,  
 Ўз соҳибин, ўз улусин айлар бенаво...

### **Бадиуззамон**

*(таъзим қилиб)*

Бундай доно панд-ўғитлар бизга келар қўл,  
 Кўзимизни очар, пирим, ҳам кўргизар йўл.  
 Миннатдормиз, бизни доим этсунлар дуо...

### **Навий**

Сўз айтмоқдин мурод ҳам шул, дуо – муддао...  
*(давом этиб)*

Одамни хор айлар, дерлар, насаб пастлиги,  
 Кўнгилни тоғ айлар аммо мансаб мастлиги.  
 Ёмонлигин кўриб – душман юзида ханда,  
 Расволиғин билиб, бўлар дўстлар шарманда...  
 Бас, ким бўлса ночор, ғамгин, дили ярали,  
 Малҳам сўзлар топиб айтсун унга жўяли.  
 Касб айласун ҳар бир ишда ростлик, ихлосни,  
 Фарқ айласун доим ипак ила палосни.  
 Маст этмасун ғурур майи, ундан қочсун бот,  
 Ғурур майи сароб, барин айлағай барбод!  
 (ўйланиб)  
 Хў-ўш, Ҳиротдан келмакдамен мен, бадъаз калом  
 Олиб келдим отангиздан дуои салом...

### **Бадиуззамон**

(хушламай)

Қуллуқ...

### **Навоий**

(қатъий)

Султон дўстим эрур, сизнинг отангиз.  
 Ота билан саваш курмак эрур хатонгиз!  
 Тобакай мен жоним ҳалак ўртада, бу не ҳол,  
 Қатнайдуремен нақ бўзчининг мокиси мисол?..

### **Бадиуззамон**

(ўксингандай )

Қуллуқ, пирим. Бошда тутгум сўзингиз ҳар дам,  
 Бирок ўғил, катта ўғил, фарзанд ҳам – одам...  
 Ўғлим, ўғлим, дейдилар-ку ва лекин султон  
 Фарзанд эмас, кўрар бизни ёвдан ҳам ёмон!  
 Валиахдмен, аммо зарра эътиборим йўқ,  
 Гарчи отам Шоҳ Ғозийдур, мадакорим йўқ.  
 Онамизга уч талоқ, деб бердилар жавоб,  
 Демак, билинг – ўғилга ҳам иззат йўқ ҳисоб.  
 Ҳамма ҳурмат ҳов Музаффар Ҳусайн ёқда,  
 У азиздур, бизлар эса ўгай, четроқда...  
 (ўйланиб, у ёқдан-бу ёққа юраркан)  
 Беш ёшдайдим, отам мени эркалатарди,  
 Гоҳ кўтариб, гоҳи ерга юмалатарди.  
 Гоҳ қочарди, мен-чи, қувиб олардим етиб,  
 Баъзан эса қувиб етиб, кетардим “ўтиб”!  
 “Зўр экансиз! – дерди отам кулганча хандон. –  
 Бадиуззамон-да ўғлим, Бадиуззамон!  
 Билсунларким, салтанатим валиахди ул,  
 Салтанатим пойдевори, тожи тахти ул!..”  
 (хаёл суриб)  
 Ўн бешдайдим, бир кун овга чиқдилар отам,  
 Зўр мерганлар, урар ҳатто учар қушни ҳам.

Астробод шимолида овбоп жой эди,  
 Куш-парранда, илвасинга жуда бой эди.  
 Қулоғини қашир эди кийик узоқда,  
 Отам камон ростлаб мўлжал олди шу чокда,  
 Ўқ шувиллаб эсга солди илон сиёкни:  
 Бир ўқ билан тикиб қўйди қулоқ-туёкни!  
 “Отам зўр!” деб кўкрак кердим, хуш йўқотибман...  
 Лекин отам энди ўша ўғлига душман!

### Навоий

Гар онангиз талоқ бўлса, бу иш не боис –  
 Юз берғонин онадан ҳам изламак жоиз...  
 Сиз билмайсиз, жасоратда Рустамойинсиз,  
 Сиз билмайсиз, Хоқон учун қурратул-айнсиз.  
 Хўш, отага нечун, ола қарамоқ нечун,  
 Шу маъқулму, муносибму, хушму сиз учун?  
 Шундай тутум ўрнашурму кўнгил қатига,  
 Дунё ила охиратнинг маслаҳатига?  
 Расулulloҳ дебтурларки, тангри таоло –  
 Ризо бўлур магар ота қачонки ризо.  
 Ҳайҳот, ота ғазабига учраган ўғлон,  
 Худонинг ҳам ғазабига қолғай бегумон!  
 Бу не ҳолки, куйғонида отанинг жони,  
 Этаги ҳам куймас ҳатто беғам ўғлоннинг?  
 Тангри сизни йўқдан бино этди, билсунлар,  
 Воситачи отангиздур, шукр қилсунлар.  
 Ота улуғ зот, дейдилар Ҳаким Сулаймон,  
 Ул қодир қайюм, қодир, мўътабар инсон.  
 Адиб Аҳмад дейди: бўлсун фарзандлар хушёр –  
 Ота хато қилса, хато саналмас зинҳор!  
 Савоб дея қабул қилғил ота хатосин,  
 Даф этгай сўнг тангри чархнинг минг бир балосин!

### Бадруззамон

Ҳеч отамга ола қараб юрмадим, пирим,  
 Бад хаёлга сира изн бермадим, пирим...

### Навоий

Балли! Сўйлай берсам шарҳи ҳолатим агар...  
 Беижозат Шоҳ Ғозийдан, эркин ва қайсар –  
 Вилоятнинг мол-мулкига чиқибсиз эга,  
 Подшоҳ отангиздан кенгаш сўрмайсиз... Нега?  
 Гар отадан сўз сўралса, ҳа, худо шоҳид,  
 Йўқ дейилмас эди мутлоқ, раъингизга зид.  
 Нишонингиз туғросида йўқ Хоқон исми...  
 Ота номин ёдлаш лозим, шартдур, дурустми?  
 Сизга аён, Шоҳ Бойқаро, ул муборак зот,  
 Олампадох Темурхонга тўртлончи авлод.  
 Шоҳ Ғозийнинг тутумига беринг эътибор:



Хар хутбада, хар муборак маъракаи бор,  
 Хурмат билан эсланадур Темурбек номи,  
 Шариф рухларига қилиб дуо тамоми.  
 Сизда ҳатто ота исми туғрода ҳам йўқ,  
 Сиз-чи, доим қидиргайсиз отмакка бир ўқ.  
 Отага тик қараб бўлмас, дейди донолар,  
 Ота учун айтинг фақат ҳамду санолар!

*Жимлик чўкади. Бадиуззамон индамай тинглайди.  
 Навоий у ёқдан-бу ёққа юради.*

*(сал қизишиб)*

Ё... хаёлга келдимуки, султон кўп заиф,  
 Яъни, ота кучдан қолғон, мункиб, қартайиб...  
 Кўп дардларга чалинғондир, зўрға юрадур,  
 Кўмаксиз на ўтирадур, на-да турадур...  
 Хай-хай! Ундоқ хаёлларга эрк бера кўрманг,  
 Бу дунёга у дунёни кўшиб совурманг!  
 Асл фарзанд айни ота заифлигида  
 Эъзоз айлаб, савобларга қолади жуда!..  
 Хушёр бўлинг: ота кучи ҳар ишидадур,  
 Ота кучи – дуосию қарғишидадур!

**Бадиуззамон**

*(хушёр тортиб)*

Зинҳор отам заиф дебон ўйлағоним йўқ,  
 Отам босғон изга доим қилурмен қуллуқ!  
 Отам ҳақда ёмон ўйдан худо сақласин...

*Орага жимлик чўкади.*

**Навоий**

*(жиддий тикилиб)*

Ўғил шундоқ ўз фарзандлик бурчин оқласин!

*(босиқ)*

Закийлар дер: бойлигингдир отанг, ёлғизинг,  
 Отангга не қилсанг – қилгай ўғлинг ҳам қизинг...  
 Рост айтдингиз, ўғлини деб ота қон ютар...  
 Оқил фарзанд отасини сарафроз этар...  
 Кўп ташвишлар чекмакдасиз ўйлаб дунёни,  
 Қандай кечар тақдири деб, Мўмин Мирзонинг.  
 Отангиз-чи, сизга тилар фақат омонлик,  
 Дейдир, ўғлим ҳеч кўрмасин зарра ёмонлик!  
 Қай ота ўз фарзандига ёмонлик тилар?  
 Қай ота ўз жигар-бағрин душман деб билар?..  
 “Сен-мен”ларга барҳам бермак лозим, мен рози,  
 Эл-улусдан ор қиламен, дейдир Шоҳ Ғозий!  
 Хў-ўш, Ҳиротга йўл тутибсиз, энди не дейин?  
 Қандай баҳо қўяр бунга авлодлар кейин?

Бутун умрин ягона юрт тузмакка берғон,  
Рохат нима билмай ўтғон, ўт-сувга кирғон  
Темурхоннинг руҳи зор-зор чирқирамасму?  
Салтанатнинг устунлари зирқирамасму?..

### **Бадииуззамон**

*(қўли кўксиди)*

Пирим, тутманг бад ниятлар этагин зинҳор,  
Отамизни ранжитмасмен, менда ҳам ор бор.  
Лашкар ортга қайтарилур!

### **Навоий**

*(мамнун)*

Тасанно, ўғлим!

Ота ўғлин тутумидан чоғ бўлди кўнглим!

*Навоий билан Бадииуззамон кучоқлашиб,  
бир-бирини муборакбод этадилар.  
Мўмин Мирзо билан Бобоали кирадилар. Ҳамма хурсанд.  
Ташқаридан отнинг қаттиқ кишнагани эшитилади.  
Соқчибоши киради.*

### **Соқчибоши**

Шаҳаншоҳим Абулғози Баҳодирхон Султон Ҳусайн Бойқаро фармони  
олий жўнатибдурлар! Чопарни дарҳол хибсга олдирдим! Фармон билан  
хузурингизга етиб келдим, султоним!

*(фармонни узатади)*

### **Бадииуззамон**

*(фармонни олиб, ўрнидан туриб кетади)*

Фармон? Қандай фармон?

*(Соқчибошига газаб қилиб)*

Нега чопарни тутқунликка солдинг? Подшо чопарини тутқунликка  
солишга қандай ҳадинг сиғди, маълун?..

### **Навоий**

*(бироз тараддудда)*

Нечук фармон экан?

### **Соқчибоши**

*(тиз чўкиб)*

Ҳукмдорим! Нохушлиги билиниб турибди. Фармонни сизга эмас,  
пинхон Балх доруғаси номига юбормишлар... Доруғани шунга муносиб  
топибдурлар. Чопар кўзи ғилдирайди, олма теради, ёмонлигини турки  
шундай айтиб турибди. Шартга тутдим...

### **Бадииуззамон**

Ҳа... ундо-оғ дегин?.. Ҳали шунақами?.. Ҳ-мм... Сезгирлигингга  
қойил, баҳодир, ақлу идрокингга тасанно! *(Мулозимни чақириб)* Тўн  
ёпилсин, бу қахрамонга!

**Мулозим**  
Бош устига!

*Соқчибоши ва Мулозим чиқадилар.*

**Навой**  
(сабри чидамай , Бадиуззамонга)

Ажабо... Мирзом, фармонга бир кўз ташласинлар-чи... Нечук фармон экан? Вожаба! Нечук доруғага юборибдурлар эркан? Мен келиб турғон бўлсам...

*Бадиуззамон фармонни очади ва ўқий бошлайди.  
Мирзонинг чехраси ўзгаради.*

**Бадиуззамон**  
(овоз чиқариб ўқийди)

“...Пойлаб турилсин. Ўғлим Бадиуззамон... Балхдан овга чикса, ўзига билдирилмасин, қайтганида дарвозалар қаттиқ ёпилсин, шаҳарга киритилмасин!. Қаблал-билод Балхдан шитоб кувиб юборилсин!..”

*Бадиуззамон фармондан кўз узиб, Ҳирот томонларга қараб қолади. Навоий ҳайратдан ёқа тутганча, гоҳ Бадиуззамонга, гоҳ Мўмин Мирзога қарайди. Ҳамма лол. Сўзсиз манзара.*

**Мўмин Мирзо**  
(тоқатсизланиб)

Англамадим... отажоним, қандай фармон бу?  
Ўз ўғлига бадлик раво кўрмайдилар-ку?..

**Навой**  
(ўзига келиб)

Низомумулк фитначининг кирдикори бу!.. Ҳадис бор, ёмон одам ўзига яхшилик кўргизғон инсонга то ёмонлик қилмагунча бу дунёдан кетмайдур!.. Нечоғлик аччиқ ҳақиқат!

*Чиқадилар.*

**П а р д а**

**Иккинчи парда**

**Учинчи кўриниш**

*Ҳиротдаги Жаҳоноро боғи. Эроний гиламлар тўшалган, деворларига зарҳал нақшлар солинган, чиройли безатилган муҳташам хона. Хона деразаларидан жаннатмонанд боғнинг кўрки-нафосати балқиб кўзга ташланади. Токчада чиройли чилдирма кўринади. Подшо Бойқаронинг севикли хотини маҳди улё Ҳадичабегим, подшоҳнинг*

*яна бир ардоқли хотини Опоқбегим канизақлар Давлатбахт,  
Сумансо ва бошқа канизақлар билан суҳбатлашиб ўтиришади.*

### **Сумансо**

*(Давлатбахтга)*

Хўп хаёлчан бўлдингиз-да кейинги кунлар,  
Қизлар дейди: “Нечун опам жуда маҳзунлар?..”  
Бошингизга биронта ё ташвишми тушди?..

### **Давлатбахт**

*(табассум қилиб)*

Рост, сингилжон, бошгинамдан эс-хушим учди.  
Сабаби бор, сабабкори... Мир Алишердир...

*“Вой!” , “Ие!” деган овозлар.*

### **Ҳадичабегим**

*(қаҳ-қаҳ отиб, ҳазиллашиб)*

Авваллар ҳам Алишердан сўз очар эрдинг,  
Севиб-нетиб қолмадингму тағин Давлатбахт?

### **Давлатбахт**

*(ўзича)*

О, кошкийди севсам, насиб этса шундай бахт!..

*(Ҳадичабегимга)*

“Мир Алишер” деганимга лол қолманг асло,  
Шоиргамас, мен дostonга бўлдим маҳлиё...

### **Опоқбегим**

“Давлат, бахт”дан яралгандир чиройли бу ном,  
Не тонг, берса гўзал сулув – шоирга илҳом!

### **Давлатбахт**

*(мавзуни ўзгартириб)*

Мир Алишер битирибдур “Хамса” қиссасин,

Мутолаа этдим анинг битта ғуссасин.

Туну кундуз ухламадим, йўқотиб ором,

Ишқ достони олиб қўйди эс-ақлим тамом!

### **Сумансо**

*(чувиллашиб)*

Сўйлаб беринг, опа! Бир эшитайлик! Ишқ эртагин эшитмоқ ҳам  
савобдир! Ишқ достони дардга даво дейдилар!

*Давлатбахт ижозат сўрагандай маҳди улё  
Ҳадичабегим билан Опоқбегимларга қарайди.*

### **Ҳадичабегим**

Эшитайлик, қани, Давлат, сўйла, сўйлаб бер!

**Опоқбегим**

Нималарни ёзган экан шоир Алишер?

**Давлатбахт**

*(бироз ўйланиб туради, кейин берилиб кетади)*  
 Хўб ёзибди, йиғлаб, кўнгли вайрон ёзибди,  
 Гардуни дун найрангидан хайрон ёзибди...  
 Мундоқ мунгли ишқ қиссасин билмасдим аввал,  
 Фарход ботир, қусури йўқ, гўзал мукаммал,  
 Чин муҳаббат посбони ул, шер ўғлон, зукко,  
 Ёрин излаб бормиш арман мулкигача то.  
 Ёрини деб жонин фидо қилмакка рози,  
 Ширин эса ширин қиздир, ҳалим овози  
 Тўлдирарди гулбоғларни хуш бўй сасларга,  
 Орому руҳ бағишларди ҳамнафасларга.  
 Олам ичра Ширин – битта, ул дурри якто  
 Кўрк-ҳуснига таҳсин ўқир, бош эгар дунё...  
 Агар Фарҳод бир тан бўлса, Шириндур жони,  
 Ширин гар тан, Фарҳод анинг жони, имони.  
 Оҳ, икки гул яшнашини кўролмаслар бор,  
 Ёмонликлар тилагувчи бағритош, ғаддор!  
 Эвоҳ, Фарҳод ҳалок бўлар, ишқ етим қолар!  
 Мусибатга чулғанади ер-кўк, самолар...  
*(Пауза)*

Шунда... душман подшо қизга совчи юбормиш,  
 Совчи эмас, зар, дур, деган “овчи” юбормиш...  
 “Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур, – дер қиз,  
 Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур!” – дер қиз!..  
 Демиш, гар ишқ бўлмаса, жон бўлмасун, хайҳот,  
 Демаки жон, икки жаҳон бўлмасун, хайҳот!

*Ҳамма “Оҳ!” деб юборади. Қизлар бир-бирларига ҳайрат сўзларини айтадилар.*

**Сумансо**

Кейин... кейин нима бўлди, сўйланг, опажон!

**Опоқбегим**

Ошиқлардан сўз тингласам, дилим бўлар қон...

**Давлатбахт**

*(бироз тўхтаб)*

...Қаср ичра жойладилар Фарҳод тобутин,  
 Билгач, чиқди фалакларга Шириннинг дуди!  
 Дарҳол кирди қаср ичра: Фарҳод бетимсол,  
 Кажавада ётар эди, ухлаган мисол...  
 Ҳа, йигитни уйқу элтмиш, абадий уйқу,  
 Бундай ажиб, хур уйқуни ким кўрган, ёху!  
 Қаранг, ҳатто қуёш ўзи келса бошига,  
 Уйғонмайдур! Қиз чўмилар ўз кўз ёшига!  
 Ва... қалбида мангу уйқу ҳиссини туяр,

Юзин юзга, кўксин эса кўксига қўяр,  
Бедилини оғушига олар батамом,  
Кўзин юмар... Чорлар мангу уйқу, вассалом!..  
*(ийглаб юборади)*  
Бир уйқуки, то қиёмат ҳеч қонмас киши,  
Бир уйқуки, токи маҳшар уйғонмас киши!  
Агар уйқу деганлари шундай бўлса, бас,  
Ухламак соз, уйғонмак ҳам мутлоқ шарт эмас!..

*Давлатбахт кўз ёшларини артади. Қизлар чувиллашиб  
афсусланадилар. Ичларида ийглаганлари ҳам бор.  
Ҳадичабегим маҳлиё бўлиб эшилтади.*

### **Сумансо**

Ҳа, чинакам ошиқ-маъшуқ Фарҳод ва Ширин!  
Ошиқ-маъшуқ шундай суяр, севар бир-бирин.

### **Ҳадичабегим**

*(қизларга)*

Нечун оҳ-воҳ қиладурсиз, хой, сиз тентақлар,  
Давлат сизга сўйлаб берди холос эртақлар!..

### **Опоқбегим**

Йўғ-е! Шоир ишқ достонин ёзибдур аъло,  
Ўзлари ҳам бўлганми ҳеч ишққа мубтало?

### **Ҳадичабегим**

*(кулиб)*

Алишернинг ишққа вақти бўлмаган азал,  
Роҳатланар бино қуриб, битиб шеър, ғазал...  
Эртак тўқиб...

### **Давлатбахт**

*(эътироз билдириб)*

Эртак эмас, жоним маликам,  
Ушмундоқ ишқ қиссалари бор ҳаётда ҳам.  
Фарҳоддан ҳеч қолишмайди Навоий ишқи,  
Қурч ва собит, зинҳор эмас ҳавойи ишқи!  
Гўзал-гўзал ғазалларни битғон ўтли қалб,  
Ишқ нелигин билмайдурми, бир кўринг ўйлаб?..  
*(ўйлашиб у ёқдан-бу ёққа юраркан)*  
Эшитдимки, ёшлигида Алишер бир кун,  
Дурри якто гўзал қизга бўлибдур мафтун.  
Кундузлари паривашнинг хаёли унда,  
Тунлар эса ёр висоли тимсоли унда...  
Қиз ҳам мойил, Алишерга кўнгил берибдур,  
Бахтни, умр лаззатини ишқда кўрибдур...  
Сархуш этмиш икки қалбни ишқнинг сафоси,  
Тоғлар янглиғ маҳкам эрмиш аҳду вафоси...

Бироқ, ҳамма замонда ҳам – дунё бири кам!  
 Қиз ногаҳон бетобланмиш... тарк этмиш олам!..  
 Эй ёронлар, ошиқларга ҳеч борму шафқат?  
 Бу дунёи бевафода қайда ҳақиқат?..  
 Алишернинг ғуссасига чек йўқ жаҳонда,  
 Йиғлаб-йиғлаб яшар эмиш ҳамон армонда!..  
 Ўшал қизга вафо айлаб, руҳин этиб ёр,  
 Демиш: “Мудом ёлғизликни этгум ихтиёр!”

*Канизаклар чувиллашиб ҳайратларини  
 яширмай, бир-бирларига қарайдилар.*

### **Давлатбахт**

*(изтиробли)*

Шўрлик шоир дилдоридан бўлганда жудо  
 Қалб тубидан отилмишдир шундай бир нидо:  
 Ёшунгон эмиш, оҳ, қаро булутқа моҳим,  
 Гардунни-да совурмоқлик эрур дилхоҳим!  
 Кирмиш қаро тупроққа, воҳ, куёшдек моҳим,  
 Невчун қаро қилмасун ул куёшни оҳим?..  
*(чуқур “ух” тортади)*

### **Опоқбегим**

*(беихтиёр такрорлаб)*

Кирмиш қаро тупроққа, воҳ, куёшдек моҳим,  
 Невчун қаро қилмасун ул куёшни оҳим?..

### **Ҳадичабегим**

*(мийғида кулиб)*

Инсон доим тўкиб юрар ширин чўпчаклар,  
 Чўпчаклардан ором топар доим юраклар...  
*(хаёлларга берилиб)*  
 Бундоқ севги йўқ ҳаётда... учрамас асло,  
 Фақат орзу, хаёлларда эрур жобажо!

### **Сумансо**

*(Давлатбахтга, зорланиб)*

Наҳотки чин севги йўқдир?..

### **Давлатбахт**

*(Гулруҳни юпатиб)*

Чин севги бор, бор!

Ҳозир сенга борлигини айлагум ошкор!

*(Ҳадичабегимга)*

О, маликам! Чин севгини чўпчак, дедингиз,  
 Чўпчакларни бекор этган... ахир, ўзингиз!

### **Ҳадичабегим**

Мен?.. Нималар деётирсен, Давлат? Шўхсен, шўх,  
 Сен сўзлаган чўпчаклар-ла сира ишим йўқ.  
 Сал хаёлинг чалғидиму?

**Давлатбахт***(жилмайиб)*

Асло, маликам!

Кўз олдимда гўзал севги юз очди кўркам!

Яъни маҳди улё ила хоқони мансур,

*(Ҳадичабегимга ишора қилиб)*

Бир-бирига кўнгил қўйиб муносиб мансур,

Кўрку безак бўлолдилар ишқ гулшанига!

Юксак мақтов, олқиш эрур севги шаънига!

*(Опоқбегимга қараб)*

Ёки... хато гапирдимми, Опоқ оғача?..

**Опоқбегим***(жилмайиб бош тебратганча)*Хоқоним-ла маҳди улё... *(бош тебратиб)* – гул билан ғунча!*Хохолаб куладилар.***Ҳадичабегим***(кўнгли ийиб)*

Ҳа, сизларга кулги бўлса, кулсангиз фақат...

Йўқ гапларни қайдан топдинг, шўхсен, шўх, Давлат...

**Давлатбахт**

О, маликам! Ҳеч мўъжиза юз бергани йўқ,

Бори-йўғи: нигоҳингиз бамисоли ўқ

Султон қалбин яралади, эсимда, илк бор,

Юрагига ларза тушди, бўлди беқарор!

Фарҳод каби, Мажнун каби бир ҳолга тушди...

*(Ҳадичабегимга)*

Ўзлари ҳам бой бердилар қўлдан эс-хушни!

Ёр ишқида изтиробда имиллар кунлар,

Лайли сифат оҳ-нолалар қилдилар тунлар,

Дилларида, тилларида худонинг зори,

Фақат дерлар: “Ёмон экан ёрнинг хумори!”

Севгингиздан дилга тушиб покизаи нур,

Шоир бўлиб кетдилар-ку хоқони мансур!

Ҳусайнийнинг бор ғазали илҳомингиздан,

Номингиздан, сеҳрингиздан, каломингиздан!

Ишқий шеърлар қаҳрамони – ёлғиз ўзлари,

Руҳи, жони, кенг жаҳони – ёлғиз ўзлари!

Шоҳ Ғозийнинг барча шеъри аталмиш сизга,

Ўқиб берай, бир туширай мен эсингизга:

*(ифодали ўқийди)*

Шукрулиллахким, жамолингдин кўзум равшандурур,

Хаста кўнглумга висолинг кулбаси маскандурур...

Эй сабо, бергил хабар, сарви равоним келдиму?

Жон иси сендин келур, оромижоним келдиму?..



**Опоқбегим***(такрорлаб)*

Эй сабо, бергил хабар, сарви равоним келдиму?

Жон иси сендин келур, оромижоним келдиму?..

**Сумансо**

Севги улуғ, улуғларнинг ишқи ҳам улуғ!

Ана, севги! Чин севгига минг бора куллуқ!

*Канизак яйраб кулади. Ҳадичабегим ҳам роҳатланиб ўтиради.***Давлатбахт**

Ўша-ўша, ҳаётдан шоду мамнунлар,

Фароғатда яшар бизнинг Лайли-Мажнунлар,

Ҳар гал интиқ, сирли боқиб кўз қирларига,

Кумрилардай чучут отар бир-бирларига...

Маҳди улё танҳо эрур кўрку чиройда,

Энг севикли, энг мўътабар хоним саройда!

Мана, сизга чин муҳаббат, севгига мисол,

Барчага ҳам берсин Оллоҳ шундайин иқбол!

*Даврада кўнгишлар жўшиб, барчани қандайдир завқ, ишқ-муҳаббат туйғулари чулғайди Ҳадичабегим билан Опоқбегимлар роҳатланиб тебраниб ўтиришади, маҳди улё кейин беихтиёр чилдирмани қўлга олганини билмай қолади ва завқ билан чала бошлайди. Сумансонни ўйинга чорлайдилар. Сумансо қиёмига етказиб, шох ташилаб ўйнайди... Давлатбахт вақти-вақти билан “Ўзим айланай!”, “Ўзим ўргилай!” деб қарсақ чалиб, солланиб ўтиради. Ҳамма хурсанд. Кутилмаганда энгил сархуш Музаффар Мирзо киради.***Ҳадичабегим**

Келингиз, султоним, жоним ўғлим, кўзимнинг нури!

**Музаффар Мирзо***(дагал оҳангда)*

Йўқ, онажон, мен кўзингизнинг нури эмасмен. Мен ўгай ўғилдан ҳам бадтармен, мен подшонинг ҳам зурёди эмасмен, маҳди улёнинг ҳам фарзанди эмасмен... мен... мен...

**Ҳадичабегим**

Вой, яна нима бўлди сизга? Бугун чап ёгингиздан турдингизму? Нега ундок дейсиз? Айб бўлмайдурму?..

*Даврадан файз кўтарилади. Ҳадичабегим ҳаммага “Чиқинглар!” деб ишора қилади. Опоқбегим, Давлатбахт, Сумансолар чиқиб кетадилар.**(ўғлига яқинлашиб)*

Нега менинг фарзандим бўлмас экансиз? Вой, тентагим-ей! Худо шоҳид, қийинчиликлар билан тукқанмен сизни, ҳа...

**Музаффар Мирзо**

Онам бўлганингизда шундоқ қараб турармидингиз? Йўқ, сиз менинг онам эмассиз... Мен ердан чиққанмен! Менинг ҳеч кимим йўқ...

**Ҳадичабегим**

Шаҳзодам, сизга бир нарса бўлдимиз? Нега ҳеч кимингиз йўқ бўлар экан, тўқлижоним? Ундоқ бўлишдан худо сақласин! Ота-онангиз бор, акангиз...

**Музаффар Мирзо**

*(қулоқ солмай)*

Падари бузрукворимиз хоқони мансур Султон Ҳусайн Бойқаро йигирма ёшларида Астрободни қўлга киритиб, давлат маснадига ўлтирган эдилар. Мен йигирма тўртга кириб турибмен, ҳали қўлимда мулк йўқ, ҳеч қаернинг ҳокими ҳам эмасмен... Саройда ошиқча бўлиб, қўлидан ҳеч иш келмайдиган етимчадай овораи сарсон юрибмен... Мени одам ўрнида хисобламайдурлар...

**Ҳадичабегим**

Вой, онангиз бўйингиздан ўргулсин! Нега етимча бўлар экансиз? Нималар деяпсиз-а? *(бошларини силаб)* Ундоқ демасунлар, гиргиттоним!

**Музаффар Мирзо**

*(онасидан нари кетиб)*

Ана, Муҳаммад Ҳусайн Мирзода юрт бор, Абул Муҳсин Мирзода юрт бор, Абу Туроб Мирзода юрт бор. Ҳатто Муҳаммад Маъсум Мирзо ҳам бир юрт эгаси! Фақат менда йўқ, менда-а-а! Шохнинг ўғли деб, онаси саройда маҳди улё деб, ким айтадур? Мен ҳали ҳам мулксиз бир шаҳзода... Мен ҳам йигитмен, орим келадур! Айникса, уларнинг ўз мулклари билан мақтанганларини кўриб, тутуним чиқиб кетадур.

**Ҳадичабегим**

*(юзида ранжиш аломатлари)*

Агар уларда юрт бўлса, кичик бир юрт, холос, дўппидек қишлоқ, бир тутам шаҳарча, товук катагидай қасаба, ангишвонадай жой... Сизники-чи? Билиб кўйинг: ҳали бутун Хуросон сизники бўладур, кўзичоғим! Ҳаммаси олдинда ҳали! Кўп нарсаларни ўйлаб кўйганмен! Ҳаммаси ичимда-а! Тирик эканмен, сизни зинҳор ўкситиб қараб турмасмен!

**Музаффар Мирзо**

*(қўл силтайд)*

Бу гапларни кўп эшитдим. Ҳар сафар гапирасиз. Валиаҳд Бадиуззамон Мирзонинг ишлари эса аъло. Тўнғич ўғил, валиаҳд... Уни хафа қилмайдилар, авайлайдилар. Гоҳ унга Астробод, ёки Балх, Қундуз, Сеистонни бериб турадилар. Унинг билан чопарлар орқали сўзлашадилар, чунки у бир юрт бошлиғи. Унинг ҳомийси бор – Низомиддин Мир Алишер! Муқарраби султон Ҳусайн Бойқаро! Ул зотнинг сўзлари отилган ўқ! Адо этиладур! Бадиуззамон Мирзо эса ул зотнинг пинжига кириб олган. *(киноя билан)* Мана, яқинда Мирзо оғамиз Астробод вилоятидаги бой ва хушманзара

Хайробод кишлоғига бориб, уни ёқтириб қолибдилар. Кўнгил экан-да. Кишлоқ Алишер Навоийнинг мулки экан. Амир Алишер кишлоққа Султон Бадиуззамон назари тушганини эшитиб, иштиёқманд эканини билиб, шартта Мирзо оғамизга беминнат тухфа этиб юборибдурлар!

### Хадичабегим

Этса этар! Садкаи сар! Сизники ҳам кам бўлмайти, ўғлим! Ўх-хў!.. Хоқони мансур билан гаплашиб кўйганмиз, ҳа! Ҳаммаси ҳал қилинган. Кўп ниятларимиз бор, ўзим сизга айтамен.

### Музаффар Мирзо

*(бўғилиб)*

Алишер Навоий ҳатто “Хамса”га кирган “Лайли ва Мажнун” достонида Султон Бадиуззамонга бир боб ҳам бағишлабдурлар! Ўқидим! *(киноя билан)* Уни Бадиуззамон, яъни замон аҳлининг ажойиб сиймоси, нодири, деб таърифлабдурлар. “Султон Бадиуззамон Баҳодир ибн Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон”, деб атабдурлар! Мақтаб: “Ҳам шоҳ жаҳонпаноҳ бўлсун, Ҳам аҳли жаҳонга шоҳ бўлсун!” дебдурлар... Ана! Ҳали жаҳонга подшо қилмоқчилар! Билдингизму, жаҳонга-а-а! Бизга-чи, бир сўз ҳам бағишлағон эмаслар! Бағишламайдилар ҳам! Буларнинг бари менинг бағримни ўртайдур. Отимизни “Музаффар Мирзо” деб хато кўйибсиз, “Мағлуб Мирзо” деб аташ керак эди, “Мағлуб Мирзо”! Аслида ундан ҳам батгармиз, мулк йўқ, юрт йўқ, кўшин йўқ, ҳамён ҳам бўм-бўш, шомирзаи қоқ-қуруқнинг ўзи!... Чумолидан ҳам ожиз бир бандамен... Отам – хоқони мансур Шоҳ Ғозий Баҳодирхон, волидам – саройда ягона маҳди улё... *(Кўз ёши қилиб)* Айтғон эдингиз-ку, яқинда Астрободни олиб берамен, деб! Қани, Астробод?.. Қани?! Унинг устига кеча Шоҳ Ғозийнинг ҳайдалган хотини, Бадиуззамоннинг онаси Бека Султон бегим, мени кўриб: “Сен эмас, менинг набирам валиаҳд ҳисобланади, билиб кўй!” деб ўтиб кетди... Бадиуззамон валиаҳд экан, энди ўғлиям чиқди!

### Хадичабегим

*(ўғлининг бошини силаб, эркалаб)*

Садкаи кўз ёшингиз, онагинангиз бўйингиздан ўргулсун. Ул бека бўлмаган гапни айтибди, унинг мияси айниган. Сиз ишонманг! Гапи оғзидан чиқиб ёқасига ёпишсин, илоҳи! Қараб турадиган гўсхўр йўқ! Билсангиз, мен сиз учун, сизнинг униб-ўсишингиз, Хуросон пошшоси бўлишингиз учун яшаб юрибмен-ку бу дунёда! Ўзимни, умримни шунга бағишлаганмен. Темурбек бобонгиздек саркарда бўлурсиз ҳали!

*(Ўзича)* Рост, шунга бепарволик билан қарадим. Астрободни Музаффар Мирзога бериш ҳақидаги фармонни Султон ҳазратларининг бўйнига кўйиб кўйганмен. Фақат Бадиуззамон Мирзо тўғаноклик қилиб турибдур, унинг орқасида Навоийдай қудратли зот бор... Буни айтсам, ўғлим яна тутақиб кетадур... Лекин айтганимни қиламен дедимми, қиламен!

*(Музаффар Мирзога)*

Менинг суянган тоғимсиз, ўғилжоним! Ухласам сизнинг ёдингиз билан ухлаймен, турсам сизнинг дуоингизни қилиб турамен. Душманларингизнинг барини баргараф этамен, йўлларингизни очамен. Сизга тўсқинлик қилганлар менинг қаҳримга учрайдилар. Буни билиб

қўйишсин! Сиз валиаҳд шаҳзода бўласиз, ҳали Хуросонни идора этасиз! Ўзим ёнингизда бўламен! Ўша кунлар узоқ эмас! Сабр қилсунлар, сабрнинг таги сариқ олтин, дейдилар!

### **Музаффар Мирзо**

*(қўл силтаб)*

Сабрнинг таги аллақачон олтинга тўлиб кетди-ку-я, фақат унга қўл етмайдур, холос!*(Ўйланиб)* Ёки... мен ҳам Алишер Навоийга сиғиниб борайинмикин?.. Шунда ишим юришади, шекилли...

*Низомумулк, Парвоначи, Саъдваққос ва  
Қозикалон кирадилар.*

### **Низомумулк**

Зинҳор ундоқ қилмангиз, шаҳзодам! Сиз шаҳзодасиз, у киши оддий амир, холос. Онангизга қулоқ солингиз.

### **Парвоначи**

Агар борсангиз, бу ожизлик белгиси сифатида қаралиши аниқ.

### **Қозикалон**

*(қўшилиб)*

Шаҳзода амирга сиғинмайдур. Бу шаҳзода шаънига муносиб эмас. Одатда, амир шаҳзодага сиғинадур.

### **Саъдваққос**

Тоғажон, сиз ёш бўлганингиз билан катта одамсиз. Ўх-хў, жуда катта! Одамлар куладур...

### **Музаффар Мирзо**

Нима бўпти кулса? Ёлғон ваъдаларга ишониб юргандан кўра, бориб сиғинган ҳам маъкул-да. Муродга етамен.

### **Низомумулк**

*(астойдил ишонтиришга уриниб)*

Йўқ, шаҳзодам, бу йўл билан муродга етиб бўлмайди. Агар сиз Навоий томонга ўтсангиз, унда Султон жаноби олийларига хиёнат қилган бўласиз. Хоқони мансур сизга қаттиқ ишонадилар, валиаҳдим деб! Ҳазратнинг суянган тоғларидан бирисиз! Ҳа-ҳа, бу ёғини суриштирсангиз, Навоий ўз атрофига бутун шаҳзодаларни тўпламоқчи, кейин уларнинг бошларини бириктириб, хоқони мансурга қарши кураш бошламоқчи, тахтни эгалламоқчи... шекилли. Барчаси бирлашиб туйқусдан доруссалтана Ҳиротга ҳар томондан мўр-малахдай бостириб келса, унда нима қиламиз? Мана ҳозир Бадиуззамон Мирзо Ҳиротга бостириб келмоқда экан. Маҳди улё жаноби олиялари, шуни дарҳол айтмоққа келдик.

### **Парвоначи**

Ҳа-ҳа, мен ҳам биламен, уларнинг шундай ниятлари бор! Тахтни тортиб олишмоқчи.

### Қозикалон

Бировнинг тахтига эгалик қилишмоқчи. Бунга уларнинг ҳаққи йўқ!

### Ҳадичабегим

*(ташвишланиб)*

Балога йўлиққур Балиуззамон бостириб келмоқдаму?

### Саъдваққос

Келса, ўз бошини ейди-да, маҳди улё жаноби олиялари! Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Хиротнинг тўрт томонига тўртта қўшин қўйиб қўяйки, кўриб юраги зир-зир титрасин!!! Қолаверса, бизда тахтни бериб қўйиб, қараб турадиган анқовлар ҳали туғилмаган! Ҳе-ҳеҳ-е!

### Низомумулк

*(пишанг бериб)*

Аммо тахтга эгалик қилиш нияти уларда йўқ эмас... Очiqдан-очiq гапира беришади, ҳа! Ҳеч кимдан қўрқишмайди. Бунга йўл қўйиб бўладими? Тахт охир-оқибат сизники-ку ахир, шаҳзодам! Тўғрими? Гапим тўғрими?

### Музаффар Мирзо

*(бўшашиб)*

Тўғри...

### Низомумулк

Офарин! Нима, тахтни бериб қўйиб, қараб ўтирамизми? Мана, қаранг. Навоий жуда найрангларга моҳир одам. Ширин гапиради. Ҳаммани ўзига маҳлиё этади сўзи билан ҳам, шеъри билан ҳам! Шундай қилиб, шаҳзодаларни аста-секин ўзига қаратиб олмоқда. Содда шаҳзодалар унга ишонишади-да! Подшоҳим бунга билмайдилар.

### Парвоначи

*(қўшилиб)*

Тўғри, мансур ҳокон бундан ғофиллар.

### Низомумулк

Кўрингиз: Бадиуззамон Мирзони ўғлим деб, бошини айлантириб олган. Кепак Мирзога ҳам ёрдам бериб туради. Абул Муҳсин Мирзога ҳатто қанчаям – юзми, икки юзми ботмон буғдой бериб юборибди! Шунақа қилиб шаҳзодаларни ўзига қаратади-да. Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг ҳам, Фаридун Мирзонинг ҳам Навоий деса баҳри диллари очилиб кетади... *(бармоқларини букиб, ичида санаб)* Ўх-хў, ун тўрт ўғилнинг ярмидан кўпи ҳозир Навоий томонига ўтиб бўпти...

### Қозикалон

Жим юрмай, Амир Алишер биз қозилар шаънига ҳам аччиқ-тирсик гапларни айтғон эмишлар...

### Саъдваққос

Шайхлар ҳақидаги бир ғазалларини ҳам гапириб юришибди.

**Ҳадичабегим**

Саройда, саройдагина эмас, мамлакатда Навоийнинг нуфузи ортиб бормоқда. Сиздай қудратли аркони давлат, аъёнлар бунга бамайлихотир қараб турибсизлар... Сизларга тайинлагон эрдим-ку! (*Амир Саъдваққосга*)  
Жиян, сенга ҳам айтғондим...

**Саъдваққос**

(*ерга қараб*)

Айтғон эдингиз, аммажон...

**Низомумулк**

Тўғри айтасиз, маликам. Хушёр туришимиз керак. Балхдан қўшин тортиб келаётган Бадиуззамон Мирзони ўз ниятидан қайтариш учун Навоийни юбориш кераклигини хоқони мансурга мана бизлар айтдик... Очиғи, мен айтдим... Уришқоқ шахзодани ўзи тинчитиб берсин.

**Парвоначи**

Бу жуда яхши таклиф. Менинг хаёлимга ҳам шунга ўхшаш фикр келиб турувди...

**Низомумулк**

Подшони кўндирдик. Ҳар ишнинг сопини ўзидан чиқариш керак.

**Саъдваққос**

(*керилиб*)

Шоҳ Ғозий қўшинининг шахди зўр! Келса ҳам, бир ҳамлада Бадиуззамон Мирзо қўшинининг тит-питини чиқариб юборамен!

**Қозикалон**

Мен эса подшойимизга, Навоий кетганларидан кейин, Бадиуззамон Мирзо овга чиқса, Балхга қайтиб киритмаслик ҳақида фармон юборишни тавсия қилдим. Бу ҳақда фақат Балх доруғасига яширинча фармон юборилса кифоя, дедим... Ёздириб, жўнатдирдим ҳам.

**Ҳадичабегим**

(*чиройли қошларини чимириб*)

Бу нимага керак экан?

**Парвоначи**

(*қўшилиб*)

Чиндан ҳам, бу нимага керак?

**Қозикалон**

(*Парвоначига норизо оҳангда бир қараб қўйиб*)

Нимага керак, дейсизми? Навоийнинг хоқони мансур билан Бадиуззамон Мирзони яраштиришига ҳалал берадур. Чунки хоқони мансур билан валиаҳд шахзода бирлашсалар бўлмайти. Бошқа тарафдан, бундай фармон юборилса, валиаҳд шахзоданинг Амир Алишерга ишончига путур етади. Уларнинг ораларига ҳам совуқчилик тушсин-да!

Бадиуззамон Мирзо бузгунчи-ку! Нима, бузгунчининг иши юришиб, Навоийнинг обрў эътибори ортиб кетаберсинму? Қандай қараб турамыз?

### Низомумулк

Бирлашмасликлари керак! Унда подшойимиз бизлардан маслаҳат сўрамай кўядилар. Чеккага чиқиб қоламиз. Ҳозир ҳам, билиб кўйинглар, салтанат палосига зўрға илиниб турибмиз, ҳа! Бир четидагинамиз! (*Ҳадичабегимга таъзим қилиб*) Яхшиямки, бахтимизга маҳди улё жаноби олиялари кўллаб-кувватлаб, кўрғон бўлиб турибдурлар, акс ҳолда Амир Алишер аллақачон ҳаммамизнинг кавушимизни тўғрилаб кўярдилар. Миннатдормиз, умрбод маликамиздан қарздормиз! Биз сиёсат тарозисини қўлда маҳкам тутиш билан шайинига ҳам эътибор беришимиз керак, токи у ёқ-бу ёққа тебранмай, вазиятни тўғри кўрсатсин. Шундай муаммолар келтириб чиқарайликки, уларни баргараф этишда подшомиз фақат бизлардан маслаҳат сўрасунлар. Ҳозирча Шох Ғозий кўпроқ Навоий кенгашига суянадурлар...

### Парвоначи

Тўғри, Шох Ғозий Амир Алишерни кўп гапирадилар.

### Қозикалон

Жуда тўғри. Иккилончи, Бадиуззамон Мирзо Балхдан мосуво бўлса, бошқа суянадиган жойи, қалъа-кўрғони, кучи-куввати қолмайдир... Аста-аста ўз оёғидан йитиб кетадур.

### Низомумулк

Буларнинг бари Алишер Навоийнинг обрўсига путур етказадур, албатта... Музаффар Мирзонинг тахтга миниши тезлашади... Музаффар Мирзонинг тахтга миниши – муродимизга етганимиздур. Бизга шу керак.

### Музаффар Мирзо

(*жаҳл билан*)

Эҳ-хе... Сизларнинг ҳисоб-китобларингиз амалга ошгунча ҳали чикмаган соқолим оқарар экан-да. Астрободни олиб беролмаётирсизлар-ку, эҳ-хе, тахтга йўл бўлсин! (*Чиқа бошлайди*).

### Ҳадичабегим

(*ўғлининг ортидан*)

Тўхтангиз, ўғлим! Нима қилмоқчисиз?

*Музаффар Мирзо чиқиб кетади.*

### Музаффар Мирзо овози

Ўзим биламен!

*Ҳадичабегим газаб билан “Нима қилиб кўйдиларинг?” дегандай вазири аъзам, парвоначи, лашкарбоши ва қозикалонга ўқрайиб қарайди.*

### Ҳадичабегим

Ўзим биламен, дейдир. (*Йиғламсираб*) Нимани биладур?... Ҳеч нарсани билмайдур! Борингизлар ортидан! Юпатингизлар!

**Низомумулк**

Бош устига, маҳди улё жаноби олиялари! (*Ўзича*) Юпанади, юпанмай қайга борарди...

**Қозикалон**

Юпатамиз, маҳди улё жаноби олиялари!

**Парвоначи**

Ҳозироқ қўнглини топамиз, ташвиш тортманг, маликам!

**Саъдваққос**

Айтамиз, юпанадур! Юпанмаганига қўймаймиз!

*Низомумулк, парвоначи, Саъдваққос, қозикалон чиқадилар.*

**Ҳадичабегим**

*(юрагини ушлаб)*

Оҳ, бу охирзамоннинг болалари! Булар бизни адои тамом қиладур! Адои тамом қиладир-да, гўрга тикиб тинчийдур! Болалар эмас, балолар! Юракларим қон бўб кетди-я! Опок! Қайдасен? (*чақириб*) Опок! Давлат!

*Ичкаридан “Ҳу-вв!”, “Ҳози-и-р!” деган овозлар эшитилади.*

Келинлар! Юрагим сиқилиб кетди-ку!..

**П а р д а**

*(Давоми бор)*



**Абдуғаффор  
АБДУЖАББОРОВ****СЎНГГИ ҚОР**

Қисса

*Рус тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА таржимаси*

Абдуғаффор Абдужабборов – тожикистонлик таниқли носир, таржимон, драматург. Тожикистон Бадиий академиясининг академиги. У 1956 йил 11 августда туғилган. Санкт-Петербургда давлат университетининг Журналистика факультетини тамомлаган. Анча йиллар республика телевидениесида, Тожикистон Маданият вазирлигида масъул лавозимларда хизмат қилган.

Адибнинг йигирмадан зиёд китоби чоп этилган. Асарлари ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, ҳинд ва инглиз тилларига таржима қилинган.

Абдуғаффор Абдужабборов таржимонлик фаолияти билан ҳам самарали шуғулланмоқда. Унинг она тилига ўйрган таржималари орасида Нажиб Маҳфуз, Габриэль Гарсиа Маркес, Валентин Распутин, Сомерсет Моэм, Альбер Камю, Бернард Шоу, Алексей Дударев, Мар Байжиев ва бошқа машҳур ёзувчиларнинг асарлари бор.

Журналхонларимиз эътиборига ҳавола этилаётган “Сўнги қор” романи ёзувчи ижодида алоҳида ўрин тутади. Асарда асосий ғоя – виждонни пок сақлаш. Бош қаҳрамон Қурбон айнан виждонсизлик қурбони бўлади. Асар модерн услубига яқин йўлда ёзилган бўлиб, бу белги ёзувчининг замон билан ҳамнафаслигидан дарак беради.

**Б**аҳор ҳали ўзининг қизғин палласига тўлиқ кириб улгурмаган чоғда чанг нималигини билмас яшил япроқча тўйиб-тўйиб нафас оларди. Шамол дарахт шохларини у ён-бу ёнга тебратган маҳалларда яшил япроқча дир-дир титрар эди. Қуёшнинг жазирама иссиғи гирибонидан тугганда яшил япроқча охиригача чидам билан кутарди. Ҳатто шамол кўча тупроғини тўзғитиб, уни у ёқдан-бу ёққа думалатиб ўйнатганида ҳам нолимасди. Зеро, у бир ажойиб кун келиб ёмғир ёғишини, унда маза

\* Журнал варианты. Манба: Абдужабборов А. Последний снег. Рассказы и повести. – Санкт-Петербург: “Первый План”, 2014.

килиб чўмилишини билар эди-да. Шундай бўлди ҳам: яшил япроқча ёмғирнинг сирли шитир-шитирига монанд рақсга тушди, томчиларнинг лабидан бўса олди. Кейин эса куз келиб, яшил япроқчани узмоққа чоғланди... аввалига танасини қуришиб, кейин унинг ширадор яшил рангини сариққа айлантирди. Энди унинг бир вақтлардаги тароватли чехрасидан асар ҳам қолмаган, файзини йўқотган эди, куёш нурларида сўнгги бор чўмилаётганини ҳис этиб турарди, ниҳоят, бетакаллуфларча эсган шамолдан сариқ япроқчанинг бутунлай шарти кетиб, парти қолди, узоқ дириллаб турди-да, охири шохдан чирт этиб узилиб тушди, ҳавода муаллақ учиб юрди, учиб юриб-юриб йўл ёқасига келиб урилди ва шундагина ўзининг баландда бўлганини, энди эса пастга тушиб қолганини англади; чумолилар ҳам, бола-бақралар ҳам, машиналару велосипедлар ҳам уни бемалол босиб ўтиб кетаверар, одамлардан биронтаси ҳам оёғи остига қарамас ва нима учундир япроқчани кўрмас, унинг юракни ларзага солувчи фарёдини эшитмас эди... Эртасига тонг билан қандайдир аёл кўчани супурди, япроқчани чиқинди-ахлатларга қўшиб, ҳаммасини бир жойга уйди-да, ёқиб юборди. Япроқча оловдан жизғанаги чиқиб, тутаб ёна бошлади, тутуни аччиққина эди...

Эҳтимол, шохдан узилиб тушгандан кейиноқ ҳаёти тамом бўлганидан алами келиб йиғлаётгандир...

\* \* \*

У ҳукми индамай, тик турганча ва хотиржам эшитди, юзида қилча ўзгариш сезилмасди. Киприк ҳам қоқмади. Жабрдийданинг қариндош-уруғлари суд ҳукмидан мамнун бўлиб чапак чалишди. Айбдор эса ҳамон қилт этмасди, чехрасида ҳамон ўша совуқ ифода, рангининг қони ҳам қочгани йўқ. Олдин тасаввур қилганидек, лоақал тиззалари ҳам қалтирамади.

Ҳакам – баланд бўйли чиройли аёл ҳукми ўқиб эшиттирди, бир лаҳза сукут сақлади-да, келганларга бирров кўз югуртириб, қўшиб қўйди:

– Бир ҳафта давомида раддия беришингиз мумкин.

Бу таъкид ҳам маҳкумнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш ясолмади. У ҳамон суд залининг топ-тоза қилиб артилган деразалари оша олислардан, баланд тоғлардан нигоҳини узмас эди. Кўзлари ўша ёқда-ю, миясида минг турли ўйлар чарх урарди: унинг ҳақ-ҳуқуқини ҳеч ким поймол этолмайди, ўзининг қирқ йиллик умри мобайнида бирон марта ҳам уч минг метрли баландликка қўтарилма олмаган ва шу боисдан у ердаги ҳавонинг нақадар тиниқ ва тоза эканини тасаввурига келтира олмасди. Ўйларининг охири кўринмасди, ҳатто ҳукм ўқиб эшиттирилгандан кейин ҳам ўзининг шунга қодирлигидан ўзига қойил қолди – бирон марта ҳам на куёш чиқишини, на куёш ботишини кузатибди, тонг ҳам, шом ҳам ўз гўзаллиги билан бир-биридан қолишмаслигини фарқлабди. “Балки шундайдир”, деди у ичида. Балки имконияти бўлган минглаб, миллионлаб одамлар тоққа чиқишни орзу қилмай, табиатнинг бетакрор манзаралари завқидан ўзларини маҳрум этмоқдалар. Аммо ҳозир у ўзини ўша миллионлаб одамлардан истисно этмоқда. Бўлар иш бўлиб, ғишт қолипдан кўчганди. Шу боис ўзининг беғамлигидан пушаймон бўлди...

Деразадан четланар экан, суд залини тарк этаётган сўнгги бекорчихўжа томошабинларга кўзи тушди. Шундагина у бошини хиёл эгди. Сўнг кайрилиб, ҳакамга юзланди. Бу чиройли аёл жойида ўтирар ва иягини кафтига тираганча унга қараб турарди. Аёлнинг кўзлари маъносиздай кўринар эди-ю, бироқ унинг маҳкумга ачинаётганини пайқамаслик мумкин эмасди. Ҳукм унга эмас, бошқа бировга ўқилгандек, маҳкум жилмайиб кўйди. Аслида ҳеч ким унинг жилмайишига монелик қилолмасди. Ҳозир у ўзи учун ҳаётнинг ғалати бир зиддияти фош бўлганидан юзига табасум югурганди... “Шубҳасиз, мен айбдорман ва кимнингдир марҳаматига зор эмасман. Юракдан энг қаттиқ жазога тайёр эдим. Аммо шундай гўзал хилқат мени олий жазога ҳукм қилади, деб асло ўйламагандим. Тушунман, тан оламан, бу унинг инсоният олдидаги бурчи... Бироқ, шу билан бирга, ҳайратланмай иложинг ҳам йўк...”

– Маҳкум олиб чиқилсин! – амр этди аёл ва унинг хаёл ришталарини узиб, ўрнидан турди.

– Оҳ, шўрим қурсин!!! – чинқириб юборди онаси ва ерга йиқилди. – Наҳотки, шунинг учун сенга оқ сут берган, шу кунларни кўриш учун бешигинг устида аллалар айтган бўлсам... Ахир, отанг иккимиз ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, на кундузи, на кечаси тиним билар эдик; ер чопардик, пахта титардик, қоринларинг тўқ, эгниларинг бут бўлсин дердик. Қишда совқотиб қолманглар, деб ғўзапоя юлардик, иссиқ нон ёпиб берардик, пилла қурти боқардик, туршак сотиб тирикчилик қилардик... Наҳотки, сен барини эсдан чиқарган бўлсанг? Аввалбошдаёқ сенинг мана шу лаънати бизнесингга қарши эдим. Аммо гапимга кирмадинг, очкўзлигинг бошингга етди, бизни шармисор қилдинг. Оилангдан айрилдинг... Э-вой, қайси ёзуқларим учун бу кўрғиликлар? Бир парча жишни қотил бўлсин деб боқиб, одам қилганмидим? Бегуноҳ одамлар бошига не мусибатлар солмадинг, худога мункир келдинг... Бундан кўра мени қаро ер ютса бўлмасмиди?... Яхши номинг булғанмаслиги учун бир эмас, минг жонимни бермасмидим! Қандай шармандалик... айт, Қурбон, айт, оқпадар, болаларингнинг, одамларнинг, таниш-билишларнинг, кўни-қўшнилари кўзига қандай қарайман... Оҳ, бундан икки кўзим оқиб тушгани яхши эди... Нима қилиб қўйдинг?! Одам умри шунчалик бекадр бўлиб кетганми?... Ўша шўрлик аёл билан бечора эркакнинг етимларига ким ота-оналик қилади? Э-воҳ, сени тукқандан кўра ўлиб кўя қолганим яхши эди!

\* \* \*

Ошпаз Сайидбой кичик ўғлига суннат тўй бермоқда. Етти яшардан етмиш яшаргача тўй дастурхонига тўпланган. Ҳамма еб-ичар, хурсандчилик қиларди.

Осмон мусаффо ва булутсиз эди. Оёқ остида уч кун бурун ёққан қалин қор ғирчилларди. Машшоқлар созларини созлаб бўлгандан кейин шаҳарда масхарабоз деб ном чиқарган Мансур кал ўз шогирдлари билан еру кўкни ларзага солиб карнай чаларди. Ўша йиллари бундай тўй-ҳашамлар қош қорайиши билан бошланар ва ярим тунгача давом этарди. Карнай овозлари тўй бошланганидан дарак берарди.

Ҳаво совуқ эди ва шу боис ошпаз уста Иброҳимжон – ўрта бўйли чакқон киши – мен ва мен тенги уч-тўрт йигитга сарой ортидан куруқ ўтин келти-

ришимизни айтди. Аввалига биз уч қучоқдан ғўзапоя келтирдик ва ўйин майдончаси ўртасида гулхан ёқдик. Уста Иброҳимжон ғўзапоя остига бир парча газета тикди-да, устидан керосин сепиб, гугурт чакиб юборди. Бироз тутун чиқариб турган ўтин, сал ўтгач, гуриллаб ёна кетди.

– Қани-қани, шоввозлар, – деди уста. – Келтирган ўтинларингиз тутантириққа ярайди, холос. Биз эса зўр зиёфат қилмоқчимиз, шунинг учун тонг отгунча олов ловуллаб ёниб турмаса бўлмайди. Бас, шундай экан, чопинглар, йўғонроқ шохлардан кўпроқ келтиринглар, курук бўлсин.

Бу гал биз гулхан олдида тут шохлари ва озроқ арраланган шафтоли ходаларини келтириб қўйдик. Уста бизни конфет, кулча, узум билан сийлади-да:

– Сизларнинг ишингиз, йигитлар, гулханни гуриллатиб ёкиб туриш, тамом! Тушундиларингми? – деди.

Биз бараварига бош ирғадик, чунки оғзимиз ҳозиргина олган неъматлар билан тўла эди. Эркаклар гир айланиб ўйинга туша кетишди, айримлари гулхан устидан сакраб ўтар эди. Буни кўриб, шу қадар завқландимки, шартта ўйинга тушиб кетгим келди, аммо уялдим. Ўйинга тушгудек бўлсам, ҳамма мени бармоғи билан кўрсатадигандек ва куладигандек туюлди. Шу топ устанинг топшириғи ёдимга тушди-да, яна ўтин келтиргани чопдим. Узун, ингичка хода ва... чанг босиб ётган эски бешикни суғуриб чиқардим-да, келтириб, гулханга ташладим. Ғайрат-шижоатимдан ўзимни ғоят бахтиёр ва хурсанд сезаётган эдим.

Бешикнинг бош томони ёна бошлаганда кулоғимга устанинг овози чалинди:

– Ҳай аттанг! Болага иш буюр, орқасидан ўзинг югур. Бешикни ким олиб келганди?

– Мен, – дедим саволи маъносини ҳали англамай.

– Бешикни қайси аҳмоқ ёндиради, а? Бир эмас, бир неча оиланинг кулини кўкка совурганингни биласанми?

Тунда уйга қайтгач, бу воқеани ойимга айтдим.

– Уста тўғри айтибди. Бешикни ёқиш ўз бошига мусибат сотиб олиш дегани, болам... Аттанг..

\* \* \*

Ойим бошини эгиб ўтирарди. Мен кўзимнинг қири билан унга қараб, бирдан раҳмим келиб кетди... Мени муздай суд залидан олиб чиқишди. Бир неча киши ҳали ҳам ҳовлида эди, афтидан, суд мажлиси ишини муҳокама қилишарди. Кимдир нафрат билан, кимдир қизиқсиниб мени кузатарди. Менинг аҳволим, ташқи кўринишим тўғрисида нималар дейишаётганини билмасдим. Аммо бир нарсани комил ишонч билан айта оламанки, шомдан ўтиб хуфтонгача уйдагиларга кўрганлари ва эшитганлари ҳақида гапириб бериб, сўнг мени унутиб юборадилар. Бу аниқ!

– Эшак гўшти ва қанжиқ тиши! – қичқирди аллаким.

Қоқилиб кетмаслик учун гоҳ ерга, гоҳ соқчиларга қараб юриб борардим. Тўда ичида яқин қариндош-уруғлар ва танишлардан ҳеч ким кўринмасди. Суд ҳақида ҳеч гап билмасликлари ҳам мумкин. Балки менинг ишимдан улар ор қилаётгандир. Эшикдан мени қамоқхонага олиб кетадиган мили-

ция машинасигача тўққиз ярим кадам экан. Чуқур ўриндикқа ўтиришдан олдин мен илтижо билан катга соқчига қараб кўйдим.

– Нега туриб қолдинг? Ўтир!

– Осмонга бирров қараб олсам майлими?

– Жинни-пинни бўлиб қолмаганмисан?

Мен бошимни кўтардим. Осмон мусаффо ва кўм-кўк эди, қуёш эса одамлар ва менинг устимга сахийлик билан нуруни тўкарди. Ох, қанийди, қанотларим бўлсайди-ю, учиб кетсайдим... Осмонга ҳам, қуёшга ҳам, ҳеч нарсага қараб ўтирмай учиб кетар эдим. Оғир ғам-андух, кўркув, омад ва қийинчиликларга, эзгулик ва зулмга, инсонийлик ва разилликка, ўзимнинг барча гуноҳларимга қарамай, парвоз қилаверардим... Йўқ, аёвсиз ва ҳаққоний ҳукмдан қочиб қутулиш учун эмас, балки қуёшнинг ўтли нурлари остида куйиб кулга айланиш учун учар эдим. Токи мендан на бирон нишон, на хокитуроб қолсин. Аслида қуёшнинг олдида мен ким ё нима бўлибман? Аммо шу билан биргаликда яна бошқа гап ҳам бор – мендай тубан, пасткаш ва қотил бир одамдан жирканиши бор гап-ку!

– Қани, юр! – дея соқчи мени туртди. Мен истамайгина итоат этдим. Машина ичи қоп-қоронғи эди. Қуёшни йўқотганимни ҳис этдим. Энди абадий йўқотдим. Мен буни аниқ билардим. Ток ургандек бир силкиниб тушдим. Энди мўъжиза рўй бермайди. Ортимдан залворли темир эшик гумбурлаб ёпилди. Менга нима учун етти кун, етти тун яшашга имкон беришганига ҳалигача тушунолмаيمان. Кўз очиб-юмгунча ўтиб кетадиган етти кун ва етти тун.

Ҳаётимнинг иккинчи ярми ҳукм эълон қилинмасидан кейин бошланди. Энди мен озодман. Кутишлар ортда қолди. Ниҳоят, мен сўнгги нуқтагача етиб оламан.

\* \* \*

Болага дала кенг ва бепоёндай кўринди. Ҳар бир ирмоқ, ҳар бир тут ва ўрик дарахти, атрофдаги ҳар бир бута унга ҳаддан ташқари таниш ва кадрдон эди. Атрофда ундан бошқа ҳеч ким йўқ. Аммо бола ўзини танҳо ҳис қилмаётганди. Аксинча, гулларнинг муаттар бўйи, теварак-атрофнинг мўъжизакор манзараларидан у масту мустағрик эди. Қўлларини қанотдай кенг ёзганча у дала бўйлаб чопиб бораркан, шодон қичқирарди.

Ортдан акс садо янграйди:

– Э-хе-хе-ҳей-йй!..

Унинг овози тоғ этакларига, баланд чўққилар, оппоқ булут қадар тараларди. Аммо у акс садони эшитмасди. Шу паллада унинг бошига патлар тўкилди. Оппоққина, момикқина, елдай патлар, худди қор учкунлари дейсиз. Бола уларни тутишга ҳаракат қилди.

Юраги дук-дук қиларди, бу ерга нима учун келганини унутиб, шеър ўқигиси, қўшиқ айтгиси келарди. Ойиси эса уни ўтин тергани юборганди...

Кампиршо супада ўтирганча қуёш нурлари остида эски кийимини кўклар эди.

Бола устидаги чангни қоқиб-қоқиб ташлади-да, ювинди. Кейин қандайдир қўшиқни димоғида хиргойи қилганча уйга кирди-да, бир бўлак патир ҳамда бир коса муздай сув олиб чиқиб, бувисининг ёнига келиб ўтирди. У нонни совуқ сувда ивитганча:

– Бувижон, “Минг бир кеча”дан бир қизиқ ривоят айтиб беринг... – деб сўради.

– Бувингнинг эртақларини бошингга урасанми? Ҳаммаси курук чўпчак. Эртақ билан қорин тўйдириб бўлмайди, – деди ойиси, бувисини оғиз очгани ҳам қўймай. – Ундан кўра тезроқ нонингни егин-да, ўтинга чоп.

– Ҳозиргина ўтин териб келдим-ку.

– Яна териб кел, қолиб кетадиган бошқа ишинг бормиди? Ўтин қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Кампиршо кўзойнагини тўғрилаб, игнадан ипни ўтказишга уринарди.

– Тўғри, эртақка қорин тўймайди, ичадиган сув ҳам эмас. Аммо эсингизда бўлсин, улар одам юрагини тарбиялайди, нурга тўлдиради, орзу қилишга ўргатади. Бунисига энди йўқ деб бўлмайди.

Келин ён беришни истамади.

– Эртақларингиз боламнинг миясини ачитиб, жинни қилиб қўйди. Ана, энди у бизни ташлаб кетишни орзу қилиб юрибди.

– Ота-боболаримиз, орзуга айб йўқ, деганлар, – битта гапда туриб деди кампир.

– Сизларникига келин бўлиб тушганимга ўн саккиз йил бўлибди. Шунча йил ичида бирон марта айтганингизни ерда қолдирмадим...

– Гапни айлантираверма, қизим. Яхшиси, ўғлингнинг эртанги кунини ўйлайлик.

– Бунинг нимасини ўйлайсиз?

– Йўқ, мен ўлақолсам рози эмасман. Агар эрим тирик бўлганида, ҳамма иш хамирдан қил суғургандек битарди...

Бола аллақачон нонни еб бўлиб, энди ойиси билан бувисининг суҳбатига қулоқ соларди. “Ҳа, ойим тўғри гапиряпти. Отам агар мактабда яхши ўқисам, мен учун ҳеч нарсани аямаслигини айтарди. Охирги қўйлагини сотиб бўлса ҳам менга яхши таълим бераман, дерди”.

Кампир бир зум ўйлаиб қолди.

– Менинг эрим ўн тўрт ёшида етим қолганди. У пайтларда замон оғир, очарчилик эди. Онаси ва укасига қараш унинг зиммасига тушган, бошқа иложи ҳам қолмаганди...

– Энди шундай қисмат неварангизнинг чекига тушиб турибди. Ўзингиз ўйланг, эмизикли бола билан қаерга борардим? Менинг қўлимдан нима ҳам келарди?

– Ҳудога шукур, келин, мен ҳали тирикман, тўрт мучам соғ...

– Йўқ дедимми, йўқ, гап тамом, вассалом! Ҳазрат Хизр дуч келиб, илтимос қилганида ҳам рози бўлмасдим...

Келин ғазабини босолмай уйга кириб кетди. Зум ўтмай қўлида китоб билан чиқиб келди.

– Шу китобсиз ҳам бир кунини кўрар, бир бурда нонини топиб ер...

– Шундай дея келин китобни шарт-шурт йиртишга тушди... Йиртилган варақлар ҳовли бўйлаб сочилиб кетди.

Кампир ноҳос тек қолди, ҳайрат тўла кўзларида ғамгинлик пайдо бўлди. Сўнг аста ўрнидан турди, супадан тушди. Энгашиб, варақларни тера бошлади. Кўзлари ёшланди. Чурқ этиб оғиз очмаган невараси унга ёрдамлашди. Улар варақларни йиғиштириб бўлди. Кампир қаддини ростлагач, неvara кафти билан бувисининг ёшини артди. Кампир титроқ

кўллари билан болани бағрига босди, оғир хўрсинди, пешонасидан ўпиб, бошини силай бошлади.

Келин ерда чўнкайиб ўтирганича, улар томон кўзининг қири билан қараб турарди.

\* \* \*

Чўлдами ёки бошқа бирон жойдами, изғиринли шамол ғувиллаб, совук суяк-суякдан ўтиб турганда ҳатто томига похол тўшалган қапа ҳам жаннатдай туюлиб кетади. Ҳар нима бўлганда ҳам Қурбон шундай ўйларди. Аммо қамокхонада ҳамма нарса ўз маъносини йўқотгани, фақат у содир этган гуноҳлар ва савоблар, оғзидан чиққан пештахам сўзлар, ҳис этган севинч ва ғамлар бундан мустасно. Ўлим тўшагида ётган, санокли кунлари қолган бемор учун дунёнинг ҳар қандай бойлиги бир чақага қиммат бўлиб қолишини Қурбон англаб ётарди. Энди унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам кераксиздай ҳис қиларди. Уни ёруғ олам ва одамлар билан боғлаб турувчи кўзга кўринмас қирқ ришта пирт-пирт узилиб бўлган эди...

Қурбон ўзини ёмон ҳис қила бошлади, кайфияти йўқ эди. У на бир жойда ўтира оларди, на бир бурчакдан бошқа бурчакка бориб келарди, тунда ҳам, кундузи ҳам мижжа қоқмасди. Охири тоқати тоқ бўлди-да, эшикни уриб-тепа кетди. Қоровул эшик кўзчасидан қаради.

– Нима керак сенга? Гаплашиш мумкин эмаслигини биласан-ку!

– Дунёда нималар бўлаяпти?

– Сенинг дунёнг шу ерда – зиндонда!

– Номабқулнинг бештасини айтибсан, сен етмай турувдинг, аблах...

– Тупурдим сенга.

– Рўзноманг борми?

– Рўзномани бошингга урасанми? Оёғингни гўр тортиб турибди-ку.

– Ўқийман, тентак!

– Бўпти. Қанақадир кундалигим бор эди. Бўладими?

– Кимнинг кундалиги?

– Сендан олдингиларники. Бутун бир роман. Босилса, қўлма-қўл бўлиб кетади. Мен ҳозир...

Қоровул кўйнидан титилиб кетган эски бир дафтарни олди, камера эшигига яқинлашиб деди:

– Эшик олдидан нари тур. Бусиз ҳам барча қонунларни оёқости қилдим.

Қурбон ўзини бурчакка олди.

Қоровул эшикни қия очди, кундаликни бетон ерга итқитди:

– Ичида қалам бор. Тилакларингни ёз. Битта-яримта ўқиб қолиши мумкин.

Эшик ёпилгач, Қурбон бориб, дафтарни ердан олди. Қоровул эшик кўзчасидан қичқирди:

– Тилакларингни ёз!

Бирдан маҳкумнинг эсига Афанди, Ҳобил, дор ва подшоҳ ҳақидаги латифа тушди. Жилмаймоқчи эди, уддалай олмади.

– Қанақа тилакларни айтаётибсан? Тилаклар аллақачон қирилиб битган! Эшитдингми?!

Мактабда бир анъана бўларди: ўқувчилар кундалик тутарди, кундаликларини бир-бирларига берарди, унга расмлар солар, фотосувратлар ёпиштирар, шеърлар ёзарди. Ва албатта, тилаклар бўларди. Дастлабки йилларда Қурбон гоҳ-гоҳ кундалигини варақлаб қўярди. Бироқ кейинчалик кундалик қаёққадир йўқолди. Нима бўлганда ҳам кўп вақтдан буён ҳеч кўзга тушмади.

Энди бўлса нотаниш бир кимсанинг кундалиги қўлида турибди. У кундаликни варақлай бошлади ва ундаги хатлар бошқа-бошқа одамники эканини кўрди. Олий жазога ҳукм қилинган ўн-ўн иккитаси бунга ўзининг сўнги тилакларини ёзиб қолдирганди, кимдир бир, кимдир ярим бет, қайсидир ялқов эса имзо чекиб қўя қолибди.

Қурбонни даҳшат камраб олди. Лаблари пир-пир учар, қўллари дағ-дағ титрарди. У дафтарни бир четга итқитди-да, дод солиб юборди. Унинг қичқириғи камера деворлари, шифти ва ерига урилиб, акс садо берди. Қулоғи шангиллади...

\* \* \*

Унинг кўзлари аллақачон камерадаги қоронғиликка ўрганиб бўлганди. Уйқусизлик қийнарди ва у фақат ўйлар, ўйлари эса алқаш-чалқаш эди. Шундай бўлса-да, навбатчи посбоннинг калитлари шақиллашию қадами товушларидан бошқа ҳеч нима уни безовта қилмасди. Тўсатдан бир жуфт чакноқ кўз ўзига тикилиб турганини кўрди. Ҳайратдан кўзларини кисди ва яна очди. Бу чакноқ кўзлар унга болаликдан таниш...

– Наҳотки беш-ўн сўм пул тополмайдиган замонларга қолган бўлсак? – таажжубланарди ота.

– Бунақа сиқилаверманг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, – тасалли берарди она. – Эртага маош оласиз...

– Лекин менга пул ҳозир керак! – дерди ота.

Эсида, ўшанда она кулиб, бундай деганди:

– Билмадим, мен бўлмасам, сиз, эркаклар, нима қилар эдингиз. Бир кун ҳам яшолмасдингиз, бир кун ҳам...

Она қўшни хонага кирди, оқ тугун олиб чиқди, ечиб, супага қўйди. Бу ақчадон эди. Она ганч мушукни силкита бошлади.

– Мана олинг, синдилинг уни, – деди у. – Қора кунга деб тийинлаб йиғиб юргандим.

Ота ўйчан бир ҳолда энсасини қашиди-да, қатъий оҳангда деди:

– Йўқ, кераги йўқ. Бирор нарса ўйлаб топарман...

Онанинг кичик бир сирини Қурбон ана шу тарика тасодифан билиб қолганди. Кунлар ўтаверди. Ёши ўн тўртга етган бола ақчадон борлигини салкам эсидан чиқарганди.

Тўғри, гоҳо бирдан эслаб қоларди уни. Аммо бир куни яхши кўрган кизига совға олиш учун пул жуда керак бўлиб қолди.

У ота-онасидан пул сўраёлмасди, уяларди.

Шунда бирдан ақчадон эсига тушди. “Тўрт-беш сўм пул олсам, ойм билиб ўтирибдими? Мактабга берган пулидан аста-секин жойига қўйиб қўяман, сих ҳам куймайди, кабоб ҳам...”

У пайт пойлай бошлади. Узоқ кутишга ҳожат қолмади.

– Дарсларимни анави уйда қиламан, ҳеч ким менга ҳалақит бермай-



ди, – деди у, зеро, “дарс” деган сеҳрли сўз ўзи учун ҳар қандай эшикни ланг очишини яхши биларди...

Биринчи тунда у тахмондаги кўрпа-кўрпачалар орасидан сирли ақчадонни олди. Унинг зилдай оғирлигидан ҳайрон қолди. Қаламтарош учи билан астагина тирқишларини йўниб, “мушук”ни ағдарган эди, дархол иккита танга тушди – ўн беш ва йигирма тийинлик чақалар бўлиб, ганч гарди билан қопланганди.

Энди Қурбон қарийб ҳамма дарсини ичкари уйда “тайёрлар” эди. Кейин эса бу одат тусига кирди. Дастлабки кунлари у битта-яримтанинг кириб қолиши ёки ойисининг ақчадон енгил тортиб қолганини билиб қолишидан кўрқиб юрди. Аммо вақт ўтиб, ҳечам ҳадиксирамайдиган бўлиб қолди...

Лекин у бир куни мактабдан қайтганида...

Ойиси катда ўтирарди. Ёнгинасида синдирилган “мушук” парчалари сочилиб ётарди. Она кўз ёшларини артди...

У ўғлига чурк этиб оғиз очмади. Ғам-қайғудан адойи тамом бўлганча ўтираверди.

Тунда эса туш кўрди: ичкари хонада у портфелни очмоқчи бўлар, аммо очолмаётганди. Ажабо! Портфель ёпилмаган-у, аммо очилмасмиш. Бирдан чироқ ўчиб қолди. Ҳаммаёқни зулмат чулғади. Тўсатдан орқасида мушук миёвлади. У орқасига ўгирилиб қараганди, бир жуфт ёниқ кўзни кўрди. Кейин мушук дунёни бошига кўтариб, “қаҳ-қаҳ” уриб қолди, жуда кўрқинчли қолди...

Бу унинг болаликдаги энг даҳшатли туши эди. Икки ёниқ нуқта коронғида гоҳо уни таъқиб қилар, бундан у даҳшатга тушарди.

Энди эса уларни камерада кўриб, кўнгли хотиржам бўларди. Бу уларнинг сўнги учрашуви эканига ва энди ҳеч нарсадан кўрқмаса бўлаверишига ишончи комил эди...

Шундай бўлса-да, Қурбон кафтлари билан юзини беркитди ва бошини кўтарди. Ойиси ёғоч каравотда ўтириб, унга ўқинч билан қараб тургандек кўринди. Кўзларида ёш, нигоҳида мунг... дард... ёзғирик...

\* \* \*

Тақдирига ёзилганми, ё бу дўсту душманнинг ишими, нима бўлганда ҳам ҳаммаси ўша лаънати тундан бошланди, ўшанда бу менинг ҳаётимдаги энг яхши, энг омадли тун бўлган эди. Тан олиб айтаманки, синфдошимдан ажралиб кетар эканман, ҳайратимнинг чеки йўқ эди: қара, қисмат ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди! Ўзгартирмай-чи! Таътилда пойтахтдан туманга кетиш ва бир ойда жарақ-жарақ пул ишлаш. Зўрми? Ҳа, дердим мен, мушук текинга офтобга чиқмайди. Бизнинг замонда бебилиска пул топиб бўларканми? Узоқ йиллар мен билан бир партада ўтирган Усмон савдогар дўстлари даврасига таклиф қилди:

– Давраимизга кўшил. Сен бегона эмассан. Бошида ўзимиз ёрдам қиламиз.

Шундай қилиб, улар билан бирга Саратовга, кейин Волгоградга кетдим. У ерда кўрмаганимизни кўрдик: бирга азоб чекдик, оч қолдик, ҳар нима бўлдик, яшириш нега керак? Бир тўғрам нон топаман деб ёт ўлкаларда сарсон бўлган ҳар биримиз бош-кўзимизга қарамай чанги-

тиб сўкинардик. Бироқ фойдани бўлаётганда ҳаммаси эсдан чиқиб кетди. Менга ҳам ишлаганимга ярашасини беришди. Биласизми, пул олганимдан сўнг, қора, мудҳиш кунлар менга бор-йўғи бемаъни тушдай кўришиб қолди. Ҳатто осмондаги ой ҳам кулиб қараётгандай эди. Пул нималар қилмайди дейсиз. Мен худди кайфи тарақ одамдай маҳалла-кўйда сандироклаб юрар, йўк, қушдай парвоз қилардим. Ярим тун эди. Ҳатто ит ҳам хурмасди. Симёғоч учидаги фонусда ғира-шира кўришиб турган эшигимни зўрға топдим. Ёнгинамда суви жилдираб турган ариқ бор эди. Эшикни тақиллатмокчи бўлдим, аммо эшикка қулф солинмаганини кўриб, итариб очдим-да, ховлига қадам қўйдим.

– Қурбон, сенмисан? – қоронғида ойимнинг овози эшитилди. Ойим мени кўриб суюниб кетади деб ўйлагандим, аммо у чурқ этиб оғиз очмади.

Азонда уйғондим. Ойим аллақачон туриб, нон ёпган эди, қатиқ олиб келди. Хотиним билан болаларим уйда ивирсиб юрар эди – барчалари шод-хуррам.

Кейин укам келди. Бирга нонушта қилдик.

– Ука, бугун якшанба, юр, бозор қиламиз, – дедим.

Ўша куни менинг эски “Жигули”м бир дақиқа ҳам тиним билмади. Мен ойимга телевизор, музлаткич, икки қоп олий нав ун, ёғ олиб келдим. Хотиним билан болаларимга кийим-кечак ва пойабзал сотиб олдим. Молларга бир тонна кунжара ғамладик. Акамга янги костюм-шим совға қилдим.

Ҳаёт менга беғубор ва бахт абадийдек кўринганди. Фақат ойимнинг гапига кирмаганим чакки бўлди. У яккаш: “Катта сув ариқни бузади, катта пул одамни йўлдан уради”, – дерди.

Икки ҳафта ўтгач, Усмон келди.

– Ҳозир қўлни чўнтакка солиб юрадиган вақт эмас, – деди у. – Агар йўқ демасанг, иккита “КамАЗ”ни тўлдирамиз-да, Россияга урворамиз.

Мен эса нима қилишни билмасдим:

– Пулнинг ярмидан кўпини сарф қилиб бўлдим...

Шерикларим эса менга тасалли беришди.

– Шу ҳам гап бўлди-ю, – дейишди улар. – Цемент сотадиган Шариф кал бор-ку, ўша сенга қарзга пул беради. Икки ойдан кейин қайтарасан. Фойданг эса уч йил ётиб ейишинга етиб ортади. Ўзинг кўрдинг-ку.

Мен уларга ишондим. Биз Шарифнинг олдига бордик, уни ҳатто танимасдим. У менга Душанбедаги тўрт хонали уйим билан “Жигули” машинанинг ҳужжатларини гаровга қўйиш ҳисобидан беш минг доллар пул берди. Барча пулга баргак сотиб олдим. Йўл харажатларини шерикларим зиммасига олишди. Ҳаммаси шу қадар тез содир бўлдики, нима бўлганини ҳам англолмай қолдим...

Ойим билан укам мени ўртага олиб қийи кетишди:

– Сени сувга олиб бориб, суғорма келишса-чи, унда нима бўлади? Кўзингни оч, бола...

Аммо мен изимдан қайтмадим – йигит сўзи битта бўлади. Хотиним ҳам роса дод-вой қилди – болаларимни ўйламасдан уйимизни гаровга қўйганимиз жон-жонидан ўтиб кетганди.

Юкни жўнатгач, бир ҳафтадан кейин биз, Усмон ва иккита шерик, поездга ўтирдик-да, йўл бўйи ашулани вадаванг қўйганча маишат қилиб кетдик.

Тунлари унинг уйқуси тинч бўлмасди. Алоқ-чалок тушлар кўрарди. Бироқ эрталаб уйғонганда ҳеч нарсани эслай олмасди. Тушида далани, кенг ғўзапояни кўргиси келарди, у ерларда оёқяланг югурарди, сигир ўтларди, пахта терарди. Ўрикзорни, тутзорни соғинарди, бу дарахтлар остида соатлаб ўтирарди, келажак ҳақида ўйларди, юмшоқ гиламдай майсазорда ағанагиси, тубсиз мовий осмонга киприк қоқмай тикилиб ётгиси, сузиб кетаётган ё бир жойда туриб қолган оқ булутлардан таниш қиёфаларни топгиси келарди... Ҳа-а... у вақтлар беғубор, бахтиёр бўларди... Оёқяланг, беғам-бепарво югуриб юрган вақтлар...

Пичан ўрими вақтида далани кулги, қўшиқ ва турфа овозлар тутиб кетарди. Болалар ўз сигирлари ва бузоқларини анғизга боғлаб қўяр эдилар, давра қуриб ўтиришар ва соатлаб девлар, алвастилар, жодугарлар ҳақидаги турли-туман эртақ ва чўпчаклар айтар эдилар. Топишмоқ топиш ўйнашарди... Булар бари жонга теккач, у ўзини хилватга урарди. Танҳоликка интилиш унда ўша вақтда ниш урган бўлса, эҳтимол...

Бир куни туни билан у варрак ясаб чиқди. Ёзги таътил ниҳояланиб борарди. Тушлиқдан кейин сигирга ўт, сув берди, уни ўрик дарахтига боғлаб қўйди. Сўнг уйга чопди-да, яримта нон, ручка-дафтар, варрак, оқ-қора иккита ғалтакипни олиб, далага учди. Шундай чопдики, гўё у ерда уни севгилиси кутиб тургандай...

Сигир хотиржам кавш қайтарарди. Сарин шабада эсарди. У шошиб ипни варрак бурчагига улади, ғалтакни ҳовучида қисди, учинчи ва тўртинчи бармоқлари орасига ипни жойлади-да, аста-секин варракни осмонга қўя бошлади. Қўлларини баланд кўтариб, орқага чопиб кетди. Варрак шамолда парр-парр қилар, ранг-баранг думини у ён-бу ёнга чайқатар, ўзи тобора юқорилаб борарди. Гоҳо у ё чап, ё ўнг томонга шиддат билан юлқинар эди...

Кўп ўтмай варрак кушга ўхшаб қолди. У суюнар, яйрар эди, чунки варракни бунча баланд ва узоқ тутиб туриш ҳали ҳеч кимга насиб қилмаганди. Бу аниқ. Аммо, афсуски, худди жўрттага қилгандай ҳеч ким унинг бу ғалабасини кўрмади.

У тиниқ осмонга қаради ва унга варрак қуёшни ёпиб қўйгандек туюлиб кетди. У ипга иккинчи ғалтакни ҳам улади, унга қулоғини тутди ва варракнинг қандай варр-варр қилишини эшитди...

Чўнтагидан дафтар-ручкасини олди-да, бир варақ қоғозга бор-йўғи бир нечтагина сўзни ёзди: “Севимли ва азизам Нисога”... хатнинг бир четини тишлаб узди, тешиқдан ғалтакни ўтказди-да, хатни варрак билан учуриб юборди... Нисога... қуёшга... Юқорилаб бораркан, хат баттар пирпирар эди. У эса ўзи ўйлаб топган нарсасига ўзи қойил қолганча тек турар эди...

Кейин у иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи... хатни ёзди. Ҳар гал хатига бир янги сўз қўшарди...

Қуёш бота бошлади. У варракдан ҳам пастрокка иниб улгурган эди.

Хатлар Нисога қандай етиб боришини тасаввур қилиб, у бир зум кўзларини юмди. Варрак ҳамон пириллаб, осмонда тўлганарди. Ва... бирдан ип аллақадеридан узилиб кетди. Варрак биланглаб, айланиб, пастга равон иниб келарди... у куш патининг ўзгинаси эди. Енгил шабада хатларни

бутун дала бўйлаб, болалигининг даласи бўйлаб сочиб ташламоқда эди. Улар севгига, болаларча беғубор мухаббатга тўлиқ эди...

У ўтирди...

Ўтирди ва кўлидаги бўш ғалтакка қаради...

Қаради-ю, кафтига кўз ёшлари томаётганини пайқамади.

Узоқ ёз давомида қаттиқ соғинган Нисо билан талай вақт гаплашиб ўтирди, сенга бундан чиройлироқ, бундан маҳкамроқ варрак ясаб бераман деб ваъда қилди.

Унинг самимий ваъдасини эшитган Нисо жилмайиб қўйди...

\* \* \*

У аллақачон бўйдоқ яшашга ўрганиб қолгандек эди. Россия бўйлаб уч ой сарсон-саргардон юриш, қийинчиликлар ва мана, бир ярим йилки, Душанбедаги ёлғизлик... Дастлабки вақтларда у дўстлари ва танишларини ҳовлисига зўрлаб чақирар, зиёфат уюштирарди. Улар йўқ дейишолмасди, албатта. Кимдир истамайгина, кимдир раҳми келганидан. Улар билан юз грамдан отиб, вақтни ўтказарди. Аммо булар бари омонат, сершитоб экан... Ўзининг совуқ, бефайз ижарахонасига келар, иштаҳаси бўлмасди, шунчаки очликни босиш учун баъзида ўзига тухум қайнатар, суви қочган нонни чой билан тамадди қиларди. Уйига ҳеч кимни таклиф қилмасди, ўзи ҳам меҳмонга бормасди, тўғрироғи, ҳеч ким уни меҳмонга чақирмасди... у на шўрва, на ош пиширар эди. Кечқурунларини танҳо ўтказарди. Каллайи саҳардан танҳолик жонига тегиб, кўчага қочиб чиқарди...

Аммо бу танҳоликни камерадаги ёлғизлик билан тенглаштириб бўлмасди. Зеро, унинг ҳозирги танҳолиги тўрт эмас, олти томондан: ўнг, чап, олд, орт, тепа ва пастнинг қаттиқ тазйиқи остида кечаётганди. Баъзи паллаларда у ўй суриб кетар, қаерда эканини ҳам унутиб ўзи билан ўзи гаплашар, кенг ёғоч каравотни кўриб турса-да, ўтириш учун ўзига жой тополмасди...

“Ҳой, темир эшик! Мен сенга айтаяпман. Сенлар, эй, совуқ тош деворлар, гапимга қулоқ беринг!” – дерди у сассиз, бамисоли сўзлар бўғзида тикилиб қолгандек. Дарвоқе, на эшик, на деворлар унинг гапини эшитар, улар бамисоли кар ва соқов эди. У уларни муштуми билан дўппослар, оёғи билан тепкиларди. Жавобдан эса ном-нишон йўқ...

Баъзан тушига узун, оқ чилвир кирарди. Чилвирни занглаган занжир ўрнига боғларди, иккинчи учини чуқур тубига ташларди ва кўркувдан муз қотганча унга осилиб қудуқ тубига тушарди. Тушиб кетаверар, кетаверар эди-ю, аммо сувдан дарак бўлмасди. Пастда юракни ларзага солувчи зулмат ҳукмрон. Тепадан осмоннинг кўм-кўк парчаси кўринади, холос. У қудуқнинг сирпанчиқ хўл деворларини пайпаслаб нималарнидир қидирарди. Эшикни қидираётганини кейин англайди. Бироқ ғовак деворлар кимир этмайди. Уларда ҳеч қанақа тирқиш йўқ. Унинг залворидан таранглашган чилвир титрайди. Қўллари, елкалари, тирсаклари заифлашади. Шу аснода ер остиданми, ё баландданми – кимнингдир масхарали кулгиси янграйди. Энди чилвирда осилиб туришга унинг мажоли етмайди. У бўғилади...

Ҳар гал мана шу жойда у қаттиқ қичқириб уйғониб кетади. Тошой-

на бўлганида кўркувдан буришиб кетган башарасини кўриб, даҳшатга тушмоғи мукаррар эди...

\* \* \*

Енгил шабада очик деразани ғичирлатди. Кутилмаган манзара ва кўркувдан у бир жойда тош қотиб қолди, тиззаларидан мадор қочди, аъзойи бадани титраб кетди. Бир дақиқадан кейин у тинчланди, бир маромда нафас ола бошлади. Бироқ шу топ ташқарида машинанинг қаттиқ тормоз бергани эшитилди. Ундан ҳеч ким тушмади, акс ҳолда очилган эшик товуши келган бўларди.

Аёл жасади ҳамон стулда ётарди. Ўзига келгач, Қурбон томир уришини текширишга қодир бўлди.

– Жин урсин! – деди хириллаб, тишларини қисганча кулоғини жасад кўкрагига кўйди: юрак урмаётганди. Аммо жасад ҳали иссиқ эди. Аёлнинг бўйнидан қармоқни авайлаб чиқариб олди-да, ўлик танани эски гиламга ётқизди. Чўнқайиб ўтирди-да, ҳорғин оппоқ чехра ва тим қора сочларга қаради. Бир лаҳза унга раҳми келиб кетди: ким бу аёл, қаерлик, уйда кимлари кутаяпти... Аммо шу заҳоти бу туйғуни ўзидан аритди. Чўнтакларни ковлаштира кетди – кўлига даста-даста пул илашди.

“Ҳар куни шаҳарда ўнлаб одамлар бедарак йўқолади. Бирда сал кўпроқ, бирда сал камроқ. Ҳеч қанақа фарқи йўқ. Ахир, мен уни чақирганим йўқ эди-ку. Ўзи келди... Ўзи айбдор, демак...”

У хонасидаги чирокни ўчирди-да, пастга тушди. Ташқари эшигини очди. Шамол тўкилган барглари ариққа супуради. Ўлик барглари. Осмон булутли эди. Ёмғир иси бор. Борлик зулмат ичида.

Икки соатча вақт ўтди ҳамки, қоровулдан дом-дарак йўқ. У қанча кеч келса, шунча яхши. У билан тонг отгунча қолиш имкони бўлади. Жасадни қаерга кўйишни, ундан қандай кутулишни у ҳали билмасди. Кейин эса... ахир, уни бу ердан гумдон қилиш, биронта очик мазорга тиқиш керак-ку. “Майли, бирон нима ўйлаб топарман”, ўзига тасалли берди у...

Ташқаридан қараганда у хотиржам эди. Аммо мияси қаттиқ ишлар, чора қидирарди. Шунда миясига ажойиб бир фикр келиб қолди-ку... “Қанақасига? Қурбонимни бўғаётганимда нима учун ўзимни тиймадим, ҳатто киприк ҳам қоқмадим. Аёлнинг бўйнига сим ўраётганимда нега кўлларим титрамади? Мени нима ушлаб турибди? Менда ғаройиб ўзгаришлар рўй берганди – иродамни бука олишмади, миям ва юрагимга шайтон кириб олишига йўл кўйдим, у мени ўзининг шайтоний феъл-атворида шунчалик авраб олиб киргандики, мен одам ўлдирдим! Энди шайтон яйрапти, ўйнапти, устимдан кулапти, ўзининг ғалабасидан мамнун бўлаяпти... Нега? Нима учун?”

– Қотил!..

– Қотил!..

– Қотил!..

Ҳар томондан акс садо қайтариб, аёл овози уни маломат қилар, устидан куларди. Бу бешафқат кулгидан кулоқлари чўғдай қизиди. У кўллари билан кулоқларини маҳкам қисиб олди.

Шу вақтда қоровул келиб қолди.

Қотилликдан кейин бир соат ўтгач, у ўзини гирдобга тушиб қолгандай

ҳис этмоқда эди. Оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди, боши берк кўчадан чиқиб кетиш йўлини қидирарди. Бир қарашда унинг омади чопгандай эди. Қоровул атайлаб кечикканди ва у уни кутишга мажбур эди. У бир кечага қолиши керак ва шарт эди. Ҳаммаси табиийдек кўриниши, ҳеч ким ҳеч кимдан гумон қилмаслиги учун баҳона ўйлаб топиш зарур эди.

Қоровул дастурхон солди.

– Кел, бирга овқатланамиз, – деди у дастурхонга нон ва шолғом кўйиб.

– Ростини айтсам, йўқ демасдим... Кейин уйга қандай етиб бораман? – сўради Қурбон. – Уйда ҳеч ким бўлмаса, ахир, бир ўзим тураман-ку.

– Меникида ётиб қоласан, – деди қоровул.

– Бўпти, сиз айтгандай бўлақолсин, – “таслим” бўлди Қурбон. – Хонадаги эски диванчада ётиб ухларман.

– Бир кеча минг кеча бўлмас, – Қурбонни қувватлади қоровул.

Қурбон учун бу тун ҳал қилувчиси эди. Айнан шу тунда у чора топиши керак, йўқса, тамом бўлади. Олдинда шанба ва якшанба. Дам олиш кунлари бу ерга келиши хатарли...

У бироз тинчланди.

– Мен ҳозир, бир сония, – деди у ва иккинчи қаватга югуриб чиқиб кетди.

Аёлнинг мурдаси у қолдирган жойда ётарди. У чарм куртқасини кийди, сейфдан бир даста пул олди, чўнтагига сукди ва мурда юрагига ваҳима солишини ҳис этиб, пастга тушди. Аста-секин ўзига келиб, Қурбон нима қилиб кўйганини англай бошлади...

\* \* \*

– Мен ҳозир келаман, – деди у ва спиртли ичимлик қидириб кўчага чиқиб кетди. Сийрак чироклар дарахтларни, уйларни элас-элас ёритарди. Қоронғида унинг ваҳимаси бадтар хуружга олди. Бирдан хотини биринчи фарзандини тукқани эсига тушди. Тонгга яқин соат тўртларда ҳамшира қиз унга қизли бўлганини айтиб, суюнчини олди ва ўз ишларига қараб кетаркан, унга бундай деди:

– Эрталаб онасига товук шўрва олиб келинг.

Ўша тунда ҳам у бир ўзи севинчи ичига сиғмай, оёқ остидаги фалокатдан беҳабар кетиб борарди. Аммо ўшанда осмон мусаффо, юлдузлар жимир-жимир қилар, жилмайиб, уни табриклар эди...

Энди ўша осмон қоп-қора, оғир булутлар қоплаганди. Ўчакишгандай, биронта ҳам деразадан ёруғ тушмаётганди. Ҳар замон-ҳар замонда битта-яримта машина ёнидан ўтиб қоларди. Тун сирли, юракни сиқувчи эди ва у ҳеч ким, бирон-бир тирик жон унинг жинойтидан хабар тополмаслиги билан ўзига таскин берарди. Аммо дунёда одамлар кўзидан яшириш мумкин бўлган яна бир сир бўлмаса керак. У буни билар ва тушунар эди. Нима бўлса, бўлар!..

Қизи туғилган ўша тунда бор пулини доя қизга берган ва елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлган эди. Энди-чи? Бу тубсиз чоҳдан, бу қоронғи боши берк кўчадан қандай қилиб қутулиб чиқа олсин? Умуман, бунинг иложи бормикан? Қочиб кетсинми? Кимнинг олдига? У битта ҳам саволга жавоб топа олмас эди...

У бўм-бўш қахвахонага кирди. Официант қиз бир кишилик қовурилган жўжа, икки юз эллик грамм арақ, газак ва нон олиб келди. Товуқ гўшtidан бир тишлам узиб олди-да, қадахни бир кўтаришда сипқорди, кейин яна... яна... Аммо на гўштнинг, на арақнинг таъмини туяр эди. Кўз ўнгида аёлнинг чехраси турарди. Ана, у стол орқасида пул санаяпти. Энди у бўйнига тортилган симдан бўғилмоқда... У ўзини ҳам кўрди: тик турганча бемалол аёлнинг бўйнига сим тортаяпти. Энди шўрлик аёл унга чуқур хандакнинг тубидан қараб турибди. Киприк қокмай қараб турибди. Айнан мана шу нигоҳ уни даҳшатга солди. Томоғига бир нарса келиб тикилди. У қадахдаги арақни охиригача сипқорди, унинг аччиғини ҳам билмади, сувдай кетди. Ҳар бир лукма, ҳар бир ютум арақ томоғида тикилар, уни бўғарди.

У яна бир шиша арақ олди-да, ҳисоб-китоб қилиб, ташқарига чикди. Қоровул ва аёл жасади унга мунтазир эди...

Қоровул иккаласи шишани бўшатди. Қоровул ўзи ҳақида гапириб берди, Қурбон – ўзининг Россияда кўрган қийинчиликлари, кредит қарз кистовлари, уйини сотгани, хотини болаларини олиб онасиникига кетиб қолгани ҳақида ҳикоя қилиб берди...

Тунги соат ўн бирда қоровул ухлаб қолди. У Қурбондан шамол синдириб юбормаслиги учун эшик-деразаларни ёпиб қўйишини сўради...

– Хотирингиз жам бўлсин, ўзим ҳаммасини қараб чиқаман.

Дарҳақиқат, иккита деразани очик қолдиришганди. У деразаларни ёпиб қўйди. Ходимлар ҳовлига чиқадиган орқа томондаги эшикка яқин борган эди, қараса, эшик очик экан. “Афтидан, ишчилар ёпишни эсдан чиқарган, қоровул ҳам ё ёпишга улгурмаган, ё эсидан чиқарган”, кўнглидан ўтказди Қурбон.

Воқеаларнинг бундай тус олишини, омад ўзига кулиб боқишини тасаввурига ҳам келтирмаганди ва бироз тинчланди. Сигарета тутатиб, бундан кейин нима қилиши кераклиги устида ўй суриб кетди. Қоровулнинг қошига борди. У тош қотиб ухлаб ётарди. Унинг елкасидан туртиб, ҳар эҳтимолга қарши сўраб қўйди:

– Калитлар қани? Анави ерда эшик очик қолибди, қулф осифлиғ-у, калитлар эса йўқ...

У қоровулнинг эски камзули чўнтагидан калитлар шодасини олди. Яна битта сигарета тутатди. Бу жасаднинг олдига чиқиш учун энг қулай фурсат эди. Бироқ ҳаяжоннинг зўридан оёқлари оғирлашиб, унга бўйсунмаётганди. Қурбон ирода кучини бир жойга тўплашда устаси фаранг эди, бунга у болалик давридан ўрганган эди. Ўрнидан туриб, билдирмайгина бино ичига қадам қўйди. Иккинчи қават йўлагида чирок ёниб турарди. У хонаси эшигини очди ва йўлак чироғини ўчирди. Ҳар хил ўй-фикрлару кўркувни бир четга йиғиштирди-да, жасадни кучоқлаб елкасига ортмоқлади. Шўрлик аёлнинг танаси оғир ва муздай эди.

Атрофга кўз югуртириб, қоронғида овозсиз одимлай бошлади ва ўннга бурилди. У ўз нафасини аниқ эшитиб турарди. Шу тарика, у пай-пасланиб биринчи қаватга тушди. Вестибюль эшиклари очик эди. Кучли шамол уни ағдариб юбораёзди. Аммо ундай бўлмади, у хиёл чайқалиб кетди, холос. Энди хандакка бориши кераклигини Қурбон билар эди. Аёлнинг ўзи ресторанда шунга шама қилган эди.

Қоп-қора осмонда ёмғирли булутлар жунбишга келарди. Аммо Қурбон буни кўрмади. Сарик япроқларини тўкиб, дарахт шохлари силкинарди.

Йўлни у кундузи кўз тагига олиб қўйганди ва шу боис дадил юриб борарди. Нафасини ростлаб, у чўнқайиб ўтирди ва аёл жасадини ерга қўйди. Увушиб қолган елкасини уқалади, олдинга эгилди ва хандақ қопқоғини базўр очди, жасадни қопқоқ олдига судраб келди. Мархуманинг оёқлари хандақ устида осилиб турарди. Қурбон ўрнидан турди, жасадни кўтарди ва... атрофга кўз югуртирди. Шамол куч билан увилларди. Қурбон кўзларини қисди ва жасадни бор кучи билан пастга итариб юборди. Унга тушиб кетаётган жасад овози атрофда кулокни тешгудек акс садо бераётганга ўхшади. У титраб кетди, ғужанак бўлиб олди. Аммо атрофда пашша учса билинадиган сукунат ҳукм сурарди. У қопқоқни гурсиллатиб ёпди...

Бориб, эшикни кулфлаб қўйди. Калитлар шодасини беғам-бепарво уйқуни ураётган қоровулнинг чўнтагига қайта жойлади...

\* \* \*

Кўчада ҳам, Қурбоннинг юрагида ҳам қиш аёзи жунбишга келган. Тез-тез бўралаб қор ёғар, гоҳо икки-уч кунгача узлуксиз ташларди, аммо ҳавонинг юмшоқлиги қорларнинг узоқ қолиб кетишига йўл қўймасди. Қор эриб кетарди. Кунлар бир тутам, бир-бирига ўхшаш, зерикарли. Қурбон қишнинг роса чўзилиб кетишини, баҳор кеч келишини худодан ёлбориб сўрарди... Агар бунга қурби етганида эди, борлиқ оламини, айниқса, ҳовли ва хандақни абадий музлатиб ташлаган бўларди...

Қоронғи тушмасдан у хонасидан чиқди. Уни арқонга солиб уйига базўр олиб кетишаётгандек эди. Аммо кундузи ҳам зиғирча ҳаловати йўқ. Ҳар гал хандақ ёнидан ўтаётганида эти жимирлаб кетар, юраги дук-дук урар, ўзини қўйгани жой тополмай қолар, асабийлашар, елкаси учиб-учиб тушарди.

– Раис, нон беринг, – бу сўзлар уни хаёл осмонидан ерга олиб тушди.

– Нима?

– Қорним оч.

– Раисни ҳам топибсан! Тиланчилик қилаяпсанми?

– Йўқ, фақат бугун...

Нотаниш киши кўринишдан Қурбонга тенгқур эди. Озгин, буғдойранг, кўзлари мунгли, қарашлари – илтижоли. Ранги унниққан костюмда. Оёғида йиртиқ туфли.

– Нега тиланчилик қилаяпсан? Кўринишинг соз – тоғни урсанг, талқон қиладигансан.

– Қора иш билан шуғулланаман. Уч кундан бери иш йўқ. Кеча тушда иккита сомса едим. Бугун бир тўғрам нонга ҳам зор юрибман. Итдай очман...

– Ҳа, аравани куруқ обқочавер...

– Ўлай агар, ростини айтаяпман.

Қурбон чўнтагига қўл суқди. Нотаниш кишининг кўзларида умид учқунланди. Аммо Қурбон сигарета олиб, тутатди. Киши ғужанак бўлиб, бошини эгди. Қурбон оғзидан паға-паға тутун чиқариб, оғир хўрсинди.

– Арақ ичасанми? – сўради у.

– Устимдан кулманг, раис, бу яхшимас.

– Жиддий сўраяпман.

– Ишонинг-ишонманг, хатто таъмини эсдан чиқарганман.



- Юр мен билан.  
 – Қаёққа?  
 – Кўркма? Овқат егинг борми? Юр, ортимдан қолма...  
 Хайронликдан оғзини очганча нотаниш одам у билан ёнма-ён йўлга тушди.  
 – Мен шу атрофда тураман. Беш дақиқалик йўл. Сен қаерда турасан?  
 – Мен туманданман.  
 – Ҳар куни шаҳарга келасанми?  
 – Йў-ўғ-эй. Бозор меҳмонхонасида яшайман...  
 – Ҳарқалай, кўчада қолиб кетмабсан-ку.  
 – Начора. Қарзга тураман. Иш топсам, турганим учун ҳақини тўлайман-да, оиламга қайтаман. Жонга тегиб кетди бунақа ит ётиш, мирза туришлар...  
 – Ўқинма, бу кунлар ҳам ўтиб кетар, – деди Қурбон. – Билсанг, кийинчилик ва муаммоларсиз ҳаётнинг қизиғи қолмасди.  
 Тезда қоронғи тушди. Оёқ остида сап-сарик қовжирок барглар шитирлар эди.  
 – Одамзоднинг ҳам мана шу япроқларга ўхшаб кадри қолмади, – хўрсинди нотаниш кимса.  
 – Жа гапирасан-да! Айтмоқчи, отинг нимайди, ваҳимачи? – сўради Қурбон.  
 – Исмат...  
 Қурбон бирдан қуриган кудук ҳақида ўйлади-да, жим қолди. Ҳалиги аёл уни умрининг охиригача таъқиб қилажagini эҳтимол биринчи марта аниқ ҳис этди.  
 – Итинг қопмайдими? – тўсатдан сўради Исмат.  
 – Нима? Ҳа... Йўқ, бу ит хуришга ҳам эринади.  
 Қурбон ит томонга йўл олди ва дарчани чертди. Дарча очик, уларнинг димоғига ҳамир ҳиди келиб урилди.  
 – Нон борми? – сўради у бошини ташқарига суқиб қараган боладан.  
 У бурилиб шеригига қаради-да, деди:  
 – Йўқ. Бугун биз тўйга буюртма олганмиз.  
 – Менга атиги тўртта нон керак. Мен сизларнинг доимий мижозингизман-ку, ахир.  
 Улар нонни олиб, нариги томонга ўтди ва кўхна тўрт қаватли уй олдига борди. Қурбоннинг узоқ бир қариндошидан деярли сувтекинга олган бир хонали уйи биринчи қаватда жойлашган эди.  
 Қурбон чироқни ёққач, Исмат ҳадиксирабгина у билан изма-из ичкари кирди. Уйнинг ҳавосидан нафас олиш оғир эди. Қурбон бунга кўникаб кетганди, Исмат эса эътибор бергани йўқ, у тезроқ бирон нима еб олса бўлди эди. Аммо ичкаридаги тартибсизликни кўриб, ғалати бўлиб кетди. Гарчи ўзи қишлоқлик бўлса-да, тозалик ва тартибни яхши кўрарди, сиртдан сир бой бермасликка ҳаракат қиларди.  
 – Тўғри айтадилар, тўзиган уйга меҳмон келади деб, – тартибсизликлар учун кечирим сўрагандек деди Қурбон. – Тўғриси, хонага қарамай кўйганимга ҳам анча бўлди.  
 – Қўяверинг, ўзим супуриб-сидириб қўяман... фақат... – деди Исмат ва тутилиб қолди.  
 У очлигини яна эслатгиси келмади.

Қурбон чой қўйди.

– Қон босиминг баландми, пастми? – сўради у.

– Нимайди?

– Қора чой ичасанми, кўк чойми?

– Э-ҳа, қораси дуруст...

Қурбон ихчамгина эски музлаткичдан тўртта тухум олиб, қайнатгани оловга қўйди.

– Ҳозир картошка ҳам қовурамыз, – сигарета тутатиб, деди Қурбон.

– Бизда тузлама бодринг, курут бор, бироз қаттиғ-у, аммо бўлаверади. Пиёз ҳам бор. Биласанми, яқинда ишда биз йигитлар билан битта ёпган нону битта пиёз билан уч шиша арақни паққос урдик. Бошқа газак бўлмагандан кейин ҳамма нарса кетавераркан.

Меҳнатсевар Исмат уй эгасига, ифлос, сувоқлари шишган, ис босган деворларга қараб ҳайрон қолмоқда эди. Шаҳар марказида бунақасини кўраман деб сира ўйламаганди...

– Бир ўзим тураман. Супуриб-сидиришга ҳам, таъмир қилишга ҳам кўлим бормайди. Замон шунақа. Ҳамма бир бурда нон топиш ғамида, – ўзини оклай бошлади Қурбон.

– Хотин, бола-чақаларингиз қаерда? – сўради Исмат.

– Туманда... Кўп бўлди бунга. Кўпроқ ишлаб топсам, олиб келаман уларни.

– Ҳа, уруш ҳаммани тўзитиб юборди. Мен қишлоқда ўқитувчи эдим. Аммо тўрт йилдан буён мактаб остонасини ҳатлаб ўтганим йўқ. Тўртала болам доим оч юради, кийимлари бир аҳвол. Илгари ер ижарага олдим, иккита қўчқорни сотиб, дон олдим. Яхши ҳосил оламман деб ўйлагандим-да... Ўхшамади... Энди мардикорлик қиляпман. Муҳтожлик одамни ҳар кўйга соларкан, – алам ва андух билан деди Исмат.

– Ҳаёт кун билан тунга ўхшайди, бир қарасанг ёруғ, бир қарасанг қоронғи, бир аччиқ, бир чучук. Аммо бандаси ҳаммасига чидаркан, – тасалли берди унга Қурбон. Кейин улар овқатлангани ўтирди. Ичишди, ейишди. Исмат хонани супуриб-сидиришга шайлана кетди.

– Манави кўрпа билан кўрпачалар. Тўшагин-да, ётиб ухла. Супур-сидирни эртага қиласан, – қатъий оҳангда деди Қурбон, диванга чўзиларкан.

Қурбон тушда қайтиб келди, уйига кирди-ю, кулбасини таниёлмади. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, пол ёғ тушса ялагудек, ойналар чарақлаб турибди, ҳавосидан нафас олиб тўймайсан.

– Мана бу сенга қўшалоқ маош, – деди ич-ичидан қувонган Қурбон ва Исматга пул узатди. Сўнг ўйланиб туриб сўради: – Ҳеч савдо қилганмисан?

– Йў-ўқ...

– Ҳмм... Мато ўлчашни биласанми?

– ...

Қурбон шкафдан ичига бир той мато солинган оқ қопни олди.

– Бунни ол. Кредитга. Бозорда бир метри ўн икки-ўн тўрт минг туради. Мен сенга олти мингдан бераман. Хоҳла шу ерда – бозорда сот, хоҳла қишлоғингга олиб бор. Тушундингми?

– Ҳа. Аммо...

– Қўрқма, ўғирлик эмас. Илгари фирмага кредиторлар олиб келганди... пул ўрнига. Шеф арзон-гаров сотиб юборишга ҳам рози. Фойдаси сенга бўла қолсин.

Бошига гўё хумо қуши қўнган Исмат қакқайиб туриб қолди.

\* \* \*

Бир неча кун ичида Исмат молни битта кўймай сотиб бўлди, ўзининг чамасига кўра мўмай даромад кўрди. Энди бошини баланд кўтариб юрадиган бўлди. Ҳатто томир уриши ҳам ўзгаргандек туюлди унга. У анча хотиржам, дадил кўринар эди. Яна бир неча марта Қурбондан мол олди. Сўнгги бор келганида Қурбон унга молни улгуржи бериш учун пулдор мижоз топишни тайинлади. Шунда у ёқдан-бу ёққа бориб келишга ҳожат қолмас, пуллар йўлга сарф бўлмас эди. Бир неча кун Исмат ҳаммасини бир бошдан ҳисоб-китоб қилиб, ҳар томонлама ўйлаб кўрди. Якшанба куни хотинининг “кўйинг-кўйинг”ига ҳам қарамай болаларини боқиб, рўзгорга яраб турган иккала сигирни сотиб юборди. Деярли барча пулни кўйнига тикди-да, шаҳарга йўл олди. Иккита таниш мардикор учраб қолган эди, ўзининг бизнеси ҳақида чурқ этмади. Кўз тегишидан кўрқди...

Ичига нонлар, ҳолва ва бир шиша арақ солинган елим халтачани тутганча Исмат Қурбоннинг эшигини тақиллатди. Уй эгаси унга мунтазир эди...

\* \* \*

Ишдан бўш вақтларида Қурбон доим ушбу тубсиз чоҳдан чиқиб олиш йўлини қидирарди. Аммо қидиришлари беҳуда кетарди...

“Ариза ёзиб ишдан кетишми? Сабабини сўрасалар-чи? Айтаман, туманга кетмасам бўлмайди, болаларимни соғиндим, хотиним билан ярашмоқчиман, дейман... Йўқ, бу жиддий сабаб эмас. Бунинг учун таътил кифоя. Кейин, ғалатиноқ ҳам, қиш ҳали тугамаган, мен эса таътилга чиқмоқчи бўлсам. Йўқ, сабр қилиш керак. Борди-ю, жасадни топиб олишса-чи, ҳаммани бир бошдан сўроқ қилишади. Қурбоннинг таътилга чиққанини билишса борми, дарҳол ундан шубҳаланишади. Яхшиси, сабр қилиш... Хандақни тупроқ билан тўлдириб бўлмаслиги чакки бўлди-да. Юзлаб одам бедарак кетган. Ер тагида битта аёлнинг жасади ётган бўлса, дунё тесқари айланиб қолмас. Тўхта, Қурбон, тўхта! Сен ҳаммасини шунақанги остин-устун қилиб ташладингки, бир қадам юролмайдиган бўлиб қолдинг. Яхшиси, хандаққа яқин йўлама. Бу жуда муҳим. Иттифоқо битта-яримтанинг кўзи тушиб қолади-да, ўша ерда айланиб юрганини кўрувдим, дейди. Хандақни хаёлингга келтирма, ўйлама ҳам. Билдингми? Ҳеч қанақа хандақ-пандақни билмайман, тамом... Қор ва ёмғирлар изингни аллақачон ювиб юборган...”

Ўзини ўзи алдаб тасалли топди, Қурбон ҳали эсини еган одам эмас. У ўша хандақни ҳеч қачон унутмайди, унута олмайди, ўла-ўлгунча хотирасидан бир қадам нари кетмайди. Бунисига у тўла кафил...

У типпа-тик турарди, аммо унга танасида жон йўкдай туюларди. У лагга-путталардан ясалган “кўриқчи”га ўхшарди. “Кўриқчи”нинг кўлидан фақат қушларни кўрқитиб қочириш келарди, холос... Ўзини танисмай қўйганига анча бўлди, бамисоли ўзи ўзига бегонадай. Бутун умри майда бўлақларга бўлиниб кетганди, энди уларни ҳеч бир мўъжиза билан ҳам бир-бирига елиглаб улаб бўлмайди. У ўзини абадулабадга йўқотганди...

Ҳаводан баҳор ҳиди анқирди. Қурбон баҳор келишидан ажалдан кўрққандай кўрқарди.

“Ҳали бодом гуллагани йўқ”, ўзига тасалли берарди у...

Аммо тақдирини Нисо билан боғлаган ўша олис кунда бодом оппоқ бўлиб гуллаганди. Уларнинг кўзлари бахтдан ёнарди. Кейин улар “Дилписанд” ресторанига боришди. Ҳамма еб-ичиб, ўйин-кулги қилди. Нисо бемисл даражада гўзал эди. Парининг ўзгинаси. Тўй бошланишигача ҳали вақт жуда кўп эди. Қурбон ҳаммани далага боришга таклиф қилди. Очiq ҳавода хушчақчақлик қилишга нима етсин! Буни Қурбон тўйдан анча олдин ўйлаб қўйганди. Албатта, сир тутиб, бировга айтсанг, сўзсиз кулади. У кўни-кўшнилардан биронтасининг келинчагини далага айлангани олиб чиққанини кўрган ҳам, эшитган ҳам эмасди. Аммо баҳорги кенг ва кўм-кўк дала Қурбонга жуда ёқар эди. Ўз қайлиғи, жону дили Нисони бу ерга олиб келаман деб ўшанда онт ичиб қўйганди... Унинг орзуси ушалди ҳам. Машиналар турнақатор бўлиб боғ олдига келиб тўхтади. Карнай ва сурнай садолари узоқ-узоқларга тараларди. Дунёдаги бор нарсани унутиб, ҳамма ўйин-кулги қиларди.

– Кетдик! – шивирлади Қурбон келинга.

– Қаёққа? – сўради Нисо.

– Бокқа! – деди у ва қайлиғини белидан тутганча дарахтлар орасига бошлаб кетди. – Биз ҳозир келамиз! – кичқирди у орқасига бурилиб қараб.

Улар бутали девордан ўтишди, таажжубдан Нисо нима қилишини билмасди, тили калимага келмаётганди. Кейин эса, кейин ҳаяжон ва севинчдан чапак чала кетди, кўлларини олдинга чўзиб, чир айланди. Оппоқ бўлиб қийғос гуллаган бодом дарахтларини кўриб, тўлқинланиб кетди.

Улар ҳам худди келин билан куёвни қарши олаётгандек саф тортиб турар эди. Кейин кўлларини кўлларига бериб, икковлон дарахтлар ора-лаб югуриб кетди. Тўсатдан Қурбон келиннинг кўлидан тутди. Улар бир-бирининг нафасини аниқ эшитиб турар, нигоҳлари бир-бирига зоринтизор боқар эди. Улар биринчи бўсалардан масту мустағрик бўлди.

Кимдир салом бериб, Қурбонни хаёл осмонидан ҳақиқий ерга туширди, улар кўчада туришарди, бу ерда... мана, бир ҳафтадирки, Қурбон у ёққа боришдан кўрқади, журъати етмаётганди. Охир-оқибатда болаларга меҳри ва Нисони кўриш истаги қолиб келди. Аммо у хотини ва болаларига нима дейишни, уларнинг маъсум кўзларига қандай қарашни билмасди.

Пайшанба куни эди. Аммо Нисо учун бунинг ҳеч қандай маъноси йўқ эди. У аллақачон ҳафталар ҳисобини эсидан чиқариб юборганди, зеро,

унинг учун ҳаётнинг ҳеч қандай маъноси қолмаганди. Ҳозир Нисо иви-тилган сомон билан қириндини тоғорада аралаштириб, терт қораяпти. Қўйлар бир-бирини шохлаб, турта-турта терт еяпти. Кўзининг қири билан онасига қарайди. Айвонда данак чақиб ўтирган кампирнинг сера-жин юзи роса озиб кетганди. Қизининг тақдирига қуяди, камдан-кам га-пиради, кўпроқ нималарнидир ўйлайди. Нисо уни тушунади. Онанинг изтироб чекканини кўриб, бунинг учун ўзини айбдор деб билади.

– Данакка қарайман-да, ҳайрон қоламан, – дейди она, – унинг тақдири жудаям қизиқ-да. Инсон мағиз ва данакни ейди-да, пўчоғини оловга ташлаб ёқиб юборади.

– Чунки яхши ёнади-да, – деди Нисо, ўйлари билан бўлиб.

– Эринг кўриниб қолганмиш, эшитдингми?

Нисо ҳеч нима деб жавоб бермайди.

– Болаларини соғинган бўлса керак... юраги тошдан эмас-ку, ахир, кўргани келгандир, – деди кампир ва лабини тишлади, афтидан, айтган гапидан пушаймон эди.

– Билмадим, – деди Нисо аста ва тоғорани кўтариб, қўйлар томон кетди.

Узоқ тунларда болаларини ухлагани ётқизиб, у ўзининг муздек тў-шагига суқулади, тун қоронғилигида тонггача ўйга ботади.

Тақдир уларнинг бошига нималар солмади. Бойиб кетиш ҳаваси, балойи нафс уларни уйдан маҳрум қилди, юзларини ерга қаратди ва охири оила бошига етди. Қурбон асли эҳтиёткор, узоқни кўзлайдиган одам эди. Мана бу лаънати пуллар уни йўлдан оздирди. Ўзига келганда эса кеч бўлганди; қулоғигача қарзга ботди, унга ҳар куни дўқ қилар, ҳақоратлар эди. У бу ботқоқдан қутулиб чиқиш учун ўзини ҳар ёққа урар эди...

Шармандалиқдан қутулиб қолиш учун улар охири ота уйини сотиш-ди, акаси бир хўжалик ерини берди, опа-сингиллари қимматбаҳо дур-гавҳарларини гаровга қўйди ва пул олиб келишди. Аммо қарзни уза ол-мадилар. Ойисини акасининг уйига ўтказишган ўша кунда тўрт нафар кредитор келди. Ўн кун муддат беришди.

– Акс ҳолда, – дейишди улар Қурбонга, – хотинингни олиб кетамиз-да, у билан “ҳашар-ҳашар” ўйнаймиз.

Қурбон ер ёрилмади, ерга кириб кетмади. Аммо ўзининг гуноҳини билгани учун оғзига талқон солиб олганди. Ўша куни тунда улар миж-жа қоқмади. Эрталаб Қурбон аллақайёққа кетди. Беш кундан кейин у но-тариус тасдиғидан ўтган уч хоналик уйнинг ҳужжатини олиб келди ва қарзларини узди.

Душанбедаги уйларида маҳрум бўлишганини Нисо кеч, ёзнинг охи-рида эшитди. Бу унинг сўнги умиди эди. Нисо ҳам болалари билан ойисиникига кетишга мажбур бўлди. Бошқа борадиган жойи ҳам йўқ эди-да. Худога шукурки, укасининг хотини яхши аёл эди, бунинг устига синфдоши эди... Шу тариқа уч ой ёз ичида уларнинг ҳаёти чаппасига айланиб кетди.

Табиатан қаноатли ва бардошли аёл бўлган Нисо аксар ўз ҳаётини бошқаларники билан солиштирарди. Бошқаларнинг қандай яшаётгани-ни кўриб, ўзига тасалли берарди. Баҳорнинг бошида уникага синфдо-ши, қўйдай ювош Гулнора келганини ҳеч эсидан чиқармайди. У Самара

бозорларида уч йил савдо-сотик қилганини ва бир дунё пул тўплаганини мактаниб қолди... Юзлаб аёллар ва қизлар уйларида олисда бир бурда нон топиш учун азоб чекиб юрганини Нисо шунда билди.

– Эринг қалай? – сўради у дугонасидан.

– Россияга кетувди, аммо қайтиб келди. У ерда полициячилар эркакларни талар экан. Поездларда ҳам кун беришмас экан. Бўлмаса-ку...

– Уч йил дедингми? Оиланг-чи? – яна сўради Нисо.

– Жа гапирасан-да! Сен ҳали нонни “нанна” деб юрибсан. Хумори ёмон бўлади, оёқ олиши бежо бўлиб қолади... кечирасан-у... ўзи шунақа бўлади-да. Эркин, беғам бўлганингдан кейин кўзингга на оила, на болачақа, на эр кўринади. Уч-тўрт кўчани айланиб кўр, ўнлаб рўзғорлар ўз-ўзидан бузилиб кетаётганини кўзинг билан кўрасан... мухтожлик ва очлик – тукқан онанг эмаски, бошингдан силаса.

– Жуда олов бўлиб кетибсан-ку, – деди Нисо.

– Дилором қилтирикни билармидинг? Биздан икки синф кейин ўқирди-ку. Уйлари анҳор бўйида, кўприк ёнида эди. Қисқаси, унинг эрини худо урди. Яшириб, хотинининг тилла тақинчоқларини, рўзғор буюмларини битта-битта олиб чиқиб арзон-гаровга сотарди, пулига ичарди. Тўшакда хотинини эсламасди ҳам. Ер ютмайди бунақа эрни.

– Бу ҳам ҳолва-ку, – жилмайди Нисо.

– Кимга қанақа-да, – деди Гулнора ва сайраб кетди. – Қисқаси, Дилоромхонимиз чинакам эркакча эркалашларни кўнгиллари тусаб қолди. Бунақа ярамасларга дарров топила қоладиям. Эрининг гоҳида уларникига келиб турадиган бир дўсти бу “муаммо”ни ечишда ёрдам бериб юборди. Эрни бўктириб ичириб қўйишади-да, у ёқда ишрат қилишади... Натижада оила барбод бўлади. Мана шу “ёрдамчи” Дилоромни Самарага олиб кетади. У ерда эса у ортиқча нонхўрга айланади. Қарз кўтариб, шўрлик Дилором бизнес билан шуғулланади. Шундай тоифа одамлар борки, бир ўзи қолгач, бетизгин ҳайвонга айланади. Мен ўзим ҳам фаришта эмасман. Аммо Дилором ўзини қўйворди, фоҳиша бўлиб қолди.

– Сизлар маза қилиб томоша қилиб ўтиравергансизлар, – деди лол қолган Нисо.

– Бизнинг замонда биров бировга ақл ўргатмайди. Энди нима билан тугаганини эшит. Бор-йўғидан маҳрум бўлган, таҳқирланган, шармандаи шармисор бўлган Дилором ичишга берилди. Бирдан унинг қартавозларга илакишиб қолганини билиб қолдик. Қароқчи ва қотиллар уни туман марказига олиб келишади. Ростми, ёлғонми, Дилором ўн икки яшар қизини ўзи билан Самарага олиб кетади. Ота қарғишини олган Дилором ўғриларга ўз қизини сотиши қайси ақлга сиғади? Тўғрироғи, қизини қартада ютқазиб қўйган бўлади.

– Вой тавба! Ўз қизини...

– Энг ёмони, ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши йўқ... Кимга зарил кепти...

Нисо уйига келиб қараса, қўйлар тертни аллақачон еб бўлибди, у бўлса, бўм-бўш тоғорани кўлида ушлаб тик турибди.

Она ҳамон данак чақарди. У болаларининг ёнига келиб ўтирди, уларнинг бошларидан силади, кичкина Дилафрўзнинг манглайдан ўпиб, уни меҳр билан бағрига босди.

– Эрим келиб қолармикан... – деди Нисо ҳовучидаги данакларни қисмлаб.

– Келади, келмай қаёққа борарди, – жавобан деди она. – Нима бўлганда ҳам қонуний эринг.

– Хамир қориб, қатлама нон пиширай, – ирғиб туриб, маслаҳат солганнамо деди Нисо.

– Жуда соз, қизим, – суюниб илжайди она. – Иссиқ нон – одамнинг юзи. Қара, қанча данак пўстлоғини йиғиб қўйибман. Тандир бирпасда қизаради.

“Бир ярим йилдан буён бошқа-бошқа яшаймиз. Шунча вақт машаққат тортишнинг ўзи бўларканми, худо билсин, қаерлардайкин”, ўйлади Нисо.

Қурбон ўйлаганининг акси бўлиб чиқди. Қайнотасининг уйида уни жуда илиқ қарши олишди. Болалари учунми ёки ростданам уни соғиниб қолишдими? Нима бўлганда ҳам у чолнинг, ҳатто Нисонинг кўзида ҳам араз ё ғазабдан асар кўрмади.

Нисо уй чироғини ёқди.

– Соғлигинг қандай? – сўради Қурбон хотинига қараб.

– Раҳмат, ёмон эмас, ўзимизнинг мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаяпман, – жавоб берди Нисо чўчиганнамо, дастурхон соларкан. – Ўзингиз қалайсиз? Қандай шамол учирди?

– Душанбедан келганимга уч кун бўлди. Ойимни кўргани бориб тураркансан, раҳмат бунинг учун. Кампиршо сендан жуда миннатдор. Сени дуо қилади.

Нисо ош қилди, қоронғи тушгунча Қурбон болалар билан ўйнади, улар нима ҳақдадир суҳбатлашди. Қурбон севинчининг чеки йўқ эди. Болалар эса унинг атрофида чарх урар, олдингидай унга етишиб олар ва сира ундан ажрагилари келмасди. Кейин улар кексалар билан бирга паловхўрлик қилишди. Қайнота унга арақ таклиф қилди, аммо Қурбон кейинги сафар албатта ичаман деб кўнмади. Нисонинг отаси қисталанг қилиб ўтирмади. Чой ичишди-да, қариялар ўзларининг хонасига кетишди. Болаларни ҳам ўзлари билан олиб кетишди.

– Мен... хуллас... бироз... – у чўнтагидан тугунча олди-да, стол устига қўйди. – Ол, бу болаларга.

Қурбоннинг “пул” дейишга тили бормади. Айнан пул уларнинг бошига мусибат солган, дуппа-дуруст оилаларини йўққа чиқарган эди.

Нисо бир оғиз бир нарса демади. У тугунни ечди-да, пулларни ҳидлади.

– Бу қанақа ҳазил бўлди тагин? – ҳайрон бўлди эр.

– Катта пулларнинг ҳиди бошқача бўлади деб эшитгандим.

Нисо: “Бу пулларни қаердан олдингиз, қарз-парзга эмасми?” – деб сўрамоқчи бўлди-ю, аммо кўнглига олмасин деган иштибоҳдан индамай қўя қолди.

– Энди... – Қурбон ўрnidан турди.

– Нима “энди”? – Нисо ҳам ўрnidан турди, унинг овози ишончли ва дадил чиқарди.

– Энди борай демоқчиман...

– Дарров олисни соғиниб қолдингизми? Ёки...

Қурбон ўтириб, бошини қуйи солди. У Нисо олдида ўзини гуноҳкор ҳисобларди. Иккаласининг ўртасида қандайдир ғов бор эди. Бироқ Нисо шартта эрининг олдида борди-да, уни кучоқлаб олди, бошидан силади, ўпди ва йиғлаб юборди. Унсиз, аччиқ-аччиқ йиғлади. Кейин сал ўзини босиб олгач, деди:

– Ҳеч қаёққа бормайсиз. Ҳеч қаёққа. Кутавериб, кўзларим тешилди, чарчадим...

Ўша куни тунда Нисо Қурбонга ўзининг бор меҳри, севгиси ва аёллик лутфини ҳадя этиб, дунёдаги ҳамма нарсани унутди. Қаттиқ уйкуда ичига кириб ётган бундай оғушларни Қурбон умрида кўрмаган эди. Нисо эса яна анчагача эрини суйиб-эркалаб, сочларини силаб ётди...

Қурбон жасадини хандаққа ташлаган аёл унинг тушига кирди. Аёл уни шаҳар кўчаларида қувлаб юрганмиш. Шаҳар зулмат оғушида эмиш. Бироқ ўлик аёл сира уни кўздан қочирмаётганмиш. Тез чопганидан, кўркув ва даҳшатдан Қурбон бўғилармиш. Тинкаси куриган ва ўлай-ўлай деб қолган Қурбон ўзининг ифлос бир хонали хонадони эшигигача аранг етиб олади. Калитларни олмоқчи бўлган эди, бироқ чўнтаги очилмайдиган қилиб тикиб ташланганмиш. Орқадан ўша хотиннинг кўлкаси пайдо бўлади. Шунда ертўланинг темир эшиги қаттиқ ғичирлаб овоз беради. У пастга тушади. Туртиниб кетиб, харқалай, ерга йиқилади. Бироқ ўзини қонга бўялган Исмат кучоғида кўради. Кўркув ва даҳшатдан кичкириб юборади. Аммо овози бўғзида тикилиб қолади...

– Туни билан уйқунгизда босинқираб чикдингиз, – деди эркалаб Нисо. Аммо сабабини сўрамади.

Қурбон сир бой бермади. Нонуштадан кейин бугун кетишини айтди. Баъзи ишларни битириб бўлгач, дастлабки имкониятдаёқ уйини сотишини ва Нисонинг олдига қайтишини айтиб, ваъда берди.

– Бир бурда нон ҳар жойда топилади, – деди у.

Бошқа ҳеч ким билан хайрлашмай тўғри вокзалга йўл олди. Нисони охириги марта кўрганини ва болаларини охириги марта бағрига олганини у билмас эди.

\* \* \*

Туриб-туриб ўзимга хайрон қоламан: бу поезд мени қаёққа олиб кетаётганини биламан-у, аммо қаергача олиб боришини айта олмайман. Такдирига нима ёзилганини билмайдиган одамга ўхшайман. Агар инсон эртага нима бўлишини, миясига қандай ўйлар келишини, кимлар билан учрашиб қолишини билганида борми, дунё бошқача бўларди, ҳаёт тарзи, фикрлари, феъл-атвор, аъмоллар мутлақо бошқача бўларди. Агар худодан, қонундан, интиқомдан кўркмасе, юз одамдан тўксонтаси алдаш, ўғирлаш, талаш, номусга тегиш, ўлдириш сингари қаттиқ гуноҳлар содир этишдан ҳайиқмаслиги исботланган. Шунинг учун ҳам мен одамларнинг юзига узоқ-узоқ тикилиб қарайман-да, ҳеч нарсага ақлим етмай лол қоламан.

Ҳаммаси бўлиб атиги икки соат ўтди, бор-йўғи беш бекатни ортда қолдирдик, эркагу аёл, ёшу қари тиланчилардан етти нафари вагонимизга кириб улгурди. Бари Қурьондан уч-тўрт оятни қироат қилди, бошқаси яхши дуолар қилди, яна бири оқ йўл тилади. Кўр қария эса узун бир қасидани ўқиб берди. Ҳаммаси пул учун...

Тиланчилар билан аралаш-қуралаш бўлиб, бир гала аёллар қурут, ёпган нон, сомса, баргак, писта, сигарета, колбаса, қатик, тухум ва арақ сотиб юрар эди. Вагон бўйлаб ҳеч кимни назар-писанд қилмай у ёқдан-бу ёққа изғийдилар, кичкирадилар, шовқин соладилар, молла-



рини мақтайдилар... Менга шундай туюладики, ҳеч ким текинга дуо қилмайди, оч болага бир тўғрам нон, битта қанд бермайди. Оллоҳ! Булар ҳам етмагандай худди ер тагидан чиққандай тўрт нафар лўли пайдо бўлади. Эгниларида йиллар совун кўрмаган рангдор, қопсимон олачалпоқ гулли кўйлақлар, сочлари ифлос, пахмоқ, кўзлари ҳорғин. Аммо тиллари нақ олти қарич дейсиз! Худди ўзларининг тўдасида бўлганидек, чегара-чегара қилиб тақсимлаб олишади-да, ундан кейин ишга киришишади. Лўли хотинларга ҳам пул керак... Вагоннинг ойналари синган, гўё бу йўловчилар эмас, маҳбуслар поезди каби панжарали деразадан бефарқ қарайман. Ана, бир киши ўғли билан ер чопаяпти. Яна икки нафари ғишт қуйяпти. Анови қизалоқ эса сигир боқиб юрибди ва қўшиқ хиргойи қилаяпти, сал нарида трактор кенг ерни ҳайдаяпти.

Бахтга қарши баҳор келди. Барибир келди.

– Аҳо, келинг, фол очиб кўяман. Тақдирингизда борини айтиб бераман.

Овоз эгасига кўзимни кўтариб қарадим-у, кўрқиб кетдим. Бу ёш лўли киз мен жасадини хандаққа ташлаган аёлга жуда ўхшаб кетарди.

– Вақтим йўқ. Бор, йўлингдан қолма.

Лўли киз кўлимдан тутди-да, тирноқларимга назар солиб чиқди.

– Яхши одам, болаларингни қурбони бўлай, бундоқ дема. Йўлинг узок, сен соппа-соғсан, касаллик сенга дахл қилмайди...

Мен жилмаяман, чунки жигарим касаллигини, гоҳо менга азоб беришини билар эдим.

– Бекор айтибсан.

– Мана буни кўропсанми?

Лўли иккиқат эди.

– Сенинг қорнингдагининг менга нима дахли бор?

– Сенга эмас, менинг эримга дахли бор. Мен иккиқатман, мен алдашим мумкин эмас. Иккита нонга пулингни қизганма. Тепамизда осмон, оёғимиз тагида ер, мен тўғриси айтман, хотининг сени севади, кўлингдаги чизиклар унча аниқ эмас. Аммо қайғули. Сен мендан хафа бўлма, бегона хотин сени роса қийнапти, таъқиб қилаяпти... Сен ундан қутула олмаётибсан...

– Ма, пулни ол-да, мени ўз ҳолимга қўй! – шундай дея кафтимни унинг ғадир-будир қаттиқ кўлларида бўшатиб олдим.

“Нодон лўли, аҳмоқ! Қаршингда қотил турганини қаёқдан билардинг”, кўнглимдан ўтказдим мен.

Иккиқат лўли пулни олди-да, қаршимдан даф бўлди. Аммо юрагимда қора доғ анча вақтгача сақланиб қолди.

Купедошлар тановул қилишга киришиб кетишганди. Мен манти ва нон олдим. Лўли тўғри айтган эди: йўл узок...

\* \* \*

Бир туннинг ўзида пойтахт об-ҳавоси бузилди, қор учкунлари ерга кўнишга улгурмай, ўша заҳоти эриб кетарди. Поезд икки соат кечикиб келди. Қурбон перронга чиқди, шаҳарда осмон булутли эди. У совқотганини хис қилди. Аммо барибир пиёда ўтишни маъкул кўрди. Эҳсон исмли ёш, очиккўнгил бир йигит шулар билан бир купеда кетаётган эди, у йўл бўйи ҳаммани овқатлантириб, ҳазиллашиб, лагифалар айтиб келди. Энди улар билан хайрлашди-да, эски бир “Москвич”га ўтириб, жўнаб кетди.

“Жуда ғалати одам экан, – ўйларди Қурбон, уйга йўл олар экан. – Ниманидир ўсмоқчилайди, ҳамма нарсани билгиси келади”.

Ўйлари билан бўлиб у уйга қандай етганини билмай қолди. Лик тўла елим халтани деворга тираб, қўшни хотинга қўнғироқ қилди.

– Ким? – таниш овоз Қурбоннинг қулоғига чалинди.

– Зина хола, бу мен, – деди у.

Бир ўзи яшайдиган Зина хола занжирни чиқармай эшикни қия очди.

– Э-ҳа-а, салом! Хуш келибсиз!

– Раҳмат! Калитларни беринг.

Афтидан, калитлар эшик ортида осиглиқ эди, чунки кампир ўша заҳоти уларни узатди.

– Узр, ухлаётувдим... кийимларим... – узрини айтди Зина хола.

– Тушунарли. Сизга қурут билан ўрик туршаги олиб келдим. Кейин олиб кираман.

– А-ҳа... майли...

“Кийимсиз эмиш. Қари кампир кимга керак?” ўйлади у ва ҳар эҳтимолга қарши сўради:

– Мени ҳеч ким сўрамадимми?

– Йўқ, йўқ! Ҳеч ким келмади, – шошиб жавоб берди кампир, эшикни ёпди-да, телефонга югурди.

Аёл ростини айтмаётганди.

Аммо қоронғида қўшнисининг юзини кўрмаётгани учун унинг алдаётганини Қурбон сезмади.

Ўзининг ифлос, файзсиз хонадонига кирар экан, Қурбон соатига қаради. Миллар кундузги иккини кўрсатиб турарди. У дераза олдида борди-да, кир пардани сурди.

“Олтигача мизғиб оламан. Ухламасам бўлмайди. Сўнгги қор. Бугун тунда иш кўп бўлади... иш кўп бўлади”...

Курткасини илиб, кийим-пийими билан каравотга таппа ташлади ва ўша заҳоти ухлаб қолди. Асаблари жойида эди, унинг ҳисоб-китоблари панд бермаслиги керак. У роса тўрт соатдан кейин уйғонади.

Қоровул уни кутиб турарди. Барибир Қурбон эшикни тақиллатганда бироз ҳаяжонланди, тараддудланди, гўё олдида эски ҳамкасби эмас, еттиёт бегона одам тургандай.

Навбатчининг савол-жавобларидан кейин Қурбон деди:

– Ёлғиз одамга кийин. Бугун келдиму шу ёққа, ишга юборишди.

– Зўр. Ўтирамиз-да иккаламиз. У ёқ-бу ёқдан гап сотамиз.

– Соғ бўлинг! Сухбат ёпишиши учун мен бир нарса олиб келдим, – дея Қурбон халтачадан икки шиша арақ, газак олиб қўйди.

– Буниси энди ортиқча, – деди қоровул чойнакни чайгани чиқар экан. – Ростданам ортиқча.

– Мен бир хафтадан бери йўқ эдим. Бирон янгилик-пангилик борми? – сўради Қурбон, қоровул қайтиб келгач.

– Қайдам, ҳаммаси ўша-ўша. Айтишларича, душанбада тафтиш бошланаркан.

– Унда айни пайтида келган эканман-да, – деди у ва сигарета тутатди.

Қоровул соатига қаради.

– Энди кеч. Ҳойнаҳой бошқа тупроқ олиб келишмаса керак. Сиз



чай дамлаб туринг, мен бориб дарвозани қулфлай. Кўчада қор ёғаяпти, шеф эса бир неча машина тупроқ келтиришни буюрган.

– Келинг, яхшиси, мен борай, – Қурбон жавобни ҳам кутмасдан қоровулдан калитни олди ва деди: – Тошлар ўрнига гуллар очилиб турса ёмонми?

Уй эшиги очик эди. У ҳовлига чиқди. Бир қадам ташлаб у хандақ қопқоғига қаради. Ёнгинасида икки уюм тупроқ тўкилган. Ҳовлини тошдан тозалаб қўйишганди. Ҳаммаёқни чанг қоплаган. Қурбон дарвоза томон бепарво юриб кетди. Қулфни илди-да, чуқур хўрсинди.

“Сўнги қор... қандай қилиб бўлмасин хандақни тупроққа тўлдириш керак... кейин кеч бўлади...” Ўчиб қолган сигаретини итқитиб, уй эшигини ёпди ва кўзи темир мисранг, бир нечта белкурак ва челақларга тушди... “Худди махсус мен учун тайёрлаб қўйилгандай...”

Чор атроф тун зулмати қўйнида. Қор майдалаб урарди, осмонни оқ парда қоплаган. Қурбон қоровулнинг олдига қайтди. Ярим тунгача иккаласи хумордан чиққунча ичиб, гап сотишди. Охири қоровул қаттиқ маст бўлиб қолдим деди-да, қаравотга бориб ётди, кўп ўтмай у хуррак ота бошлади.

Аммо Қурбон маст бўлмаганди. Миясида оғир ўй айлангани-айланган эди – тезроқ хандақни тўлдириш ва аёл жасадини кўмиш. У қалин юнг аёлни олди-да, совуқдан ногоҳ уйғониб қолмаслиги учун қоровулни аёл билан ўраб қўйди.

Кейин хотиржам, керишганча сигарета чекди, чирокни ўчирди ва ҳовлига чиқди. У аввалига осмонга, хандаққа ва унинг ёнидаги тупроқ уюмига бир-бир қараб чиқди. Кейин бинога қайтди, иккинчи қаватга кўтарилди, резина этикни кийди. Совуққон бир ҳолатда ишга киришди.

Аввалига қийинчилик билан мисранг ёрдамида хандақ қопқоғини сурди. Димоғига қандайдир ачимсиқ ҳид урилди. Бу ириётган жасад

\* Суратларни Оловиддин Собир ўғли чизган.

хиди эканини билмасди. Журъат билан хандақ тубига кўз солди, аммо коронгида ҳеч нарсани кўрмади.

Шахар уйқуда. Ахён-ахёнда ўтиб кетаётган машиналар овози кулокка чалинади. Бир ярим-икки соат ичида Қурбон хандаққа тупроқ тўлдирди. Бадбўй хид аллақаяёққа йўқолганди. Кўнгил тўқ бўлиши учун у яна йигирма челақ тупроқ ташиб чиқди. Кейин ҳеч ким билмаслиги учун тупроқ уюмини текислади-да, овоз чиқармай қопқокни жойига суриб қўйди ва шундан кейингина енгил нафас олди. Қор тинимсиз ёққани-ёққан, ерга қор парчалари охиста кўнади. Қурбон этигини тозалади ва бинога кирди. Қоровул ҳамон уйқуни урар эди. Гугурт олиб бориб, хандақни қаеригача тўлдирганини кўрмаганидан афсусланди. У йўталиб қўйди. Шу аснода чироқ ёнди. Қурбон кутилмаган ҳолдан титраб кетди ва бир жойда қотиб қолди. Рўпарасида Эҳсон турарди – бу ўша поезддаги қизиқчи бола эди.

– Нима гап? – гудранди Қурбон ўзига келиб.

– Поездда суҳбатимиз чала қолувди, суҳбатингизни олгани келувдим.

– Нима тўғрисида? Тушунмадим... – деди Қурбон бепарволарча сигарета тутатиб. – Тасодифан мен сизга керак эмасманми?

– Сиз бир нарсани тушунтириб беринг, нима учун ярим тунда хандаққа тупроқ ташидингиз?

Лол қолган Қурбон атрофга аланглади. Орқада икки нафар норғул йигит турарди.

– Мен...

– Бекорга овора бўлибсиз-да. Бўш хандақни тўлдиришдан не маъно бор эди? Кимга керак эди? Жиноятчига, албатта. Қотилни топишимиз учун бизга рад этиб бўлмайдиган далил-исботлар керак эди. Тахминларимиз тўғри чиқди, шубҳалар барҳам топди.

Қурбонни олиб кетишганида қор тўхтаган эди. Сўнгги қор...

\* \* \*

Катта терговчи Эҳсон Қодиров тажрибали изкувар эди, унинг чекида озмунча қўлга туширган қотиллар сўроқлари ётибдими. Аммо нима учун Қурбон бундай қотилликка қўл урганини ҳали-ҳанузгача тушунолмаётганди. Агар бошқа жиноятлар билан қиёсланса, у бўғиб ўлдирилган қурбонлар ваҳшийликда бунинг олдидан ўтаверсин. Ҳар гал у ёки бу жиний ишни ёпар экан, у ўзига гапириниб қўяди: одамшунослик деганлари бунча оғир илм бўлмаса.

Қоровулнинг фикрича, идорадаги барча ходимлар бизнесда касодга учраган Қурбонни “бечора”, “қўй оғзидан чўп олмаган” деб атаркан. У бўлса... Ҳақто тажрибали Эҳсон ҳам бошида Қурбонга ишонай деганди. Телевидениенинг жиноят бўйича йилномасида Қурбоннинг фотосувратини кўрсатдилар, эртасига милицияга икки нафар мардикор келди ва кечаги қотилни таниймиз деди. Улар қотил билан бирга дўстлари Исматни ҳам кўрганларини айтишди. Шундан кейин Исмат ғойиб бўлган. Яна шу нарса маълум бўлдики, мардикорларнинг олдига Исматнинг хотини келган ва уларга Исматнинг фотосувратини кўрсатган. Сўнгги вақтларда Эҳсон Қодиров айнан Исматнинг ғойиб бўлиш сирини ўрганиш билан шуғулланган. Унинг тилаги билан Қурбонни сўроққа олиб келишди. Улар иккаласи юзма-юз қолди. Эҳсон индамай сигарета тортар, гоҳ-гоҳ Қурбонга қараб қўярди.

Эҳсон жилддан фотосувратни олди-да, кўлида узоқ ушлаб турди. Қурбон чурк этмаётганди.

– Сен, – хотиржам, аммо чертиб-чертиб деди, – чиндан ҳам ифлос экансан!

– Тагин нима дейсан? Мен ҳаммасига иқрор бўлганман.

– Ҳаммасига дейсанми? Мана бу нима бўлмаса? – деди Эҳсон Қодиров ва фотосувратни Қурбоннинг олдига қўйди.

Қурбон бошга неки тушса ҳаммасини кўришга тайёр эди, афтидан. Аммо мана бунисига эмас: фотосувратдан унинг тўртала фарзанди қараб турарди, уларнинг нигоҳига бардош беролмай, у сувратни ағдариб қўйди.

– Мени хўрлашнинг кераги йўқ. Бу менинг болаларим. Уларнинг ҳеч канақа гуноҳи йўқ.

– Унда, балки, мана булар гуноҳқордир? – Эҳсон унинг олдига бошқа сувратни ташлади.

Бу гал унга беш нафар нотаниш, жулдур кийинган болалар қараб турарди. Уларнинг кўзларида мунг ва бечораҳоллик акс этиб турарди. Қурбон фотосувратга қараб турар экан, бу болаларнинг унинг болаларига нима дахли борлигини тушунолмаётганди.

– Сен бу бахти қораларни ҳеч қачон кўрмагансан. Қани, уни бир четга қўй-да, мана бунга қара...

Эҳсон бошқа сувратни чиқарди. Қурбон ундаги ғам адои тамом қилган аёлни танимади.

– Овора бўлма. Ёки уларнинг кимлигини биласанми?

– Йўқ, энди кўриб турибман, – хайратдан елка қисди Қурбон.

– Булар Исматнинг хотини ва болалари. Ҳа, ҳа, сўнгги марта фақат сен уни тирик кўрган Исматнинг болалари! Энди тушунгандирсан?

Столда Исматнинг фотосуврати пайдо бўлди. Қурбон қўллари билан юзини ёпди.

– Мен истамагандим. Мен, рости, истамагандим...

– Қайси хандакда ётибди у? – сўради Эҳсон.

– Хандакда эмас. Уни ўзимнинг тағхонамга кўмганман.

– Бўғиб ўлдирдингми?

– Йўқ, болта билан чопдим...

– Мана сенга қоғоз ва ручка. Ҳаммасини батафсил ёз.

Қурбоннинг кўли титрарди.

\* \* \*

Камера эшиги ёпилди ва Қурбон адвокат билан ёлғиз қолди. Ҳимоячи олтмиш ёшлардаги миқти гавдали, юзлари қип-қизил, кўзлари қора, даярли оппоқ сочли киши эди. У индамай деворларни, панжарани бирма-бир кўздан кечириб чиқди, у бу ерда кўп марта бўлганидан камерадаги ҳолат унга яхши таниш эди. Аммо ҳар гал янги маҳкум келганида бу ерда янги муҳит юзага келгандай, ўзгаргандай туюлади.

Бу гал ҳам у гапни нимадан бошлашни билмай қолди. Охири Қурбонга юзланиб деди:

– Ассалому алайкум. Ишлар қалай?

– Ишларим канақа бўлиши керак сизнингча? Қамашди – ўтирибман кутиб.

– Нимани кутиб?

– Олиб кетишларини-да. Тезроқ олиб кетишсайди, вассалом.

– Қаёққа шошаяпсан?

Жимлик. Адвокат ҳам жим қолди. Кимдир йўлакдан ўтиб кетди.

– Ҳаёт шошма-шошарликни ёқтирмайди.

– Сизга гапириш осон. Келасиз-у кетасиз. Мен эса бўларимча бўлганман. Биласизми, мана бу тошдеворлар бўғаяпти мени... нафас ололмаёпман, юрагим тарс ёрилай деяпти.

– Осмон йирок, ер қаттиқ, – оёғининг остига қараб деди адвокат... – Панжара ордидан лоақал бир парча осмонни кўрасан... Ҳар нима бўлганда ҳам қарор...

– Қанақа қарор?! Қанақа қарор? – ҳимоячининг гапини бўлди Қурбон. – Менга таскин берманг. Ҳаммаси ёлғон бунинг! Пуч гаплар! Туш! Куйиб кул бўлган бари. Мен ҳатто ўзимни билмаяпман, – деворга суяниб деди Қурбон.

– Мен бугун судда бўлдим. Афв қилиш сўралган илтимосномага ҳозирча жавоб келмаган. Кутиш керак. Ўлим ҳақидаги ҳукмни умрбод камок жазосига ўзгартириш – суд амалиётида янгилик.

– Мен афв этилишимга умид боғлаётганим йўқ. Уларнинг котил ҳақида ўйлашдан бошқа ишлари йўқ-да, – Қурбон мушти билан деворга урди.

– Билмадим, сенга айтсаммикан ё айтмасаммикан?

– Нимани?

– Олдинга ойинг келган эди. Кейин у бир нарсани сўради... – Адвокат бирдан гапидан тўхтаб қолди.

Кампир ундан: “Инкор этган тақдирда ўғлимнинг мурдасини ололаманми?” деб сўраган эди. Шунча тажрибага эга бўлатуриб, кўпни кўрган адвокат нима дейишни билмай қолди. Қурбон ҳимоячининг нима демокчилигини уқиб олгандай, деди:

– Жин урсин, одамдай яшай олмаганим етмай, итдай ўлиб кетаман. Жасадимни шунчаки кўмиб ташлашадими? Бу қанақа жирканч тақдир бўлди?

Адвокат Қурбонга ҳайрон қараб турарди.

– Тақдир, албатта, ўз йўлига. Аммо оқибатни ўйлаш ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. – Бироз тинч туриб, кўшиб қўйди: – Бўпти, мен кетдим. Бирон янгилик бўлса, ўзим хабар қиламан.

Қурбон кўзларини юмиб, ҳайкалдай қотиб ўтирарди. Бир оғиз сўз айтишга мажоли етмай, бош ирғаб қўя қолди.

У уйқусизликдан қийналар, афтидан, ниманидир кутаётганди. Эҳтимол, маҳкумлар ичида қадам товушлари ва катта эшикнинг ғий-тиллашини эшитган ягона одам у бўлса керак. Ана, иккинчи эшикдан ҳам ўтишди. Унга гўё ўзининг олдига келишаётгандек туюлди. Қадам товушлари тобора яқинлашиб келарди.

У турмоқчи бўлди, аммо туролмади, худди тош ерга маҳкам ёпишиб қолгандай эди.

У лойга беланган одамсимон махлуқларни эслади. Улар қаҳ-қаҳ уриб куларди. Бор овозлари билан, тўхтовсиз куларди. Оғриқдан кўзларини юмди. Боши елкасига “шилқ” этиб тушди. У энди қадам товушларини эшитмаётганди. Эшита олмасди ҳам...



**Андрей ПУМПУР**

(1841–1902)

## ЛАЧПЛЕСИС – ЛАТИШ ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ

*Халқ ривоятлари асосида яратилган латиш эпоси<sup>1</sup>*

*Рус тилидан  
Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ,  
Комилжон ЖЎРАЕВ  
таржумаси*

### Олтинчи қўшиқ

Лигобайрам, Лиго туни. Оқсоқоллар анжумани. Лачплесиснинг ўртоқлари билан анжуманга келиши. Тўй. Немис рицарлари билан жанг. Лачплесис Лиелвардда. Хоинлар. Кангарс ва Дитрих. Лачплесиснинг ўлими

*Йилда бир бор келар Лиго<sup>2</sup>,  
Фарзандларга бўлар меҳмон.  
Тутар бутун Латвияни  
“Лиго! Лиго!” деган олқиши.*

*Дарё бурилган жойда жўш,  
Чаҳчаҳла, булбулжон, майин!  
Лиго байрам, Лиго туни<sup>3</sup>  
Очган сайин бизга бағир.*

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши журналнинг февраль, март, апрель, май, июль, август сонларида.

<sup>2</sup> Бу мисралар халқ кўшиғидан. Фақат “Янис” ўрнига “Лиго” сўзи қўйилган. “Лачплесис”да Лиго (ҳаётий воқеликда: Янис куни) Латвияда христианлик тарқалгунча мавжуд бўлган, ёз келиши билан нишонланадиган ҳосилдорлик байрами сифатида талқин этилади. Зеро, Янис куни мuddати (24 июнь) насроний авлиё Иоанн Чўқинтирувчи куни билан мувофиқ келса-да, латиш кўшиқлари ва маросимларидаги Янис образи черков таъсиридан холидир. Янис байрами арафаси – Ўт-ўлан куни, унинг туни эса Янис туни ҳисобланган. Оқшом чўкиши билан кўшиқ (“Янис кўшиқлари”ни) куйлай бошлашган. Уларда Янис ҳосилдорликнинг жонли тимсоли сифатида гавдаланган. Зарур ўринларда “Лиго! Лиго!” хитоби такрорланиб турган.

<sup>3</sup> Лигобайрам, Лиго туни – “Лачплесис”да “Янис туни” ўрнида “Лиго туни” қўлланилган. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги латиш бадий адабиётида ва этнографияга доир ишларда халқ мифологиясидаги қандайдир “латиш маъбудаси” Лиго тилга олинади. Шоир Ю.Алунан “Маъбуда Лиго байрами” (тахминан 1848 йиллар) шеърисида Янис кунини Лиго куни, шоир Ф.Малберг “Стабураг ва Лиесма” (1869) эпосида Ўт-ўлан кечасини Лиго кечаси, Аусеклис Лиелвардда ўтган Янис байрамини тасвирлар экан, уни Лиго байрами (“Лиелварддан хатлар”, 1873) деб атайди. “Лачплесис”нинг биринчи ва учинчи кўшиқларида Лиго латиш кўшиқ маъбудаси сифатида тасвирланади, олтинчи кўшиқда Лиго Янис ўрнида қўлланилади. А.Пумпур “Лиго” сўзини маъбуда исми сифатида ишлатади, шунинг учун уни бош ҳарф билан ёзади. Баъзи олимлар “лиго” хитоби луғавий маъносидан (яъни “чайқалиш”, “тебраниш”), халқ кўшиқларида бу сўз бевосита қуёш ҳаракатини ифодалаш мақсадида ишлатилганидан келиб чиқиб, қадимги латишларда қандайдир Лиго маъбудаси мавжуд бўлганига шубҳа билдирадилар. Янис исми муаммоси – у латиш тақвимий маросим шеърятига христиан байрами номидан ўтганми ёки бошқача тарзда вужудга келганми – узил-кесил ҳал этилган эмас. Лекин, нутмаслик керакки, А.Пумпур томонидан яратилган Лиго гўзал, мукамал образ – бадий ҳодиса. Тақвимий маросимлар ва уларнинг номлари қандай келиб чиққани тўғрисидаги баҳслар эса илмий соҳага тегишли. Улар қайси тарзда яқунланишидан қатъи назар, “Лачплесис” бадий олами бетакрор, устувор ва бедахлдир.

Гулханлар шуъласи гур-гур,  
 Кўктоғ<sup>1</sup> узра ўрлар кўкка!  
 Ўлка бўйлаб янграр бурғу  
 Чорлаб қавму қариндошни!  
 Ота-бобо даъватига  
 Йиғилишиди йигит-қизлар.  
 Кексалар бол билан пиво,  
 Хотинлар – хуш таом ила,  
 Ёшлар кўклам гултоғжлари,  
 Чечак, ўтлар олиб келар.  
 Улуғ байрам тасаддуғи  
 Бўлиб, чамбар таққан ҳамма.  
 Еяр, ичар, қўшиқ айтар.  
 Ўйин тушиб яйрар жони.  
 Салобатли лигусонлар<sup>2</sup>  
 Тутатқилар тутатади,  
 Ўтга қуяр қулмоқли бол,  
 Қуяр хушбўй ёғларни ҳам.  
 Ёруғин таратар экан,  
 Бу муаттар алангалар  
 Бир жон, бир тан бўлиб бор халқ  
 Куйлашиди жўр алқов қўшиқ:  
 “Марҳаматинг дариг тутма,  
 Лиго, Лиго!  
 Ёр-дўст раҳмат айтар, Лиго!  
 Мол-мулкимиз табаррук қил,  
 Лиго, Лиго,  
 Қазноқ, коса тўлсин, Лиго!  
 Қизлардай гўзал бедовинг,  
 Лиго, Лиго,  
 Экинимиз айлан, Лиго!  
 Ўзинг асра, сўлмасин ҳеч,  
 Лиго, Лиго!  
 Гуркирасин яйлов, Лиго,  
 Гуркирасин яйлов ўти,  
 Лиго, Лиго,  
 Бузоққа емиш мўл бўлсин,  
 Сули тошину қўл бўлсин,  
 Лиго, Лиго,  
 Бедовлар тўғ бўлсин, Лиго!  
 Тоғлару водийлар бўйлаб,  
 Лиго, Лиго,  
 Гулларинг тўк бизга, Лиго!

Тўқисинлар қизларимиз,  
 Лиго, Лиго,  
 Бу гуллардан чамбар, Лиго!  
 Йигитга бер яхши қаллиқ,  
 Лиго, Лиго,  
 Эпчил, сулув бўлсин, Лиго!  
 Муносиб ёр бахш эт қизга,  
 Лиго, Лиго,  
 Толмас қўшчи бўлсин, Лиго!  
 Ўстир яшил қишлоқларда,  
 Лиго, Лиго,  
 Ўз шўх болаларинг, Лиго!  
 Улар асло гам кўрмасин,  
 Лиго, Лиго,  
 Ёд этайлик сени, Лиго!  
 Сени доим севайлик биз,  
 Лиго, Лиго,  
 Унутмайлик ҳеч вақт, Лиго!”

Авжи баланд бу янгроқ қўшиқ  
 Тўлдирганда ўрмон, водийни  
 Пайдо бўлди кўҳна дарахтзор,  
 Қуюқ эманларнинг остида  
 Ўтган аждодларнинг руҳлари,  
 Мададкору азиз ҳомийлар.  
 Вайделотлар ва лигусонлар  
 Кўргани он шонли руҳларни  
 Таъзим бажо этиб, бош эгиб,  
 Кўрсатишиди катта эҳтиром...  
 Вайделотлар бошчиси шу дам  
 Уқтирдик йиғилганларга  
 Дўсту ҳамдам ва бўлиб яқдил  
 Яшамоқ шарт метиндай маҳкам,  
 Ҳар сония бало-қазодан  
 Бир-бирини асрамоқ керак.  
 Қўл бердилар бир-бирларига  
 Ёш-яланг ҳам, қари-қартанг ҳам,  
 Сўз бердилар бир-бирларига  
 Бўлмоқ учун елкадош, аҳил.  
 Ўзаро кек сақлаб юрганлар  
 Шошилишиди дийдорлашгани,  
 Аҳдлашишиди қасддан воз кечиб,  
 Дўст бўлиш-чун дунё турғунча.

<sup>1</sup> Кўктоғ – “Лачплесис”да қадимги латишлар Лиго байрамини, Лиго кечасини Кўктоғда, ўз маъбудлари кўз ўнгида нишонлаганлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шундай ном билан аталувчи тоғлар ёки тепаликлар тизмаси Латвиянинг турли жойларида учрайди. Улар орасида шимолий Видземе (Валмиера тумани)даги Кўктоғ алоҳида эътиборга лойиқ. Қачонлардир бу тоғ муқаддас, ундаги булоқ шифобахш ҳисобланган. Ушбу тоғда ўсган дарахтларнинг бир новдасини ҳам синдириш мумкин бўлмаган. Узоқ-яқиндан, Янис кунини нишонлаш мақсадида, деҳқонлар Ўт-ўлан кунини шу ерга етиб келишган. Атрофдаги ботқоқликлардан буғ кўтарилиб турган, табиийки, бу манзарани олисдан кузатганларга: тоғларнинг чўққиларини кўк дуд чулғагандай бўлиб кўринган.

<sup>2</sup> Лигусон – вайделот сингари – қадимги латиш кохинлик даражаларидан бири.



Аждодлари дуосин олиб,  
 Халқ Кўктогда, ўз маъбудлари  
 Даргоҳида қурдию давра,  
 Бошлайверди зиёфат, базм.  
 Онахонлар, келинлар, қизлар  
 Дастурхонга тортишди таом;  
 Бўза тўла косалар, пиво  
 Кўпикланиб турган кўзалар  
 Даврадаги ҳар бир кишига  
 Етиб борди бўлиб қўлма-қўл.  
 Пирог ёки пишлоқ дейсизми –  
 Узатилди шу он, пешма-пеш.  
 Ўйин аҳли суҳбати чортанг,  
 Пишиди бунда қанча маслаҳат.  
 Қўмсаб юрган қанча оғайни,  
 Сафдошларин учратди эрлар,  
 Хотинлар ҳам кўришди шунда,  
 Согинишган дугоналарин.  
 Кўпни кўрган кўҳна боболар  
 Тушдагидай, кўрди ўнгиди:  
 Болаликда, ёшликда ҳамдам –  
 Бирга ўйнаб-ўсган дўстларин.  
 Ҳаммадан ҳам Лиго байрами  
 Айлар эди ёшлар кўнглин хуш:  
 Гуруҳларга бўлиниб улар,  
 Ишқдан куйлар жўшиб, жўр бўлиб.  
 Севги тўла илтижоларга  
 Қизлар гўё парвойи фалак,  
 Аслида-чи, бу муғомбирлар  
 Ич-ичида, висолга муштоқ:  
 “Қачон келар, – дерлар, – ўша дам,  
 Учрашарман суюк ёр билан?”  
 Аста яқин бориб, жўровоз  
 Қуйлаётган қизлар ёнига,  
 Танлаб олар ҳар ўйигит дарҳол  
 Кўнглидаги маҳбубасини,  
 Биргаликда бошлашар ўйин –  
 Авж олади зўр шодиёна.

Тепаликда, кўҳна, муқаддас  
 Эман соясида кўр тўкиб,  
 Суҳбат қурди вайделотлар ва  
 Барча уруғ оқсоқоллари.  
 Шу даврада доно Буртниекс  
 Ва бообрў Айзкрауклис ҳам,  
 Лиелвардлар сардори эса  
 Етиб келди бироз кечикиб,  
 Ҳаммасининг қовоғи солиқ,  
 Гап-сўзида сезилмас қувонч.

Улар қадим битиклар аро  
 Топган қора кунлардан дарак.  
 Лиелварднинг қари сардори  
 Гамга ботган эди айниқса;  
 У самимий кўришиб бўлгач,  
 Эски қадрдон дўстлари билан,  
 Жой олдию улар ёнидан,  
 Кўп ишлардан айлади огоҳ:

“Кўряпманки, эй оқсоқоллар,  
 Хабарингиз йўққа ўхшайди –  
 Ҳур Балтия устига бало  
 Ёғилмоққа шай турганидан.  
 Жин урдими ливларни, берди  
 Изн келгинди савдогарларга,  
 Даугава бўйида улар  
 Дангиллатиб қурди ўз шаҳрин.  
 Шундан кейин ҳар бир кўкламда  
 Келаверди мағрибдан оқиб  
 Ярқиллаган темир совутли  
 Ҳеч недан тап тортмас жангчилар.  
 Эндиликда бу янги шаҳар –  
 Қад ростлаган қудратли қалъа.  
 Қалъаларга айлангани рост  
 Саласпилс ҳам, Икшикле ҳам.  
 Шу ёқлардан, ов қилиб чиққан  
 Ўртқичлардай – хавф солиб ёвлар,  
 Аввал-аввал, тулкилар каби,  
 Тутар ўзин ювош, беозор,  
 Кейин эса, қонхўр бўридай,  
 Ташланади одам бўзгига.  
 Ҳозир эса шу келгиндилар  
 Ливлар ерин этмоқда хароб,  
 Ўт қўймоқда экинзорларга.  
 Таламоқда қишлоқларини,  
 Ким қаришлик кўрсатар бўлса,  
 Қийнамоқда, қилмоқда қиргин,  
 Қолганларни ёт эътиқодга  
 Ўтказмоқда қақшатиб – зўрлаб.  
 Бари ёвуз ниятидан маст:  
 Бу ватанни забт этиб тамом,  
 Абад зулм исканжасига  
 Солиб эркин далаларимиз,  
 Балтиянинг озод халқини  
 Ўзига қул этмоқни истар.  
 Келтиришди шундайин хабар  
 Менга бир кун даракчиларим:  
 Темир совут кийган жангчилар  
 Лиелвардга қолди яқинлаб.

Шу кун кимки қасрда бўлса,  
 Қуролланинг, дея, буюрдим,  
 Ўзим қилич, қалқоним тутиб,  
 Дарвозанинг олдидан турдим.  
 Мен сўрадим келгиндилардан:  
 Нима керак биздан уларга?  
 Гуруҳидан чиқди ажралиб  
 Битта рицарь. Хитоб қилди у:  
 “Менинг номим – Даньел Баннеров!  
 Йўллагандир мени епископ  
 Асли менинг чекимга тушган  
 Кўхна қасринг эгалламоқлик.  
 Яхшиликча бўшатиб берсанг,  
 Айлагайман сенга ижозат:  
 Сен тинчгина, ўлгунигча то  
 Эски ёғоч уйда яшай қол,  
 Ўзим эса, унинг ёнида,  
 Бир тош қаср тиклайман азим.  
 Ҳар қишлоғинг аҳолисига  
 Мен белгилаб қўяман ўлпон.  
 Ҳар хўжалик даромадини  
 Ўндан бири меники бўлур,  
 Ҳар қандайин экиннинг эса  
 Ўндан бири – церковнинг тани,  
 Яширин ё қайта экилса,  
 Ўндан бирин этгайман талаб”.  
 Мен-чи, этдим ўзига сийлов  
 Сурбетларча солган сурсатин,  
 Шунинг учун айлади вайрон  
 Аждодлардан мерос қасримни,  
 Учрагани ташилади қириб,  
 Човут солди молу дунёга.  
 Тирик қолган жангчиларимни  
 Бошлаганча, отландим йўлга –  
 Мен Гауя<sup>1</sup> қалъаси томон.  
 Паноҳига олди Дабрелис<sup>2</sup>  
 Ўша ерда, бизнинг бир қанча  
 Оқсоқоллар билан жангчилар  
 Ўзларига топди бошпана.  
 Хандақ қаздик қалъа гирдида,  
 Тупроққўргон тикладик маҳкам,  
 Шу қалъада бермаклик учун  
 Бизнинг ерга бостириб кирган –  
 Келгиндига қақшатқич зарба.  
 Етгач Даньел йўллаган хабар  
 Рига епископи Альбертга,

У рицарлар катта қўшинин  
 Гауяга этди сафарбар.  
 Бизга қариши юрди Турайддан,  
 Эргаштириб немис қўшинин,  
 Қондошларни қилмай юз-хотир,  
 Римга бориб чўқиниб келган,  
 Ватанини айламак-чун хор  
 Фанимга дўст бўлган Каупо.  
 Энди эса, ёв билан бирга,  
 Қалъамизни айлади қамал,  
 Аврай кетди оқсоқолларни,  
 Макру ҳийла ишлатди чунон  
 Унутинглар маъбудларни сиз,  
 Кристусга ишонинглар, деб.  
 Эмиш, улуг авлиё ота  
 Юборибди ўз ноибини,  
 Эмиш, янги ҳокимиятга  
 Бўйсунсалар сидқидилдан гар,  
 Худди ота болалари-ла, –  
 Адолатли, меҳрибон бўлгай.  
 Сардор Русинь<sup>3</sup> баланд уйилган,  
 Тупроққўргон устида туриб,  
 Истаб унга жавоб айтмоқни,  
 Амал қилиб эски одатга,  
 Ечганида ўз дубулғасин,  
 Келгинди бир совутдор жангчи  
 Уни кўзлаб ўқ узди ногоҳ.  
 Ўқ санчилди Русиннинг очиқ,  
 Беҳимоя пешонасига.  
 Бир сўз айтмай, тил тортмай ўлди,  
 Ерга жонсиз қулади сардор.  
 Улуг газаб билан тўлдирди  
 Қалбимизни бундай қабиҳ иш,  
 Биз ўша тик тупроққўргондан  
 Рицарларга қариши отилиб,  
 Хўп савашидик, оқшом чўқаркан,  
 Тушди улар қочмоқ пайига.  
 Тез орада ёвларга бироқ  
 Етиб келди чувлаб янги куч.  
 Қалъадаги кўтармагача  
 Чекинишига мажбур бўлдик биз.  
 Кунлар ўтди, ўтди ойлар ҳам –  
 Қайтарардик душман ҳамласин.  
 Лекин охир қудратли қалъа  
 Қулади ёв зўри дастидан.  
 Курашсак-да қахрамонона,

<sup>1</sup> Гауя – Латвиядаги катта дарёлардан бири. Видземе худудидида оқади, Даугаванинг шимолий этакларида Рига кўрфазига қуйилади.

<sup>2</sup> Дабрелис – XIII аср бошидаги солномаларда Гауяда яшаган лив қабила сардорларидан бири, деган маълумот учрайди. Лекин унинг исми лив эмас, латиш миллатига мансублигини кўрсатади, деб ҳисоблайдилар.

<sup>3</sup> Русинь – қабила сардорларидан бири. У 1212 йилда епископ ва унинг гумашталарига қарши курашчилар сафида бўлган. Дубулғасини ўзини танитиш мақсадида ечган.

Қалъадаги ҳимоячилар  
 Ҳалок бўлди ҳаммаси, бўяб  
 Қизил қонга тупроққўрғонни,  
 Душманларга энди очиқдир  
 Бутун латиш тупроги буткул.  
 Гап тарқалди, қайтадан Альберт  
 Лашкарларни йиғмоққа машғул.  
 Биродарлар! Менинг қайғули  
 Хабаримни уқдимми ҳамма?  
 Фурсат келар, кўк иродаси  
 Бахтимизни қайтарар бизга!  
 Ҳали бордир ватанимизда  
 Бизга қилич қуювчи қўллар,  
 Қўллар бордир ватанимизда  
 Қиличларни ўйнатиб толмас.  
 Шундай экан, чалинг бурғуни,  
 Ногорани қоқинг, қондошлар!  
 Зеро, яна бизнинг халқимиз  
 Тайёр турсин, бир вақтдагидек,  
 Ё ўлайлик, ё озодликни  
 Мудофаа этайлик ёвдан!”

Оқсоқоллар фалокат тўла  
 Воқеалардан топгунча дарак,  
 Байрамона Лиго қўшиғи  
 Ҳўб куйланиб, топди ниҳоя,  
 Ўрмонзордан, келди садолар:  
 “О, Лачплесис! Лачплесисимиз!”  
 Эл олқиши, завқу шавқининг  
 Зиёсидан балқиб Лачплесис  
 Пайдо бўлди, ана, муқаддас  
 Дарахтзорда, гулхан ёнида,  
 Кучоқлади отасини у  
 Меҳри қониб; Лаймдота билан  
 Спидаланинг оталари ҳам  
 Қизларини кутиб олди шод.  
 Саломлашди иззат кўрсатиб,  
 Оқсоқоллар ила Кокнесис.  
 Эсдан чиқди қайғу-аламлар,  
 Ҳамма бирдай тўлди қувончга:  
 Қайтиб келган экан Лачплесис,  
 Хавф-хатар ҳам кўрқинчли эмас.  
 Бу учрашув оқсоқолларнинг  
 Кўншилларин кўтарди, зеро,  
 Болаларин кўришиди яна  
 Эсон-омон, тўрт мучаси соғ.  
 Лачплесис ва ёру дўстлари

(Давоми келгуси сонда)

Ўрин олди анжуман аро,  
 Балтияда рўй берган ишлар  
 Ҳикоясин тинглади обдан.  
 Нигоҳида ёнарди қахр,  
 Ҳаприқарди юраги тинмай.

Вайделотлар этдилар эълон  
 Адоғига етганин байрам,  
 Тиладилар тилак: маъбудлар  
 Бутун халқни ёрлақасин, деб,  
 Умидлари сўнмасин ҳеч вақт,  
 Муродлари бўлсин, деб, ҳосил,  
 Илтижолар этишиди жўшиб,  
 Керак бўлса, мол-мулкни, жонни  
 Айлангиз деб, ватанга қурбон.  
 Тарқалишиди одамлар аста,  
 Уй-уйига, хаёлга ботиб:  
 Ҳамма билар: яқин орада  
 Ўз кўксини қилганча қалқон,  
 Сақламоқ шарт она ватанни.  
 Лекин ҳали оқсоқолларнинг  
 Анжумани тарқамай туриб,  
 Қуёш чиқиб келди, боқсаки,  
 Ултиришар даврани бузмай.  
 Бир овоздан этдилар қарор:  
 Кун беришмас келгиндиларга,  
 Ё қувлашар барча немисни,  
 Ё қиришар бирин ҳам қўймай.  
 Қиличини ўпиб ҳар бири,  
 Тантанали этди қасамёд.  
 Оқсоқоллар амрига кўра,  
 Лашкарбоши бўлди Лачплесис.  
 Белгилашди: ёрдамчиликка  
 Талвалд<sup>1</sup> билан Кокнесис лойиқ.  
 Оқсоқоллар кўрсатиб ўрнак,  
 Улуг, юксак жанговар онт-ла  
 Мақсадларин этдилар пойдор  
 Ва Кўктоғни айладилар тарк.  
 Лиелвард, Лачплесис, Кокнесис,  
 Талвалд,  
 Айзкрауклис билан Спидала  
 Буртниецс ва Лаймдотани  
 Кўзатишиди жангчилар билан,  
 Брутниецслар қасрида қўш тўй  
 Ўтказишга этдилар жазм,  
 Оқ фотиҳа берди ёшларга  
 Оталари ҳамда қоҳинлар.

<sup>1</sup> Талвалд – (исмининг луғавий маъноси: “Ўз ҳокимиятини узоқларгача ёювчи”) мазкур эпосда латиш қабиласи сардори, Лачплесиснинг немис рицарларига қарши курашда елкадоши.



**Исай КАЛАШНИКОВ**

(1931–1980)

## ҚАТТОЛ АСР

Тарихий роман<sup>1</sup>

*Рус тилидан*

*Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ таржимаси*

Сўтан яна бир неча кун меҳмон бўлди. Кетар арафаси у тугунлари ичидан коп-қора сувсар мўйнасига гулли шойи сирилган пўстин олиб, таъзим билан Ўйлулга тутди.

– Буни менинг номимдан қабул қилсанг... Жуда бағри кенг экансан. Бўртага мен каби она бўлгин. Уни кўз қорачиғидай асраб-авайла.

Лўппи мушти билан кўз ёшларини артганча, у Темучинга қаради. Шунда Сўтан Темучиннинг ўзига ҳам, қизига ҳам, барча кўнғиротларга ҳам кўнгли йўқлигини аниқ ҳис этди. Йўқ бўлса, ундан нарига ...

Бовурчи иккови уни кўнғиротлар еригача кузатиб қўйди.

Қайтишда жим келишди. Темучин қовоғини уйганча келажаги ҳақида ўйларди. У Дой-Чечанга, кўнғиротларга шундай ишонган эдики... Бўлмади. Балки Торғутой-Қирилдукнинг ҳузурига бош эгиб борсинми-кан? Раҳм қил, ўз ҳолимча яшашимга изн бер, деб кўрсинми? Йўқ, у бунга рози бўлмайди. Яна бўйнига қанға осадди. Наҳотки, биргина шомон зўр бериб ундаётган йўлдан бошқа йўл бўлмаса?.. Ўзи қаерга кетди экан? Бутунлай кетворган бўлмасин-да... У ҳақда нима деб ўйламасин, фақат шу шомонгина унинг келажаги ҳақида жон куйдириб юрибди. Унинг бошқа умиди ҳам йўқ эмасди – Тўғорил хон. Хон билан бўладими, ё усизми, ростдан ҳам бир ишни бошлаш вақти келди...

– Темучин, – Бовурчи қўлини унинг елкасига қўйди, – нимага нафасинг ичинга тушиб, чурқ этмайсан? Юзингда ҳам фақат қора булутлар кўланкаси акс этиб турибди. Ё ўйлаган ишимиз кўнғилдагидай чиқмадимми?

– Кўнғилдагидай, Бовурчи. Сенинг яхшиликларингни нима билан узаман, билмайман, дўстим.

– Темучин, мен сенинг ёнингда бирон-бир тухфа умидида юрибманми?!

– Сен отанг олдига қайтасанми?

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

- Ҳа. Нима эди?
- Сен менга кераксан, Бовурчи дўстим.
- Яхши, Темучин. Отамнинг ёнига кейинроқ борарман. Кутиб туради.
- Сен менга бир-икки кун учун керак эмассан. Шу ерларда отамни отлар туёғи остига ташлашган. Шуни ўйлаб юрибман: қасос вақти етмади-микин?
- Ў-ў! – Ҳайратдан оғзини думалоқ қилиб очди Бовурчи. – Мен белимга қилич илишга тайёрман.
- Сен ҳозир отангнинг ёнига боравер. У билан яхшилаб гаплашиб кўр. Рози бўлса, келарсан.
- Рози бўладими, йўқми, барибир келаман. Зерикиб, пода боқиб, бияларни соғиб юравераманми? – Бовурчи қўлларини белига тираб, гердаиб қўйди.
- Ўз-ўзингча келавермагин, Бовурчи. Отанг бизга дўст, хайрихоҳ бўлиши лозим. Бизга кўп дўстлар керак.
- Майли, – деди Бовурчи базўр овоз чиқариб.
- Хайрлашиб, иккови икки тарафга қараб кетди. Темучин ўз қўналғасига эртаси кунни ярим тунда етиб борди. Керулен тарафлардан эсаётган кучли шамол тўзон кўтарар, бута-толлар новдаларига урилиб шовулларди. Темучин от жиловини қозикқа илиб, биров чиқишига умид қилганча ўтовларга кўз тикди. Униси ҳам, буниси ҳам жимжит. Ухлашяпти. Бу қанақаси! Бир кунмас-бир кун ҳаммаларини боғлаб олиб кетишади-ку бу ахволда...
- Хотинининг олдига киргиси келмади. Лекин ўз ўтовига ҳам киролмайди, онаси койийди. Онаси Бўртани хафа қилишини хохламайди. Онаси жуда сезгир-у, аммо ҳаммаси аксинчалигини сезмаётгани қизиқ. Ахир, у эмас, калондимоғлиги билан Бўрта уни хафа қиляпти-ку. Майли, шошмай турсин, яхшилаб ўрнига ўтқазиб қўяди. Унинг олдиди ҳам ўзини катта олиб кўрсин-чи.
- У ўтов эшиги пардасини жаҳд билан очиб ичкари кирди. Зулматда пешонангдан биров чертса ҳам билмайсан.
- Темучин?
- Кийимларнинг шитирлаши эшитилди. Ёнгинасида Бўртанинг нафасини туйди. Унинг қўллари шошилиб йигитнинг елкалари, бошини пайпаслаб чиқди, бўйнига чирмашди, иссиққина юзи билан йигитнинг ияқларини силади. У хотинини итарди-да, ўзини базўр босиб деди:
- Бор, отнинг эгарини олиб қўй.
- Ҳали рад жавобни эшитмасиданок, йигитнинг жаҳли чиқа бошлади.
- Бўпти, бўпти, – деди Бўрта ўрин олдиди ғимирланар экан ювошлик билан.
- Ўзи ўчоқдаги кулни титкилаб, қўрларни қовлаб олди. Оловни янгиламоқчи бўлди. Бўртанинг итоаткорлигидан Темучин сал каловланди. У бошқача муомалани кутган эди. Оловга аргал бўлакларини ташлар экан, қулоғи ўтов ташқарисидидаги овозларда эди. Унинг оти сал асовроқ. Агар олдидидаги одамнинг чўчиётганини сезса, тишлаши ёки тепиб юбориши ҳеч гап эмас. Шамолнинг ғув-ғувидан бошқа овоз эшитилмайди. Эплайди, шекилли.
- Эгарнинг оғирлигидан букчайганча ўтовга Бўрта кириб келди. Унинг кетидан ёпирилиб келган шамол эшик пардасини бураб, айлангириб ташлади, ўчоқдаги оловни тўзғитди. Бўрта кириб пардани тўғрилаб қўйди,

ўчок устига шўлон шўрвали қозончани қўйди. Қимиз қуйиб эрига узатди. Унинг чаккаси томонга чўзилган қисик кўзлари хотиржам эди.

– Ухлашларингни қара! Думбаларингни кесиб кетса ҳам билмайсанлар.

Темучиннинг бу гапи койишдан кўра минғирлашга ўхшаб чикди.

– Мен ухламаётган эдим.

– Унда нимага чиқмадинг?

– Сен онангнинг ўтовига кирмоқчи бўлиб турувдинг, халал бермай қўя қолай дедим. – Бўрта унга масхараомуз қараб турарди.

Бирдан Темучин баҳсдан тўхтаб, индамай қимизни сипқорди-да, косани хотинига узатди.

– Яна қуй... Бўрта, мен сизларникида яшаган пайтларим эсингдами?

– Эсимда, – ўйлаиб деди Бўрта. – Сен итлардан ва бегона болалардан кўрқардинг. – Бўрта энди самимий кулиб юборди.

– Болалардан сира кўрқмаганман!

– Шунақа дейсан-да... – Бўрта шўрва келтириб қўйди. – Қорнингни тўйдириб ол. Чарчагандирсан? – Кафти билан Темучиннинг бошини силаб, кокилини текислаб қўйди. Бу ҳаракатлари ҳам бошқа ишлари каби ишончли, ортиқча уялишсиз, лекин шу билан бир вақтда, беғубор ва мулойим эди. Бўрта болалигида ҳам шунақа бўлгани ҳозир унинг эсига тушиб қолди. У пайтларда ёшлари орасидаги фарқ катта эмасди, унинг устига бировнинг уйида яшаётгани уларни тенглаштириб турарди, гўё.

– Сенинг қариндошларинг нима учун мени ёмон кўришади? Илгарилари бунақа эмасди.

– Улар тойчиютлар билан тескари бўлиб қолишни исташмайди. Темучин, ҳар ким ўз тинчини ўйлайди.

– Сенинг қанақа ташвишинг бор?

– Мен сени кутдим, Темучин. Сен бизникидан кетган ўша дамдан буён...

– Кутдингми? – У қизга ишонқирамай қаради. – Буни қара, кутган эмиш! Борганимда яқинингга ҳам йўлаб бўлмади-ку.

– Мен сенга жаҳл қилганим йўқ. Қариндошларим бошқага узатишмоқчи эди. Кейин сендан ҳам жаҳлим чиқди. Қариндошларимдан ҳам кўпроқ сендан хафа бўлдим.

– Ҳе! Менинг нима айбим бор экан?

– Сен худди қутурган букага ўхшаб юрувдинг!

– Қариндошларингнинг ўзи мени сузиб ташлашди-ку. Ҳали қорнимга, ҳали биқинимга. Буларга чидаш учун менга молниқидан ҳам қалинрок тери керак бўлиб қолди.

– Лекин бунга мен айбдормасман-ку!

– Сен, гердайган, ўзбошимча, бойвачча қиз, бошқалардан қолишмасдинг.

– Майли, Темучин. Булар ҳаммаси ўтмишда қолди. Энди-чи? Сенга яқин бораман десам, яна ўша қутурган букага рўпара бўлиб турибман. Энди доим шунақа бўлаверадими?

– Билмадим. – Йигит хўрсинди. – Ўтган йиллар ичида сенинг ақлинг яна ҳам сийқалашиб қолганмикин, деб ўйловдим.

– Мен ҳам сен ҳақингда худди шунақа фикрда эдим. Мен яна шу Темучинми, деб ҳам ўйладим.

Очиқчасига, пичингларсиз бўлиб ўтган суҳбатдан Темучин бирдан енгил тортди.

– Бери кел, Бўрта.

Қиз унинг яқинига сурилиб ўтирди. Темучин унинг елкаларидан кучоқлаб, ўзига тортди. Енгил шоҳи чопон остидан қизнинг қайноқ ва таранг баданини ҳис қилиши биланоқ чаккаларига қон қуйилганини сезди. Бўрта секингина елкасидан унинг қўлини олиб қўйди-да, ўринга бориб ётди. Темучин ўчоқ ёнида қолди. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, тойчиютлардан кўркуви, ўтови ва Бўртанинг бошига тушиши мумкин бўлган балларни ўйлаб кетди. У дунёдан беҳабар худди ҳеч қанақанги уруш-пурушга бош қўшмайдиган, эҳтиёткор қўнғиротлар элидагидек, тинчгина яшайвераман, деб ўйлайди.

У бу ўйларини Бўртага гапириб берди. Аммо Бўртанинг хаёллари умуман бошқа ёқларда бўлгани учун эрининг гапи қулоғига кирмади.

– Биз сахрода ёлғиз ва саргардон кезиб юрган одамлармиз, билдингми? Ортик бундай яшаб бўлмайди. Лекин бошқача яшаш ҳам хавфдан холи эмас. Сен ҳамма нарсага тайёр туришинг керак, Бўрта.

– Эркакнинг иши йўл танлаш, хотиннинг иши эса унга эргашиш. Бошқа гап йўқ.

– Бугун биз ҳамма нарсани гаплашиб олишимиз керак. Мен янги ҳаёт бошляпман. Тўғорил хоннинг олдига бориб келишим керак. Сувсар пўстинни унга ҳадя қилсам, хафа бўлмайсанми?

– Пўстин энди онангга тегишли, Темучин.

– Онам менга беради. У менинг онам-ку.

– Мен бўлса, хотинингман, Темучин. Иккаламиз бир хилмиз. Лекин Тўғорил отангнинг андаси-ку, расмиятчилик қилиб ўтиришинг шартми?

– Илгарилари бўлганда, мен шундай ўйлаган бўлардим. Лекин ҳозир... Бўрта, совғанинг ўзи муҳим эмас. Хоннинг муборак юзи олдида сувсар пўстинни бир хилпиратиб очсам, агар менга ўхшаган етимча, жулдурвокию кувғин қилинган бир одам шундай ҳадя қилолса, демак, бундан бошқа ишларга ҳам қодир бўлиши керак, деган фикр ҳар қандай одамнинг миясига келиши аниқ.

– Сен муғомбир экансан, – деди секингина кулиб Бўрта.

– Менинг куним сенинг бошингга тушса, сенам муғомбир бўлиб коласан... Шундай қилиб, пўстинни бериб юбораверайми?

– Темучин, менга нима тегишли бўлса, бари сеники. Пўстин дейсанми, ўтов дейсанми, ҳаммасини бериб юборавер. Фақат мени ҳеч кимга бермагин. Мени ўзинг ол. – Эндиги кулгисида тилёғламалик ҳам бор эди. – Етар, бу гапларни бас қилайлик. Бу ёққа кел, Темучин.

Туннинг қолган қисмини уйқусиз ўтказишди. Чарчаган, тинчланган Темучин Бўртанинг юмшоққина билагига бош қўйиб уйқуга кетганида, мўридан тонг ёришаётгани кўриниб турарди.

У кун ярмида уйғонди. Ўтовда Бўрта йўқ эди. Эшик пардаси кўтариб қўйилган, тирқишдан майсалар билан қопланган дарё қирғоғи, кулранг тусда чайқалиб турган шувоқ ва барглари сарғайиб қолган мажнунтол кўриниб турарди. Куз яқинлашиб келарди... Жазирама кунлар камайиб, тонгги шудринлар муз тортиб қолган, қуруқшоқ ўтлар сарғайиб, ерга уруғини тўқар, кўллардаги паррандалар ҳам энди тўдаларини тўплашга тушган, семириб кетганидан ҳаракатлари сустлашган тарбағонлар уяла-

ридан узоққа кетмай, яқин атрофларда айланиб юради. Роса овлар бароридан келадиган палла эди ҳозир. Кўл бўйларига бориб, ўрдагу ғозлар отиб келишсамикан? Ёки қуюқ ўрмонга бориб, қоп-қоронғи тунда тол найининг овозига шохдор буғуни чақирса ҳам бўлади. Зўр бўларди-ю... Лекин буларнинг ҳаммасини миядан чиқариб ташлаш керак. Аввал Тўғорилнинг олдига бориб келади...

Ташқаридан қаттиқ-қаттиқ овозлар келар, Бўрта кимнидир ўтовга қўймаётган эди.

– Темучин катта одам бўлиб кетибди-да, пешингача ухлаётган бўлса. Уйғотиб ҳам бўлмайди, – дерди таниш пинғи овоз.

Темучин сакраб ўрнидан турди-да, тезда кийинди. Эшикдан юмшоқ намаат қалпоқ кийган бош кўринди. Жарчиўдай! Унинг орқасида ўғиллари Жалма билан Човурхон-Субутойлар турарди.

– Киригламлар!

Темирчи ўғиллари билан ўтовга кирди. Жарчиўдай шикоят қилган бўлди:

– Бунақа хотини бор одамга қўриқчи итнинг ҳожати йўқ.

Ўтовнинг тўрига намаат тўшакчани ёзиб, меҳмонларни ўтиришга таклиф қилди.

– Чорваларинг омонми? Поданг кўпайиб қолдимми? – сўради темирчи, ўтовга айлана разм солиб чиқиб. – Қараб турсам, ишларинг юришиб қолибди, а, сариқ-машак қароқчи!

– Осмон менга марҳамат қилиб турибди.

Жарчиўдай ҳечам ўзгармабди. Ўша-ўша, бароқ қошлари остидан қараб турган кўзлари жаҳлдор, овози ҳам ўшандай чийилдоқ, бир неча жойи куйиб кетган эски чопони ҳам ўша-ўша. Жалма бўлса, елкалари кенгайиб, бақувват эркак бўлиб қолибди. Човурхон-Субутойнинг бўйи акасиникидан ҳам ўсиб кетибди-ю, аммо озғин, кўллари узунлигидан худди янги туғилган бузоқчага ўхшаб қолибди.

Ака-укалар Темучин билан кўришишганидан хурсанд эдилар. Жарчиўдай пишиллар, хириллар, алланималарни сўраб-суриштирар эди. Темучин бўлса унга қиска-лўнда жавоб бериб тураркан, Жарчиўдайнинг келиши сабабини ўзича тусмоллади.

– Теб-тангрининг айтишича, осмон сенинг буюк йўл соҳиби эканингни аён қилган эмиш. Яқинда Темучин хатто Торғутой-Қирилдукнинг садоғини ҳам ўз қўлига олади, дейди. Шу гап ростми?

Темучин ичидан хурсанд бўлиб қўйди: шомон уни тарк этиб кетмабди!

– Осмон иродасини Теб-тангри мендан яхшироқ билади. Торғутой-Қирилдукнинг садоғи бўлса, менга керак эмас. Мени тинч қўйса бўлгани.

– Ҳамма шуни хоҳлайди-ю, аммо тинчликнинг ўзи йўқ.

– Сизлар қаерда яшаяпсизлар?

– Кадрдон уранхай уруғимиз овулларида.

– Уранхайликлар тойчиютлардан ажралиб чиқишдимми? – хайрон бўлиб сўради Темучин.

– Йўғ-эй, – алам билан қўл силтади Жарчиўдай, – уруғлар илгаригидай Торғутой-Қирилдукнинг қўл остида. Аммо бизни сотишмади, тугтиб беришмаяпти. Нўёнлар ва шомонлардан кейин одамлар орасида энг азизи биз, темирчилар, бўламиз. Бизнинг бахтимиз ҳам, мусибатларимиз ҳам шунда. Нўёнлар бир-бирларини талашар экан, биринчи бўлиб



хунармандларни, учкур отларни, ундан кейин чиройли қизларни олиб кетишади. Қизларни хотин қилишади, отларни асраб-авайлаб боқади, бизни эса қонимизни сўриб ишлатишади.

Темучин ўзи билан темирчи ўртасида бўлиб ўтган бир суҳбатни эслади-да:

– Нўёнларни нимага ёмон кўришингнинг сабабини энди тушундим, – деди Жарчиўдайга раҳми келган бўлиб.

– Хўкиз ўзи тортиб кетаётган аравани яхши кўрармиди? – Жарчиўдайнинг авзойини кўриб, Темучин айтган гапидан пушаймон бўлди.

– Лекин аравани бошқармоқ юқоридан белгиланган бўлса, аравакашда нима айб? Ахир, ғилдирак ўқлари яхши айлансин деб уни мойлаб турадиган, хўкизларни сув ва ўтлоқларга олиб борадиган, бўрилар ҳамласидан эҳтиётлаб, асрайдиган ўша одам-ку? – Темучин айбдордай ўзини темирчи олдида оқлаётганидан баттар қизиша бошлади.

– Аравани бошқаришга ишқибозлар кўпайиб кетди-да. Ҳар бири арава жиловини ўз кўлига олмоқчи бўлиб, хўкизларнинг терисини шилиб, тукини тўкиб ташлашяпти. Мана, сени аравадан итариб ташлашувди, ўз жойингни эгаллаш учун истаган одамнинг қонини оқизишга тайёр турибсан.

– Мен аравага ўтирмайман, ғилдираклари эзгилаб ташлайди.

– Ўтирсанг, битта ўзинг ўтир-да. Шухратпараст шомон билан одамларнинг миясини айнитманглар. Сен бу аравага ўликлар, майиб-мажруҳларни босиб кўтариласан. Сен-ку роҳатда яшай бошларсан, аммо етимларнинг қорнини ким тўйдиради? Ким уларни бағрига олади, ким ҳимоя қилади?

Жарчиўдайнинг қаттиқ нигоҳи Темучинни ўтов панжарасига қапиштириб ташлагандек бўлди. Темирчининг вазоҳатидан қутулишга ҳаракат қилиб, у кескин қаддини ростлади ва бақириб деди:

– Нимага бунақа ёмон хаёлга борасан?! Қўлимда кучим бўлса, отам улусини ўзимнинг бошимга тушган балолар, қўрқув, очлик, хўрлик ва адолатсизликлардан халос қиламан. Мен одамларга, ўзимга, сенга ва ўғилларингга нима кераклигини яхши биламан.

Жарчиўдайнинг бояги қаттиқ нигоҳидан асар ҳам қолмай, бошини қуйи эгди. Пешонасидаги ажинлари тебраниб қаншари устида тўпланди, шамол патила қилиб ташлаган қуш қанотларига ўхшаш бароқ қошлари осилиб тушди. Темирчи қизиган тўпон излари қорайтириб ташлаган қўлларини ишқаб, анчагача бир сўз демай жим ўтирди.

– Ҳа, сен бошқалардан кўра яхшироқ тушунасан, – деди бўғиқ овозда уста темирчи, – аммо ҳаммасини тушунармикансан? Ҳозирги гапларингни кейин унутиб юбормасмикансан?

– Мен унутаманми? – Темучин чопони елкасини тушириб, бўйнининг офтоб тегмаган жойларида қонталаш бўлиб қолган қанға изларини очиб кўрсатди. – Бу нима, бу? Мана шулар менинг бошимдан ўтган нарсаларни унуттирармиди?

Жалма боядан бери бир нима демоқчи бўлиб чоғланар, лекин отаси бунни пайқамаётгандайди. У йўталиб қўйиб, отасидан сўради:

– Мен ҳам гапирсам майлими?

– Жим бўл! Ҳали сенинг миянг қаймоғи олинган сутга ўхшаб суюлиб ётибди. Жим ўтир! Темучин, мен кам яшаганим йўқ. Сахро узра чанг

кўтариб келаётган тўзонларни кўриб турибман. Улар урилиб-сурилиб, кучайиб бораяпти. Бўрон етилаяпти. Бунақа яшаб бўлмаслигини қари ҳам, ёш ҳам тушуниб турибди. Ё биз янги йўлга тушамиз ёки бир-биримизни кириб ташлаймиз. Тўғри йўлни танлаб олишга ақлинг етармикан, танлаб олиб охиригача ундан оғишмай боришга журъатинг-чи?

– Етади! – деди ғазаб билан Темучин. Аммо тезгина бошини чайқаб, чопонини кийиб олди-да: – Билмайман... Ўз оёқлари билан юрмаган, отининг туёқлари билан топтаб кўрмаган йўли ҳақида одам нима ҳам дейиши мумкин? – деди.

Темирчига гапнинг ростини айтиш кераклигини у тушуниб турарди. Муғомбирлик қилсанг, устингдан масхараомуз кулиб, бу ердан кетиб қолиши аниқ.

– Бўпти, – деди темирчи зўрма-зўраки. – Қидирган одам топади. Йўлга отландингми, жўна. Агар аҳмоқ бўлсанг, тушдан кейинги хира пашшадай эзиб ташлашади, агар ақлли бўлсанг...

Ўтовга Ўйлун билан Бўрта кириб келди. Бека Жарчиўдайга чуқур таъзим қилди.

– Теб-тангри айтди, ўғлимни қутқариб қолибсан...

Жарчиўдай ковоғини солди.

– Мен ўзимнинг виждонимни қутқардим, ўғлинг менга ким бўпти!

Онаси ҳайрон бўлиб кўзларини катта-катта очди-ю, аммо ҳеч нарса демади. Ҳаммани овқатга таклиф қилди.

Овқат устида ҳам темирчи Темучиннинг режалари ҳақида сўраб-суриштириб ўтирди. У Тўғорилнинг олдига бормоқчилигини айтганида, маъқуллаган бўлиб бошини қимирлатиб қўйди.

– Тўғри ўйлабсан.

Темучин хурсанд бўлиб кетди. Чамаси, темирчи у тарафга ён босмоқда эди. Албатта, минғирлашини қўймайди-ю, лекин қўллаб-қувватлаши аниқ. Бироқ унинг кўнглида шодликдан бошқа хавотир ҳам бор эди. Ундан ҳаддан ташқари кўп нарса кутишаяпти. Олдинига шомон, энди бўлса Жарчиўдай. У эса ўзини худди янги эгар урилган асов отга қиёсларди – сиқади, сидиради, узангилари билан уради, лекин кутулолмайди...

Овқатдан сўнг Жарчиўдай онасининг ўтовида қолди. Темучин, Бўрта, устанинг ўғиллари дарё қирғоғига чиқишди. Хасар унинг енгидан тортди.

– Тўғорилникига мени ҳам олиб кетасанми?

– Нима, сен бошқалардан яхшироқмисан?

– Сендан кейин оилада энг каттаси менман! – эслатди Хасар.

– Менга энг каттаси эмас, энг кучли ва чакқони керак. Кураш тушинглар. Ким ютса, ўшани олиб кетаман.

– Бўпти! – деди Хасар шошиб чопонини ечаркан.

– Мен билан Жалма кураш тушмаса ҳам бўлаверади, – деди найнов Субутой худди отасига ўхшаб ковоғини уйганча, – бизни ким ҳам сен билан бирга юборарди?

– Курашаверинглар, отангиз билан мен ўзим гаплашаман, – деди Темучин ва Субутойнинг елкасига охиста уриб қўйди.

Кичик укалари Хачиун, Тамуға-ўтчигин, уларнинг кетидан қовушмаган Субутой ҳам биринчи даврадаёқ ўйиндан чиқиб кетишди. Хасар, Билгуйтой ва Жалмалар ғолиб чиқишди. У ёғига қуръа ташлашди. Хасар билан

Жалма курашадиган бўлди. Улар кулочларини кенг ёйиб, бир-бирини кўрkitган кўйи сонларига уриб-уриб, бир давра айланиб чиқишди. Кейин рўпарама-рўпара туриб, энгашиганча бир-бирларига қараб тўхташди. Хасарнинг қоп-қора гавдаси таранглашиб, жонсиздай қотиб қолди. Жалма гутулининг товони билан ер пайпаслаб оёғини маҳкам ўрнатиб олишга уринар экан, Хасарнинг ҳаракатларини кўз узмай кузатарди. Шунча кузатсаям барибир доғда қолди. Хасарнинг қўллари яшин тезлигида ҳаракатга келди. Жалма оёғида туролмай, бир ёнбошига йиқиларкан, гутулидан энгил чанг кўтарилди.

Хасар қўлларини осмонга кўтариб олиб, ғолибона давра айланаркан, мамнун қийқириб қўйди.

Билгутой япаски бурнини кафти билан артиб, иштонини баландрок кўтариб олди. Ўзи пакана, елкадор, калтабақай қўллари икки ёнга тарвақайлаган, қийшайиб, титилиб кетган гутул кийган Билгутой лапанглаганча Хасарга қараб юрди. У ҳам қурукшоқ лабларини ялаб укасини қаршилади. Қорамтир елкалари худди мой суртилгандек тердан ялтираб турарди. Рақибига тикилган кўзлари пичоқ тиғидек қисилиб кетган.

– Қани! – деб кичкирди Темучин, қарсақ чалиб.

Хасар олдинга ташланиб, Билгутойнинг чап қўлидан ушлаб олди-да, ўзига қараб, пастлатиб тортди. Билгутой жойидан силжимади. Ўнг қўли билан акасининг бўйнидан олди, оёқлари билан ерга ёпишиб олиб, кучанди, Хасар унинг қўлидан чиқиб кетишга уринди. Бўлмади. Билгутой уни қўллари билан белидан сиқиб олиб жаҳд билан бир кўтарди-да, секингина ерга қўйди. Қутурган силовсинга ўхшаб жони чиқиб кетган Хасар мушти билан Билгутойнинг қорнига тушириб қолди.

Темучин унга яқинлашиб, қулоғига айлантириб солди.

– Нимага унақа қиласан? Кураш ҳаққоний бўлди. Уришма!

– Нимаси ҳаққоний! – Хасар аламидан титрарди. – У мени куч билан эмас, пишиллаши билан йиқитди. Мишиқи туяга ўхшаб қулоғимга пишиллади!

Жарчиўдай яқинлашиб келиб, танбех бера кетди:

– Уканг жуда қайсар экан.

– У ҳазиллашяпти. Хасар, ҳазиллашдинг-а?

Укаси эса ердан чопонини олиб елкасига солди-да, ҳеч кимга қарамасдан кетворди. Темучин унга етиб олиб, билагидан ушлади-да, маҳкам қисди.

– Бор, артиниб келгин-да, ёруғ юз билан Билгутойнинг ёнига келиб тур, – деди секингина. – Эшитаяпсанми? Ёнига турмасанг, ҳамманинг олдида калтаклайман!

Хасарнинг қўл мушаклари титраб кетди.

– Кет! Бўлмаса бир соламан!

Темучин унинг билагини қўйиб юборди.

– Айтган гапим эсингда турсин!

Укаси қайтиб келиб, ҳеч кимга қарамай, ерга тикилганича Билгутойнинг ёнидан турди.

Темирчи майса устида ўтириб, кўзини қисганча ака-укаларнинг ҳаракатларини кузатарди.

## VIII

Эгарланган, хурпайган, зотлари ҳар хил, туёқлари синиқ отлар қозикда боғлоғлиқ турарди. Ўйлун билан Бўрта уларга йўл тўрваларни осишар, ака-укалар эса садоқларига ўқларни жойлашарди. Темучин темирчи ва унинг ўғиллари билан ўтовда ўтиришибди.

– Шу ерда қола қол, Жарчиўдай, менинг катта акам бўласан, – деди-да, Темучин жимиб қолди. Қанийди, мана шу вайсақи Жарчиўдай қола қолса! Кимнинг ёнида темирчи бўлса, унинг қуроли ҳам бор. Кимда қурол бўлса, унинг аскарлари ҳам бўлади.

– Қулранг ғоз ҳеч қачон баландпарвоз бургутга ука бўлолмайди, – деди кулиб Жарчиўдай. – Лекин гап бунда эмас. От чоптиришга мен қарилик қиламан. Сенинг чилангаринг бўлиб нима ҳам қилдим? Бир бўлак ҳам темиринг бўлмаса.

– Бўлади темир!

– Темиринг бўлган куни мен ҳам келаман. Ҳозирча Жалма сен билан қола турсин. Ундан барибир темирчи чиқмайди, отларни, ов қилишни яхши кўради.

– Мен-чи? – лабини бурди Човурхон-Субутой.

– Сен мен билан кетасан.

– Шу ерда қолгим келаяпти.

– Мен билан кетасан, дедим! – темирчи жимиб қолди. Кейин Темучинга қараб: – Сен пишиқ ва ақлли йигитсан. Сенинг қанотларинг бор, у ҳам бўлса отангнинг шавкати. Одамлар сенга эргашади. Эсингда бўлсин: улар фақат қорнинг тўқ ва хотиржам яшашинг учунгина сенга эргашмайдилар. Ҳар ким ҳам иссиқ ўтовли бўлишни, қора қозонида бир парча гўшт қайнашини истайди. Шунингдан чиқарма!

Темирчи ўрнидан турди ва биринчи бўлиб ўтовдан чиқди.

Отларга минишди. Бўрта Темучин отининг юганидан ушлаб, оёқ учида эрига томон чўзилди. Темучин энгашиб, бурни билан Бўртанинг бошини силаган бўлди-да, жиловни силтади.

Отлиқлар отларини ўқдай учириб кетишди. Тез орада ўтовлар ортда қолди. Уларнинг ёнида турган Ўйлун, Бўрта, Хоахчин ва сал четроқда таёғига суяниб турган Жарчиўдайлар ҳам кўз илғамас нуқталарга айланиб қолишди. Темирчининг ўғиллари ва ўзининг укалари кузатиб кўйиш учун Темучинга эргашган эдилар.

Йигитлар иккита-иккита бўлиб саф тортгандилар: Жалма ва Човурхон-Субутой, Билгутой ва Хачиун, Хасар билан Тамуға-ўтчигин. Бутун бошли кўшин-ку! Ҳали Бовурчи ҳам қўшилса, унча-мунча душман у билан тўқнаш келишни ўйлаб кўради.

Диққинафас устахона-ўтовдан, болғаларнинг тарақ-турукидан, кундалик оғир меҳнатдан кутулган Жалма тишларини кўрсатиб тиржайганча, қамчисини шўх ўйнатиб борарди. Унинг укаси бўлса ёмғирда қолган какликка ўхшаб букчайиб, ковоғини уйиб олган. Темучин уни қўли билан имлаб чақирди.

– Юрагингни кўпам эзаверма, Субутой. Сен менинг навқарим бўласан. Менга ишонавер!

– Қачон? – ишонқирамай сўради Субутой.

– Тўғорилнинг олдидан қайтишим биланок. Энди отингни тезроқ чоптир, менинг олгинчим бўлгин. Садоғимни ол-да, олға бос!

Човурхон-Субутойнинг чехраси очилиб кетди. Садоқни тезгина эгарга илди-да, отини ниқтаб сахро кўйнига учуриб кетди.

Атроф отлиқлар кўз ўнгида ўзгариб борарди. Чап-ўнг тарафдан тез-тез бўзарган қум тепалар кўриниб, йўл устидан чуқур ботиқлар чиқиб қоларди. Човурхон-Субутой зумда кўздан йўқолди.

– Адашиб қолмасмикан? – хавотирланиб сўради Темучин.

– Субутой ҳеч қачон ҳеч қаерда адашмайди, – деди Жалма.

Кутилмаганда тик тепалик ортидан ҳовлиқиб, қалпоғини ҳилпирашиб Субутой чиқиб қолди. Темучин хавотирда жиловни тортди. Хасар садокдан ўқ олиб камонига ила бошлади.

Субутой учиб келиб, отини таққа тўхтатди-да, бақириб деди:

– Жайронлар!

– Туф! – тупурди Хасар. – Мен тойчиютларми, деб ўйлабман.

Темучин ҳам Субутойни яхшилаб сўкмокчи бўлди-ю, аммо ўспириннинг юзидаги мамнунликни кўриб, индамай кўя қолди. Секин тепаликка яқинлашишди. Унинг орқасида торгина водий бўлиб, жайронлар подаси қирғоқ ёқалаб ўтлаб юрарди. Уларни Керулен қирғоғига тақаб борилса, яхшигина ўлжа қўлга киради. Чўчитиб юборгудек бўлса, учқур жониворлар шамол сингари сахрога тарқаб кетади.

Темучин Субутойдан ўзининг ўқ-ёйини олиб, подага ким, қаердан хужум қилиши тўғрисида кўрсатма берди. Ҳамма шу ондаёқ тарқалди.

Темучин ҳар кимга вазифасини тушунтираркан, Жалма эгарда безовталаниб ўтирарди. Ҳамма тарқаб кетгач:

– Сен одамларни нотўғри жойлаштиринг, – деди.

– Нимага?

– Мен катта овларда қатнашганман. Хачиун билан Ўтчигин турган қирғоқ тарафга жайронлар бормайди – кўзлари куёшга тик бўлиб қолади. Хасар билан Билгутойлар тарафга ҳам қочмайди. Чунки шамол ўша тарафдан эсаяпти. Жайронлар водийдан тикка кўтарилиб, Субутой томонга қочади. Унинг қўлида эса камон ҳам йўқ.

– Бўлмаса нимага индамадинг? – Темучиннинг жаҳли чиқди.

– Бошқалар сени нодон деб билмасин, дедим.

– Тўғри-да, мен нимани ҳам тушунардим. Мен жайрон овламаган бўлсам. Уч, Субутойни бу ёққа жўнатиб юбор.

Ов ўхшамаслигини кўнгли сезиб, шу билан бирга бошқалар кўз ўнгида Темучиннинг обрўси тушишини истамаган Жалмадан миннатдор бўлиб, у қирғоққа яқинлашиб келди. “Ҳақиқий навкар!” – кўнглидан ўтказди у. Водийга кириб келганида, укаларидан бири чўчитиб юборган жайронлар, зич тўда бўлиб, шамолга орқа ўгирганча айланиб чошиб борарди. Жониворлар гўё оёқлари ерга тегмай, шохларини орқага ташлаганча югурарди. Темучин уларнинг йўлига отилиб чиқиб, камонидан ўқ отди. Ўқ тўда охирида бораётган бир жайронга бориб тегди. У боши билан ўмбалоқ ошиб йиқилди-ю, дарҳол оёққа туриб, яна югура кетди. Лекин иккинчи ўқдан кейин тамом ерга кулади. Темучин чошиб келиб отидан тушган дақиқада жайрон учли туёғи билан чалов бутасини бир тепди-ю, жимиб қолди.

Пода худди Жалма айтганидай, водий тепасига қараб қочди. Темучин

ерга ўтириб, бошидан қалпоғини олди, от чоптириб келган Субутойга қараб кулиб қўйди. Само уни марҳаматидан куруқ қўймади. Сизларга чуқур таъзим қиламан, эй водий рухлари, марҳаматингиздан миннат-дорман!

Тепаликдан Жалма тушиб келиб, эгаридаги иккита жайронни ерга ташлади. Укалари ҳам етиб келишди. Хасар ўлжаларга қараб турди-да, камон сингари чиройли қошлари қаншари устида тўпланди.

– Сенми? – сўради у Темучиндан.

– Ҳа...

– Шунақа бўлишини билувдим! Сен мени ҳар гал ҳайвон ўтмайдиган, қуш учмайдиган жойга қўясан.

– Мен битгасини оддим, иккитаси Жалманики. Бугун унга ҳавас қилсанг бўлади.

Хасар тинчланди. Жалмага ҳавас қилишни ўзига ор билди.

Дарё бўйида тўхтаб, гўшт пиширишди, дам олишди. У ёғига Билгуйтой икковлари кетишди. Укалари ҳам, Жарчиўдайнинг ўғиллари ҳам ортга қайтишди.

Тойчиютлар еридан ҳеч кимга рўпара бўлмай, тинчгина ўтишди. Қоройитлар ерларига киришганида, биринчи кичик овулнинг ўзидаёқ, уларнинг қуролларини олиб қўйишди ва бу ёғига қоровуллар назоратида боришларини айтишди. Қоровулларнинг гапидан Темучин қоройитлар найманлар билан уришаётганини билиб олди. Улар ўтиб бораётган овуллар қаттиқ кўриқланаётган бўлиб, бу ерларда отлар туну кун эгарлоғлик турар, жангчилар ҳам қурол-аслаҳаларини ечмай ухлашар экан. Дарё қирғоғидаги қарағайзор яқинида жойлашган хон ўтови икки қатор арава билан ҳимояланган эди.

Гавжум ва бегона бу улус ичида юриб, Темучин ўзини ғоят ожиз, сафарга отлантирган ташвишини эса ушалмас орзу, деб ҳис этди.

Тўғорил уларни кичикрок бир ўтовда қабул қилди. У эгнига ерга тегар даражада узун, тўққизил матоли, ёқаларига кашта тикилган чопон кийиб олган эди. Томирлари бўртиб турган бўйнидаги кумуш занжирни оғиргина хоч тортиб турарди. Хон қўлларини ярақлаган белбоғига тираганича, Темучинга узоқ тикилди.

– Кимсизлар? Ҳузуримга не юмуш билан келдингиз? – Бирдан унинг кўзлари катталашиб кетди. – Сен Есугейнинг ўғлимисан? Бу-чи?

– Укам Билгуйтой.

– Ҳа, ҳа, энди кўриб турибман, уканг. Мен бўлсам, андам Есугейнинг авлодларидан ҳеч ким қолмабди, деб юрардим. – Хон Темучиннинг олдига яқин келди. – Сен отангга қуйиб қўйгандай ўхшар экансан!

Хон барваста бўлса ҳам, Темучин ундан гавдалироқ эди, ўнғайсизланиб, ўзи билмаган ҳолда, бошини елкаси ичига олиб, сал эгилиброқ турарди. Хон қизил юз, сийрак сокол, яшил чопон кийган, оппоқ намаат қалпоғининг чеккаларига ипак тизимчалар қадалган ёшгина бир нўёндан бошқа ҳаммага жавоб бериб юборгач, Темучин сал энгил тортди. “Хоннинг ўғли Нилха-Сангун”, деди ичида Темучин.

Тўғорил ўтириб олиб, ака-укаларни боягидай синовчан назар билан кўздан кечирди. Унинг нигоҳини кузатган Темучин Билгуйтойга ола қараш қилди. Билгуйтойнинг эзилиб кетган қалпоғи остидан тер оқиб тушар, кўзларида эса ҳайрат қотиб қолганди. Аҳмоқ, бу ердаги нарса-

ларни кўриб ақлдан озди, шекилли! Чопони этагигача доғ-дуғлар билан бежалган, белбоғи қорнидан пастда осилиб ётибди, гутуллари ҳам ямоқ-самоқ эди. Ўзига қарашга юраги дов бермади, номусдан юраги бир тутам бўлди...

– Доно хон, бизнинг бу кийимларимиздан ҳазар қилмагин. Йўллар хатарли, шунинг учун сафарга қорачалар кийимида чиксак, бежавотиррок бўлади, деб ўйладик.

Хон тушунаман дегандек бошини ирғаб қўйди. Унинг сувчечак ўйиб ташлаган юзида маънодор табассум бор эди. У Темучиннинг нима дейишини, ўзини қандай оқлашини олдиндан билган кўринади. Хоннинг кулгисидан Темучиннинг ўзи ҳам Билгутойнинг аҳволига тушди.

– Сизларни жуда ҳам қийнашгани ҳақида миш-мишлар юрувди, шу гап ростми?

Темучин ўзининг ўткир мулоҳазаси ва шубҳалари кучи билан билдики, хон унинг оғир ҳаётдан нолишини, камбағаллик ва хўрликлардан шикоят қилишини кутаяпти. Э, йўк, у нолимайди, акиллаган ит тепки ейди, холос.

– Ҳаммаси бўлди, доно хон. Лекин биз яшаб кетдик. Онамиз осмоннинг мадади билан бизни оёққа қўйди. Ҳозир анча яхши...

Билгутой акасига кўмак керак, деб ўйлади, шекилли.

– Бизларни шунақанги қувғин қилишди, азоблашдики! Буюк хон, улар Темучиннинг бўйнига қанға ҳам илиб қўйишувди, – деди.

Темучиннинг азбаройи жаҳли чикқанидан бармоқлари учиб-учиб тушди. У укасига шундай қарадики, Билгутойнинг нафаси ичига тушиб, жим бўлди.

– Ўтган гаплардан нима фойда! – Темучин қўлини беҳафсала силтаб қўйди. – Тойчоқларни чўлоқ отлар ҳам тишлаши мумкин.

– Отангиз менинг ҳақиқий укамдек эди, – деди Тўғорил хаёлчанлик билан. – Биз бир-биримизга доим ишонардик. Мен сизлардан хабар олиб туришим керак эди. Эплай олмадим. Энди бўлса... менга хизмат қилишни истайсизми? Ҳар бирингизга ўзингизга лойиқ иш бераман.

Темучин бошини чайқади.

– Биз бунинг учун келганимиз йўк.

Бу жавоб хонни ажаблантирди ва хайронлигини яшириб ўтирмади. Темучин бўлса, боягидай тортиниб-талмовсирамай хонга таъзим қилганча:

– Айтинг, тўрваларимни олиб келишсин, – деб илтимос қилди.

Нилха-Сангун ўтовдан чиқиб кетди-да, тезда қайтди. Хизматкор елкасида уриниб кетган тўрваларни кўтариб келиб, ўтов остонасига қўйди. Темучин ўралган пўстинни олиб, хон олдида тиз чўкди.

– Бизнинг отамиз йўк, лекин сен борсан – отамизнинг тутинган акаси. Сен биз учун барибир отамизнинг ўрнидасан. Мен сенинг ҳузурингга шодлигимни баҳам кўргани келдим. Яқинда биз тўй қилдик. Хотиним кўнғиротларнинг кучли улусидан. Онамдан кейин мен учун энг азиз инсонни бундан хабардор қилмай бўлармиди? Доно хон, ота, сенинг ҳузурингда бошимни эгаман, менинг фарзандлик муҳаббатим билан кўшиб мана шу совғамни ҳам қабул қилсанг.

Темучин чаққонлик билан, бир ҳаракатда пўстинни ёзиб юборди. Тўққора рангдаги пўстин ярақлаб, жилваланиб кетди. Тўғорил ишонқирамай пўстинни пайпаслаб кўрди.

– Ў! Бунақанги совгани Олтин-хонга ҳадя қилишга ҳам уялмаса бўлади! Кутмаган эдим. Мен, тўғриси, қаттиқ мухтожлик сабабли келган-сизлар деб ўйловдим.

Темучин келганидан бери биринчи марта кулди. Ярақлаб турган пўстинни силаб ўтирган Тўғорил катта улуснинг ҳукмдорига ўхшамасди. Шу тобда у қувонишни биладиган оддий одамга айланиб қолган эди.

– Хўп, йигитлар, пўстин учун раҳмат! Энди бориб дам олинглар. Сал туриб нўёнларим тўпланишади, мен сизларни чақиртираман. Пўстинни, – Тўғорил айёрона чимирилди, – кейинроқ ҳадя қиласан.

– Хон-ота, сен бизга жуда улуғ марҳамат кўрсатаяпсан. Биз андам ва отамизнинг шаънини ерга уриб қўймаймизми бу кийимларимизда? – Темучин чопонининг ёқасини ғижимлаб қўйди.

– Нима, тўрваларингизда бошқа ҳеч нарса йўқми?

– Биз йўлга енгилгина отланувдик...

– Бора қолинглар. Ўғлим, уларни кузатиб, қайтиб кел.

Нилха-Сангун ака-укаларни қўшни ўтовга бошлаб кирди.

– Бу ўтовда мен яшайман. Сизлар менинг меҳмоним бўласизлар.

– Биз Жамуха билан кўришамизми? – сўради Темучин.

– Сен уни қаердан биласан? – сергак тортди Нилха-Сангун.

– Биз бирга катта бўлганмиз. У менинг андам.

– Ҳа... – чўзиб гапирди Нилха-Сангун. – Жамухани кўролмайсизлар. У бу ерлардан узокларда кўчманчилик қилади.

Темучин тутинган биродари ҳақида сўраб-суриштирмоқчи эди-ю, ammo Нилха-Сангуннинг кўзларидаги сергаклик уни тўхтатди.

– Сенинг отанг, Нилха-Сангун, бизга ҳам ота. Бундан келиб чиқадики, сен ҳам бизнинг биродаримизсан. Қасам ичиб айтаманки, сенга биздан садоқатлироқ биродарлар бўлмайди! – Темучин сўзларини тасдиқлаган бўлиб, мушти билан кўкрагига уриб қўйди.

– Отам Есугей-баҳодирни кўп эсларди. Бунақанги тутинган биродарлик ҳозирги пайтда жуда кам учрайди, деб бот-бот гапириб юрарди.

Тўғорилнинг ўғли уларни биродар деб аташга унча ҳуши йўқдай эди.

– Биз, Есугейнинг ўғиллари ҳам дўстликни отамиздай кадрлай олишимизни кўрарсан ҳали.

Нилха-Сангун, майли, кўрармиз, дегандай елкаларини учириб қўйди-да, ўтовдан чиқиб кетди. Темучин унинг кираверишга осиб қўйилган қурол-аслаҳаларини кўздан кечира бошлади. Иккита дубулға, эгри қилич, яна битта калта, оғир қилич, пичоқлар, ўққа тўла садоклар... Орқа томондан Билгуйтойнинг пишиллаши эшитилди.

– Нима дейсан?

– Энг асосий нарсани айтмадинг-ку? Пўстинни олади-ю, бизга ҳеч нарса бермайдими?

– Сабрли бўл. Кейин, онасини эмаётган кўзичоққа ўхшаб жим ўтир. Агар яна менинг рухсатимсиз гапга аралашсанг, билиб қўй... – Темучин ўгирилиб, Билгуйтойнинг қора кокилидан ушлаб ўзига тортди. – Оғрияптими? Бундан ҳам баттар қиламан.

Нилха-Сангун қўлларида тугун ушлаган иккита хизматкор билан қайтиб келди.

– Буларнинг ичида отам ҳадя қилган кийимлар бор.

Хизматкорларга жавоб бериб юбориб, ўзи тугунларни еча бошлади.



Халқача гулли жигар ранг чопонлар, қизил ипак астарли намат қалпоқлар ва кўнжи кенгина гутулларни ерга ёйиб кўйди.

– Кийиниб олинглар.

Билгутой Темучиндан чаққонроқ чиқиб қолди. Тезда кийиниб олиб, ўзини томоша қиларкан:

– Бай, бай, бай, мана буни кийим деса бўлади! Мен бунақасини ҳечам кўрмаганман, – деди.

Нилха-Сангуннинг лабида истехзоли табассум пайдо бўлди.

– Бу – тангутлар кийими.

– Тангутларинг ким?

Нилха-Сангун энди очиқ-ошкора киноя билан деди:

– Тангутларни билмаган одам бормикан! Уларнинг давлати буюк, ўзлари бадавлат. У ерда одамлар ўтовлар, чайлаларда эмас, гуваладан ясалган уйларда яшайди.

– Унақа уйни кўчириб кетиш учун қанча хўкиз керак бўларкан-а?

– Уйлари бир жойда тураверади.

– Бўлмаган гап! Чорва ўт-ўланни еб битирса, нима қилади?

– Кимнинг чорваси бўлса, кўчманчилик қилади, ким гуруч, дон-дун экса, бир жойда муқим яшайди, – секин тушунтира бошлади Нилха-Сангун. Аммо ичида Билгутойнинг калтафаҳмлигидан кулган бўлса ҳам керак.

Темучин ҳам шу топда укасини тергаб ўтирмади, чунки унинг ўзи ҳам тангутларнинг номаълум яшаш тарзларини билиб олгиси келди. Нилха-Сангуннинг гапларига қулоқ солиш баробарида у шошилмасдан кийинди. Чопоннинг елкалари тор бўлиб, эркин ҳаракат қилишга халал берарди, гутуллари ҳам сиқар, қалпоғи бўлса катталигидан кўзларини ҳам ёпиб турарди. Бегонаники барибир бегона-да.

Бироқ қоройит нўёнларининг кийган кийимларини кўриб (либосларнинг ранг-баранглигидан кўз камашарди), Темучин Тўғорилнинг ҳадясидан миннатдор бўлди. Ўзларининг унниққан, жулдури кийимларида улар худди ўрдақлар орасида юрган читтақларга ўхшаб қоларди.

Темучин хонга сувсар пўстинни иккинчи бор ҳадя қилганидан сўнг (нўёнлар анчагача пўстиндан кўз узолмай қолишди), Тўғорил ака-укаларни ёнига ўтказди, ўзи қимиз узатди. Кейин Есугейнинг ақли, қахрамонликлари, иккаловлари қандай қилиб душманларнинг маккоруна режаларини барбод қилганларини гапириб кетди. Темучин ҳақиқа ҳам мана шундай мактовлар бўлди. Унинг гапларига қараганда, ташқи кўриниши ҳам, жасурлиги ҳам, мулоҳазалилигию каттагина улуси ҳам Темучинга отасидан ўтган эмиш ва у ҳам бир вақтлари Есугей-баходир каби кетидан каттагина қўшинни етаклаши мумкин экан. Буни эшитиб, Темучиннинг ранги бўзариб кетди. У ахир, ўзининг дардлари, ночор турмушини яшириб, хонни алдаган эди-да. Агар бу ёлғонлар ошкор бўлиб қолса, уларни сўкиб-сўкиб ўтовдан қувиб чиқаришлари тайин. Ҳайдаб чиқаришмаган тақдирда ҳам, “отасининг улусини бошқариб юрган” одам қанақасига ёрдам сўраши мумкин? Ўзини ўзи алдабди, аҳмоқ! Бунинг устига лаънати пойафзалининг сиқишини-чи! Оёқлари зирқирашидан гўё юмшоқ чарм эмас, қизиқ турган темир кийиб олгандай эди.

Меҳмондорчилик тугагунча зўрға чидади. Ўтовга тунд, ўзидан хафа ахволда қайтди. Гутулини ечиб отди-да, чопонини ечиб ўтирмай ўринга ётиб олди.

– Бунақа кийимлар ҳаётда бир маротаба берилади, – деди-да, Билгунтой гутулларни олиб, чанглари қокди ва бир чеккага олиб қўйди. – Уни авайлаш керак...

Темучин унга қалпоғини отиб, тескари ўгирилиб олди. Қаерда хато қилди? Нимада адашди? Гўёки ҳаммасини ўйлаб-жўйлаб, тўғри қилаётгандай эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Лекин хон... У калтафаҳмлардан эмас-ку! Балки, бу ерда бирон-бир хуфя режа бордир? Нилха-Сангун ҳам келмаяпти. Ундан бирон-бир нарсани билиб олармиди. Қаёқда! Хоннинг ўғли анойилардан эмас...

Нилха-Сангун эрталаб келди. Яна уларни отасининг ўтовига бошлади. Хон уларни буғдой унидан қилинган патирлар, гуруч бўтқаси, қовурилган қўй гўшти ва чой билан меҳмон қилди. Бу нотаниш егуликларнинг ҳаммаси Темучинга бемаза ва тузсиз бўлиб туюлди.

– Сен нимага ҳеч нарса емаяпсан? – сўради хон.

– Ота, менинг дилим хуфтон бўлиб турибди. Сен кеча қилмаган ишларимни айтиб, мени ноўрин мақтадинг. Мен сенинг душманларинг устига қирғийдай ташланишга, ўтовинг остонасида содиқ ит каби ётишга рози эдим. Лекин отам ўз жасорати билан қўлга киритган бойликларни ичи қора, ҳасадгўй одамлар талаб кетишган. Отамнинг улусини қайтиб олмагунимча бошқа орзуларга берилиш мумкинми?

Темучин сўз танлаб ўтирмай, тилига нима келса, ўшани гапирарди. У ўзини ҳар қандай айбловлардан оқлаш ва ниятининг самимийлигига хонни ишонтиришга ошиқарди.

Тўғорилнинг қўли хочни шунчалик таранг тортдики, сал тегса кумуш занжир жаранглаб кетадигандек.

– Ростгўйлигинг мақтовга лойиқ. Лекин бу сўзларингдан ёнимда бўлишни истамаётгандек туюлаяпсан.

– Хон-ота, қани эди, қололсам!

– Майли, ишонаман. – Унинг нигоҳи Темучиннинг юзида тўхтади. – Ишонгим келаяпти. Худди сенинг отангга ишонганим каби. Сен ҳали ёшсан, ҳақиқий ишончнинг қимматини билмаслигинг мумкин. Одам билан очикчасига, рўйирос гаплашиш қанчалик бахт. Отанг билан биз шундай гаплашардик. Нўёнларим билан суҳбат бошқача бўлади. Кеча сени осмонларга кўтара туриб, мен уларга хиёнатчи ва сотқинларнинг боши кетишини эслатиб қўйдим. Отанг сотқинлардан қутулишда катта ёрдам берган. У ўлганида манфурлар хурсанд бўлишди. Мен уларга унинг ўғли тирик экани ва у мени ўзининг отаси деб билишини уқтириб қўйдим. Сенингча, мен нотўғри қилибманми?

– Иккиюзламачи одамларга нафратимнинг чеки йўқ! Бироқ менинг қиличим калта ва садоқларимда ўқларим саноғлиқ, – деди Темучин.

У бу гапини шунчалик чуқур ўқинч билан айтдики, Тўғорил хоннинг авзойи ўзгариб, чеҳраси очилиб кетди.

– Ҳечкиси йўқ... Тўғрисўз ва зукколигинг кўриниб турибди. Бу хислатинг менга ёқди. Қиличинг узун бўлади, садоқларинг ўқларга тўлади. Мен сенга виждонсиз одамлар олиб қўйган ҳамма нарсангни қайтариб олишингда ёрдам бераман. Қарзимни узаман. Лекин бироз сабр қилиб турасан. Улусимга найманлар таҳдид солиб турибди. Бизнинг анчадан бери сақлаб келаётган тинчимиз Кўксу-Сабрак келиб-кетиши билан издан чиқди. Унинг оти туёқлари эзган майсалар ҳали ўзини ўнгламасиданоқ,

найманлар овулларимдан бирини талаб кетишди. Ҳозир аҳволимиз оғирроқ. Тўғри, буюк Олтин-хон ўз кўшини билан бизга ёрдам бермоқчи. Аммо улар бу ерга салти-сувой келишади-да, ўлжалардан отларининг бели букчайиб қайтишади. У ўлжаларни найманлар элида жанг қилиб эмас, менинг овулларимдан олишади. Темучин, биз бир-биримизни ёлғизлатиб қўйсақ, ҳеч ким ёрдам беролмайди. Менга суян. Оёққа туриб олсанг, жангларда ёнма-ён юрамиз, на татарлар, на меркитлар ва на найманлар бизга хавф сололади.

Темучин хоннинг сўзларини қакроқ ер тонгги шабнамни шимиб олгани каби дил-дилига жойларди. У хоннинг гаплари самимий эканини сезиб турарди. Шундай катта ва қудратли одам унга очилиб гапирганининг ўзиёқ, унинг ваъдалари ишончли эканлигига кафолат эди. Лекин Темучиннинг кўнгил хижили ёзилмасди. Хон қанчалик мурувват кўрсатмасин, модомики у қариндошлари ва уруғдошларини ўзига оғдириб олмас экан, ҳеч нарсани ўзгартиролмаслигини англади. Ҳарқалай, шомон тўғри гапни айтган экан.

У энди нима қилиш кераклигини яхши билар, шу сабабли уйига ошиқарди.

Кузнинг кучли, изғирин шамоли сарғайган ўтларни ерга букиб юбормоқдайди. Туси айниган осмонда қорамтир булутлар сузиб юрарди. Темучин қамчиси билан отини ниқтаб кўяр экан, кимсасиз кенгликларга сукланиб тикиларди. Билгутой ёнгинасида от чоптириб келаяпти. Янги кийимда у янаям хушқомат, чаққон ва чиройли кўринарди. Буни ўзи ҳам хис қилиб турарди, шекилли, эгарда хиёл қийшиқ ўтириб, қўлида жиллов тасмасини айлантриб келарди.

– Хоннинг совғасидан хурсандмисан? – сўради Темучин.

– Бўлмасам-чи! Уйдагилар ҳасаддан кўкариб кетишади энди. Темучин, чопонимни Хасар олиб кўядиган бўлса, менинг ёнимни оласанми?

– Хасар олиб қўймайди. Чопонингням, бошқа нарсаларингням ўзим олиб кўяман. Ҳамма кийимларни – ўзимникини ҳам, сеникини ҳам навкарларимга бераман.

– Қанақа навкарлар?..

– Бовурчи билан Жалмага. Шу кийимларни кийиб улар овулларни айланишади. Қоройитлар хони биз билан эканини кўриб қўйишсин. Ҳамма билиб олсин, садоқатли одамлардан мен ҳеч нарсани аямайман.

## ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

### I

Қишда саҳрода ҳаёт тўхтайтиди. Ҳалокатли бўронлардан кўрккан одамлар ўрмон ва тоғ тарафларга кўчиб кетишади. Қушлар жанубга, жайронлар шимол тарафларга, юмронқозиқ ва тарбағонлар эса қор босган инларининг энг чуқур жойларида қиш уйқусига кетади. Кўз илғай олмайдиган кенгликлар бўм-бўш. Ўнгулар совуқ куёш нурида ялтирайди, ахён-ахёнда шамол силаб кетган қор устида из қолдирмай тулки югургилаб қолиши, ориқлаб кетган шоқолнинг нолон увиллашини демаса, бошқа пайт саҳрода на бирон товуш ва на бирон ҳаракат сезилади. Лекин гоҳида

сахрога ёпирилиб келган шурғон шамоли қор тўзонини кўтариб қолади-да, куёш ҳам, осмон ҳам кўринмай кетади. Бундай пайтларда унинг йўлига рўпара бўлган жонзотларнинг шўри қуриydi.

Қиш овулларга ҳам тинчлик олиб келади. Қабилалар ўртасидаги урушлар, шум ниятли кишиларнинг босқинчиликлари тўхтаydi. Қиш – ов мавсуми. Шомон белгилаб берган омадли кунда эркаклар отларига миниб, икки қанотга бўлинишади-да, қуршовни бошлашади. Қабила қанча катта бўлса, мерганлар ҳам кўпроқ бўлади. Демак, қуршов ҳам кенг, ўлжалар ҳам мўл бўлади. Чавандозлар сафи водий ва доvonларни айланиб ўтиб, аввалдан келишилган жойга қараб сиқиб келаверади. Улар қанчалик яқинлашса, давра ҳам шунчалик торайиб боради ва улар энди шунчаки қанот эмас, узун бир арқонга ўхшаб борган сари буғулар, тўнғизларни сиқиб келар экан, сезгир бўрилар ҳам жонсарақ бўлиб қолар ва пусиб ётиб, қуршовдан чиқиб кетишга шай туришади. “Арқон” таранг тортилган пайтда, ўртага қабила нўёни чиқиб келади-да, камонидаги ўқларини учира бошлаydi. У шошилмасдан, танлаб отади. Топталган қор жониворларнинг қора қонига қорилади... Кейин асилзодалар ўз маҳоратлари ва чакқонликларини намойиш қиладилар. Нўён эса гуриллаган гулхан олдида ўтириб олиб, навқари узатган ҳали иссиққина, дириллаб турган буғу жигарини олиб, шошмай кавшар экан, овни кузатиб ўтиради. Нўён ўзининг вақти-соати етиб қолганини ўйламаydi ҳам.

Темучин сахрода қишлаб қолди. Ўтовларини унча чуқур бўлмаган жарликка қурди – озгина бўлса ҳам, шамолдан ҳимоя-да. Ўчоқларда туну кун олов ўчмас, аммо бўрон кўтарилган пайтларда шамол иссиқликни олиб кетиб қолар ва ўтов ичи шу қадар совирдики, оёқ-қўллар увушиб қоларди. Онаси, Бўрта, Хоахчин тинимсиз йўталганидан укалари уни Хентей тоғи этакларига кўчишга ундар эди. Аммо Темучин бу ердан кўчиш тўғрисида гапиришни ҳам истамасди. Қиш сахроси уни бир туман жангчидан кўра ишончлироқ ҳимоя қилишини яхши биларди.

Унинг ўзи бу қиш уйда жуда кам бўлмоқда эди. Баъзан уч киши – ўзи, Бовурчи, Жалма, баъзан ҳар бири ёлғиз овулларга кириб борар ва бир пайтлари отасининг қўл остида бўлган одамларни ҳозирги нўёнларини ташлаб, у тарафга кўчиб ўтишга даъват қиларди, бунинг учун ҳар хил ваъдалар бериб юборишдан ҳам тоймас эдилар. Одамлар уларга ройиш билдиришдан ҳам, сўзларини эшитишдан ҳам қайтмас эди. Чунки улар билан ҳамиша шомон Теб-тангри ҳам бўлар, у эса одамларнинг онгига уларни қаерда ғам-алам, қаерда фаровонлик кутаётгани ҳақидаги фикрларни сингдиришга жуда уста эди. Бироқ шомон ишонтирган само иродаси ҳам, йигитлар берган катта ваъдалар ҳам одамларни ўз жойидан кўзғатолмасди. Дикқат билан эшитиб, ҳар бир гапни маъқуллаб бошларини чайқаб ўтиришарди-ю, бир қарорга келадиган вақтда ҳаммалари келишиб олгандай: “Кутиб турайлик-чи”дан нарига ўтолмасди. Фақат яшаётган жойларида ташлаб кетадиган ҳеч нарсаси бўлмаган оз сонли одамларгина Темучин томонга кетишга розилик берар, аммо уларни таъминлаш учун Темучинда на ортиқча егулик, на кийим бош, на отлару на қуроллар бор эди... Бундай пайтда Темучиннинг ўзи ҳам уларга “Кутиб турунлар” дейишдан бошқа чораси қолмасди.

У яқинда ҳаммаси яхши бўлишига ишонарди. Одамлар чеки кўринмайдиган ўзаро урушлардан чарчаган, кўчманчиларнинг уйларию

жонларини ҳимоя қилолмайдиган нўёнларидан дарғазаб бўлиб юришарди. Барча овуллардаги одамларнинг ўйлари бир эди. Агар у ўзининг нималарга қодир эканини кўрсата олса, одамлар унга эргашиши аниқ эди.

Темучин аввалига бегона овулларга кўрқа-писа, аксарият ярим тунда бостириб кирган бўлса, бора-бора кўркуви тарқади. Унга ишонмаган ёки унга қарши бўлганлар ҳам Темучинни тутиб беришни хаёлларига келтирмасдилар. У шунчалик ўзига ишониб кетдики, Бовурчининг отаси Ноху-Баёндан Торғутой-Қирилдук овга чиқиб кетибди, деган хабарни эшитиши билан тойчиютларнинг энг марказий овулига ҳам кириб борди. Эҳтиёткор Жалма уни йўлдан қайтармоқчи бўлди:

– Агар овулда қоровуллар қолдирилган бўлса, бизни тутиб олишади.

– Қишда овулларда қоровуллик кучли тузилмайди. Қирилдукнинг овуллари бўлса, ҳар тарафдан тойчиютларнинг овуллари билан ўралган. Шундай бўлгач, у ерда ҳеч қандай қоровулнинг ўзи бўлмаса керак.

– У ёққа бориб нима қиласан, Темучин? – сўради Бовурчи. – У ерда кимни кўрмоқчисан? Шомон айтган эди-ку...

– Сен, мени шомоннинг чизган чизиғидан чиқмайди, деб ўйлайсанми? – дўстининг гапини бўлди Темучин. – Кетдик!

Кун ғира-шира эди. Осмондаги қуюқ булутлар пастлаб сузиб юрар, сайхонликларда ялатма изғирин бор эди. Темучин, Бовурчи ва Жалмалар ўрмон ёқалаб боришар, бу ерда уларни кўз илғашни қийинроқ эди. Олдинда, ҳар доимгидек, Жалма. Чап кўлида жилов, ўнг кўлида камони. Салгина хавотир туғилиши билан камонини ишга солиши аниқ. Бовурчи Темучиннинг орқасида юриб, атрофни диққат билан кузатиб келади. Бу йигитлар билан у ўзини ҳар қандай ерда ҳам беҳавотир ҳис қилади. Уларнинг кўзини шамғалат қилиш, доводиратиб қўйиш мумкин эмас.

Туёқлар остида қор ғичирлар, шох-шаббалар чирсиллар эди. Болаликдан таниш ерлардан юриб боришарди. Ўнг тарафда Делюн Балдоқ дараси қолди. У ўша ерда туғилди, ўша ерда унинг энг бахтиёр болалик йиллари ўтган. Одатда ўтовлар кўлдан унча узоқ бўлмаган тепаликнинг устига қурилар эди. Тонг ёриша бошлаган маҳал сўқмоқдан сув томон чопқиллаб борарди. Оёқлари муздек шабнамда кесакдай бўлиб қоларди. Қирғоқ бўйида унда-бунда ўсган қиёқ ва қамишлар орасидан ўрдаклар учиб ўтарди. Бир айланиб учиб, кўлнинг ўртасига, қалпоқ шаклидаги думалоқ оролча яқинига келиб кўнар, шунда ойнадек силлик кўл юзаси тебранишга тушиб, оролчадан қирғоққа қараб майда тўлқинлар тарқаларди. У кўлга тош отган пайтларда ҳам доира шаклида худди мана шунақа тўлқинлар атрофга тараларди. Толлар ва арчалар билан қопланган қарама-қарши қирғоқ панада қолган, ўша тарафдан паға-паға туман кўтарилар, офтоб нурида сал тоблангач, кўздан ғойиб бўларди.

Ўтовлардан нарида, бағри кенг ялангликда мустаҳкам қарағайлар қад ростлаб турарди. Тағларида эса хурпайган ғуддалари сочилиб ётарди. Қарағай тагида ялангоёқ юрилганда ғуддалар оёққа қаттиқ ботиб оғритарди. Оқшом чоғи чивинлар ғинғиллаб қолган пайтлари у ўша ғуддаларни гулханга қалаб ўтиришни хуш кўрарди. Улар чирсиллаб, ёрқин ёнар, аввалига бўртиқлари қораяр, хароратдан ўрала бошлар ва эртаклардаги сеҳрли олов-гулга ўхшаб қоларди.

Делюн Балдоқ... Унинг қадрдон манзили. У шу ерда илк бор отга ўтирган, камондан ўқ отган. Энди Делюн Балдоқ бегона. Муз босган кўл

хам, қарағайлар ҳам, қор босган сўқмоқлар ҳам – ҳаммаси энди бошқа одамларга қарашли...

Жалма жиловни тортди. Чап тарафда дарахт ва буталардан холи торгина яланглик кўринди. Жанубий қирликда от уюри туёқлари билан ерни қордан тозалаб, кўринган ўтларни чимдиб юрибди. Одамлар кўринмасди-ю, лекин узокда, тепаликлар ортида тутун кўтарилиб турарди. Торғутой-Қирилдукнинг овули ўша ерда. Ялангликни ўрмон томондан айланиб ўтиб, овулдан уч-тўрт камон ўкилик масофада тўхташди. Овул пасттекисликда жойлашган бўлиб, юқоридан Торғутой-Қирилдукнинг қордай оппоқ ўтови яхши кўриниб турарди. У нўённинг қариндошлари ва навқарлари яшайдиган бошқа кичикроқ ўтовлар билан ўралган эди. Ундан ҳам бериқоқдаги аралаш-қуралаш ўтовлар халқаси чўпонлар ва бўғоллар – кулларники эди. Нўён ўтови олдидаги кенгина майдон кимсасиз, қозикда боғлоғлик турган беш-олтита от эгарланмаган эди. Демак, эркаклардан кимдир бор экан. Темучин ҳам шундай бўлишини кутган эди. Қирилдук овулини бутунлай қаровсиз қолдириши мумкин эмас-ку. У қандай хатар кутаётганини биласизларми, дегандай, Бовурчи билан Жалмага қараб қўйди. Жалма камон ёйини бармоғи билан диринглатиб, қировдан оқарган бароқ қошларини учириб-учириб ўтирарди. Бовурчи овулдан кўз узмай, ўзи сезмаган ҳолда, тулки терисидан тикилган кулоқчини остидан чиқиб турган кокилини тортқилаб турарди. Ҳа, уларнинг ҳаммаси тушуниб турибди. Балки кўрқув уларни Темучиндан кўра камроқ безовта қилаётгандир: кўлга тушиб қолишса нима бўлишини улар яхши билишмайди. Темучин эса билади... Шундай бўлса ҳам, ортга қайтмайди. У ўйлаган режасини амалга ошириши керак. Бошладингми – кўркма, кўрксанг – бошлама! Шимол тарафдан овул ўтовларига тақалиб бутазор ястаниб ётарди. Темучин ўша ёқдан борсакмикан, деб ўйлади-ю, аммо тезда бу ниятидан қайтди. Буталар пакана бўлганидан отликларни пана қилолмасди. Яхшиси, очик жойдан боравериш керак. Шунда тойчиютларда шубҳа туғдиришмайди.

Иш кўзланганидек бўлди. На овулга кираверишда ва на ичкарида уларга ҳеч зоғ эътибор бермади. Оқ ўтов ёнида Темучин билан Бовурчи тезгина отлари жиловларини Жалмага тутқазишди.

– Ўтовга ҳеч кимни киритмасдан кутиб тур, – буюрди Темучин. Шу пайтда ўтов пардаси кўтарилди. Ичкаридан иссиқ буғ кўтарилиб Овчибаҳодир чиқиб келди. Рўпарасида турган Темучинни кўриб, талмовсираб қолди.

– Кутмаганмидинг? – ясама мулозамат билан сўради Темучин. – Бир пайтлар сен мени қидириб юрар эдинг. Энди сени қидиришга тўғри келаяпти.

У пичоғини қинидан суғурди. Овчи-баҳодир бир сакраб, ўтов орқасига қараб қоча бошлади. Жалма отган ўқ унга тегмади. Овчибаҳодир ҳали чап, ҳали ўнг томонга ташланиб, ўқларга усталик билан чап берарди. Тез орада у ўтовлар орасига кириб ғойиб бўлди-да, ўша ёқдан унинг жони борича кичкиргани эшитилди.

Жалма жаҳл билан сўкинди. Бовурчи қиличини яланғочлаб ўтовга бостириб борди. Темучин ҳам унга эргашди. Ўтовда Ўлдой билан бир неча аёл бор эди. Улар бир товоқ буғи чиқиб турган гўшт атрофида ўтириб

овқатланишарди. Бовурчи оёғи билан товоқни бир тепиб, Ўлдойнинг жун чопони ёқасидан олди, қиличининг ёни билан елкасига туширди.

– Тур ўрнингдан, дайди итвачча!

Хотинлар чийиллашиб, бир тўда бўлиб олишди. Ўлдой кўзларини олазарак қилиб ўрнидан турди, ёғли қўлларини ёнбошига артди. Бовурчи унинг бақалоқ қорнига қиличини тиради.

– Ҳозир Овчи-баҳодир бу ерга навкарларини бошлаб келади. Агар улар бир дона ўк отишса, сен ўласан. Хотинларга буюр, бориб Овчи-баҳодирга айтсин: хаётинг – унинг кўлида.

Ўлдой қорнига, қиличининг ўткир тиғига бир қараб олди-да, бирор ножўя ҳаракати бошига бало бўлишидан чўчиб, орқасига ҳам қарамай буюрди:

– Бориб айтинглар!..

Аёллар ола-тасир эшикка қараб отилди. Темучин уларни тўхтатди.

– Овчи-баҳодирга яна шуни ҳам айтиб қўйинглар. Ҳамма ёши улуг одамларни шу ерга тўпласин. Менинг уларга айтадиган гапим бор, – деди ва Ўлдайга ўгирилди. – Кийин.

Қирилдукнинг ўғли пўстинини елкасига базўр илди. Қўллари ўзиники эмасдай эди, гўё. Қони қочган япалоқ юзи эса кузги қайин япроғидан ҳам сарикроқ тусга кирган эди.

– Мана бунга қара, Бовурчи дўстим! Халқимизни мана шунақа одамлар бошқаришади! – Улар Ўлдойнинг қўлларини орқасига қилиб боғлаб, ўтовдан олиб чиқишди-да, Жалманинг отига ёнбошлатиб ўнғариб қўйишди. У ҳам гап нимада эканини тушунди-да, камонини йиғиштириб, кўлига пичоғини олди ва Ўлдойнинг бўйнига тиради. Темучин билан Бовурчи отларига миниб олиб кута бошлашди.

Одамлар ўтовлар орқасида тўпланишар, майдонга чиқишга юраклари бетламасди.

– Яқинроқ келинглари! – деб кичқирди Темучин.

Одамлар кўрка-писа, аланг-жаланг қилиб яқинлаша бошлашди. Эркаклар озчилик эди. Асосан аёллар, болалар ва қариялар. Темучиннинг кўзи Сўрғон-Ширага тушди. Халоскорининг одамлар орқасига яшириниб туришини қаранг. На Тойчи-Қури, на у таниган бошқа одамлар кўринарди. Овчи-баҳодирнинг йўқлиги уни хавотирга солди. Қирилдукнинг қора ити бир шумликни бошламаётганмикин?

– Халойик! – Темучин узангида туриб олди. – Менинг бу ерга келганимга ҳайрон бўлаётгандирсиз? Ҳа, мен сизларнинг олдингизга келдим. Кўпларингиз отамнинг хизматкори эдингиз. Куч билан, дўк-пўписалар билан сизларни ўз бекангизни ташлаб кетишга мажбур қилишди. Мен кичкина эдим. На онамни ва на сизларни ҳимоя қила олардим. Ўзим эса олийнасаб ва асилзода авлоддан бўлсам ҳам, қайсар кул каби бўйнимда қанға билан юрдим. Менга осмон мадад берди. Мана, мен яна шу ерда турибман, аммо энди озодман ва кўлимда қилич. Юрагимда кўрқув йўқ. Сизларга айтадиган гапим: ўзингизнинг азалий соҳибангиз хузурига қайтадиган вақт келди. Мен сизни чорваларингиз ва бошқа орттирган молларингиз билан кутаман. Садоқат мукофотланади. Буни сизларга мен, Есугейнинг ўғли – Темучин айтаяпман.

Одамлар жим. У ҳеч кимса оғиз очмаслигини ҳам, дарров Торғутой-Қирилдукдан кетиб, ўзининг ёнига бора олмаслигини ҳам биларди. Темучин

чиннинг мақсади бўлак эди. Унинг кўрқмаслиги ва ботирлиги ҳақидаги овозалар овулдан-овулга ўтиб, жасур жангчилар у ҳақида ўйлашларини истарди. Чиндан ҳам улар “Темучин узокқа боради”, деб ишонардилар. “Куппа-кундузи Торғутой-Қирилдукдай енгилмас душманининг остонасига келишга журъат қилибдими, танлаган йўлидан боришида ҳеч нарса халал беролмайди”.

Овчи-баҳодир ҳамон йўқ эди... Темучин буни бир сония бўлсин ёдидан чиқаргани йўқ. Гапини тугатар экан, огоҳлантирди:

– Орқамиздан ўқ отишни хаёлингизга ҳам келтирманг. Ўлдой биз билан кетади...

Овулдан биринчи бўлиб Темучин чикди. Уни кўркув босган эди. Аммо оломон қараб турганини ҳис қилгани учун ҳам эгариди тик ўтириб, орқасига ўгирилмай кетаверди. Фақат овулдан бир ўқ масофасида узоклашишганидан кейингина отининг бошини орқага бурди. Кетидан Жалма бояғидай, Ўлдаининг бўйнига пичоқ тираганича келарди. Бовурчи отининг эгарига тескари ўтириб олган, кўлида камонини шай тутиб борарди. Темучин муздай ҳаводан кўкрагини тўлдириб нафас олди-да, бошидан ечган қалпоғини тиззасига бир уриб кулиб юборди.

– Мана шунақа! Бовурчи, ўгирилавер. Бу кўрқоклар бизнинг орқамиздан қарашга ҳам чўчиб қолишди. Жалма, пичоғингни олиб тур. Сен бечора Ўлдойни тамом кўрқитиб юборасан. Ичи ўтиб кетмасин тагин. Уйига пиёда қайтиши керак-ку.

– Уни сўйиб ташламаймизми? – сўради Жалма.

– Қонхўрлигини қаранглар! У менинг қариндошим. Аблах бўлса ҳам қариндошим. Ўлдой, сен мени ўзингга қариндош деб биласанми?

– Биладан, – хириллади Ўлдой.

– Кўрдингми, тан олади. Жалма, дўстим, ўз қариндошларининг қонини тўкиш яхшими?

Темучин ич-ичидан хурсанд бўлганидан овозининг борича ашула айтгиси келиб кетди. У тунд осмонга қараб қулар, аллақайлардан учиб келаётган қор учқунларини лаблари билан тутарди.

– Уни қара! – қичқирди Бовурчи.

Овулдан бир тўда отлик ажраб чикиб, шиддат билан уларнинг изига тушган эди. Бу Овчи-баҳодир. Кетиш керак. Бўлмаса, улар ортларидан қувиб боради. Ким билсин, унда иш нима билан тугайди.

– Жалма, Ўлдойни кўйиб юбор.

Ўлдой похол тўла қопга ўхшаб қорга қулади, ўрнидан туриб, Темучиннинг олдида бошини эгди. Темучин қамчисининг дастаси билан даҳанидан кўтариб, уни ўзига қаратди. Эгардан энгашиб, унинг кўзларига тикилди:

– У ёқдан жангчилар келаяпти. Уларга пешвоз чиққин-да, орқаларига қайтишини буюр. Айтганимни қилмасанг, кейинги учрашувимизнинг ниҳояси бошқача бўлади. Тушундингми?

– Ҳа.

– Мен айтгандай қиласанми?

– Ҳа.

Темучин отига қамчи босди-да, яланглик тепасига қараб учирди. Жалма йўл-йўлакай садоғидан ўқ суғуриб оларкан, Темучиннинг олдида тушиб олиб, ўз жойини эгаллади. Қир учида Темучин орқасига қаради.



Отлиқлар Ўлдойнинг атрофини ўраб туришарди. Бироз туришгач, уч нафари овулга қайтди. Қолганлари эса яна уларни қувишда давом этди. Улар ўн икки киши эди.

– Қўлимга тушарсан, қариндош! – деб тўнғиллади Темучин тишини тишига босиб.

Қирилдукнинг отлари чарчамагани учун ораларидаги масофа тез қисқара бошлади. Темучин отни ўрмонга бурди. Отлардан буғ чиқар, тер босган биқинлари тез-тез кўтарилиб тушар, бурунларидан хирил-лаб нафас чиқарарди. Темучин ўқ-ёйини кўлга олди. Отлиқлар ўрмонга кўркмасдан кириб борарди. Олдинда қамчисини ўйнатиб Овчи-баҳодир келарди. Арча ортидан учта ўқ учиб чиқди. Овчи-баҳодирнинг оти бир кишнади-да, “гуп” этиб қулади. Таъқибчилар тўхтаб қолди, пайдар-пай бир-икки ўқ узиб қўйди-ю, ортга чекинди. Фақат Овчи ўз жойида, отнинг танасини пана қилиб арча тарафга бенишон ўқ узарди.

Темучин ва ўртоқлари бўлса отларини учириб қолди. Яна ялангликка чиқишди. Ўрмондан кўра ялангликда таъқибчиларни кўриш осонроқ эди. Лекин ўртадаги масофа қисқариши билан яна ўрмонга кириб кетишарди. Биринчи ўқларнинг мазасини тотиб кўрган навкарлар энди эҳтиёт бўлиб ўрмонга яқинлашишди. Бунинг сезган Темучин тўхтаб ҳам ўтирмай, ўрмон ичи билан қочишда давом этар, то навкарлар кутган жойларида пистирма йўқлигини англаунларича улар анча узоклашиб оларди. Агар қор устида хиёнаткорона мухрланган излар қолмаганида эди, аллақачон таъқибчилардан қутулишган бўларди. Аммо ҳозирги аҳволда биргина умид тундан эди. Кун бота бошлаган, бахтларига, чарх уриб ёғаятган қор ҳам қалинлашган эди. Отлар ҳолдан тойди. Энди қувиб келаётган навкарлардан ўқлар ёрдамидагина қутулиш мумкин эди.

Ғира-ширада сийрак қарағайзорга кириб боришди. Тўхташди. Темучин энгашиб, кафтига қор сидириб олди-да, қуруқшаб қолган оғзига олиб борди. Шу дақиқада томоғига ўқ келиб қадалди. У ўқни суғуриб олди-ю, қонига беланиб, хириллаганича отдан қулади. Бовурчи уни тугиб қолди. Ҳушидан кетаётди, Жалманинг:

– Қочинглар, мен уларни ушлаб тураман, – деганини эшитди.

Ўзига келганида қорда ётар эди. Дарахтнинг қалин танаси тагида олов ёниб турар, унинг яқинида тиз чўкканича Бовурчи ўтирарди. Яқинроқда бошларини эгиб иккита от турарди. Қоп-қоронғи осмондан гупиллаб лайлакқор ёғарди.

Темучиннинг нафас олиши қийинлашган ва бутун баданини титроқ босганди. Томоғида қон ғирқиллар, ҳар нафас олганида оғриқ забтига оларди. Бовурчи унинг устига энгашди.

– Ҳа, сал дурустмисан ишқилиб?..

Темучин ундан Жалма қани, деб сўрамоқчи бўлди. Аммо сўз ўрнига унинг томоғидан билиқлаган қон чиқиб, оғриқ яна ҳушдан кетар даражада кучайди. Бовурчига учта бармоғини кўрсатиб, кейин иккитасини букди-да, биттасини қолдирди.

– Жалма қани, деб сўрамоқчимисан? Бунинг ўзим ҳам билмайман. Мен сени олиб, отлар тамом ҳолдан тойгунича чопдим. Фақат ўрмон ичи билан. Қор яхши ёғаяпти, изларни тез кўмиб юборади. Бизни тойчиютлар ҳам, тирик қолган бўлса, Жалма ҳам тополмайди. Мана, тошларни киздириб қўйдим. Ҳозир сени даволаймиз.

Бовурчи ўт ичидан қизиб ётган тош парчасини чиқариб олди. Темучинни кўтариб, ўзининг тиззасига кўкраги билан ётқизди. Унинг юзини тошнинг устига тўғрилади. Кейин тош устига бир сиқим қор ташлади. Қизиб турган тошга тушган қор вишиллаб эриб кетдию, тошдан қуюк буғ кўтарилди.

– Нафас ол, енгил бўласан.

Ростдан ҳам секин-секин оғриқ босилиб, нафас олиши осонлашди. Титроғи ҳам йўқолди. Яна бироздан кейин оғзидан қуюлиб қолган қон ташлади. Шундан кейин ўзида енгиллик, бутун баданида сўлиш ҳис қилиб, каттиқ уйқуга кетди.

Эртаси куни у, анчайин машаққат билан бўлса ҳам, эгарда ўтира оладиган даражада эди. Маконларига бежавотир етиб келишганида уларни соғ-омон ва бешикаст Жалма кутиб турарди.

Темучин қиш охиригача кўрпа-тўшак қилиб ётди. Кейинчалик билишса, Торғутой-Қирилдук қутурганича ҳаммаёққа одамларини жўнатибди. Теб-тангри “Темучин Тўғорил хон элига кўчиб кетибди”, деб гап тарқатгандан кейингина тинчибди.

### III

Тоғ тепасида қоп-қора қоя қад ростлаган эди. Унинг даврлар синовидан олиб ўтган чеккалари силлик, чуқур ёриқлар ва синиқлар билан қопланган бўлиб, баъзиларидан буталарнинг яшил новдалари осилиб турарди. Қоя остида уйилиб ётган баҳайбат тошлар орасида эса, ҳамма шохлари бир тарафга қараган беўхшов дарахтлар ўсиб ётибди. Қоянинг шундоққина пойгагида қорайиб турган бир тешик бўлиб, ундан ғор ичкарасига кириларди. Кираверишда гулхан алангаланиб турар, Темучин, унинг укалари, Бовурчи ва Жалма гўшт пишириб ўтирарди. Эрталаб Жалма ёввойи тоғ кўйини ўлжа қилган ва икки кундан бери туз тотмаган йигитлар энди ўзларини овқатдан тия олмасдилар. Темучин курсичага ўхшаб бўртиб чиққан тош устида, ҳаммадан баландда ўтириб, бирор чавандоз кўриниб қолармикан, деган умидда пастдаги ялангликка тикиларди. Душманларнинг бор-йўқлигини билиш учун у укаси Хасарни эрталаб ўтовлари тарафга жўнатган эди.

Онаси, Бўрта ва Хоахчиннинг қаерга йўқолганидан Темучин безовталанарди. Ур-сур ичида учрашиш жойини келишиб олишга ҳам фурсат бўлмаганди. Дўстлари ва укалари эса ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ғор олдида тўпланишди. Илгарилари овга чиққан пайтларида улар бу ерда бир неча бор тунаб қолишган, шунинг учун ҳам ҳар қайсиси ўз билгиси билан, яширинишга шу ердан яхшироқ жой йўқлигига ақли етган эди. Аёллар бу ғордан бежабар эдилар. Шунинг учун ҳам улар ўрмон ичида яшириниб ётишган бўлса керак, деб ўзига таскин берарди у.

Ниҳоят Хасар кўринди. Отини пастда қолдириб, қояга яёв кўтарилди. Темучин пастга шошилди. Пишган гўштнинг ҳидини олиб, Хасарнинг бурун катаклари катта-катта очилди. Чўкка тушганича Хачиун узатган бир бўлак суякни шошиб ғажий кетди. Орасида:

– Йиғиштирларинг, меркитлар кечаёқ кетган экан, – деди ғўлдираб.

– Меркитлар эканми? – хайрон бўлди Темучин.

Бу ерларда тойчиютлардан бошқа душманлар бўлиши мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмаган эди. Уни қидириб юрган Торғутой-Қирилдук катта ов бошлаган, деб ўйловди.

– Нималарни олиб кетишибди?

– Ҳаммасини. Эски ўтовимиз қолибди. Онам бир ўзи ёлғиз ғам чекиб ўтирган экан.

– Онам шу ерда эканми! О, осмон, сендан миннатдорман!

– Онам-ку, қайтибди, лекин сенинг Бўртанг билан Хоахчинни олиб кетишибди.

– Бўртани олиб кетишибди? Чайнашни бас қилсанг-чи! – Темучин укасининг кўлидан суякни тортиб олиб, улоқтирди. – Буни қаердан билдинг?

– Онам ўзи кўрибди. У ўрмоннинг четроғида, буталар орасида яширишиб ўтирган экан. Меркитлар унинг яқинидан ўтишганда ҳаммасини ўз кўзи билан кўрибди.

Темучин пастга, отларга қараб юрди. Сакраб отга ўтирди-да, ўзининг таланган кўналгаси тарафга учуриб кетди. Ўрмонда кушлар сайраган, куёшнинг ёрқин нурлари қарағайлар таналари орасидан чизик тортган эди. Дунёда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ, ерга дўл ҳам ёққани йўқ, сел ҳам келмади. Аммо унинг хаёти яна изидан чиқди. Шу киш ичида у бутун вужуди билан Бўртага ўрганиб қолган эди. У ғамхўр, ишбилармон ва энг муҳими, ақлли эди. Ўз режаларини хотинига гапириб берганида, унинг эркаклар ишига ҳам уқуви борлигига кўп маротаба ишонч ҳосил қилган эди. Бўрта шу тобда кимнингдир отига чаппа ўнгарилганича ётган ва кимнингдир кўллари уни ҳирс билан сийпалаётган бўлса керак. Бу чидаб бўлмас даражадаги нафратли манзарадан, у худди газанда тишлаб олгандек инграб юборди-да, жаҳл билан отига қамчи босди.

Ўтовигача отини учуриб борди. Ўтов эшиги олдида онаси турарди. Кўзлари қуруқ чакнаб, лаблари қаттиқ тишланган эди. У отидан сакраб тушиб онасига отилди-да, кучоқлаб олди.

– Она!

Унинг ташқарига чикмай қолган бутун аламларию ҳасратлари мана шу биргина сўзда мужассам эди. Онаси йиғисини ичига босиб, ўғлининг кўлларини елкасидан олди. Онасининг аҳволига боқиб, Темучин ҳаммасига ўзи айбдор эканини англади. Ҳеч қаёққа қарамай қочганиничи... Ҳаммани ташлаб...

– Мен курашим керак эди, – деди у онасидан кўра кўпроқ ўзига гапиргандек.

– Сен Бўртани, мени, Хоахчинни ўйлашинг керак эди, – деди онаси секингина, гинасиз оҳангда. – Уришишга келганда... Кучуквачча олчок бўрига ташланадиган бўлса, ундан бир сиқимгина жун қолади.

Мана шу, онаси уни кучукваччага қиёслаши, ҳар қандай гинадан ҳам ўтиб тушди. У бўлса, аллақачон ўзини етук эркак санаб юрган экан...

– Энди нима қилай?

– Билмадим. Сенга қийин, аммо Бўртага ундан ҳам қийин. У сени кутади. Тонг ёришганда ҳам, пешинда ҳам, зим-зиё тунда ҳам кутаверади. Оҳ, Темучин, у сени шунчалик кутадики! Унинг ишончларини ўлдирма, кечикма. Меркитлар кетидан бор... Йўқ, мен нималар деяпман, ўзи...

– Сиз тўғри айтяпсиз. Мен боришим керак. Бовурчи билан Жалмани ола кетаман.

– Йўқ, ўғлим, йўқ. Бундай қилсанг, сен Бўртадан ҳам аввал ўлим топасан. Тўғорил хоннинг, анданг Жамуханинг олдига боришинг керак...

– Бунга ойлаб вақт керак. Унгача Бўрта...

– Бутун умр ҳақида гап кетганда, ойлар нима бўпти!

Меркитлар олдига Бовурчи ва Жалманинг ўзи билангина бориш – худди кутурган букага қорнингни тўғрилаб туриш билан баробар. Ҳўкизнинг шохлари синиб қолишига умид қилиб бўлармиди? Аммо кутиш ҳақида ўйлаш ундан ҳам хавфлироқ. Ҳозироқ душманлар кетидан боргиси, чопиб, сўйиб, оти туёқлари остида топтаб ташлагиси келарди.

Ўрмонда қолганлар ҳам етиб келишди. Ҳаммалари ўтовга киришди. У ерда узук-юлуқ чилвирлар, наMAT бўлақлари, титилган пўстин, мажакланган саватга ўхшаш бир пулга қиммат нарсалар сочилиб ётар, қолган бор-будларини меркитлар олиб кетган эди.

Ака-укалари ҳам, дўстлари ҳам бу талонга осонгина кўнган бўлиб, ўтовни йиғиштиришга тушиб кетишди. Кимдир ўчоққа ўт қалади. Секин-аста онаси ҳам ишга унаб кетди. Темучиннинг қўли ҳеч ишга бормади. Ўтовидан қолган туссиз майсага тикилиб турди-да, ўрмонга кириб кетди. Шамол қулатган дарахт танасига ўтириб, оғир хаёлларга чўмди.

Секин-аста меркитлар унга қанчалик қаттиқ зарба берганини англай бошлади. Тойчиютлар овулларидаги кўпчилик одам унга ён босиб турибди. Ҳозирнинг ўзидаёқ у жасур йигитлардан эллиқдан ортиқ, балки, юзга яқин навкар тўплаб келиши, улар Темучиннинг ёнига кириб, Торғутой-Қирилдукқа қарши жанг қилишлари мумкин. Аммо бу ҳаммаси эмас. Охирги суҳбатида Теб-Тангри айтдики, уни Ўлтон, акаси Тойчи билан бирга Сача-беки, муғомбир Дўритой-ўтчигин ва ошиқ ўйини устаси Хучар сингари ўзига тўқ одамлар ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр экан. Афтидан, Темучин Хучарга амакивачча, Дўритой-ўтчигин эса унга амаки бўлишини энди тушунишган. Эҳтимол, Сача-беки, Тойчи, Ўлтонлар ҳам Темучин сингари мўғулларнинг биринчи хони Хабўлага авлод бўлишлари, унинг невара, эвараси эканликлари эсларига келиб қолгандир. Учрашишганида улар бу ҳақда, албатта, гапириб ўтадилар. Темучин улардан гина қилмайди, қанчалик ёмон кўрса ҳам, Торғутой-Қирилдукнинг оёғи остида чувалчангдай ўрмалаб юрганларини, хўрланган қариндошларига ёрдам қилмаганларини юзларига солмайди. Уларнинг биронтаси ҳам жанг байроғини кўтариб чиқолмади. Аммо камситилганлари биронтасининг ҳам эсидан чиқмаган. Энди у Торғутой-Қирилдукни сўроққа тутган паллада қариндошлари четда қолмайди. Бироқ уларни ўрнидан қўзғатиш учун у аввало тойчиютлар нўёни устидан кичик бўлса-да, ғалаба қозониши керак. Юзтача навкар билан буни удаласа бўлади. Лекин навкарларни қаердан олади? Биргина хотинини ҳимоя қилолмаган одамга ким ҳам ўз ҳаётини ишона қолади?

Бирдан миясига бир фикр келди: буларнинг ҳаммасини яширсинми? Лекин шу захотиёқ бу фикридан қайтди. Ёлғоннинг умри қисқа, сир фош бўлиб қолса, унга ҳеч ким ҳеч қачон ишонмай қўяди. Ҳаммасини очиқ айтиш керак. Одамларни меркитларга қарши бошлаш керак. Меркитлардан жуда кўпчилик азият чеккан. Татарлардан баттар жини суймас душманларига қарши бориб, қасос олишни ким ҳам хоҳламайди? Балки бу у ўйлаганидан ҳам яхшироқ бўлар. Қанақа бўлишидан қатъи назар,

Торғутой-Қирилдук ўзиники. Меркитлар бўлса азалий душманлари... О, қанийди, осмон уларга ғалабани ато қилса!

Секин-аста шубҳа ва умидлар оқими ичидан аниқ режа кўрина бошлади. Иккиланишлар чекиниб, бир ишнинг бошини тутиш истаги кучайиб борди. Қулимсираб бир мақолни эслади: сув итнинг бурнигача кўтарилса, қандай сузиб кетганини итнинг ўзи ҳам билмай қоларкан. У эса сувда ботиб қолган-ку. Ё ҳозир сузиб чиқади ёки ҳеч қачон.

Ўтовга қайтди. Ҳаммаёқ йиғиштирилган эди. Укалари ўринга тўшаш учун ўт ўриб келишибди. Эринибгина бир нималарни гаплашиб, ўринга чўзилишди. У кун ботганини шу тобда сезди. Тун қоронғиси буталар ва дарахтларни қомига тортиб, сахро узра ёпирилган эди.

У ўтовга кириши билан йигитларнинг уни ўчди. Улар Темучиннинг бир тўхтамга келишини кутишарди.

– Бовурчи, Жалма, сизлар мен билан овулга борасизлар.

Эътироз чиқишини кутиб, жим турди. Аммо шу топда ҳеч кимнинг баҳслашгиси йўқ эди. Онаси бир нима демоқчи бўлди-ю, Темучинга кўзи тушиши билан у ҳам жим бўлди. Онаси ўчай деб қолган олов олдида ўтирар, унинг ёруғи аёлнинг юзини базўр ёритарди. У бугун ўзига ўхшамас, бу ерда бўлаётган ишлардан узокда, ўзининг хаёллари билан юргандай эди.

– Хачиун ва сен, Тамуға... Сизлар шу ерда қоласизлар. Онами кўриқлаб, егулик топиб келасизлар.

– Мени Билгутой билан бирон ёққа жўнатмоқчимисан? – сўради Хасар.

– Сен Билгутой билан борасан...

– Мен у билан бормайман. Яхшиси, Хачиун ёки Ўтчигин билан бораман.

– Катталар гапирганда кичиклар жим туради. Ёки сен қадим одатларни билмайсанми? – деди Темучин жаҳлини босиб.

– Нима учун сен ўзингга ҳамроҳ танлашинг мумкин-у, мен кимни берсанг, кўниб кетаверишим керак? – қизикқонлик билан бақириб берди Хасар.

– Яна бир нарса дегин! Биз катта-кичик нўёнлар сабрли, эътиқодли бўлишларидан, бизга ён босишларидан қандай умид қилайликки, қондош биродарлар бир-бирининг гапига кирмаса? Хасар, сен ҳар доим сувни лойқалатиб, ҳамма жойда ўз хоҳишингча иш қилмоқчи бўласан. Бошқа бунақа қила кўрма! Яна бир марта шунақа қилганингни эшитсам, ҳайдаб юбораман! – Ғазабдан Темучиннинг кўз олди қоронғилашиб кетди-ю, аммо ҳаддидан ошиб кетмаслик учун паст овозда, сўзларини чўзиб-чўзиб давом этди: – Сен типратикан, мен эса сени ейишга тайёр турган тулки эмасман. Шунинг учун тиканларингни диккайтирмасанг ҳам бўлади. Ундан кўра, нима учун сен Билгутой билан боришинг кераклигини ўйла. Сизлар узок йўлга, Тўғорил хоннинг ҳузурига, ундан Жамуханинг олдига борасизлар. Билгутой қоройитлар элида бўлган. Йўл билади. Унинг иши сени беҳавотир йўллардан бошлаб бориш. Сенинг ишинг бўлса, хон ва Жамухадан ёрдам олишни уйдлаш.

– Мен кўзи кўр қуён боласи эмасман, йўлни ўзим топиб оламан.

Онасининг жаҳли чиқиб, кафти билан юзини силаб олди-ю, кўзларидаги маъюсликдан асар қолмади:

– Хасар, Билгутой сенга нима ёмонлик қилди? Темучин-чи? Сен ҳамма вақт биттасидан ақлироқ, биттасидан кучлироқ эканингни кўрсатиб қўймоқчи бўласан. Сен буни ишинг билан кўрсатгин. Аммо бунақа қилибмас... Бекорчи сан-манга ҳам ақл керакми?

Хасар онаси билан баҳслашгиси келмади.

Ҳамма гапни келишиб бўлгач, Темучин ўтовдан чиқиб кетди. Шундоққина оёғи яқинидан товушқон чопқиллаб ўтди. Қоронғилиқда кўз илғамас бу жониворнинг оқиш думлари унга панд берган эди. Зулматга ботган ўрмон ичида бойкушнинг ваҳимали “увв-увв” овози эшитилди. Темучин бир сесканиб тушиб, орқасига қайтди. Эшикдан кишини тинчлантирувчи олов шуъласи кўринди. Яқингинада бу ерда иккита ўчоқда олов ёниб турарди. Бўрта, Бўрта... шу тобда нималар қилаётган экансан? Ёш тўла кўзларингни мўлтиратиб ўтирибсанми? Темучин қўй териси, отнинг эгар-жабдуқлари иси анқиган бегона ўтовдаги нарсаларни кўз олди-га келтирди-ю, чидаб бўлмас оғрикдаги каби инграб юборди.

## V

Хилхо дарёси бўйига етиб келишганида кеч кириб қолган эди. Нариги қирғоқда бир неча балиқчи шўрва қайнатиб ўтирарди. Олғинчиларга кўзлари тушиши биланок, улар сакраб отларига минишди. Булар қирғоқдан кечувни излаб топишгунича балиқчилар кўздан ғойиб бўлди. Олов устидаги тайёр шўрва қолиб кетди. Олғинчилар оғизларини катта очиб кулганча шўрвани паққос туширишди.

Тўғорил, Жағамбу ва Темучинлар тик қирғоқ устида тўхташди. Лойқа сув қирғоққа урилиб оқар, унинг юзасида ханжар тигидек ингичка тўлқинчалар тебраниб турарди. Темучин нариги қирғоққа қараб, бошини сарак-сарак қиларди. Аммо қорайиб турган бута толлар қатори ва қиялама тоғ чегараларидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Қаердадир шу атрофда меркитларнинг овуллари бор. Ўша ўтовларнинг бирида Бўрта ҳам... Унинг хаёли юрагига зирапчадай ботарди. Нима демасин, нима иш қилмасин, Бўртани унута олмасди. Гарчи шу кунларда унинг ишлари бошидан ошиб ётган бўлса ҳам.

Темучинга Тўғорил хоннинг ўзи ёрдамга келгани ҳақидаги хабарга тойчиютлар овулида ишонқирамай қарашди. Шунинг учун ҳам хон ўз қўшини билан Темучиннинг кўналғасига етиб келганини эшитишганида ҳайрон бўлишди. Шу чокқача ўзига оғдиришга ҳаракат қилган, аммо бунинг уддасидан чиқолмаган бўлса, энди ўша одамларнинг ўзи Темучин тарафга ўтиб олибди. Тўғорил Темучиннинг хузурида турган бир неча кун ичида онасининг эски ўтови олдида бутун бир овул пайдо бўлди. Темучин ҳолдан тойди. Ҳаммасини яхши гаплар билан кутиб олиш, ҳаммасига ўз ўрнини кўрсатиш керак эди...

Темучиннинг оти оғирлигини оёқдан-оёққа солиб турарди. От туёқлари остидан бир бўлак тупроқ бўлиниб, сувга учиб тушди. Темучин хон билан Жамуханинг суҳбатига қулоқ тутди.

– Олғинчилар шўрвани ўлжа олишганига хурсанд бўлиб ўтирибдилар. Лекин улар меркитларни кўлдан чиқариб юборганлари учун йиғлашлари керак, – дерди Жамуха қамчиси дастасини этиги қўнжига уриб.

– Бундан ғам ема. Қўлдан чиқаришибди – сенга нима!

– Хон ота, олгинчилар сенинг одамларинг бўлгани учун шундай дедилсан.

– Улар Темучиннинг одамлари.

Ҳа, нариги қирғоқдагилар Темучиннинг одамлари эди. Агар Жамуха талаб қилиб туриб олса, у ўша жангчиларни жазолаши керак бўлади. Ҳозир эса бу ишни қилиб бўлмасди. Ҳаммаси эндигина бошланди ва ўша ишни одамларни жазолашдан бошлайдиган бўлса, жангчиларни бездириб қўйиши аниқ.

– Улар ҳали ёш, тартиб-интизомга кунда риюя қилишмайди, – деди Темучин Жамухага ўгирилиб.

– Майли... Қайтага яхши бўлдимикин, деб ўйладим. Қочоқларнинг кўз ўнгида қўшинимиз уч баравар кўпайиб кўринди-ёв. Улар ўз нўёнларини ўлгудай кўрkitиш юборишади. Хон ота, сувни кечиб ўтамизми?

– Йўқ. Одамлар қоронғида бўкиб қолиб, кечаси яхши ухлолмай чиқадилар. Биз бўлса, эртага жангга киришимиз керак. Ундан ташқари, бу томонда хавфсизроқ. Отларини бўшатиб, олов ёқишсин. Меркитларни кўрkitишни ўйлабсанми, яхшилаб кўрkitитайлик. – Хон жиловларни кўлга олди. – Сизларни овқатга таклиф қиламан.

Жамуха Темучиннинг қулоғига энгашиб, гина қилгандай шивирлади:

– Олгинчилар сенинг одамларинг эканини менга нимага айтиб қўймадинг?

Темучин елка қисиб қўйди. Биродарининг ҳар ерда, ҳар қачон ёрдамга тайёр туриши уни хурсанд қиларди. Аммо ҳозир бу одамлар кимники экани уни заррача қизиқтирмасди. Улар ростдан ҳам айб иш қилишдими, йўқми, шуни билгиси келарди. Темучин йигитчаларни оқлаган бўлиб, тартибни яхши билишмайди, деди. Бироқ Темучиннинг ўзи ҳам бу тартибқоидаларни билмайди-ку. Балки, ҳеч қанақа тартибнинг ўзи йўқдир. Ҳамма, ҳамма нарсанинг устида Яратганнинг иродаси турар. У хоҳласа бўлади, хоҳламаса йўқ. Агар Темучиннинг гумони рост бўлиб чиқса – ёмон. Борди-ю шундай бўлса, нима тўғри-ю, нима нотўғри эканини билмай қоласан.

Навкарлар хоннинг сафар чодирини тикиб бўлиб, унинг шундоққина рўпарасида катта гулхан ёқишди. Оловда барра кўзи гўштани пишира бошлашди. Аланга олдида қоройитлар нўёнлари ва Тўғорил хоннинг укаси Жағамбу турарди. Хон қуролларини ечиб ташлаб, энгил, ипак чопонида қолди. Темучин билан Жамуха ҳам кираверишга қуролларини ечиб қўйиб, гиламга ўтиришди. Бовурчи чинни косада архи қуйиб узатди. Хон кўлларини баланд кўтарди (чопоннинг кенг энглари тирсагигача сидирилиб тушди), ўз маъбудига дуо қилди-да, кейин Темучин ва Жамухалар билан қўшилиб архидан озгина ерга тўкди (шу ерларнинг руҳларига атаб) ва тагигача сипқорди.

– Темучин, эртага ҳаммаси ҳал бўлади. Худо қўлласа, барча ғамларинг тугайди-қолади.

– Ишонаман, биз меркитларнинг кулини кўкка совуриб юборамиз! – деди Жамуха. – Улар бизни анчагача эслаб юришади.

Хон мусалласни ичиб бўлиб, косасини гиламга қўйди.

– Менам ишонаман. Лекин жангчининг омади ўзгарувчан бўлади-да. – Тўғорил хўрсиниб қўйди. – Бир кун сен жуда катта бойликлар соҳиби бўлишинг, яна бир кун ҳамма нарсадан мосуво қолишинг ҳам мумкин.

Болаларим, мана нима учун одам бир-бирига суяниб яшаши керак. Бугун кучли, ақлимисан, дўстинга ёрдам қил, эртага хароб бўлдингми, ўзингни еб ўтирма – дўстинг сенга кўлини чўзади.

Хон бу гаплари билан Жамуха ва Темучинни ўзига жуда яқин олиб гапирди. Темучиннинг кўксига чуқур миннатдорлик туйғуси тўлқинланиб кетди. Хон киму, ўзи ким? У – қондошлари ташлаб кетган, душманлари хўрлаган бир одам. Хон бўлса, буюк саҳродаги энг кучли ҳукмдорлардан бири... Ўзига ўхшаб оёқости қилиниб, тупроққа қоришган бир бенавога кўл бериш учун қанақанги қалб керак!

– Хон ота, сен ҳам, биродарим Жамуха! Мангу осмон бизга ўзининг бахт эшикларини очадими ёки биздан юз ўгирадими, уйларимизга ғолиб ва мағрур қайтамизми ёки руҳан ва жисман калтакланибми, мен бу яхшиликларингизни ҳеч қачон унутмайман. Чорласангиз бас, етиб бораман. Навкарлару жангчилар керак бўлса, уларни ҳам олиб бораман. Бўлмаса, бир ўзим бораман. Етиб боришга кучим етмаса, отимни бериб юбораман. Отим ҳам бўлмаса, садоғу қиличимни бераман. Агар шундай қилмасам, мана бу ичаётган мусаллас ўтга айлансин-да, ичимни куйдириб юборсин.

У мусалласни хуш кўрмасди-ю, аммо ҳозир унинг ҳаммасини ичиб юборди.

Кейин яна ичишди, сели оқиб турган барра гўштдан ейишди. Ичган мусалласингнинг кучидан, Бўртанинг соғинчидан, энди ёлғиз эмаслиги, бужур ва хунук хонга чексиз муҳаббатидан, қизлардай чиройли ва ақлли кўзли, юзларида болалардай кулгичлари ўйнаб турган Жамуханинг садоқатидан, бу ерларга унинг учун келган жангчиларнинг ғовурғувурларию ва ниҳоят, ана ўша жангчилар орасида, қаердадир унинг энг зўр ишончли дўстлари – Бовурчи ва Жалма борлигидан, улар ўзига ўхшаб кўзи гўшти эмас, сув билан қурут еб ўтиришганидан – мана шуларнинг барисидан унинг йиғлагиси келиб кетди. Лекин юрагининг энг тубидан отилиб келаётган бу йиғи йиғига ҳам ўхшамас ва уни сўзда ифода қила олмасди. У Жамухани кучиб, юзига қаради.

– Биродарим менинг!

У хонни ҳам мана шундай бағрига босгиси келдию, бироқ ҳадди сиғмай, кўллари билан унинг чопони этагини силаб қўйди.

– Отам менинг!

Тўғорилнинг ўзи уни кучоқлаб қўйди.

– Мен сенга ёрдам бера олаётганим учун хурсандман.

Овқатдан кейин улар чодирдан чиқишди. Қирғоқ бўйлаб юзлаб гулханлар ёниб турар ва унинг лоларанг акси тик қирғоқларда, толлар танасида ўйнади. Жангчилар уйқуга ётар эканлар, босиқ овозда гапиришар ва уларнинг овозлари дарё тўлқинларининг шалоплашию тол баргларининг шивирига аралашиб кетарди.

Темучин ва Жамуха сув бўйига, кумлоқ қирғоққа тушишди. Жамуха кўлини Темучиннинг елкасига қўйди.

– Анда, Ўнўн эсингдами?

– Буни унутиб бўлармиди?

– Хучарни ютганимиз-чи, эсингдами? – Жамуха аста кулиб қўйди. – Биз иккаловимиз бирга бўлганимиз учун ҳам уни ютувдик. Ҳозир Хучар қаерда?

– Хучар – ёмон одам!



– Нима ёмонлик қилди?  
– Мен учун ҳеч нарса қилмаганининг ўзи ёмонлик.  
– Анда, аммо мен ҳам шу кунгача сенга ёрдам беролмадим-ку. Мендан хафадирсан? Менинг иложим йўқ эди. Қилолмадим.

– Сендан хафа эмасман.  
– Хучардан нимага хафасан?  
– Нимага сўраб қолдинг уни?! – Темучин ўйланиб қолди. – Биласанми, ҳозир ҳеч кимдан гина қилмайман. Бироқ ҳеч кимни сен билан ҳам тенглаштиролмайман. Сен биринчи бўлиб етиб келдинг!

– Келмай иложим йўқ эди, Темучин. Эсингдами қасамёд қилганимиз? Қалбларимиз бир, шодлигимиз бир, икковимизнинг ташвишимиз ҳам бир. Дунё ҳар хил одамларга тўла. Аммо биз икки кишимиз.

– Энди уч кишимиз, Жамуха. Учинчиси хон отамиз Тўғорил.  
– Ҳа, албатта... Аммо Тўғорил – хон. Биз иккимиз бўлсак, шунчаки, эркин қабилаларнинг нўёнларимиз, холос. Ва бизнинг устимизда битта хукмдор бўлиши керак, бу – бизнинг дўстлигимиз.

Дарё бурмасида каттагина балиқнинг думи шапиллаб сувга урилгани эшитилди. Таймен балиққа ўхшайди.

– Темучин, анда, юр, ухлаймиз.  
– Юра қол, андам Жамуха.

Унинг тушига Ўнўн бўйидаги бир байрам кирибди. Одамлар шовқин солган, довуллар чалинган. У эса кўрарга кўзи йўқ қанғаси билан бир аравага суяниб ўтирган эмиш. Тойчи-Қури уни қаергадир чақирар, чопонининг энгидан тортар эмиш.

– Тур, Темучин, вақт бўлди!  
– Мен бормаيمان!  
– Мана, ичкилик одамни нима қилади!

Бу Тойчи-Қурининг эмас, Бовурчининг овози эди. Темучин кўзини очди. Бовурчи ва Жалма бири бу томондан, иккинчиси у томондан тортқилашарди. Довуллар чалинган, аскарлар отларини эгарлашарди. Темучин бошини чайқатди. Миясидаги оғриқ уни парчалаб ташлагандай бўлди.

– Увв... Оғришини-чи...  
– Кейинги сафар бунақа ичмайсан! – деди жаҳл билан Бовурчи, қимиз солинган ёғоч идишни узатиб. – Кичкиналигимда бувим айтардилар: ичган одамнинг калласи қоп-қоронғи бўлади.

– Бовурчи, дўстим, вайсайвермагин. Сенсиз ҳам кўнглим айнияти. Кўряпсанми, Жалма жим турибди-ку. У яхши йигит.

Муздаккина қимиздан кейин сал енгиллашгандек бўлди. У отига ўтирди-да, кечаги тик қирғоққа қараб юрди. У ерда хон, Жамуха, Жағамбу, бошқа қоройит нўёнлари туришарди. Кечув бошланган эди. Отлар сувни хидлай-хидлай, секингина сувга тушарди. Қирғоққа яқин жойларда сув саёз, аммо ўртароққа борганда анчагина чуқур бўлгани учун кучли оқим отларни айлантириб юборар, уларнинг бошлари сувдан чиқиб қоларди. Чавандозлар отлари устида энгашиб, букчайиб оёқларини сувдан кўтариб олишга уринардилар. Бир отликнинг оти қоқилиб тушди. Жангчи кўркиб кетиб, жиловни тортиб юборди. От бошини кескин орқага ташлади, яна қоқилди. Бу сафар сув отни йиқитиб юборди. Аскар боши билан сувга кириб кетди. Жиловни кўйиб юборди. Оқим уни оқизиб, тол буталари то-

монга олиб кетди. Бечора сувдан ҳаммаёғи шалаббо бўлиб, айбдорларча хижолатли кулимсираб чиқди.

Жамуха Темучинга имлаб кўйди.

– Бу йигитча ҳам сеники-ку!

Темучин ҳам ўзининг ўша аскар йигитдай айбдорларча кулаётганини пайкади. Бирон нима дейишга эса мажоли етмади. Чаккалари темирчининг болғаларидай уриб турарди. Гарчи ундан кам ичишмаган бўлса ҳам, Тўғорил билан Жамуханинг бошлари оғримаётгандай эди.

Дарёдан ўтиб олган жангчилар саф торта бошлашди. Олгинчилар вақтни бой бермай илгарилаб кетишди. Тўғорил ҳам отини сувга солди. У бошқаларга ўхшаб оёғини тортиб ўтирмади. Дубулғасини ярақлатганча қандай тик ўтирган бўлса, сувга тушганида ҳам ўшандай ўтираверди. Сув этиги кўнжининг ярмигача етарди. Темучин ҳам оёғини сувдан кўтармади. Сувдан чиқиб олганида эса, эскириб кетган гутулининг ичи сувга тўлиб кетганини билди. Сув гутулининг ҳамма тешикларидан оқиб турарди.

Тушга яқин олгинчилар меркитларга рўпара бўлишди. Жангчиларни тўхтатиб, хон ўз аёнлари билан тепалик устига кўтарилди. Меркитлар водийга кираверишда, икки ёндаги баланд тепаликлар оралиғида саф тортишарди. Хон оқариб қолган соқолини ўйнаганча, атрофни узоқ кузатди.

– Уларнинг бизга пешвоз чиқишларини кутмаган эдим. – Хоннинг овозида ташвиш оҳанги сезилгандек бўлди.

– Улар унча кўпчилик эмас, – деди Жамуха. – Тунда етиб келишолмаган, шекилли. Бизни тўхтатиб қололмайди.

– Кўпчилик эмаслиги рост, – уни қувватлади хон. – Лекин булар – меркитлар. Уришишни билишади. Шунинг учун... – У дубулғасини орқароққа суриб кўйди, тирноғи билан ўнг энсасини қашлаб, атрофга яна бир қараб олди. – Жағамбу, анави ўрмончани кўрпсанми? Ўша ёққа бор. Билдирмай бориб, меркитларнинг орқасидан соласан. Жамуха, Темучин, сизлар ўз одамларингиз билан чапга борасизлар. Тоғ сизни меркитлар кўзидан яширади. Ҳов анави тепалик орқасига ўтиб, кутиб туринглар. Мен уларга тикка бораман.

Бош оғриғи, кучли ҳаяжон Темучинга халал берар, кўшинни бўлиб ташлашнинг маъносини тушунолмаётганди. Шунчалар мураккаб нарсанинг нима кераги бор экан? Агар меркитлар озчилик бўлса, ўйлаб ўтирмасдан, бор куч билан уларнинг устига ёпирилиш, янчиб, топтаб ташлаш керак, вассалом. Миясида тўсатдан шубҳа ғимирлади: хон меркитларни бир ўзи енгмоқчи! Наҳотки, хон шунақа бўлса? Ёки у нотўғри ўйлаётими? Бовурчига энгашди:

– Бундан кейин жанг олдидан асло ичмайман. Ҳеч қачон!

У хонга, Жамухага, меркит жангчиларига қараб турар экан, хон кўрсатган тепалик орқасига ўтиб, индамай пусиб ўтиргиси келмасди.

– Хон ота, мени ўзинг билан бирга олиб кет!

Хоннинг юзида норозилик аломати кўринган бўлди-ю, бироқ унинг қора кўзларида мулойимлик жилва қилди:

– Майли. Сен мен билан борасан.

Секин юришни бошлашди. Отларнинг кучини сақлаш керак эди. Аммо мана шу хотиржамлик остида ҳам улкан таҳлика ва зўриқиш сезилиб турарди. Бовурчи кўзларини ёруғликдан яширгандай қисиб, олдинга қараб кетар, Жалма бўлса қовоғини уйиб, лабларини тишлаб олган эди.

Орадаги масофа қисқариб борарди. Намойишкорона тик кўтарилган туғларни, меркит отларининг зотларини ажратадиган даражага келиб қолишди. Душман жипс саф тортиб, икки тепалик оралиғида турарди. Бу саф бузиб, ошиб бўлмас тўсиқдай кўринарди. Одамларнинг ҳаяжони отларга ҳам ўтгандай, қулоқларини чимираб, бошларини сараклатар эдилар.

Тўғорил бирон белги бердими ёки жангчилар ўзлари олдинга ташлади, Темучин билмай қолди. Отларнинг туёқларидан чиққан дупур-дупур овози унинг қулоқларини ўйиб юбораёзди. Қуюқ чанг булути нақ осмонга ўрлади. Отлиқлар гўёки шу булутдан қочаётгандай учиб борарди... Меркитлар сафидан ўқлар қорайиб учиб қолди. Жангчилари ҳам ҳаракатга келиб, тезлик билан пешвоз чиқишди. Темучин қиличини тинимсиз ўйнатар, бақирар, аммо ўз овозини ўзи эшитмас эди.

Малларанг, кўкраги кенг от минган чавандоз унга қараб учиб келар, кўлидаги найзасининг тиғи унинг кўкрагини нишонга олган эди. Темучин эгаридан туриб, ёнбошига айланиб олди. Найза ёнгинасидан ўтиб кетди. Шу дақиқада Жалманинг қиличи худди чакмоқ сингари бир ярақладию меркитнинг бошида қарор топди.

Меркитлар ёвуз жасорат билан уришар, борган сари тазйикни кучайтиришарди. Хон қўшини тўхтаб қолди, кейин тисарила бошлади. Темучиннинг назарида, яна бироздан кейин хон қўшини бўлакраниб, янчиб ташланадигандай кўринди. Саросимага тушган, вазиятни ўзгартириш кўлидан келмай турган Темучин оломон ичидан Тўғорилни қидира бошлади. Аммо паға-паға чанг ичида бегоналарнинг олайган кўзлари, отларнинг тиш-чакаклари кўринар, пўлатнинг жаранглаши, отларнинг дупури, аллакимларнингдир ажал талвасасидаги кичкириқлари, отларнинг даҳшатли кишнашлари эшитиларди. Бир дақиқага хон ҳам, андаси ҳам уни меркитлар қиличи рўпарасида ташлаб кетишгандай туюлди. Кўркув аклини ўтмас қилиб қўйди. У жиловни узар даражада тортар, отини орқага буриб, бу одамзод ваҳшати жам бўлган ўрамдан чиқиб, тезроқ узокрокқа қочиб кетишни мўлжалларди. Аммо ўнг томонида Жалма, чап томонида эса Бовурчи жанг қиларди. Темучин иккала дўсти томонидан сиқиб қўйилган эди...

Бирданига ҳаммаси чапараста бўлиб кетди... Туйкусдан меркитлар тазйикни бўшаштириб қўйдилар-да, талмовсираганча орқага чекина бошлашди. Темучин сал енгил тортди, атрофига қаради. Тепалик ортидан босиб келган Жамуханинг қўшини меркитларнинг чап қанотини қайириб ташлади. Душман тепалиқлар оралиғидаги дарагача суриб ташланди. Меркитлар у ерда ҳам узок туролмай, орқаларини қиличу найзаларга нишон қилиб қочиб қолишди. Аммо улар қочаётган томондан Жағамбунинг одамлари келарди...

Темучин тепалик устида одан тушди, юз-кўзидан оқаётган ачимсик терни артди. Қўллари ўзига бўйсунмас, оёқлари титрар, миясини лўқиллатаётган оғриққа чидаб бўлмасди. Бўлиб ўтган нарсаларни акли бовар қилмаётганди. Ҳолсизланиб бир тошга чўккалади. Кафтдай водийда ўлиқлар ер тишлаб ётар, ярадорлар ўрмалар, қон хидидан безовта отлар бебош чопқиллар, жангчилар қуролларни йиғиштириб, ярадорларга ёрдам берар, душман томонникини эса ўлдириб юришарди.

Душман яқсон қилинди. Енгилди!

Аммо яқингинада кўнглидан ўтказган даҳшати ва ночор ҳоли Темучинга бу кувончни тўлалигича ҳис қилишга йўл бермасди.

Жамуха от елдириб келди. Отидан сакраб тушиб, букчайиб ўтирган Темучиннинг кураклари устига мушти билан бир туширди. Кир босган юзидаги кулгичлари бошқа пайтдагидан кўра ёқимлироқ кўринар, тишлари ярқиради.

– Нимага ёмғирда шўппайиб қолган бойқушга ўхшаб ўтирибсан? Биласанми, биз кимни ҳибс қилдик? Нўён Хавотой-Дармалани. Кўрасанми?

– Тўхта-бекининг нўёнини нима қиламан? Менга Бўрта керак.

– Бўртани ҳам топамиз. Бутун меркитлар улусини ағдар-тўнтар қиламиз, лекин топамиз.

Қочиб улгурган меркит навкарлари ўз овулларида таслим бўлганлари ҳақидаги хабарни тарқатдилар. Одамлар қочишга тушдилар. Араваларига энг зарур нарсаларини ортиб, ўтовларини, баъзилар эса чорваларини ҳам ташлаб, Селенга бўйлаб пастга, Баргужин-Токума тарафларга қоча бошладилар.

Ғолиб жангчилар эса водий бўйлаб от суришар, қочоқларни кўлга олар эдилар.

Темучин ўз навкарлари билан саҳрони айланиб чопарди. Водийларнинг бирида Тўхта-Беки овулига дуч келишди. У ерда одамлар кам қолган эди. Бўртани излаб, навкарлар ўтовма-ўтов тинтув ўтказдилар. Яширинган меркитларни камчи ва найзалар билан савалаб, Тўхта-беки чодирига ҳайдаб келишди. Темучин, Бовурчи, Жалмалар уларни сўроққа тутиб, Бўрта ҳақида суриштирдилар. Аммо ҳеч қандай хабар топилмади.

Майдонга бўйнига қанға осилган, озиб-тўзиб кетган бир одамни олиб келиб, тупроққа улоқтиришди. У ўтириб олиб, юзини ёпиб қўйган кўски сочларини йиғиштирди ва бефарқкина қараб тураверди. Жангчиларнинг бири қиличи учи билан қанғанинг темир қулфини уриб қўйди.

– Мустаҳкам ясалган. Олиб бўлмайди.

– Сен аввал унинг бошини ол! – Кимдир кулиб маслаҳат берган бўлди.

Темучин уни камчиси билан уриб қўйди.

– Нар и бор, полвон! – Маҳбусга энгашди. – Сен ким бўласан?

– Тайр-Усуннинг юзбошисиман. Исмиим Чиледу.

– Нима учун қанға кийдиришди? Жинойтчимисан?

– Йўқ. Лекин Тайр-Усун бошқа фикрда.

– Навкарлар, қулфни бузинглар! Мен сенга ҳаётинг ва озодликни ҳада қиламан, маҳбус. Бир пайтлари мен ҳам мана шундай бўйинбоғ билан юрганман.

Навкарлар қулфни бузиб, қангани ечиб ташлашди. Чиледу кўзларига ишонмай, кўли билан бўйни, елкаларини силаб қўйди.

– Тойчиютларга боскин бўлганда асир олинган икки аёлнинг қаердалигини билмайсанми?

– Кўрганим йўқ. Мен тўсинга боғланиб ўтирувдим. Улар қочиб улгурганлар билан бўлишлари керак.

– Биз уларни қувиб ета оламизми?

– Ҳа, улар унчалик узоқ кетишгани йўқ. Анави доvon тарафга юринглар. Унинг орқаси саҳрога туташади. Сен ўзинг кимсан...

– Мен Есугей-баходирнинг ўғлиман.

Чиледу бошини орқага ташлади-да, унга тикилиб қаради, хириллаб кулди. Темучин отини ниқтар экан:

– Шодликдан ақлдан озди, шекилли... – деди.

Темучин навқарлари билан қочоқларга етиб олганида кун бота бошлаган эди. Пиёдалар, отликлар, чодрали аравалар от уюрлари, қорамол подалари ва қўй сурувлари билан аралаш-қуралаш бўлиб, кенг текисликда кетиб борарди. Одамларнинг қичқириқлари, отларнинг кишнаши, сигирбузоқларнинг маъраши, арава ўқларининг ғирчиллаши билан айқаш-уйқаш бўлиб кетиб, оқшом тинчлигини бузар эди. Отлиқ жангчиларни кўриши билан бу тўда бузилиб, ҳар тарафга ёйилиб кетди. Жангчилар кутурган овозда бақир-чақир қилиб, қочоқ эркакларни чоғиб, аёллар ва болаларни қамчилаб, бир тўдага йиғиб келарди.

Темучин Бовурчи билан тўданинг орасини ёриб кирди, аравалар ора-лаб юриб, хамманинг юзига бир-бир қараб чиқар ва тинимсиз:

– Бўрта! Бўрта! – деб барабар бақирардилар.

Қидириш бефойдадек туюлган охирги паллада, осмонга ўрлаган шовқин ичида Темучин таниш овозни эшитгандек бўлди. У овоз эшитилган томонга юрар экан, йўлини қамчиси билан очиб борарди. Энди овоз жуда яқиндан эшитилди:

– Темучин!

Унга қараб икки шарпа яқинлашди, тўрт қўл чопонининг этакларига ёпишди. У отдан сакраб тушди, Бўртани бағрига босди. Аёл унинг елкасига осилиб олди, кўз ёшлари хўл қилган юзи билан эрининг иягига ёпишди. Хоахчин Темучиннинг елкаларини, куракларини силар ва тинимсиз ўзининг нолишини такрорларди:

– Вой-йей! Вой-йей!

## VII

Сахро осмонида қанотларини кенг ёйиб олганича бургут ҳаволаб учарди. У жуда қари, вужуди илгариги қувватини йўқотган, кўзларидан ҳам аввалги ўткирлик қочган, мадорсиз чанғали билан ўлжага чанг сололмайдиган ҳолда эди. Бургут ҳолсизланиб борарди. Аммо бу жойда, ҳаво оқимлари орасида у чарчоғини унутар, парвозига унча кўп куч сарфламаганидан ўзини ёш, учқур ва қудратли ҳис қилар, илгаригидек бир зарб билан сайғоқча ёки қўзичоқни ағдариш ва кейин баланд қояларга кўтариб кетиб, хали қони қайноқ майингина гўштни еб роҳатлана оладигандек сезарди. У сахро текисликлари, тепаликлар ва жарликлар устида парвоз қилар ва ҳар унгурни нигоҳи билан тафтиш этарди. Бургутнинг сояси ер югургилаб юрган сичқон, сариқ-қумранг юмронқозик ва майда қушчалар галасини хавотирга соларди.

Рўпарада отликлар кўринди. Улар сахрода астагина, каттакон овулни мўлжаллаб боришарди. Ўтовларнинг орқасида, дарё бурамаси бўйида қўй-эчкилар ўглаб юрарди.

Бургут аста-секин пастлай бошлади.

Оқиш рангли улоқча пешонасини қирғоқ кесакларига ишқаб олди-да, энгашиб сув ича бошлади. Бургут сояси сотиб қўймайдиган қилиб пастга шўнғиди. Ранги ўчган патларида шамол визиллаб қолди. Ер, дарё, бош

эгиб турган улоқча жуда тез яқинлашарди. У оёқларини олдинга чиқариб олиб, қайрилма тирноқларини улоқчанинг елкасига санчишга тайёрлади. Улоқча қанотлардан чиқаётган шамол овозини эшитиб, бошини кўтарди-да, кўрққанича маъраб чошиб кетди. Аммо осмондан учиб тушаётган бургут тезлиги олдида уники нима бўпти! Бургут унга етиб олди, тирноқлари билан орқасида диккайиб турган думидан ҳам ушлагандек бўлди. Аммо шу дақиқада улоқча ёнбошга қараб чошиб қолди. Кейин бир сақраб қирғоқнинг баландроқ жойига чиқиб олди. Бургут эса кўкраги билан қирғоқ дўнгасига урилиб, боши билан ўмбалоқ ошиб тушди-да, ўт устига ағнади. Бемажол бўлиб, анча ётди ва охири зўрға қанот қоқиб турди. Ўт устида патлари сочилиб ётарди. Қўй-эчкилар бироз югуриб бориб тўхтади-да, думалоқ кўзлари билан унга қараб қолди. Бургут аламли қичқириб қанотларини сермади-да, ҳавога кўтарилла бошлади. Аммо кўкрагидаги оғриқ унинг аламидан кучлироқ эди. Шунинг учун нари кетди. Қанотларини базўр қоқиб, пастлаб учди. Яна олдидан чавандозлар чиқиб қолишди. Бундай баландликда пастлаб учиш хавфли эканини у биларди, аммо баландроққа кўтарилишга мажоли йўқ. Қўрқоқларча бошқа тарафга учиб қолишни эса истамди. Учиб келаётган ўқдан қочмоқчи бўлди ҳамки, ўнг қаноти қирсиллаб синди. Оғриқ биқинини куйдирди ва у яна ерга қараб шўнғий бошлади. Фақат энди бу пастлаш ўз ихтиёри билан эмас эди.

– Темучин, анда, шундай қушни нима учун нобуд қилдинг?

Темучин отдан тушди, бургутнинг қанотидан кўтариб олди.

– У ўз умрини яшаб бўлибди. Менинг ўким фақат унинг ўлимини салгина яқинлаштирди, холос.

– Барибир, бекорга отдинг. Бургут – муқаддас қуш.

– Қандай қилиб?

– Унинг макони – осмон. Унга ҳеч ким ҳукмронлик қилмайди.

– У менинг чорвамдан ўмармоқчи эди. Жамуха, чорвам устидан мен ҳукмронман. Менинг ижозатимсиз на муқаддас қуш ва на маккор йиртқичлар ҳеч нарса ололмайди. – У бургутни Бовурчига узатди. – Бунинг патларини менинг ўқларимга ишлатишсин.

Овулга кириб боришди. Отлар боғланадиган қозик олдида Жалмани учратишди.

– Темучин, тойчиютлар улусидан яна олти киши келди.

– Чорваси биланми?

– Учта от ва аравага қўшилган иккита хўкизи бор.

– Буям яхши.

– Тўрттасини чўпонларга юбордим. Қурут ва наMAT тайёрлашга қарашиб юришсин.

– Ақлли иш. Қолган иккитаси-чи?

– Бу Тойчи-Қури ва унинг хотини экан. Булганнинг ўғли билан гаплашишни истаб қоларсан, деб ўйладим.

– Уни бу ёққа олиб кел!

– Бўпти, кетдим, – деди Жамуха.

– Тўхтаб тур. Ҳозир онамнинг олдига бориб овқатланамиз.

– Сенинг ишларинг кўп, Темучин андам. Халакит бермай қўя қолай.

– Жамуха кўзини олиб қочди. – Бориб дам оламан.

Жамуханинг кетидан навкарлари ҳам эргашишди. Темучин хайрон бўлиб, қўлларини икки ёнга кўтариб қўйди. Андасини тушуниш қийин.

Бир қарасанг қувноқ, мулойим ва хушмуомала. Бир қарасанг, худди хозиргига ўхшаб, бир нарсадан хафа бўлгандай қайрилиб кетиб қолади.

Уларнинг ўтовлари ёнма-ён эди. Меркитлар юртида юрган пайтларидаяёқ, Тўхта-беки устидан қозонилган буюк ғалаба шарафига уюштирилган базмда иккови ҳам энди айрилмасликка, туғишган ака-укалардай бирга яшашга келишиб олишди. Бу сафар ҳам, болаликдаги каби қасамларини қон билан маҳкамлашди. Хон ўз юртига кетди, улар бўлса ўз овуллариини Хўрханах-жубур деб аталувчи мана шу ерларга қуришди. Темучин бу жойни бекорга танлагани йўқ. Тойчиютлар шу ерга яқин жойда кўчманчилик қилишади. Бугун катта юришдан олинган ўлжанинг учдан бир қисми Темучиннинг тасарруфида бўлиб турган пайтда, у қўл остига келиб қўшилишни хоҳлаган ҳар қандай одамни қабул қилиши мумкин эди.

Одамлар ҳам келяпти. Бирон-бир кун йўқки, кимдир келиб қўшилмаган бўлса. Энг кўпи Тўрғутой-Қирилдукдан қочиб келганлар. Ўз қариндошлари Доритой-ўтчигин, Хучар, Ўлтон ва Сача-бекилардан қочиб келганлар ҳам бор. Лекин Жамуха нимагадир бундан хурсанд эмас. Жим. Нимага?

– Бовурчи, дўстим, Жамуха хафа бўлгандай кўриндимми?

– Балким, хафа бўлгандир ҳам.

– Лекин мен унга бирон-бир хафа қиладиган гап айтмадим-ку!

– Сен айтмадинг... Аммо сен, асилзода нўён, оёқда туриб қочоқ қорачалар билан гаплашаверасан. Жамуха ҳам бу вақтда ўша қорачалар ёнида, сени кутиб туриши керак бўлади.

– Мана, сен шунақа ўйлайсан. Жамуха бунақа ўйлаши мумкин эмас!

– Айнан мен бунақа хаёлга бормайман. Мен сенинг навқарингман. Жамуха бўлса, қабила бошлиғи.

– Балки, сен ҳақдирсан, Бовурчи...

Унинг ўтовида ҳеч ким йўқ эди. Тамуға-ўтчигиндан бошқа укаларини қўлга киритилган улкан хўжалиқдан бохабар бўлиб туриш ва тартибга келтириш, чўпонларни назорат қилиш учун овулларига жўнатган эди. Онаси ва кичик укаси учун алоҳида ўтов тикиб беришди. Бўртанинг ҳам ўз ўтови бор эди.

– Ўтир, Бовурчи. Тойчи-Қурини катта нўёнларга ўхшаб қабул қиламиз.

Бовурчи Тўхта-беки чодиридан келтирилган, нақшлар тикилган намат устига ўтирди. Чордона қуриб, савлатли кўринишга кирган бўлиб, шишини олди.

– Темучин, сен мана шунақа бўлишинг керак, – деб қулиб юборди у.

– Тўрғутой-Қирилдук ўшанақа бўла қолсин.

Жалма Тойчи-Қурини бошлаб келди. Темучин Тойчи-Қурини охири марта кўргандан бери, кўпам ўзгармабди. Сал семирибди, танқайган бурнининг остидан сийрак бўлса ҳам мўйлови чиқиб қолибди. Қолгани ўша-ўша.

Кенг юзида содда, дўлвор табассуми, кўзларида ҳайрат.

– Сен таъзим қилиб қўйсанг ҳам бўлади, – деди унга Бовурчи.

Тойчи-Қури бошидаги қалпоқчасини юлиб олиб, кўкрагига босди. Темучинга ва Бовурчига таъзим қилди. Жалмага қараб ўйланиб турди-да, аммо таъзим қилмай, бошини сал қимирлатиб қўйди, бундан Бовурчи қулиб юборди.

- Жалмани соҳиб деб тан олмадингми?
- Нима, мен билмайманми ким соҳиблигини, – хафа бўлгандай гапирди Тойчи-Қури. – Биз у билан бир овулда яшаганмиз. У темирчининг ўғли.
- Сен хотининг билан келдингми? Онанг қани? – сўради Темучин.
- Уни меркитлар ўлдиришди.
- Афсус. Яхши хотин эди. Лекин мен меркитлардан қасос олдим. Ҳамма учун. Сенинг онанг учун ҳам. Менинг ўрнимга калтак еб юрганларинг эсингдами?
- Бир-бир эслаб қоламан. Елкам қичишиб қолганда эсимга тушади.
- Бошинг-чи? Ўшанда қанға билан бошлаб туширган эканманми?
- Чакки эмас...
- Тойчи-Қури, сен мен учун қўлингдан келганини қилардинг, эсимда. Сенга қандай ёрдам керак? Ниманг бор?
- Ҳеч вақом йўқ, – хўрсинди Тойчи-Қури. – Сенинг кучга кириб олганингни эшитиб, хотинимнинг қўлидан ушладим-да, келавердим.
- Майли... Сенинг ўз ўтовинг бўлади, отинг, курулинг ҳам. Отанг менинг отамга хизмат қилганидай, сен ҳам менинг хизматимни қиласан.
- От учун, ўтов учун раҳмат. – Тойчи-Қури қўлидаги қалпоғини эзғиларди.
- Рози эмасга ўхшайсан? Кўпроқ нарса хоҳловдингми? – Темучин қовоғини солиб олди. – Сўра.
- Менга кўп нарса керакмас. Аммо менинг жангчи бўлгим йўқ.
- У жангчи бўлишни хоҳламасмиш! Мана бу калтафаҳми қаранглар! Сен яна тери ошламоқчимисан? Розиман. Қилавер.
- Тери ошлашни мен жинимдан ёмон кўраман.
- Унда нима хоҳлайсан? Бовурчи билан Жалмага ўхшаб менинг ёнимда ўтирмақчимисан?
- Мен жуда яхши ўқлар яшани ўрганганман...
- Ўқлар? Нимага дарров айта қолмадинг? Мен хунарманд одамни жасур жангчидан ҳам кўпроқ қадрлайман. Тойчи-Қури, ўқларингни ясайвер. Қанча кўп бўлса, шунча яхши. Бовурчи, унга нима керак бўлса, ҳаммасини бер. Ейиш-ичишни ҳам, уйини иситишни ҳам ўйламасин.
- Тойчи-Қури ўтов пардасини туширар-туширмас бақира кетди:
- Қаймиш! У мени унутмабди. Биз яхши яшаймиз. Ахир, мен Темучиннинг кийимларини кийиб катта бўлганман-ку...
- Темучин ўзини тутолмай кулиб юборди.
- У яхши бола. Агар хунарни ҳам яхши эгаллаган бўлса, унинг баҳоси йўқ. Жалма, сенинг отанг қачон менга темир эритади? Бизга темирчилар, камончилар, ўқчилар, арава ясайдиган усталар керак... Ҳамма нарса ўзимизники бўлиши керак. Жалма, отангнинг ҳузурига бор. Унинг тойчиютлар овулида ва ундан кейин ҳам айтган гаплари – ҳаммаси эсимда. Нима қилсам, у хоҳлагандек қилишимни етказ.
- Менга хабар келди: отам бетоб эмиш. Темир куёлмаса керак...
- Барибир, бориб кел. Сенинг отанг катта ақл эгаси. Мен у билан гаплашим керак. Теб-тангридан хабар борми?
- У чарчаш нималигини билмай, тойчиютлар овулларида тили билан ишлаб юрибди. Унинг башоратлари амалга оша бошлаганидан, одамлар уни интиқлик билан эшитаётган экан.
- У ҳам менинг ҳузуримга келсин. Унда ҳам гапим бор.



“Сенинг ишларинг жуда кўп”, деб ўйлади Жамуха ўзича, пинҳона гина билан. Ростдан ҳам кўп. Биронтасини ҳам кейинга суриб бўлмади. У яқингинада хаёлига ҳам келтира олмаган нарсаларига эришиб олди. Тўғри, отасининг ҳамма улусини тўплаб ологани йўқ. Ҳали одамлари камчилик, ҳаттоки ҳамма биялару сигирларни соғиб олишга ҳам одам етишмайди, жангчилари кам сонли...

Меркитлар элидан қайтишаётганида уни Теб-тангри кутиб олди. “Энди сенинг эгаринг ҳам, унинг остида отинг ҳам бор, – деган эди у. – Сенинг ўтовингдаги ўчоқда тинимсиз овқат қайнаб турибди. Аммо сен ўчоқ олдида ўтираверма. Бот-бот оёғингни узангига қўйиб тур”. Темучин буни шомонсиз ҳам яхши биларди. Ўтиришга вақт йўқ. Жамуха ёнида. Тўғорил хоннинг мадади ҳам унга куч бериб турибди. Токи шундай экан, ҳеч қанақанги Тўрғутой-Қирилдук унга теголмайди ва қочоқларини ҳам талаб қилолмайди. Ҳозирча... Кейин нима бўлади, буни ҳеч ким билмайди. Шошилиш, қудратини мустаҳкамлаб олиш керак. Аммо Жамуханинг кўнгли нимадан тўлмаяпти экан?

Унинг хаёлларини Тамуға-ўтчигин бузиб юборди. Укаси ўтов остонасидан ҳатлаб ўтиб, ўнғайсизланганича бир йўталиб олди.

– Онамникига катта меҳмонлар келишди. Амакимиз Дўритой ва амакиваччамиз Хучар.

– Ў-ў! – Темучин ҳайрон аҳволда оғзини чўччайтирди, бошини чайқатиб, Бовурчи билан Жалмага ғолибона қараш қилди.

Тўрғутой-Қирилдукнинг ғазабидан ҳам чўчимай унинг ҳузурига айёр амакиси ташриф буюрган бўлса, бу...

– Тезроқ чақир! – деди у Тамуға-ўтчигинга.

– Улар бу ерга келмоқчимас.

– Нимага?

– Онам улардан сўровди, амаким эса, катталар кичикларнинг ҳузурига таъзим қилиб бормайди, деди.

– Нима-нима?

Акасига хавотирланиб қараганча, Тамуға-ўтчигин айтган гапларини яна сўзма-сўз қайтарди. Темучиннинг кўзлари олайиб кетди, титраб турган ёноқларига қизиллик югурди, овозини босишга ҳаракат қилиб бақирди:

– Шунақами? – Кўкрагидаги бор нафасини чиқариб хўрсинди-да, портлади: – Дайди итлар! Мен уларнинг гутулларини ялашимни кутишяптими?! Овулдан қувинглар! Қамчилаб ҳайданглар! Йўқ, молнинг тапписи билан уринглар! Бовурчи, навкарларни чақир.

– Удалаймиз. Мен ҳозир, – Бовурчи хурсанд бўлиб кетди-ю, аммо ўтовдан чикмади, ҳатто ўрнидан турмади ҳам. – Буни бажариш чўт эмас, Темучин. Лекин болалигимда бувим айтган эди: “Ёниб турган кўмирни кўлингга олма, бармоқларингни куйдирасан”, деб.

– Бовурчи! – жаҳл билан бақирди Темучин.

– Майли, сен айтгандай қиламан. Аммо Жамуханинг фикри билан ҳам ҳисоблашсанг, яхши бўларди.

– Жамуха нима дерди? Улар менинг қариндошларим!

– Жамуха сенга анда бўлади. Ўзинг айтмаганмидинг, у менга ака-укаларимдан ҳам яқинроқ, деб. Унинг юраги сенинг юрагингнинг ярми эмасми? Агар шунақа бўлса, икки ёрти – бир бутун бўлиб, баравар рози бўлишларинг керак.

Темучин қанчалик дарғазаб бўлмасин, Бовурчи тўғри гапираётганини тушуниб, ўзини босди. Индамай андаси Жамуханинг ўтовига қараб кетди. Майингина шойи чопон ва юмшоқ чорик кийиб олган Жамуха на-мат устида ётиб, сочлари оппоқ улигерчининг дostonларини эшитарди. Унинг юзи ўйчан, бир нуқтага тикилиб қолгану кўриб турган нарсасига ишониш-ишонмасликни билмаётгандай қиёфада эди. Улигерчининг ово-зи худди дарз кетган қозонга ўхшаб хирилдоқ, лекин кучли ва шўх эди. Ширали нутки билан кишини ўзига қаратиб оларди. Сўзлари худди ки-гиз нақшлари сингари бир-бирига боғланиб кетган ва бу нақшнинг охири кўринмасди.

Ўтов ичидаги тинчлик ва улигерчининг байрамона руҳдаги роҳатбахш овози Темучиннинг қалбида бироз ижирғаниш ҳиссини уйғотди.

Жамуха дўстига бир муддат бепарво, гўёки танимаган ёки у бу ерда нима қилаётганини тушунмагандай қараб қолди. Бир ишора билан ули-герчини жим қилди-да, туриб ўтирди.

– Яна ҳал бўлмаган ишларми? – Жамуханинг гапида ранжиш оҳанглари бор эди.

– Ҳа. Муҳим ишлар. Хучар билан Дўритой-ўтчигинлар келишибди.

– Меҳмон – мезбон учун шодлик. Нимадан бесаранжомсан?

– Мен бесаранжом эмасман. Мен ярадор тўнғиздан ҳам баттар қутурганман. Амаким менинг ҳузуримга иззат-икром учун келибди. Ўзининг катталигини писанда қилаяпти.

Жамуха чорикларини ечиб, оёғига гутулини кияркан, Темучинга бошдан-оёқ назар солди, норози оҳангда “ҳм”лаб қўйди.

– Катталарни хурмат қилишни, андам, бизга боболаримиз васият қилганлар. Ахир, Дўритой отангнинг туғишган укаси-ку. Хучар сенга ким бўлади? Агар биз на катталарни ва на қариндошларни хурмат қилмай қўйсақ, кимимиз қолади? Ўзинг айтмаганмидинг, ҳеч кимдан гинам йўқ, деб?

– Улар наслимизнинг шавкатини ҳимоя қилишмаган. Мен бўйнимда қанға билан юрганимда, кўра-била туриб, еб-ичиб юраверишди. Биронта-сининг томоғига суяк ҳам тикилгани йўқ! Авлодини кадр қилмаган одам-лар ўзларига хурмат талаб қилишлари мумкинми?

Жамуха кийиниб бўлиб, гўё бўйини ўлчаётгандай, Темучиннинг ёнига келиб турди. У Темучиндан беш-олти энлик пастроқ эди. Қовоғини уйиб олди-да, бир қадам четроққа ўтди.

– Темучин, сен нукул ўтмишни қовлайверасан. Бу яхшимас. Келиш-мовчилик бир сенга эмас, кўплаб нўёнларга ғам-алам олиб келган. Сени хўрлашди. Аммо амакинг ва амакиваччаларинг ҳам сен билан баравар хўрланишган. Гап ким кам, ким кўпроқ хўрланганидами? Биров бирови-дан устунроқ келаман, деб ғурурига эргашиб, ўз бошига яна янги балолар орттириб олиш кимга керак?

– Лекин мен ўз қариндошларимдан устун бўлишга ҳаракат қилаётганим йўқ... – дея гап бошлади, Темучин тўсатдан жим бўлди. Бироз туриб, хо-тиржам овозда деди: – Анда, гапларинг – ҳақиқат. Мен сени тушундим. Юр, онамнинг ҳузурига борайлик.

Аммо бу гаплар унинг кўнглидан ўтганларининг ҳаммаси эмасди. Жа-муханинг гапларида ҳақиқат бор эди, аммо Темучинни тинчлантирган нар-са бу эмасди. Бирданига ундан ҳам муҳимроқ ҳақиқатни тушуниб қолди:

ахир, Дўритой-ўтчигин билан Хучар унинг олдига келишди-ку. Темучин бормади-ку, уларнинг хузурига бош эгиб. Шунинг ўзиёқ уларнинг Темучиндан паст эканини билдирмайдими? Айёр Дўритой-ўтчигин, навкарлари ва аввало, Темучин олдида паст кетмасликни ўйлаб, шундай йўл тутган. Майли, найрангларини кўрсатаверсин. Бу билан бир нарса ўзгарармиди? Амакисига бош эгиб қўйган билан бўйни узилиб қолармиди? Сенга таъзим қилишларини истасанг, ўзинг ҳам куллуқ қила бил.

Онасининг ўтови оstonасидан у биринчи бўлиб хатлаб кирди-да, секин кадини ростлади. Меҳмонлар ўнгўнлар ўрнатилган девор тарафда, онаси билан гаплашиб ўтиришарди. Иккалови ҳам ўрнидан турди. Кичкинагина питрак амакиси шодон ҳайқириқ билан унга отилди.

– Ниҳоят сени кўриб турибман-а, менинг аламдийда қадрдоним!

Жажжи қўлчалари билан Темучинни пайпаслаб, сийпалай кетди. Ўртада кўтарилган ғала-ғовурда ҳеч ким ҳеч кимга таъзим ҳам қилгани йўқ. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди. Амакисининг кулиб тургандек кўринган кўзларида у ўзи кутган ва хаттоки ундан ҳам ортиқроқ нарсаларни англаб олди. Биринчи анлагани унинг қарашидаги қўркув. Шу билан у анча енгил тортиб, елкасидан оғир юк тушгандек бўлди.

Овқат пайтида Дўритой-ўтчигин тинимсиз вайсади. Бир туки йўқ юзини майда ажинлар қоплаган бу одамни кўрганда, бу даврадаги энг бахтиёр киши шу бўлса керак, деб ўйлаш мумкин эди. Хучар, аксинча, кўп гапирмади. Гавдали, тоши оғир ва қора соқолли бу йигит ўзини четроқ олиб, Темучин ва Жамухаларни кузатганча бир нималарни ўйлаб ўтирарди.

– Э, Темучин! – Дўритой-ўтчигин хўрсинди. – Сенинг ғаминг менинг анча умримга завол бўлди. Ҳозир бўлса, сенинг баҳодир йигит бўлганини кўриб туриб, яна ёшараётгандайман... Лекин сен ҳам бизни хафа қилдинг... Меркитларга юриш қилиб, бизни чақирмабсан ҳам. Ахир, биз сенинг энг яқин қариндошларингмиз-ку.

– Буни тузатса бўлади. – Темучин кулгисини яширди. – Мен Тўрғутой-Қирилдуқ турган томонларга отланаяпман. Таклиф қиламан...

– Наҳотки журъат қилсанг? Темучин, кучли бўлиб кетибсан. Сенинг отанг, менинг севимли акам Есугей ҳам худди шунақа эди. Юзинг, ақлинг, жасурлигинг... ҳаммаси билан отангга тортибсан. Ўйлу, мен тўғри гапиряпманми? Ана, кўрдинг... Шунақа экан, нима учун биз ҳам Қирилдуққа қарши бормаслигимиз керак? Хучар, борамизми?

Хучар жавоб беришга шошилмай, минғирлади:

– Балки, борармиз.

– Охирги йиллар Тўрғутой-Қирилдуқдан биз ҳам кўп азият чекдик, – шикоятланди Дўритой-ўтчигин. – Сенга осонроқ эди, Темучин. Сен бўйнингдаги қангани бир муддат кўтариб юрдинг-у, ташладинг. Бизнинг бўйнимиздаги қанга эса ҳалигача ечилгани йўқ.

Темучин амакисининг гапини диққат билан эшитди. Алдаётганмикин ё рост гапираяптими? Ростга ўхшайди. Агар холисанилло фикр юритилса, шунақа бўлиб чиқади. Тўрғутой-Қирилдуқ уларни бўғиб ташлолмаган бўлса-да, кун бермагани рост. Тўрғутой улар учун гўёки улоқчи отга ортилган оғир юкнинг ўзи. Улар бу юкдан халос бўлсалар, хурсанд бўлишлари аниқ. Балки, чиндан ҳам тойчиютлар устига қўшин тортсамикин?

– Хучар, биз билан ошиқ ўйнашга нима дейсан? – кулиб сўради Жамуха.

– Ошиқ? – Ўз хаёлларига берилиб кетган Хучар унинг гапини дарҳол тушунмади. – Ҳа-а... Йўқ, ошиқ ўйнагим йўқ.

– Тўғри қиласан. Яна ютиб қўямиз... Тўрғутой-Қирилдук ҳақидаги гаплар эса, бекор.

– Нимага? – хушёр тортди Темучин.

– Шунинг учунки... Яна эски яраларни тирнашми? Суриштирадиган бўлсанг, кимдир кимдандир жабр кўрган, кимдир кимгадир зулм ўтказган. Хўш, нима бўлаяпти? Бугун биз тил бириктириб олиб, Тўрғутой-Қирилдукнинг адабини берамиз. Эртага кимнинг навбати келади? Йўқ, асилзода нўёнлар, бу йўл ҳалокатга олиб боради. Бу ишда мен сизларга йўлдош бўлолмайман. Қадимги сахро одатлари бўйича яшаш керак, аламини бировдан олиш эмас. Биров бировни ўзига қарам қилмасин. Ҳадеб талашаверсак, ё татарлар, ё найманлар, меркитлар, майли, ким бўлмасин, ўзимизни қул қилиб қўядилар. – Қўлини силтади. – Бошқа гап йўқ...

Жамуханинг бу фикри Темучин учун кутилмаган гап бўлди. Тўғри, Қирилдукқа хужум қилиш тўғрисида шу кунгача гап бўлмаган эди. Лекин эртами, кечми, у тойчиютлар нўёнини Есугей авлодига етказган барча жабру зулмлари учун сўроққа тутиши аниқ ва андаси ҳам бундан бошқача фикрда бўлиши мумкин эмасдай эди. Демак, бу ишда андасига орқа килолмаслиги аён бўлади. Афсус.

– Қадимгидай, қадимгидай... – сўз бошлади Дўритой-ўтчигин хўрсиниб. – Биз жон деб ҳаммаси қадимгидай бўлишини истардик. Аммо Тўрғутой-Қирилдук...

– Бу ёққа кўчиб келсаларингиз ҳаммаси тамом бўлади, қўяди! – Ўтчигиннинг гапини бўлди Жамуха. – Сахро буюк ва кенг, ҳаммага жой етади.

Доритой-ўтчигин индамай қолди. Темучиннинг назарида амакиси Тўрғутой-Қирилдук хузуридан кўчиб келишга унча ҳам кўнгли йўқдай туюлди. Лекин нима учун? Бостириб боришга рози, аммо шунчаки кўчиб келишни хоҳламаяпти. Бунинг тагида не гап бор экан?

– Бурунги бахтиёр даврлар... – яна хўрсинди Доритой-ўтчигин. – Сиз ёшлар ота-боболаримиз удумларини унутмаганингиз қандай яхши. Тўғри, сиз ҳам хатолардан холи эмассиз. Сизлар тойчиютлар улусидаги одамларни ўзларингизга оғдириб оляпсизлар. Балки, мумкин... Аммо мен ва Хучарнинг овулларидаги одамлар ҳам сиз тарафга қочиб ўтаётдилар. Ўлтон, Сача-бекилардан ҳам. Уларнинг ҳаммаси сенинг яқин қариндошларинг, Темучин. Биз сизлардан агар бизнинг қулларимиз келишса, қабул қилмай орқага қайтариб юборинглар, деб илтимос қилгани келдик.

– Фақат шунга келганмидингиз? – сўради Темучин.

Буни у босиқлик билан сўради-ю, аммо ичи қайнаб кетаётган эди. Отасининг улусини тортиб олишган пайтда ҳеч ким қадим одатларни, ҳаттоки энг оддий одамгарчиликни ҳам эсламаган эди-ку. Энди бўлса, буларни қара!..

– Одамларни Темучин қабул қилаяпти, мен эса бунга рози эмасман, – деди Жамуха.

Темучин Жамухага “Ёқтирмаслигингни биламан, лекин сен буни айтмасанг ҳам бўларди, ҳеч бўлмаса, шу топда”, деб бақиришдан ўзини зўрға тўхтаиб қолди.

У ловуллаётган юзини яшириш учун ерга қараб олиб гап бошлади:

– Мен Тўрғутой-Қирилдукнинг улусини у отамнинг улусини тортиб олгандай тортиб олганим йўқ. Ўзимга тегишли нарсаларни найза ва қилич билан ҳам олмоқчи эмасман. – Бу гаплар Жамухага тегишли эди. У бошқа ҳеч кимнинг гапига кўнмаслик учун ҳам Жамуханинг гапига рози бўлаётганди. – Лекин мен отамнинг мулкани қайтариб олиш учун кўлимдан келган ҳамма ишни қилмасам, унинг руҳига хиёнат қилган бўлардим. Мен отамнинг улусига тегишли бўлган одамларнигина қабул қилаяпман. Сен, амаким Дўритой, сен, менинг биродарим Хучар, қайси мулкни ўзларингизники деб ҳисоблайсиз? Сизларнинг овулларингиз ва ундаги ҳамма нарса отамнинг улусининг бир бўлаги-ку.

У бошини кўтарди. Шундоғам тунд Хучарнинг юзидан баттар қон қочди. Дўритой-ўтчигин энди ўзининг айёр кўзларини қисиб турмас, унинг соқолсиз юзи тамом бужмайиб кетган эди. Улар, албатта, буни кутишмаган эди. Йўқ, аслида улар шуни кутишган ва мана шундай бўлиб чиқишидан жуда кўрққан эдилар. Тўрғутой-Қирилдукдан қочиб бу ерга келишни истамаётганларининг сабаби ҳам шу эди. Улар кўчиб келсалар, Темучин ҳаммасини тортиб олади, деб ўйлашган. Агар биргалашиб тойчиютлар устига юриш қилсалар, Темучинга марҳамат қилган бўладилар ва у уларнинг тасарруфидаги, аммо отасига тегишли нарсалар ҳақидан кечади. Ундан ташқари, мағлуб этилган тойчиютлар элидан янги ўлжалар олиш умиди ҳам қариндошларни бу ишга тортиб турарди. Муғомбирлар, айёрлар... Лекин бу ҳақиқатларни уларнинг юзига тўкиб ташлаб, ўзи нимага эришди? Энди улар Темучиндан яхшилик кутиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдилар. Тўрғутой-Қирилдукни кўрарга кўзлари бўлмаса ҳам, энди улар барибир тойчиютлар тарафида бўлишади. Ҳозирча бу кўрқинчли эмас. Лекин ким билади, олдинда уларни нималар кутаётганикин...

Темучин Жамухага қаради. У пайраҳадан тишқовлагич ясаб ўтирар, узун киприкларининг сояси кўзларига тушиб турганидан, унинг кўзларидаги маънони уқиб бўлмасди. Сўнг у онасига қаради. Ўйлун ўчоқ ёнида, қўлида ёғоч чўмич ушлаб турар, юзида акс этган ҳаяжонидан ҳозир ўғлининг ёнини олишга тушиб кетадигандай. Майли, нима бўлса бўлар... Қариндошларининг нияти энди унга маълум. Агар мангу осмон Темучиндан марҳаматини аямай турса, қариндошларини нима қилишини ўзлари ҳам билиб ўтиришибди. Ҳозир бошқачасига гаплашиб олиш ҳам мумкин.

– Мен сизнинг овулингиздан келган одамларни қабул қилавераман. Бошқача қилишим ҳам мумкинми? Тўрғутой-Қирилдук – душманам. Сизлар унинг қўли остидасизлар. Менинг қилар ишим ҳаммага аён. Лекин сизлар ундан кетсангиз, иш бошқача бўлади. Сизлардан битта от ҳам, одам ҳам, қўй ҳам, ҳатто эски арқон ҳам талаб қилмайман. Нимангиз бўлса, ҳаммаси ўзингизда қолади.

– Сенинг ўрнингда отанг ва менинг сеvimли акам бўлганида ҳам худди шу гапни айтган бўларди! – Дўритой-ўтчигиннинг қисик кўзлари атрофида яна майда ажинлар тўпланиб қолди.

Хучар тундлигича гап бошлади:

– Музни эритиш, гапни ўзгартириш мумкин.

– Менинг гапим муз эмас, балки оппоқ тош. Сувда ҳам, ўтда ҳам ўзгармайди. Ундан кейин, калласи бор одам ўзи тушуниб олаверади. Андам ва Тўғорил хоннинг мадади билан менинг чорвам ҳам, ўтовлару

араваларим ҳам ортиғи билан қайтди. Сиздан менга ҳеч нима керакмас. Фақат Тўрғутой-Қирилдуқ отининг думидан тутмасаларингиз бўлди.

Гурунг ярим тунгача давом этди. Тун қоронғисидагина у меҳмонларни ўз ўтовига бошлаб борди. Улар билан хайрлашди-да, ўзи Бўртанинг ўтовига кириб кетди. У мунозаралардан, жаҳолат ва аламлар тазйиқидан чарчаган эди. Андаси Жамуха ҳақ эди: одам ўз ўтмишини, эски аламларини четга суриб ташлаши, унутиши керак экан. Булар жуда ҳам халал беради. Аммо оғриқ ҳали лўқиллаб турган бўлса, уни қандай қилиб четга суриш, унутиш мумкин? Мана, Бўрта ҳам... Унинг олдига кирар экан, қалбида шунақанги алғов-далғовликлар бошланадики, бошини ёриб ташлагиси келади. Меркитлар овулида топишганларининг қувончи ўтиб кетганидан кейин, у ерда қандай яшагани ҳақида суриштира бошладию, дами ичига тушиб кетди. Хотини айтиб берган гапларидан юрагига кизиби турган темир санчилгандай бўлди-ю, шарт ўгирилиб, чиқиб кетди. Ўшандан бери бу ҳақда гап очмас, аммо у билан нималар бўлганини эсидан чиқармас ва ўзини ҳам, Бўртани ҳам нафрат исканжасида азобларди.

Хотинининг ўтовидаги ўчоқда олов алангаланиб турарди. Бўрта ўчоқ олдида ўтириб, силлиқ йўнилган калтак билан қозон ичидаги аллақандай кайнатмани аралаштириб ўтирарди.

- Овқатланасанми?
- Йўқ. Ичишга бир нима бер.
- Қимизми?
- Яхшиси, қатик бера қол.

У олов яқинига келиб ўтирди. Хотини ёғоч косани олиб оловга яқинроқ тутди-да, тозами, йўқми текшириб олди. Мешни ҳам шу ерга тортиб келиб, авайлабгина, бир томчисини ҳам тўкмай, косани тўлдириб унга узатди.

– Сен анавинга ҳам коса тутганмидинг?.. – хириллаб, ўз овозини ўзи ҳам танимай сўради Темучин.

Хотини кўзини ерга тикди, индамайгина косани узатиб тураверди. Коса сал қийшайиб, четидан озгина қаттиқ оқди. Темучин косанинг тагидан бир муштлади. Қатик қалқиб, аёлнинг номрогига тўкилди, коса оловга қараб думалаб кетди. Бўрта кафти билан қатикни артиб олди, косани ердан олиб, қайтадан тўлдирди.

– Темучин, сен мени ўлдириб кўя қолсанг яхши бўларди. Мен иккиқатман, ҳар ҳолда. Ҳатто у сенинг болангми, йўқлигини ҳам билмайман... – Бўрта унга эзилган, соғинган назар билан қаради. – Мен ўзи ўша ёқда ўлиб кетишим керак эди... Аммо яна қайта сени кўргим келди. Бутун айбим шунда...


Темучин унинг қўлидан косани олиб қатиғини ичди-да, кейин ўчоқ тошларига уриб уни чилпарчин қилди ва чиқиб кетди. Овулнинг охириги ўтовларини ҳам четлаб ўтиб, ўзини сахрода кўрди. Осмонда юлдузлар бепарво жимирлаб ётар, гутули остида хас-чўплар шитирлар, қурушқоқ ўтларнинг чирсиллаб сингани эшитиларди. Аввалига у жуда тез юрди, чопди деса ҳам бўлади. Бироқ секин-аста қадамлари сустлашди...

*(Давоми келгуси сонда)*



**Бернард ШОУ**

(1856–1950)



## ҚАЛЬЛАР ПАРЧАЛАНДИГАН ХОНАДОН

*Инглиз мавзусида русча услубда битилган уч  
пардали хаёлий (фантастик) пьеса*

*Рус тилидан  
Муҳаммад ХАЙРУЛЛАЕВ  
таржимаси<sup>1</sup>*

Атоқли адиб Бернард Шоу инглиз тилида ижод қилувчи буюк драматурглар орасида Шекспирдан кейинги иккинчи драматургдир. У 1856 йилда Ирландиянинг Дублин шаҳрида таваллуд топган. Йигирма ёшида Лондонга келган ёзувчи бир умр шу ерда қолади.

Бернард Шоу адабий-ижодий фаолиятини 80-йилларда роман ёзишдан бошлайди ва бирин-кетин “Якка социалист курашчи”, “Кашел Байроннинг касби”, “Бемаъни алоқалар”, “Артистлар муҳаббати” каби романларини чоп эттиради. Биринчи романи – “Думбул” эллик йилдан сўнг нашр қилинади. 1892 йили у дастлабки пьесаси – “Беванинг уйлари”ни ёзади. Кейинги 8 йил мобайнида “Нохуш пьесалар”, “Пуританларга аталган пьесалар”, “Ёқимли пьесалар” деган номлар билан туркумланган турли драматургия жанрларидаги ўн та асари майдонга келади. Айниқса, 1892 йил Америкада сахналаштирилган “Иблиснинг шогирди” пьесаси муаллифга катта шуҳрат келтиради.

Шоунинг кўпгина асарларида талқин этилган долзарб муаммолар ўз аҳамиятини, ҳозиржавоблигини йўқотгани йўқ. Шу боис пьесалари бугун ҳам жаҳоннинг турли театрларида намоён қилиб келинмоқда.

“Қалблар парчаланадиган хонадон” адиб ижодида янги даврни бошлаб берган, ички қарама-қаршиликлардан иборат, мунозарали, энг мураккаб асарларидан бири саналади.

\* Журнал варианты. Манба: Шоу Б. Полн. собр. пьес в 6-и т. Т.4. –Л.: Искусство, 1980.

<sup>1</sup> Муаллифнинг сахна тасвирлари ва изоҳлари қисқартириб таржима қилинди. Ўз фикрини, ниятини кўп сўзли жумлаларда ифода этиш – ўзларини ақли, назокатли, маданиятли кишилар деб билган инглизларга хос услуб. – *Таржимон изоҳи.*

**ҚАТНАШУВЧИЛАР:**

КАПИТАН ШОТОВЕР

ЭЛЛИ ДЭН

МИССИС ХЭШЕБАЙ, ГЕСИОНА – Шотовернинг катта қизи

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД – Шотовернинг кичик қизи

МАДЗИНИ ДЭН – Элли Дэннинг отаси

ГЕКТОР ХЭШЕБАЙ – миссис Хэшебайнинг эри

МЕНГЕН

РЭНДЕЛЛ ЭТТЕРУОРД – Леди Эттеруорднинг қайниси

ЭНАГА

ЎҒРИ

**БИРИНЧИ ПАРДА**

*Кема палубасининг орқа қисмини акс эттирувчи саҳна. Ҳар икки томонда қўшни бинолар билан туташ йўлақлар. Бутун деворлар бўйлаб кемаларнинг иллюминаторларини эслатувчи деразалар. Уларнинг тағларида қатор жавонлар. Сентябрь ойи. Кечки пайт. Чизмачилик столи олдидаги курсида бошига иляпа, эгнига ёмғирнўш кийган навжувон қиз – Элли китоб ўқиб ўтирибди. Деворда осиглик турган каттакон соат кечки олтига бонг уради. Элли ўз билагидаги соатга қараб қўйиб, яна китобга тикилади, аммо кўп ўтмай кўзлари юмулиб, уйқуга кетади. Китоб аста-секин сирғалиб ерга тушади. Кекса Энага киради.*

ЭНАГА. Вой, худойим-эй!

*Элли уйғонади ва китобни ердан қўтариб, столга қўяди.*

Мисс, кечиргайсиз, сизни уйғотиб юбордим, шекилли. Илло, сизни танимаяпман... Кимни кутяпсиз?

ЭЛЛИ. Бу хонадонга таклиф этилганимни биладиган бирон кишини кутяпман.

ЭНАГА. Вой, таклиф этилганмидингиз? Сизга ҳеч ким қарамадим? Вой, худойим!

ЭЛЛИ. Хўмрайган бир чолнинг деразадан қараб: “Энага, мана бу ерда ёшгина, чиройли бир аёл ўтирибди. Келиб, хабар олинг. Не мақсадда ўтирганини билинг-чи”, деганини эшитдим, холос. Энага сиз бўлсангиз керак?

ЭНАГА. Шундай, мисс. Гинесс энага мен бўламан. У эса қари капитан Шотовер, мисс Хэшебайнинг отаси. Қичқирганини эшитдим, лекин бошқа нарса тўғрисида гапиряпти, деб ўйлабман. Сизни, хойнаҳой, миссис Хэшебай таклиф қилган бўлса керак, шундайми?

ЭЛЛИ. Ҳарқалай, мен шундай деб тушунган эдим. Яхшиси, кетақолай.

ЭНАГА. Йўғ-э, нима деяпсиз? Буни хаёлингизга ҳам келтирманг. Миссис Хэшебайнинг эсидан чиққан бўлса, сизни кўриш у киши учун кутилмаган совға бўлади.

ЭЛЛИ. Мени бу ерда ҳеч ким кутмаётганининг ўзи кутилмаган “совға” бўлди.

ЭНАГА. Мисс, ҳали бунақа муносабатларга кўникиб кетасиз. Тартиб-қоидаларимизни билмаган киши учун хонадонимиз кутилмаган воқеаларга бой.



*Йўлакда катта, оппоқ, пахмоқ соқолли, лекин ҳали бақувват қария – капитан Шотовер пайдо бўлади. Эғнида қўш ёқали куртка, бўйнига ҳуштак осиб олган.*

КАПИТАН ШОТОВЕР. Энага, ана у ерда, зинада аллақандай жун рўмол ётибди. Кимдир, ўтган-кетган қоқилиб йиқилсин, деб атайлаб қолдирган, шекилли. Ҳа, айтгандек, теннис ракеткаси ҳам бор. У ерга ташлаб қўйганлари нимаси?!

ЭЛЛИ. Менинг нарсаларим бўлса керак.

КАПИТАН ШОТОВЕР (*чизмачилик столининг олдига келиб*). Энага, адашиб юрган бу ёш хоним ким бўлди?

ЭНАГА. Мисс Гесиона таклиф қилган, деяптилар-ку, сэр.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Нима бало, бу бечорани Гесионанинг мулозаматидан асраб қоладиган биронта қариндоши ё дўсти йўқ эканми? Ҳа, хонадонимиз зўр! Ёшгина, ёқимтойгина ледини таклиф қилишибди-ю, унинг буюмлари зинада сочилиб ётибди. Ледининг ўзи эса чарчаган, очкаган бир ҳолда бу ерда ўтирибди. Буни, бизнингча, меҳмондўстлик, дейди! Одоб! На бирон хона ва на иссиқ сув тайёрлаб қўйилган. Меҳмонни кутиб оладиган бирон бека йўқ. Меҳмон қизимизнинг ҳовуз бўйига бориб ювинишига, айвонда тунашига тўғри келади, шекилли.

ЭНАГА. Йўғ-э. Ҳозир миссга чой келтираман. Чой ичиб бўлгунича хона ҳам тайёр бўлади. (*Эллига қараб*) Азизим, шляпангизни ечиб қўйиб, ўз уйингизда ўтиргандек, бемалол ўтиринг. (*Эшик томон юради.*)

КАПИТАН ШОТОВЕР (*энага унинг ёнидан ўтар экан*). Ҳой, жонгинам! Бу ёш хоним камситилиб, эътиборсиз қолдирилган экан, ўзинг бефаросат қилиб тарбиялаган бебахт фарзандларим билан қандай муомала қилган бўлсанг, у билан ҳам шундай муносабат қилишим мумкин, деб ўйлайсан, шекилли?

ЭНАГА (*Эллига*). Қизим, унга эътибор берманг. (*Вазмин осойишталик билан ичкарига кириб кетади.*)

КАПИТАН ШОТОВЕР. Қизим, марҳамат қилиб айтинг-чи, исмингиз нима? (*Катта тўқима курсига бориб ўтиради.*)

ЭЛЛИ. Менинг исмим Элли Дэн.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Дэн... Бир пайтлари кемамда Дэн деган боцман бўларди, ёрдамчим. Асли денгиз қароқчиси эди. Кейин дўкон очиб, ҳар хил майда-чуйда кема ашёларини сотадиган бўлди. Бу ашёларни мендан ўғирлаб олганлигига етарли далилларим бор. Бойиб кетганлигига шубҳа йўқ. Сиз ўшанинг қизимисиз?

ЭЛЛИ (*ранжиб*). Йўқ. Ҳеч-да! Бу дунёда отамнинг ишлари унчалик юришмаган бўлса-да, ҳеч кимса у ҳақда бирон ножўя гап айта олмайди. Отам – яхши одамларнинг сараси!

КАПИТАН ШОТОВЕР. Батамом ўзгариб кетган бўлиши ҳам мумкин. Мушоҳаданинг еттинчи даражасига ета олдимми?

ЭЛЛИ. Гапингизга тушунмаяпман...

ШОТОВЕР. Илло, кизи бўлатуриб бунга қандай эриша олди? Мен сизга айтсам, иккита қизим бор. Улардан бири сизни бу ерга таклиф қилган Гесиона Хэшебай. Мен хонадонимизда тартиб ва саришталик бўлишига ҳаракат қиламан. У эса ҳаммаёқни ағдар-гўнтар қилиш билан машғул. Мен мушоҳаданинг еттинчи даражасига етишга интиламан. У эса уйга меҳмон чақиради-да, шуғулланишни менга ташлаб қўяди.

*Энага патнисда чой кўтариб келиб, столга қўяди.*

Менинг яна бир қизим бор. Лекин, худога шукрки, ўша тўнка эри билан бирга империямизнинг олис бурчагида истикомат қилади. Кичкиналик пайтида кеманинг манглайидаги ўймакор нақшлар туширилган шаклларни санашни яхши кўрарди. Кемам “Жасур” деб аталарди. Дунёдаги энг ажойиб кемалардан бири эди. Куёв ўша шаклларга ўхшаб кетарди. Ёғочдек ҳиссиз, шу билан бирга тадбиркор қиёфаси ўша тасвирнинг айнан ўзи эди. Қизим шунақа тўнкага эрга тегди. Эндиликда бу хонадонга ҳеч қачон қадам босмайди.

ЭНАГА (*патнис қўйилган столчани катта стол томон суради*). Бекорларни айтибсиз! У айни чоғда Англияда. Сизга, қизингиз келяпти, саломатлигини мустаҳкамлаш учун уйимизда йил бўйи туради, деб шу ҳафтанинг ўзида уч марта айтишди. Жигарбандингиз билан шунча йиллардан кейин дийдор кўришишдан хурсанд бўлишингиз керак, сэр.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Мен эса ҳеч ҳам хурсанд бўлаётганим йўқ. Инсон деган махлуқнинг фарзандига бўлган табиий меҳр муддати – олти йил. Қизим Ариадна туғилганида мен қирқ олти ёшда эдим, ҳозир саксон саккиздаман. Мабодо, келиб қолгудай бўлса – мен уйда йўқман. Бирон нарса зарур бўлса – олаверсин. Мен ҳақимда сўраса, буткул қариб қолган, сени мутлақо эслай олмайди, деб айтинглар.

ЭНАГА. Ёш қиз олдида бу қанақа гап! (*Эллига*) Қани, чойга қаранг. Кулоқ солманг унга. (*Чой қуйиб узатади.*)

КАПИТАН ШОТОВЕР (*жаҳл билан ўрнидан туради*). О-о, парвардигор! Булар нозикниҳол қизга мана бу ҳинд чойини ичиришмоқчи! Ичак-чавоқни ошлайдиган бемаза дамлама-ку бу! (*Чойнак ва финжондаги чойни чарм челаққа ағдаради.*)

ЭЛЛИ (*афсусланиб*). Вой, илтимос... чанқаган эдим... Қаттиқ чарчаганман.

ЭНАГА. Бу нима қилганингиз! Унга қаранг, бечора қиз зўрға ўтирибди.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Мен сизга ўзимнинг чойимдан дамлаб берман. Мана бу пашшага ем бўлган қандга ҳам тега кўрманг. Буни фақат итга бериш мумкин. (*Ҳужрага кириб кетади.*)

ЭНАГА. Қандай одамлигини тушуниб бўлмайди. Капитанлик даражасига эришгунга қадар Зинбарга қалбини иблисларга сотган, деб бекор айтишмайди. Ёши ўтган сари мен бунга кўпроқ ишонапман.

*Ташқаридан аёл кишининг овози эшитилади.*

ОВОЗ. Уйда бирон кимса борми? Гесиона! Энага! Дада! Биронтангиз чиқсангиз-чи! Буюмларни олинглар.

*Гўё кимдир шамсия билан деворга ураётгандек товуи эшитилади.*

ЭНАГА. Вой, худо! (*Эллига*) Бу мисс Эдди. Леди Эттеруорд, миссис Хэшебайнинг сингиси. Мен ҳозиргина капитанга айтган мисс. (*Эшик томонга*) Ҳозир, кетяпман! (*Стolni жойига суриб қўйиб, шошиб ташқарига қараб юради ва леди Эттеруорд билан тўқнашади.*)

*Гоят гўзал, дид билан чиройли кийинган, оққувадан келган Эттеруорд жаҳли чиққан бир кайфиятда кириб келади. Барча ҳаракатлари илдам, шитобли. У шошиб гапиради, бир қараганда, енгилтак бўлиб кўринади, бу – янглиш таассурот.*

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Вой, энага, бу сенмисан. Қалайсан? Ҳеч қаримабсан. Нима, уйда сендан бошқа ҳеч ким йўқми? Гесиона қаерда?

Хизматкорлар қани? Ана у зинада ётган буюмлар кимники? Дадам қани? Ё бари ухлагани ётишганми? (*Эллига эътибор бериб*) Вой, кечирасиз. Жиянларимдан бири бўлсангиз керак-а? (*Кучогини очиб, унга яқинлашади.*) Холангни ўпиб кўй, жонгинам.

ЭЛЛИ. Мен бу ерда меҳмонман, холос. Зинадаги буюмлар меники.

ЭНАГА. Жонгинам. Ҳозир иссиққина чой дамлаб кираман. (*Патнисни кўлига олади.*)

ЭЛЛИ. Кекса жентльмен, чойни ўзим дамлайман, деб чиқиб кетди-ку.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*энагага*). Дадамларни айтяптими?

ЭНАГА (*вазминлик билан*). Ҳа, мисс.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*жаҳли чиқиб*). Тентак бўлма, энага, мени “мисс” деб чакира кўрма.

ЭНАГА. Хўп бўлади, жонгинам. (*Патнисни олиб, чиқиб кетади.*)

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*шитоб билан бориб, диванга ўтиради*). Сиз бу ерда ўзингизни қандай ҳис қилаётганингизни тасаввур этиб турибман. Эҳ, бу хонадон, бу хонадон! Мен бу ерга йигирма уч йил деганда энди келиб турибман. Бу хонадон ҳамон ўшандай: зинада буюмлар сочилиб ётибди; хизматкорлар чидаб бўлмайдиган даражада бебош бўлиб кетишган; уй кимсасиз; меҳмонларни кутиб оладиган бирон одам йўқ; овқатланиш учун маълум вақт белгиланмаган; ҳеч кимнинг овқатлангиси ҳам йўқ, негаки, ҳамма ҳамиша ё сариёғ билан нон, ё олма кавшаб кетаверишади. Энг даҳшатлиси шуки, бу ердаги кишиларнинг гап-сўзлари, ўй-фикрлари, ҳис-туйғуларида ҳам ўша бўшлиқ, ўша бесаранжомлик. Қизалоклик чоғимда бу ердаги ҳолатдан бошқа нарса кўрмаганим учун бўлса керак, мен буларни сезмаганман. Лекин ўзимни бахтсиз деб билардим. Ўша вақтдаёқ ҳақиқий леди бўлишни, бу ҳақда ўйламаслик учун бошқалардек яшашни жуда-жуда истардим. Ўн тўққиз ёшимда, нима бўлса-да, бу ердан узокроқ кетиш учун турмушга чиқдим. Эрим сэр Гастинг Британия қироллигининг барча колонияларида навбат билан губернатор бўлган. Мен ҳамиша ҳукумат қароргоҳининг бекаси бўлиб келганман. Бахтли эдим. Одамларнинг бундай яшашлари мумкинлигини эсимдан чиқариб қўйганман. Аммо отамни, опамни, жиянларимни кўргим келди. Бунинг қанчалик ёқимлилигини ўзингиз билсангиз керак. Ҳа, буни орзу қилардим. Энди ота-онамнинг уйини мана бундай аҳволда кўриб турибман! Қари энагамиз Гинесснинг сурбетлигини айтмайсизми! Гинесс уйда бўлиб турса, мен учун бирор нарса ҳозирлаб қўйса бўлмасмиди? Очик гапирганим учун мени кечиринг. Лекин ростдан ҳам кайфиятим бузилди. Хафа бўлдим. Улардан кўнглим қолди. Бундай бўлишини билганимда асло келмаган бўлардим. Айни пайтда уларга бирон сўз айтмасдан, шартта ўгирилиб чиқиб кетсамми, деган ниятим ҳам йўқ эмас. (*Йиғлагудек ҳолатга тушади.*)

ЭЛЛИ (*маъюсланиб*). Мени ҳам ҳеч ким кутиб олгани йўқ. Мен ҳам жўнаб қолсамми, деб турибман. Лекин қандай қилиб, леди Эттеруорд? Буюмларим зинада ётибди, извош аллақачон жўнаб кетган...

*Капитан Шотовер хужрадан чиройли чой идишлари терилган патнис кўтариб чиқади. Уни аввал стол чеккасига қўяди, сўнг столдаги чизмачилик тахтасини олиб, столнинг оёқларига суяб қўяди, ана шундан кейин патнисни ўртага суради. Элли шошиб финжонга чой қўяди.*

КАПИТАН ШОТОВЕР. Мана сизга чой, ёш леди! Вой тавба, яна бир хоним пайдо бўлибдими? Демак, яна битта финжон келтириш керак. (*Эшик томон ўгирилади.*)

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*дивандан туриб, қаттиқ ҳаяжонда*). Дада, нима, мени танимаяпсизми? Қизингизман-ку!

КАПИТАН ШОТОВЕР. Бўлмаган гап. Менинг қизим тепада ухлаб ётибди. (*Чиқиб кетади.*)

*Леди Эттеруорд кўз ёшларини кўрсатмаслик учун дераза олдига бориб туради.*

ЭЛЛИ (*финжонни кўтариб, унинг ёнига боради*). Хафа бўлманг. Мана, чой ичиб олинг. Ўта ғалати одам экан. У мени ҳам мана шунақа тарзда кутиб олди. Тушунаман, бу даҳшат. Ишончим комилки, отангиз атайлаб қилгани йўқ буни.

*Капитан Шотовер финжон кўтариб, қайтиб киради.*

КАПИТАН ШОТОВЕР. Мана энди ҳаммага етади. (*Финжонни патнисга қўяди.*)

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*жиғибийрон бўлиб*). Дада, мутлако унутиб юборган бўлишингиз мумкинмас! Мен – Ариаднаман. Кичкина Пэдди Пэткинс. Наҳот қизингизни кучиб ўпишни ҳам лозим кўрмасангиз?! (*Унинг бўйнига осилади.*)

КАПИТАН ШОТОВЕР (*совуққонлик билан*). Ариадна бўлишингиз мумкин эмас. Сиз, хоним, анча ёшга бориб қолган аёлсиз. Ташқи киёфангизни яхши сақлаб қолгансиз, лекин ёш эмассиз.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Дада, мени неча йил кўрмаганингизни эсланг. Ахир, ҳамма қатори мен ҳам улғайишим керак-ку.

КАПИТАН ШОТОВЕР (*унинг қучоғидан чиқиб*). Ҳа, ёшингиз анчага бориб қолганини ҳисобга олиб, бегона эркакларга осилишга барҳам берадиган вақтингиз келган. Балки улар мушоҳада қилишнинг еттинчи даражасига етишга интилаётгандирлар.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Мен сизнинг қизингизман-ку! Мени шунча йиллар давомида кўрмагансиз!

КАПИТАН ШОТОВЕР. Ҳа, балли, шундай экан... Туғишганларимиз уйда бўлганларида уларнинг хислатларини эслаб яшаймиз, акс ҳолда чидаб бўлмайди. Улар уйда бўлмаган тақдирда эса бадкор хусусиятларини хотирлаш билан ўзимизни овутиб, айрилиққа бардош берамиз. Шундай қилиб олисдаги қизим Ариаднани ўтакетган малъун, дейишга ўрганиб қолганман. Хуллас, сизнинг қизингизман, деб меҳр қозонишга уринманг. (*Шитоб билан хонанинг бир чеккасига қараб юради.*)

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Меҳр қозониш... Йўқ, бу энди... (*Такаббуруна*). Жуда соз! (*Чизмачилик столи олдига ўтириб, ўзига чой қўяди.*)

КАПИТАН ШОТОВЕР. Мен хонадон соҳиби сифатида ўз вазифамни ёмон бажаряпман, шекилли. Дэн эсингиздами? Вилли Дэн?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Сизни тунаб кетган ўша ифлос матросни айтаяпсизми?

КАПИТАН ШОТОВЕР (*Эллини таништириб*). Ўшанинг қизи. (*Диванга ўтиради.*)

ЭЛЛИ. Йўқ, бекор гап!

*Энага чойнак кўтариб киради.*

КАПИТАН ШОТОВЕР. Мана бу бемаза ичимлигингизни кўзимдан йўқотинг! Эшитаяпсизми?

ЭНАГА. Ростдан чой дамлагансиз, шекилли. (*Эллига*) Сизни эсидан чиқариб қўймабди-да, а? Капитанга ёқиб қолдингиз.

КАПИТАН ШОТОВЕР (*хўмрайиб*). Ёшлик! Гўзаллик! Покизалик! Мана шулар етишмайди бизнинг хонадонда. Мен мункайиб қолган қарияман, Гесиона, айтайлик, нисбатан ёш. Унинг фарзандлари эса болага ўхшамайди.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Бу уйда болалар қандай қилиб бола ҳолида қолиши мумкин? Тилимиз чикмасданоқ турли ғояларни миямизга қўйиб қўясизлар. Бу ғоялар одобли, бамаъни кишилар учун эмас, эллик ёшга бориб қолган файласуфлар учун мақбул.

ЭНАГА. Мисс Эдди, эсимда, сиз илгарилари ҳам одоб ҳақида кўп гапирардингиз.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Энага, шуни яхши эслаб қолингки, мен мисс Эдди ҳам, кизалоқ ҳам, жажжигина қиз ҳам эмас, леди Эттеруордман!

ЭНАГА. Яхши, жонгинам. Ҳаммага сизни миледи деб чақирришни тайинлаб қўяман. (*Вазмин осойишталик билан патнисни олиб чиқиб кетади.*)

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Шу ҳам қулайлик бўлди-ю! Хонадонда бунақа имиллаб юрадиган бесўнақай хизматкорни тутишдан не фойда?

ЭЛЛИ (*ўрнидан туриб, бўш финжонни столга қўяди*). Леди Эттеруорд, сиз нима деб ўйлайсиз, миссис Хэшебай мени ростдан ҳам кутяптими ё йўқми?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Э-э, сўраманг. Ўзингиз кўриб турибсиз, мен йигирма уч йиллик айриликдан сўнг ҳозиргина кириб келдим. Ягона синг-лисиман. Лекин, маълум бўлдики, бу ерда мени ҳам ҳеч ким кутмаган.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Ёш ледини кутишганми, йўқми, бунинг нима аҳамияти бор? Унинг бу ердалигидан мамнунмиз. Каравот бор, овқат етарли. Унга хонани ўзим тайёрлаб бераман. (*Эшик томон юради.*)

ЭЛЛИ (*уни тўхтатмоқчи бўлиб ортидан юради*). Тўхтанг, шошманг. Илтимос...

*Капитан Шотовер чиқиб кетади.*

Леди Эттеруорд, нима қилишга ҳам ҳайронман. Отангиз ўзини тунаб кетган ўша матрос менинг дадам эканига ишончи комил, шекилли.

ЛЕДДИ ЭТТЕРУОРД. Энг яхшиси, буни сезмагандек бўлиб юраве-ринг. Отам ўта ақлли одам, лекин ҳамиша ҳамма нарсани унутиб юради. Қариган чоғи хотираси янада заифлашган, албатта. Шуни ҳам айтиш керакки, баъзида бирон нарсани ростдан ҳам унутиб қўйганига ишониш қийин.

*Миссис Хэшебай елиб кириб, Эллини қучоқлайди. У леди Эттеруорддан бир ё икки ёш катта бўлиб, унга нисбатан ҳатто гўзалроқ. Эғнида қора духобадан тикилган чиройли халат.*

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Элли! Жонгинам! (*Уни ўнади.*) Кўп бўлдим келганингизга? Мен ҳамиша уйдаман. Хонангизни тартибга келти-риб, гуллар олиб кириб қўйдим. Кейин бир нафасга у ёқ-бу ёққа қараб ўтириб, пинакка кетиб қолибман. Дадам уйғотиб, сизнинг келганингиз-ни айтди. Ҳеч ким кутиб олмаганидан ва бу ерда якка ўзингиз ўтириб қолганингиздан ранжиб, нималар деб ўйлаганингизни тасаввур қилишим мумкин. (*Яна ўнади.*) Бечора кизалоқ! (*Эллини диванга ўтқазади.*)

*Леди Эттеруорд уларнинг эътиборини ўзига қаратиш учун олдинга юради.*

Вой, бир ўзингиз келмаганмидингиз?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Гесиона, ростдан ҳам мени танимаяпсанми?  
МИССИС ХЭШЕБАЙ (*назокат билан*). Йўғ-е, чехрангиз танишдек.  
Лекин қаерда учрашганмиз?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Наҳот дадам мени шу ерда, деб айтмаган бўлса?  
Йўк, бу энди ҳаммасидан ошиб тушди! (*Ўзини креслога ташлайди.*)

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Дадамми?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Ҳа, дадам. Дадамиз! Ярамас, ҳиссиз кўғирчоқ!  
(*Ғазабнок бўлиб ўрнидан туради.*) Ҳозирок меҳмонхонага кетаман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*уни елкасидан қучиб*). Вой, худойим! Қудратли тангрим! Наҳот бу Эдди бўлса?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Ҳа, бу – мен, Эдди. Агар мени жиндек яхши кўрганингда танимай қолган бўлишинг мумкин эмасди. Шунчалик ўзгариб кетмаганман-ку. Дадам эса ҳатто менинг келганлигимни сенга айтишни лозим топмабди.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Қизиқ хангома! (*Синглисини қучиб, бағрига босиш ўрнига уни кресло сари итаради.*) Ўтир. Лекин кўринишинг аъло! Янада гўзаллашиб кетибсан. Элли билан танишиб олган бўлсанг керак? Ҳақиқий миллионерга, хомсемиз, бесўнақай бир одамга турмушга чикмоқчи. Черков сичконидек камбағал бўлиб қолган отасини асраб қолиш учун ўзини қурбон қилмоқчи. Уни бу ниятидан қайтариш учун менга кўмаклашишинг лозим.

ЭЛЛИ. Кўйинг, Гесиона, илтимос.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Жонгинам, ўша шахс бугун отангиз билан бирга бу ерга келиб, сизга хушомад қила бошлайди. Қарабсизки, ўн дақиқа ўтар-ўтмас ҳаммаси аён бўлади-қолади. Шундай экан, буни сир тутмоқ не даркор?

ЭЛЛИ. У ҳеч ҳам ёмон одам эмас, Гесиона. Унинг отамга қанчалар меҳрибонлик қилганини билмайсиз. Мен у кишидан ғоят миннатдорман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*энди леди Эттеруордга мурожат қилади*). Эдди, Эллининг отаси ажойиб одам. Исмлари Мадзини Дэн. Мадзини машхур одам бўлган. Эллининг бувиси ва бобоси билан яхши таниш. Улар Браунинг каби шоир бўлишган... Эллининг отаси, яъни Дэн туғилганида, Мадзинининг шахсан ўзи: “Мана, яна бир озодлик курашчиси!” деб, унга Мадзини исмини кўйган. Озодлик учун у ўзича курашиб келмоқда, шу боис ҳам камбағал.

ЭЛЛИ. Отамнинг камбағаллиги билан ғурурланаман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Ҳа, албатта, жонгинам. Шундай экан нега уни камбағаллигича қолдириб, бошқа, ўзингиз севган кишига турмушга чикмайсиз?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*ўзини тутолмай санчиб ўрнидан туриб кетади*). Гесиона, сен мени ўпасанми, йўқми?

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Бунинг сенга нима зарурияти бор?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Опа-сингилмиз, йигирма уч йил дийдор кўришмадик. Шундай экан, синглингни ўпиб кўйсанг бўларди.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Эртага эрталаб ўпаман, азизим. Пардоз-андоз қилишингдан олдин ўпаман... Упа ҳидига тоқатим йўк.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Тошбағир...

*Эшик бўсағасида Мадзини Дэн билан Гектор пайдо бўлишади. Гектор Мадзинини олдинга ўтказади, унинг орқасидан ўзи киради.*

МАДЗИНИ. Қанақа ғаройиб-а! Элли, қизалоғим! Мистер Хэшебай ҳозиргина менга шунақа бир ғаройиб...

ЭЛЛИ. Эшитганман. *(Хонанинг иккинчи томонига ўтиб кетади.)*

ГЕКТОР *(унинг орқасидан юриб)*. Йўқ, бунинг сиз ҳали эшитмагансиз. Тушки овқатдан сўнг гапириб бераман. Сизга маъқул бўлади, деб ўйлайман. Тўғриси айтсам, бунинг мен сиз учун тўқиганман. Гапириб бераман, деган ниятда эдим. Лекин, афсуски... Майли, сиз бўлмасангиз, отангизга...

ЭЛЛИ *(орқага чекиниб, нафрат билан, лекин осойишта оҳангда)*. Мехнатингиз зое кетмабди. Отам сизга ишонади. Мен ишонмаган бўлардим.

МАДЗИНИ *(хайрихоҳлик билан)*. Қизимнинг табиати шунақа калтисроқ, мистер Хэшебай. Аслида бунақа фикрда эмас. *(Китоб жа-вонининг олдига бориб, уларга разм солади.)*

*Ташқаридан Босс Менген, унинг орқасидан капитан Шотовер киришади. Менген, черковгами ёки расмий бир йиғингами отлангандек, башанг кийинган. Ёши эллик бешиларда, юзи рангпар, қарашилари бежо.*

КАПИТАН ШОТОВЕР *(миссис Хэшебайни янги меҳмон билан таништиради)*. Исмингиз Менген деяпти. Ҳарбий хизматга яроқсиз.

МИССИС ХЭШЕБАЙ *(алоҳида тавозе билан)*. Хуш келибсиз, мистер Менген.

МЕНГЕН *(унинг қўлини қисиб)*. Ғоят хурсандман.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Дэн ўзининг барча мускулларидан халос бўлибди. Лекин, бунинг эвазига руҳан тетик бўлиб қолибди. Алкаголь безгагини уч марта бошидан кечирган одамнинг... *(Чиқиб кетади.)*

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Мистер Дэн, табриклайман.

МАДЗИНИ *(хайрон бўлиб)*. Нима деяпти, мен спиртли ичимликларни бир умр оғзимга олган одам эмасман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Дадам нимани хоҳласа, шуни гапираверишига қанчалик имкон берсангиз, шунча қулоғингиз тинч бўлади.

МАДЗИНИ. Бўхтон-ку бу!

МИССИС ХЭШЕБАЙ *(Менгенга қараб)*. Мистер Менген, эрим билан танишмисиз? *(Гекторга ишора қилади.)*

МЕНГЕН *(Гекторга қўлини узатиб)* Ғоят хурсандман. *(Эллига мурожаат қилади.)* Йўлдан унчалик чарчаб келмаган бўлсангиз керак, деб ўйлайман. *(У билан қўл бериб кўришади.)*

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Гектор, мистер Дэнга хонасини кўрсатгин.

ГЕКТОР. Ҳа, албатта. Мистер Дэн, юринг. *(Мадзинини бошлаб чиқиб кетади.)*

ЭЛЛИ. Гесиона, ҳали менга хонамни кўрсатмадингиз.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Вой, худойим-эй, нақадар тентакман, юринг. Мистер Менген, марҳамат қилиб, ўз уйингиздек ҳис этинг. *(Ичкарига қараб)* Дада, мистер Менгенга уйимизни кўрсатинг. *(Элли билан бирга чиқиб кетади.)*

КАПИТАН ШОТОВЕР *(киради)*. Дэннинг қизига уйланмоқчимисиз? Бундай қила кўрманг. Ўта қарисиз.

МЕНГЕН *(ҳанг-манг бўлиб)*. Шунақа, денг! Капитан, тўсатдан бунингиз нимаси!

КАПИТАН ШОТОВЕР. Ҳақиқат-ку бу.

МЕНГЕН. Элли бунақа деб ўйлаётгани йўқ.

КАПИТАН ШОТОВЕР. У ҳам айна шундай фикрда.

МЕНГЕН. Ёшлари мендан каттароқ кишилар ҳам...

КАПИТАН ШОТОВЕР (*унинг гапни давом эттириб*). Аҳмоқ бўлиб қолишган. Бу ҳам ҳақиқат.

МЕНГЕН (*асабийлашиб*). Нима учун сиз, бу ишларга аралашингизга ҳақлиман, деб ўйлайсиз, тушунмаяпман.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Бунга ҳар қандай киши аралашини лозим. Бундай вазиятларда осмондаги юлдузлар ҳам титраб кетади.

МЕНГЕН. Шунга қарамай мен унга уйланаман.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Қаёқдан била қолдингиз буни?

МЕНГЕН (*ўзини иродали, қатъий табиатли киши қилиб кўрсатишига уриниб*). Мен шундай қилмоқчиман. Шунга қарор қилдим. Тушунарлими? Мен ҳеч қачон бирор ишга қарор қилиб, уни охирига етказмай чала қолдирган эмасман. Шунақа одамман. Капитан, сиз буни жиддий равишда англаб олсангизгина, биз бир-биримизни яхши тушуна оламиз.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Кинематографияни яхши кўрар экансиз!

МЕНГЕН. Балки. Буни сизга ким айтди?

КАПИТАН ШОТОВЕР. Экрандаги кўғирчоқдай эмас, одамга ўхшаб гаплашар экансиз. Бир йилда юз минг даромад кўраман, демоқчисиз.

МЕНГЕН. Мен бу билан мақтанмайман. Лекин йилига юз минг ишлаб топадиган кишини учратсам, унинг қаршисида шляпамни ечиб, кўлини қисаман ва уни, оғайни, дейман.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Демак, сизнинг ҳам бир йиллик даромадингиз – юз минг. Шундайми?

МЕНГЕН. Йўқ, мен бунақа демаган бўлардим. Эллик минг, бу – бошқа гап.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Демак, ярим оғайни. (*Одатдаги кескинлик билан терс ўгирилиб, столдаги финжонларни йигиштира бошлайди.*)

МЕНГЕН (*асабийлашиб*). Менга қаранг, капитан, мен бу хонадонда ўзимнинг кимлигимни билолмай қолдим. Мен қизингизнинг таклифи билан келган эдим. Айтинг-чи, мен унинг уйдаманми ё...

КАПИТАН ШОТОВЕР. Сиз осмон остида, парвардигорнинг паноҳидасиз. Бу деворлар орасида нимаики ростакам бўлса, ташқарида ҳам шундай. Хоҳ денгизга боринг, хоҳ тоққа чиқинг, водийга тушинг – барибир, у қиз сиз учун ўта ёш.

МЕНГЕН (*бўшашиб*). Ёшим эликдан озгина ошган, холос.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Тўғрироғи, олтмишга озгина етмайди. Босс Менген, денгиз қароқчисининг қизига уйланмайсиз. (*Патнисни кўтариб, омбор томон юради.*)

МЕНГЕН (*унинг орқасидан юриб*). Қанақа қароқчи? Нималар деяпсиз?

КАПИТАН ШОТОВЕР (*ичкарида туриб*). Элли Дэнни айтяпман. Сиз унга уйланмайсиз.

МЕНГЕН. Ким менга халал бера олади?

КАПИТАН ШОТОВЕР (*омбордан чиқиб*). Қизим. (*Ташқарига чиқиладиган эшик томон юради.*)

МЕНГЕН (*унинг орқасидан эриб*). Миссис Хэшебайми? У мени шу мақсадда чақирган, демоқчимисиз?

КАПИТАН ШОТОВЕР (*тўхтаб, унга ўгирилади*). Мен унинг кўзларидан уккан нарсамни биламан, холос. Ҳа, у ростдан ҳам шунга эришади. Менинг маслаҳатимга кулоқ солинг: вест-индиялик ҳабаш



аёллардан бирига уйланинг. Хотин қилсанг арзийдиган аёллар улар. Ўзим ҳам қачонлардир ҳабаш аёл билан икки йил яшаганман.

МЕНГЕН. Жин урсин!

КАПИТАН ШОТОВЕР. Уриб бўлган! Бир пайтлари мен ҳам бировларнинг тузоғига илинган эдим. Ўша ҳабаш аёл қутқариб қолди.

МЕНГЕН (*чорасиз бир ҳолатда*). Қизиқ тарих экан. Ростини айтсам, аллақачон бу ердан кетишим керак эди.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Нима учун?

МЕНГЕН. Биласизми, сизнинг гаплашиш услубингиз унча-мунча одамга ёқмайди.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Бўлмаган гап. Одатда жанжаллар бошқача услубда гаплашишдан келиб чиқади. Мен билан ҳеч ким ҳеч қачон жанжаллашган эмас.

*Эшикдан дид билан кийинган, ўзини туттиш услуби Вест-Энду табақасига мансуб бўлган Рэнделл кириб келади. Дастлаб ёш, ёқимли, бўйдоқ йигит сифатида кўринса-да, кейинчалик камида қирқ ёшдан ошгани маълум бўлади.*

РЭНДЕЛЛ. Бунақа, тасодифан, сўрамасдан кириб келганим учун узр сўрайман. Гап шундаки, эшик қоқадиган болғача йўқ экан. Қўнғироқ эса, янглишмасам, ишламайди.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Болғачанинг сизга нимага кераги бор? Қўнғироққа нима зарурият? Эшикларимиз очиқ.

РЭНДЕЛЛ. Ҳа, балли. Шунинг учун ҳам тўғри кириб келаверишга журъат этдим...

КАПИТАН ШОТОВЕР. Яхши қилибсиз. Ҳозир сизга бирон хона топиб бераман. (*Эшик томон юради.*)

РЭНДЕЛЛ (*уни тўхтатиб*). Менинг кимлигимни билмасангиз керак, деб ўйлайман.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Наҳот менинг ёшимдаги кишилар одамларни табақаларга ажратиб муомала қилишади, деб ўйласангиз? (*Чиқиб кетади.*)

*Менген билан Рэнделл бир-бирига қараб туриб қолишади.*

МЕНГЕН. Бу, капитан Шотовер ғалати одам экан.

РЭНДЕЛЛ. Ҳа, ростдан ғалати одамга ўхшайди.

КАПИТАН ШОТОВЕР (*ташқаридан туриб қичқиради*). Гесиона! Яна биттаси келди. Хона керак унга. Ўзига бино қўйган, олифта. Эллик ёшларга бориб қолган.

РЭНДЕЛЛ. Гесионанинг нима деб ўйлашини фараз қиляпман. Ижозатингиз билан сўрасам, сиз ҳам шу оиланинг аъзосимисиз?

МЕНГЕН. Йўқ.

РЭНДЕЛЛ. Мен эса қайси бир маънода қариндошман.

*Миссис Хэшебай киради.*

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Хуш келибсиз. Келганингиз қандоқ яхши.

РЭНДЕЛЛ. Сиз билан танишишдан ғоят хурсандман, Гесиона. (*Уни ўпади.*)

*Эшик олдида капитан Шотовер пайдо бўлади.*

Капитан, қизингизни ўпганим учун мени кечиринг. Мен сизга айтсам...

КАПИТАН ШОТОВЕР. Бехуда гап! Қизимни ҳамма ўпади. Ўпаверинг. Истаганингизча ўпаверинг. (*Омбор томон юради.*)

РЭНДЕЛЛ. Миннатдорман. Капитан, бир дақиқа.

*Капитан Шотовер тўхтаб, унга ўгирилади. Рэнделл унинг ёнига боради.*

Балки ёдингиздадир. Унутган бўлишингиз ҳам мумкин. Ахир, орадан кўп йиллар ўтиб кетди. Кичик қизингиз Гастингс Эттеруордга турмушга чиққан эди.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Эсимда. Қизим, бу уйдан кетиш учун ҳар қандай одамга турмушга чиқишга розиман, деган эди. Сизни танитай қилишим ҳам мумкин эди. Каллангиз энди ёнғоққа ўхшамайдиган бўлибди. Илвираб қолибсиз. Кўп йиллар давомида нонга қўшиб, сутга солиб қайнатишганга ўхшайди. Одатда аёллар ўз эрларини шунақа қилишади. Бечора! *(Омборга кириб кетади.)*

МИССИС ХЭШЕБАЙ *(Рэнделлнинг олдига келиб, унга синовчан нигоҳ ташлайди)*. Сизнинг Гастингс Эттеруорд эканингизга ишонмайман.

РЭНДЕЛЛ. Йўқ, мен у эмасман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Шундай экан, мени ўпишга қандай журъат қилдингиз?

РЭНДЕЛЛ. Сизни жудаям ўпгим келди. Гап шундаки, мен Гастингс Эттеруорднинг номақбул укаси Рэнделл Эттеруорд бўламан. У уйланган пайтда мен чет элда эдим, элчихонада хизмат қилардим.

*Хонага елиб леди Эттеруорд кириб келади.*

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Гесиона, менинг хонамдаги жавоннинг калити қаёқда? Бриллиантларимнинг барини сумкамда олиб келган эдим. Уларни яшириб қўймоқчиман. *(Рэнделлни кўриб лол бўлиб, туриб қолади.)* Рэнделл, бу ерга келишга қандай журъат этдингиз? *(Унга қараб юради.)*

*Миссис Хэшебай диванга, Менгеннинг ёнига бориб ўтиради.*

РЭНДЕЛЛ. Нимага журъат этибман? Ноўрин ҳеч нарса қилганим йўқ-ку.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Менинг бу ердалигимни сизга ким айтди?

РЭНДЕЛЛ. Кларижейларникига борган эдим. Сизнинг бу ёққа жўнаб кетганингизни эшитдим-у, келавердим. Кўринишингиз зўр.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Мен билан бунақа гаплашманг.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Нима бўлди, Эдди?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД *(ўзини бироз босиб олиб)*. Ҳеч нарса. Лекин таклиф этилмасдан бу ерга келиб, дадамни безовта қилиш – беодоблик. *(Дераза раҳига бориб ўтиради ва жаҳл билан тесқари ўгирилиб олади. Богда сайр қилиб юришган Гектор билан Эллини кузатади.)*

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Мистер Менген билан таниш эмассан, шекилли?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД *(Менген томонга қараб, совуққина бош илгайди)*. Кечирасиз *(Рэнделлга ўгирилиб)*, Рэнделл, сиз кайфиятимни бузиб, мени ўнғайсиз ҳолатга солиб қўйдингиз.

МИССИС ХЭШЕБАЙ *(Менгенга)*. Леди Эттеруорд. Синглим.

МЕНГЕН. Танишганимдан ғоят бахтлиман, леди Эттеруорд.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД *(янгича бир қизиқиши билан)*. Боғда мисс Дэн билан сайр қилиб юрган жентльмен ким бўлди?

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Билмадим. Ўн дақиқа аввал эрим билан қаттиқ айтишиб қолган эди. Яна бошқа бирон кимса келганини кўрганим йўқ. Янги меҳмон бўлса керак. *(Дераза олдига бориб, ташқарига қарайди.)* Бу – Гектор-ку. Демак, ярашиб олишибди.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Эрим дейсанми? Ўша хушсурат жентльмен-а? МИССИС ХЭШЕБАЙ. Ҳа-а. Нега энди менинг эрим хушсурат бўлмаслиги керак?

РЭНДЕЛЛ (*уларнинг ёнига келиб*). Эрлар ҳеч қачон чиройли бўлишмайди, Ариадна (*Леди Эттеруорднинг ўнг томонига ўтиради.*)

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Опа-сингилларнинг эрлари эса, мистер Рэнделл, чаккимас-а?

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Бачкана бўлманг, Рэнделл! Гесиона, сен ҳам ундан қолишмайсан.

*Ўнг томондаги эшикдан Элли билан Гектор киришади. Рэнделл ўрнидан туради. Элли бурчакка, омбор томонга қараб юради, Гектор олдинга ўтиб кетади. Миссис Хэшебай ўрнидан туради.*

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Гектор, бу – Эдди.

ГЕКТОР (*таажжубланиб*). Йўғ-э, шу ледими? Бўлиши мумкин эмас.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД (*жилмайиб*). Нега бўлиши мумкин эмас?

ГЕКТОР (*ўткир нигоҳ ташлаб*). Менинг тасаввурим бошқача эди... Кечиргайсиз, леди Эттеруорд. Сизни ниҳоят ўз кулбамизда муборакбод қилганимдан гоят бахтиёрман. (*Унга қўлини узатади.*)

МИСС ХЭШЕБАЙ. Ўпишингга илҳақ бўлиб турибди.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Гесиона! (*Лекин жилмайишида давом этади.*)

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Уни Эдди деб чақиравер. Яхши почча сифатида уни ўпиб кўй. Ортиқча мулозаматларни йиғиштиринглар.

ГЕКТОР. Гесиона, одаб сақласанг-чи. Леди Эттеруорд бу хонадонда меҳмондўстлик билан бирга самимий мулозаматга лойиқ.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Ташаккур, Гектор.

*Дўстона қўл олишади. Дераза ёнидан ўтиб кетаётган Мадзини Дэн кўринади, омбордан капитан Шотовер чиқиб келади.*

КАПИТАН ШОТОВЕР (*Эллига мурожаат қилади*). Отангиз ювиниб бўлди.

ЭЛЛИ (*вазминлик билан*). Дадам тез-тез ювиниб туришни хуш кўрадилар.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Ғалати ўзгариш. Омборхонанинг деразасидан кўриб турдим.

*Ўнг томондаги эшикдан жилмайган ҳолда Мадзини Дэн киради ва Менген билан Хэшебайнинг ўртасида тўхтади.*

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*таништириб*). Мистер Мадзини Дэн, (*леди Эттеруордга ишора қилиб*) леди Этте... Вой, эсим курсин, сизларни таништирганим мутлақо ёдимдан кўтарилибди.

МАДЗИНИ (*Эллининг қўлини кафтига олиб*). Мисс Ден билан ҳам учрашганмиз. (*Кулиб*) Бу менинг қизим!

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Ҳа, албатта!

РЭНДЕЛЛ (*тавозе билан Мадзинининг қўлини олиб*). Мен леди Эттеруорднинг қайниси бўламан. Мистер Дэн, сиз билан танишганимдан мамнунман.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Бу менинг эрим.

ГЕКТОР. Азизим, бизни таништиришга ҳожат йўқ, биз танишмиз. (*Катта курсининг ёнига боради.*) Леди Эттеруорд, балки ўтирармиз?

*Леди Эттеруорд ўтиради.*

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Кечирасизлар. Таништиришни жиним суймайди. Гўё “чиптангизни кўрсатинг”, дегандек гап.

МАДЗИНИ (*ақл ўргатаётгандек*). Бундоқ олиб қарасангиз, бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Гап бизнинг кимлигимизда эмас, нималигимизда.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Ҳа-а. Олайлик, масалан, сиз нимасиз?

МАДЗИНИ (*эсанкираб*). Мен нимаман?

КАПИТАН ШОТОВЕР. Ўғрими, денгиз қароқчисими? Қотилми?

МАДЗИНИ. Сизни қаттиқ ишонтириб айтаман, адашяпсиз.

КАПИТАН ШОТОВЕР. Авантюристнинг ҳаёти. Бу эса нималарга олиб келиши мумкин? Басавлатликка. Қизингиз чинакам леди. Нутқи, ўзини тутиши – ҳаммаси марказдаги тарғиботчиларга хос. Буларнинг бари биз учун ибрат бўлиб қолсин. (*Боққа чиқиб кетади.*)

МАДЗИНИ. Бу ердагилар менинг ўғри, денгиз қароқчиси, қотил эмаслигимга ишонсалар керак, деган умиддаман. Миссис Хэшебай, кечирасиз, бир нафасга чиқиб кетаман. У киши билан бу англашилмовчиликни ҳал қилишим керак. (*Капитан ШотOVERнинг орқасидан чиқиб кетади.*)

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*унинг орқасидан*). Бефойда. Яхшиси, ҳаммамиз ичкарига кириб, чой ичганимиз маъқул. Бизда чой ҳеч қачон белгиланган вақтда тайёр бўлмайди. Лекин истаган пайтингизда чой топилади. Хизматкорнинг хонасида кун бўйи қайнаб туради. Галерея ёнидаги ошхонадан сўрасангиз, дамлаб беришади. Истасангиз, кўрсатиб қўйишим мумкин. (*Эшик томон юради.*)

РЭНДЕЛЛ (*у билан ёнма-юради*). Ташаккур. Чой ичгим йўқ. Лекин боғингизни кўрсатсангиз...

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Дадамнинг обсерваториясини айтмаса, боғимизда кўрсатгудек ҳеч вақо йўқ. Айтганча, дадамнинг динамит ва бошқа шу каби ашқол-дашқоллари сақланадиган, кум тўлдирилган ертўла ҳам бор. Ҳарқалай, хонада ўтиргандан очиқ ҳавода юрган маъқул. Юринг.

РЭНДЕЛЛ. Динамит дейсизми? Ахир, бу хавфли-ку!

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Йўғ-э! Момақалди роқ бўлган пайтларда у ерга тушмаймиз-ку.

ЛЕДИ ЭТТЕРУОРД. Бу мен учун янгилик. Динамитлар нимага керак?

ГЕКТОР. Одамзод хаддидан ошиб кетгудай бўлса, уни портлатиб, кулини кўкка совориш учун. Дадам Маҳатманинг ҳукми билан мавжуд бўлган барча портловчи моддаларнинг кулини кўкка совирадиган аллақандай руҳий нурни кашф қилмоқчи.

ЭЛЛИ. Мистер Этгеруорд, капитаннинг ажойиб чойи бор экан.

МИССИС ХЭШЕБАЙ (*эшик олдида тўхтаб*). Наҳот дадам сизни ўзининг чойи билан сийлаган бўлса?

ЭЛЛИ. Мен бунга муваффақ бўлдим.

МИССИС ХЭШЕБАЙ. Вой, тирранча-эй! (*Рэнделл билан бирга чиқиб кетади.*)

МЕНГЕН. Сиз-чи, сайр қилишни истамайсизми?

ЭЛЛИ. Чарчаганман. Мен, яхшиси, биронта китоб билан хонага кириб, озгина дам оламан. (*Китоб жавонининг олдида боради.*)

МЕНГЕН. Маъқул. Бундан яхшисини ўйлаб топиш қийин. Лекин мен хафа бўлдим. (*Рэнделл билан миссис Хэшебайнинг ортидан чиқиб кетади.*)

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

*Ўша саҳна. Чироқ ёниб турибди, дераза пардалари тушириб қўйилган. Элли, унинг ортидан Менген киришади. Ҳар иккаласи бошқа либосларда. Элли чизмачилик столининг олдига келади. Менген стол билан тўқима курси (кресло) оралигида тўхтабди.*

МЕНГЕН. Шу ҳам овқат бўлди-ю! Иссиқ овқатсиз, чой билан бирга бериладиган куруқ бир таом.

ЭЛЛИ. Менген, мен бунақа таомларга кўникиб қолганман. Борига шукур. Айтгандек, капитан менга макарон пишириб берган эди.

МЕНГЕН (*жирканиб, зарда билан*). Шу ҳам овқат бўлди-ю! Мен бунақа нарсаларни ея олмайман. Бу миямни кўп ишлатишим билан боғлиқ бўлса керак. Ишим шуни талаб қилади. Бу тадбиркорнинг ҳаётидаги энг оғир машаққат. Бир умр ўйлашга тўғри келади, ўйлаш, ўйлаш... Дарвоқе, ўзимиз холи қолганимизда, ижозатингиз билан, шу дақиқалардан фойдаланиб, ўртамиздаги муносабатлар қандай бўлишини аниқлаб олмақчиман.

ЭЛЛИ (*чизмачилик столи олдидаги курсичага ўтириб*). Ҳа, ҳа, мен ҳам айни чоғда шуни билмоқчи эдим.

МЕНГЕН (*довдираб*). Шуни истаяпсизми? Тўғриси, бу мен учун бироз ажабланарли. Негаки, бугун мендан узоқроқ юриш пайида эканингизни сезгандек бўлдим. Тагин бу биринчи марта эмас.

ЭЛЛИ. Чарчаган эдим. Умуман, ўзимни ёмон ҳис қилган эдим. Бу ғайритабиий хонадонга ҳали кўникмагандим. Илтимос, мени кечиринг.

МЕНГЕН. Майли, ҳечқиси йўқ. Хафа бўлмайман. Аммо капитан Шотовер менга сиз ҳақингизда гапирган эди. Англаяпсизми – сиз ва мен ҳақимда.

ЭЛЛИ (*қизиқсиниб*). Капитанми? Хўш, нималар деди?

МЕНГЕН. Биласизми, у сиз билан менинг... ёшларимиз ўртасидаги фаркка эътибор қаратди.

ЭЛЛИ. Унинг сезмаган нарсаси йўқ.

МЕНГЕН. Демак, сиз бунга эътибор бермайсиз, шундайми?

ЭЛЛИ. Албатта. Мен шуни яхши биламанки, унаштирилишимиз...

МЕНГЕН. Демак, ўша учрашувимизни унаштирилиш, деб биласиз?

ЭЛЛИ. Ё шунақа эмасми?

МЕНГЕН. О, албатта, албатта. Сиз шунақа дер экансиз. Ахир, бу сўзни биринчи марта талаффуз қиляпсиз. Мен учун эса бу мужмал бўлиб туюлган эди. Гапим тамом. (*Тўқима курсига ястаниб ўтириб олади.*) Кечирасиз, нимадир демоқчи эдингиз...

ЭЛЛИ. Йўғ-э? Эсимдан чиқиб қолди. Эслатинг-чи? Бу ер сизга ёқадими? Тушлик овқат пайтида миссис Хэшебайдан яқин-ўртада яхшироқ ҳовли-жой топилармикан, деб сўраганингизни эшитиб қолдим.

МЕНГЕН. Бу ерлар менга маъқул бўлди. Ҳавоси тоза, шекилли, эркин нафас оласиз. Шу ерни макон қилсам, ажабмас.

ЭЛЛИ. Мен ҳам, бу ердан яхшироқ жой бўлмаса керак, деган фикр-даман. Ҳавоси ҳам, сиз айтгандек, тоза. Қолаверса, Гесионага яқинроқ жойда яшашни истардим.

МЕНГЕН. Бу ерларнинг обу ҳавоси бизга тўғри келади, албатта. Илло, сиз билан мен бир-биримизга мос тушамизми-йўқми, мана, масала қаерда. Сиз бу ҳақда ўйлаб кўрдингизми?

ЭЛЛИ. Мистер Менген, биз сиз билан ўйлаб иш қилишимиз керак, шундай эмасми? Ўзимизни Ромео билан Жульетта деб ҳис этишимизга ҳожат йўқ. Лекин астойдил ҳаракат қилсак, бинойидек мураса қилишимиз мумкин. Сизнинг мунис қалбингиз менга шундай имкониятни беради, деб ишонаман.

МЕНГЕН (*олдинга эгилади, овозида эса норозилик оҳанги пайдо бўлади*). Мунис қалб?.. Ҳм-м. Ахир, отангизни синдириб, хароб қилган мен-ку: бу сизга маълум бўлса керак?

ЭЛЛИ. Лекин қасддан қилинган эмас-ку, шундай эмасми?

МЕНГЕН. Айнан шундай. Мен буни қасддан қилганман.

ЭЛЛИ. Қасддан?!

МЕНГЕН. Шахсий адоватим бўлгани учун эмас, албатта. Ўзингизга маълумки, отангизнинг ишлари барбод бўлганида мен у кишига иш бердим. Аммо иш ҳамиша ишлигича қолаверади. Мен уни ишимизга салбий таъсир қила оладиган шахс сифатида барбод этдим.

ЭЛЛИ. Бунақа бўлишига ақлим етмаяпти. Менинг сизга мутлақо қарам эмаслигимни ҳис этиб, муаммони эркин ҳал этишга мажбур қилмоқчисиз. Шундайми?

МЕНГЕН (*ўрнидан туради ва ўжарлик билан*). Йўқ. Мен нима деган бўлсам, шуни айтмоқчи эдим.

ЭЛЛИ. Бундан нима наф кўрдингиз? Ахир, у сарфлаб қўйган пул сизнинг пулингиз эди-ку?

МЕНГЕН (*заҳархандалик билан*). Ҳа. Менинг пулларим. У пуллар ҳозир ҳам меники, миссис Элли. Дўстларининг у билан ҳамкорликда йўқотган барча пуллари ҳам меники. (*Кўллари чўнтагига солиб, тир-жаяди.*) Мен уларни арини уясидан тутун билан қувиб чиқаргандек ҳайдаб солдим. Бунга нима дейсиз? Бу сизни даҳшатга соляпти, шундай эмасми?

ЭЛЛИ. Бугун эрталаб бу мени ростдан ҳам даҳшатга солган бўлар эди. Ҳозир эса, мутлақо аҳамиятсиз эканлигини тасавур ҳам қилолмайсиз. Лекин бу ғоят қизиқарли. Фақат сиз менга тушунтириб беришингиз керак. Унчалик ақлим етмаяпти. (*Осойишта бир ҳолатда унга тикилиб, диққат билан тинглашга ҳозирланади.*)

МЕНГЕН. Тўғри, сиз буни тушунмайсиз. Бизнинг ишларимизда нимани ҳам тушунардингиз? Диққат билан қулоқ солиб, ўрганишга ҳаракат қилинг. Отангизнинг фаолияти янги иш эди. Мен эса янги бир иш бошлашни хуш кўрмайман. Одатда бу ишни бошқаларга қўйиб бераман. Улар эса корхонани оёққа турғазидан учун пуллари, шунингдек, дўстларининг жамғармалари, бутун куч ва маҳоратларини сафарбар этганлари ҳолда жон-жаҳдлари билан ишга киришади. Бу, мен сизга айтсам, чинакам ғайрат, шижоат. Шу нарса эътиборга сазоворки, ишнинг вақтинча, оз муддатга бўлса-да, тўхтаб қолиши улар учун офат билан тенг. Чунки молиявий тажрибалари йўқ. Одатда, бир йил, нари борса, икки йил ўтар-ўтмас инкирозга учрашади, ё бўлмаса ўз корхоналарини пайчи шерикларидан бирига бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан арзи-маган пулга сотишга мажбур бўладилар. Ҳатто бир мири ҳам ололмай қолишлари мумкин. Кўп ҳолларда янгидан ташкил топган компанияларда худди шундай вазият содир бўлади. Компания эгалари кўшимча маблағ сарфлаб, бор имкониятларини сафарбар қилганлари ҳолда яна

бир ё икки йил ишлаб туришади-ю, оқибат натижада учинчи шахсга сотиб юборишади. Агар бу чинакам йирик корхона бўлса, учинчи харидорлар ҳам анчагина меҳнат ва маблағ сарфлаб қўйганлари ҳолда, уни сотишга мажбур бўладилар. Ана шунда чинакам ишбилармонлар пайдо бўлишади. Энди майдонга мен кириб келаман. Лекин аксарият одамларга нисбатан айёрроқман. Ишни жойидан жилдириш учун бир-мунча маблағ сарфлайман. Отангизнинг қандай одамлигини дарров билиб олдим. Ғояси яхшилиги, агар бу ғояни амалга ошириш учун имконият яратиб берилса, жонини жабборга бериб ишлашини англадим. Қолаверса, нақд маблағ камлик қилиши, бозорни эгаллаш учун қулай фурсат кутиш лозимлигини тушунмас эди. Пул билан муомала қилишни билмайдиган кишини синдириб, инқирозга учратишнинг энг яхши услуби – унга қарзга пул бериш эканлигини билардим. Мен ўз ғоямни Ситидаги баъзи дўстларим билан ўртоқлашдим. Улар пул топишди. Чунки мен ҳатто ғояларим учун ҳам маблағ сарфламайман. Отангиз, шунингдек, ўз маблағларини у билан бирга таваккал қилишга жазм этган дўстлари мен учун бир пақир эди. Хуллас, сиз менга беҳуда миннатдорчилик билдирдингиз. Менинг... қалбим тўғрисидаги гаплар эса – ғирт сафсата. Отангиз ёшли кўзлари билан менга термилиб, оғзи тўлиб миннатдорчилик изҳор этганини кўрсам, кўнглим айниб, беҳузур бўламан. Бор ҳақиқатни унга айтмоқчи бўламан, акс ҳолда ёрилиб кетадигандек ҳис қиламан ўзимни. Барибир ишонмайди, деган фикргина мени тўхтатиб қолади. Буни, сиз айтгандек, мунис ва камтарлигимдан деб ўйлайди. Хуллас, нима деса дейди-ю, лекин ҳақиқатни билмайди. Мана шунинг ўзи ҳам унинг нақадар нодонлигидан далолат беради. Мен эса ўзим ҳақимда ғамхўрлик қила оладиган одамман. (*Ўз-ўзидан тўла қаноат ҳосил қилган кишидек курсига ястаниб олади.*) Хўш-ш, энди мен ҳақимда нима дейишингиз мумкин, мисс Элли?

ЭЛЛИ (*қўлларини тушириб*). Ажабо, бу ишларга ақли етмайдиган онам сиз ҳақингизда мутлақо тўғри фикрда бўлган экан. У ҳамиша биз болаларига – отам бўлмаган пайтларда, албатта, сизни айнан шунақа одам, деб айтардилар.

МЕНГЕН (*қаддини ростлаб, кўнгли оғриб*). Шунақами? Шунга қарамасдан, менга эрга чиқишингизга қаршилик кўрсатмабди-ку.

ЭЛЛИ. Мистер Менген, биласизми, онам жуда яхши инсон билан оила қурган. Отам, иш жиҳатидан у киши ҳақида нима дейишингиздан қатъий назар, ғоят мунис одам. Шу боис тажрибасини такрорлашимни истамаган бўлиши мумкин.

МЕНГЕН. Ҳарқалай, энди менга турмушга чиқмайсиз, шундай эмасми?

ЭЛЛИ (*ўта осойишта*). Йўғ-е, нега энди?

МЕНГЕН (*ҳанг-манг бўлиб, ўрнидан туради*). Ростми?

ЭЛЛИ. Сиз билан тил топиша олмаймиз, дейишга асосим йўқ.

МЕНГЕН. Ҳа, аммо... Менга қаранг, тушунасизми... (*Жим бўлиб қолади.*)

ЭЛЛИ (*осойишта*). Нима эди?

МЕНГЕН. Сизни инжиқ бўлсангиз керак, деб ўйлаган эдим.

ЭЛЛИ. Мистер Менген, агар биз, аёллар, эркакларга нисбатан, сиз айтгандек, ўта талабчан, инжиқ бўлсак, унда умуман турмушга чиқмаган бўлардик.

МЕНГЕН. Ёшгина бўлганингиз ҳолда “Биз аёллар!” деб гапирганингизни эшитиш! Йўқ, жиддий гапирётган бўлишингиз мумкин эмас.

ЭЛЛИ. Рост айтяпман. Нима, сиз жиддий гапирмаяпсизми?

МЕНГЕН. Мендан воз кечмайман, демокчимисиз?

ЭЛЛИ. Сиз-чи, сиз воз кечмоқчимисиз?

МЕНГЕН. Йўғ-э. Воз кечмаймангина эмас...

ЭЛЛИ. Бўлмаса гап нимада?

*Менген жавоб бергани гап тополмайди. Чўзиб ҳуштак чалади-да, сўнг юзида муғомбирона илжайиши пайдо бўлади. Курсининг дасталарига суяниб, паст овозда сирли бир оҳангда гапирди.*

МЕНГЕН. Мабодо, мен бошқа бир аёлни севиб қолдим, десам нима бўларди?

ЭЛЛИ (*ўша услубда*). Борди-ю, мен: “Бошқа бир кишини яхши кўриб қолдим”, десам-чи?

МЕНГЕН (*сапчиб ўрнидан туради*). Мен ҳазиллашаётганим йўқ.

ЭЛЛИ. Нима учун мени ҳазиллашяпти деб ўйлаяпсиз?

МЕНГЕН. Мутлақо жиддий гапиряпман, деб такрорлайман. Сиз жиддий гаплашиш учун ҳали жуда ёшсиз. Аммо менга ишонишингизга тўғри келади. Мен... миссис Хэшебайга яқинроқ бўлишни истардим. Уни севиб қолдим, шекилли. Мана, ниҳоят, юрагимдагини тўкиб солдим.

ЭЛЛИ. Мен эса оғайнингиз мистер Хэшебайга яқин бўлишни истайман. Уни яхши кўриб қолдим. (*Ўрнидан туради ва гапини жиддий тарзда тугатади.*) Мана, ҳамма нарса ойдин бўлиб, орамизни очиқ қилиб олдик. Энди ҳақиқий дўст бўлиб қоламиз. Дилингиздаги дардларни ошкор қилганингиз учун ташаккур...

МЕНГЕН (*даргазаб бўлиб*). Мен билан бунақа муомала қилишингизга йўл қўймайман!

ЭЛЛИ. Қўйинг, мистер Менген. Ахир, сиз нопок ишларингизда отамнинг кўнгилчанлигидан фойдалангансиз. Никоҳ ҳам аёллар учун шунга ўхшаш гап. Хўш, нима учун мен оилавий муносабатларда бундан фойдаланмаслигим керак?

МЕНГЕН. Чунки мен бунга йўл қўймайман. Чунки сизнинг отангизга ўхшаган ғирт лакма эмасман!

ЭЛЛИ (*нафрат билан*). Мистер Менген, сиз, ҳатто отамнинг туфлисини тозалашга ҳам арзимайсиз.... Мен сизга муруват кўрсатиб, ўзингиз айтгандек, марҳаматингиздан фойдаланмоқчиман. Тўғри, шуни истар экансиз, унаштирувни бекор қилиш имкониятингиз бор. Аммо шундай қилсангиз, бу хонадоннинг остонасига қадам босмайсиз. Сизга айтдим-қўйдим.

МЕНГЕН (*газабнок бўлиб*). Бориб турган малъун экансиз!.. Мени ер билан яксон қилдингиз. (*Ҳолдан тойгандек ўзини курсига ташлайди-ю, айни дамда нажоткор фикр келгандек, дадиллашади.*) Йўқ, йўқ, шошманг! Сиз, ўзингиз ўйлагандек, айёр эмассиз. Босс Менгенни осонликча маҳв этиш кўлингиздан келмайди. Борди-ю, ҳозир тўғри миссис Хэшебайга бориб, Элли Дэн эрингизни севиб қолибди, деб маълум қилсам-чи?

ЭЛЛИ. Миссис Хэшебайнинг бундан хабари бор.

МЕНГЕН. Ўзингиз айтдингизми-а?!

ЭЛЛИ. Буни менга унинг ўзи айтди.

МЕНГЕН (*чакагини чангаллаб*). Бу хонадон аллақандай жиннихона!



Ёки мен ақлдан озиб қолганманми?! Нима бало, эрини сизнинг бўлажак турмуш ўртоғингизга алмаштириш ҳақида сиз билан келишиб кўйганми?

ЭЛЛИ. Нима, сиз ҳар иккаламызга эгалик қилмоқчимисиз?

МЕНГЕН (*батамом гарангсиз, ўзини курсига отади*). Йўқ, бунга чидай олмайман. Бошим қақшаб кетяпти. Ёрдам беринг! Тезроқ! Бошимни ушланг, қисиброқ ушланг. Мени кутқаринг!

*Элли унинг орқасидан келиб, бошини маҳкам ушлайди, сўнг аста-секин уқалайди.*

Раҳмат. (*Уйқусираган овоз билан*) Енгиллашяпти. (*Мудраб*) Фақат гипноз қила кўрманг. Бу сеҳрдан одамларнинг ақлдан озганини ўз кўзим билан кўрганман.

ЭЛЛИ (*дадил ишонч билан*). Тинчланинг. Баъзи инсонлар гипнозсиз ҳам тентак бўлиб қолганига гувоҳман.

МЕНГЕН (*ювошгина бўлиб*). Мени силаб-сийпалаш сизга малол келмас, деган умиддаман. Ахир, бугунга қадар менга ҳатто бармоғингизни ҳам теккизган эмассиз.

ЭЛЛИ. Ҳа, албатта, сизни ҳеч қачон ёнига яқинлаштирмайдиган, катта ёшдаги, кўркам аёлни севиб қолмаганингизга қадар, албатта. Мен ҳам мистер Хэшебайни ўзимга яқинлаштирмайман.

МЕНГЕН. У барибир тинчимайди.

ЭЛЛИ (*унинг юзини силашда давом этиб*). Жи-м-м... Уҳланг. Эшитяпсизми? Ҳозир тинчиб қоласиз. Уйқуга кетасиз, ухлайсиз, ухлайсиз... Уҳланг, уҳланг...

*(Давоми кейинги сонда)*

## АЛВИДО, ОЛБИ!

Америкалик машҳур драматург, уч карра Пулитцер мукофоти совриндори Эдвард Олби 88 ёшида Нью-Йоркдаги уйида вафот этди. Адиб анчадан бери қанд касалидан азият чекарди.

Эдвард Олби абсурд театрининг ёрқин намояндаларидан бири бўлиб, “Виржиния Вулфдан ким кўрқади?”, “Ҳайвонот боғида нима гап?”, “Ўзгарувчан мувозанат”, “Денгиз манзараси”, “Уч новча аёл” каби пьесалари билан оламшумул шуҳрат қозонган. Ҳаёт моҳияти, яшашдан мақсадни янгича кўримда ифодалаш, инсон ва шахс қисматининг мураккаб қирраларини акс эттириш драматург асарларига хос хусусиятдир. Шунингдек, Олби пьесаларида руҳан ёлғизлик, ўз-ўзини англашнинг оҳорли ифодаси, бетакрор шаклини кузатиш мумкин. Драматург кескин ва жонли диалоглар орқали инсон фёъл-атворини тафтиш этади, дунёни соф ва гўзал рангларда кўришни истайди.

Драматург бир неча йил муқаддам шундай деган эди: “Кимки ҳаётимга заррача бўлса-да, нур, қувонч ва эзгулик олиб кирган бўлса, ғоят миннатдорман ва шу кишиларга бутун меҳру муҳаббатимни изҳор этаман”. Бамисоли васиятни эслатувчи ушбу сўзлар Эдвард Олбининг умуминсониятга дахлдор ижодкор эканидан далолат беради.



## АРМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Тоғли мамлакат – Арменистон тарихи бир неча минг йилга бориб туташиди. Хусусан, Севан кўлида ўтказилган археологик қазилар ишлари бу ерда милоддан аввалги II минг йилликка оид тарихий ёдгорликлар борлигини кўрсатди.

Қадимий ҳай, арман, урарт ва бошқа қабиаларнинг бирлашувидан пайдо бўлган арман халқи ҳам узоқ вақтлар мустамлакачилик зулмини тортган, озодлик учун курашган халқлардан саналади. Милоддан аввалги VI асрларда арман халқи ерлари Аҳамонийлар (Эрон) давлати таркибига қўшиб олинган бўлса, кейинчалик форсларнинг Македониялик Александр томонидан тор-мор қилиниши натижасида Арменистон ҳудуди ҳам македонияликлар ҳукми остига ўтади. Гарчи орадан икки асрча ўтиб, Кичик Арменистон ва Арарат водийсида мустақил арман подшоҳликлари ажралиб чиқса-да, милодий 387 йилда Арменистон яна Эрон сосонийлари ва Византия ўртасида тақсимлаб олинади. Арменистоннинг катта қисми Эроннинг вассалига айланади. Орадан уч аср ўтиб, араб халифалиги томонидан фатҳ этилади.

Мустақиллик учун узоқ ва давомли курашлар натижасида багратийлар сулоласига асос солган Ашот I даври (886–891)да араб халифалиги ва Византия императори Арменистон мустақиллигини тан олади. Ашот III (953–977) мамлакатни бирлаштириш, марказлашган ҳокимиятни мустаҳкамлаш сиёсатини юргизди. Мамлакатда катта-катта иншо-



**Мустақиллик санаси** – 1991 йил 24 сентябрь  
**Пойтахти** – Ереван  
**Майдони** – 29 743 км<sup>2</sup>  
**Аҳолиси** – 3 018 854 киши  
**Давлат тили** – арман тили

отлар курилди, иқтисодий ва маданий ҳаёт юксала бошлади. Бироқ ички келишмовчилик ва ўзбилармонлик оқибатида мамлакат яна парчаланиб кетади. Арманистон XI асрда салжукийлар, XIII асрда мўғуллар, XIV асрда Амир Темур ҳукми остига ўтади. XVI асрда арманлар юртининг ғарбий қисми Туркия, шарқий қисми Эронга кўшиб олинади.

XX асрнинг биринчи чорагидан то 90-йилларгача Арманистон собиқ Совет иттифоқи таркибида бўлди. 1990 йил августда республика Олий Кенгаши мамлакатни Арманистон Республикаси деб аташ тўғрисида қарор қабул қилди. Ниҳоят арманлар асрий орзусига эришиб, 1991 йил 24 сентябрда Арманистон мустақил деб эълон қилинди.

Ўзбек ва арман халқларининг маданий-маърифий алоқалари кўп асрлик тарихга эга. Биргина Алишер Навоий “Хамса”сида Фарҳоднинг арман қизи Ширинга ошиқ бўлиб қолгани ҳам фикримиз далилидир. XX асрда ўзбек в арман зиёлиларининг муносабати янада қалинлашди. 1995 йил 27 октябрда мамлакатимиз билан Арманистон Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

Жорий ойда арман халқи давлат мустақиллигининг 25 йиллигини нишонламоқда. Шу муносабат билан журналимизнинг сентябрь сонини арман адабиёти ва санъатига бағишладик. Умид қиламизки, арманларнинг азим тоғларидай диловар табиати, эрк ва озодликка ташна феъл-атвори акс этган асарлар сизларни бефарқ қолдирмайди.

## Адабиёт



Бошқа халқларда бўлгани сингари, арман адабиётининг келиб чиқиши ҳам халқ оғзаки ижоди ва асотирларга бориб тақалади. Э.Бенвенист, С.Трегер,

Х.Симт, Х.Крае олиб борган илмий тадқиқотларга кўра, милоддан аввалги III минг йилликда арман тили хинд-европа тиллари оиласидан ажралиб чиққан. Қадимги арман ёзуви намуналари эса милоддан аввалги I асрда Урарту давлати (насронийлик ривоятларига кўра, Арарат подшоҳлиги) осориатикаларига доир сопол парчаларидан топилган.

Арманистонда милодий 301 йил насронийлик давлат дини деб эълон қилинган, бир томондан янги кадрят ва анъаналар шаклланган бўлса, бошқа тарафдан аввалги маданий ёдгорликлар унутилди. Шоҳ Врамшапух фармонида кўра, диний арбоблар Месроп Маштоц (361–440) ва Саак Партев арман алифбоси устида иш олиб бордилар. Милодий 405–406 йилларда Маштоц бугунги кунда 39 ҳарфдан иборат бўлган арман алифбосини тузди. Бу эса ёзма арман адабиётининг шаклланишига туртки берди. Кейинги беш аср давомида Арасту, Афлотун каби кўплаб юнон файласуфларининг фалсафа, грамматикага оид асарлари Ефрем Сирин, Василий Кесарийский, Григорий Назианзин, Иоан Златоуст томонидан таржима қилинди. Бундан ташқари, Инжилнинг илк арманча таржимаси амалга оширилди.

Арманистон Византия ва Эрон томонидан икки қисмга ажратиб олинган, арман адибу тарихчилари ватанпарварлик мавзусига кўпроқ урғу бера бошлашди. Таниқли арман шоири Ваан Терьяннинг таъкидлашича, “Арман адабиётида ватанпарварлик туйғусини шоир Егише (V аср) дан ўтказиб таърифлаб бўлмайди”. Унинг “Вардана ҳақида ёки Ватанни химоя қилиш учун арманлар кураши” асарида лашкарбоши Вардан Мамиконян бошчилигидаги арман халқининг мустақиллик кураши, Аварайр жанги ҳақида сўз боради.

VII асрда яшаган Мовсес Кагантвази, Себеос, Ована Мамиконян, Гевонд каби ижодкорларнинг тарихий асарлари Византия, Эрон, Албания, Грузия тарихини ўрганишда муҳим манба саналади. Себеоснинг император Ираклий юришлари тўғрисидаги асарида Смбаг Багратуни, Мушеге Мамиконян, Теодоре Рштуни қаҳрамонликлари тараннум этилади. Асардаги етакчи образлардан Хисрав ва Ширин эса кейинчалик Низомий Ганжавий, Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий “Хамса”сида намоён бўлди.

Таниқли арман шоири, роҳиб, мусиқачи Григор Нарекаци (950–1003) ижодини арман миллий шеърятининг гултожи дейиш мумкин. Ушбу адибнинг китоби ҳалигача Арманистонда эзгу ниятлар билан чақалоқнинг бешигига қўйилади. Нарекачининг диний-фалсафий руҳдаги шеърлари ўзбек мутасаввиф шоирлари Сулаймон Боқирғоний, Аҳмад Яссавий ижодига, Алишер Навоийнинг “Муножот”ига яқин туради.

XIII–XIV асрлардаги мўғул истилосидан сўнг арман адабиёти араб, форс, эски француз, латин тилидан қилинган таржималар ҳисобига бойиб, “Айсмавурк”, “Гандзаран” (гандз – черков қўшиғи), “Шаракноц” каби мажмуалар тузилди.

XVIII асрда юқори табақа вакилларининг шеърятини Багдасар Дпир, Петрос Кафанц, Нагаш Овнатан каби ижодкорлар реалистик услубда намоён этишди. Хачатур Аборвян (1809–1848) арман адабиётида роман жанридаги илк асарни ёзди. У янги арман тили – ахарабарда ижод қилиб, биринчилардан бўлиб оддий халқ вакилини бош қаҳрамон сифатида тасвирлади. 1840 йилда ёзилган “Арманистон оғриқлари” романи Аборвяннинг энг машҳур асари ҳисобланади.

Ованес Туманян (1869–1923) “барча арманларнинг шоири” деган фахрий ном билан тилга олинади. “Шоир ва илҳом”, “Ануш”, “Маро”, “Сако Лорнец” каби лиро-эпик дostonлар яратган О.Туманян асарларида жонли халқ тилидан унумли фойдаланилган. Шу даврда яшаган таниқли шоир Аветик Исаакян (1875–1957), гарчи узоқ умр кўрмаган бўлса-да, салмоқли ижод қилган Ваан Терьян (1885–1920) арман адабиётининг ривожига катта ҳисса қўшди. Аветик Исаакян арман халқининг дарди, шахс ва жамият ўртасидаги зиддиятни “Кўшиқлар ва жароҳат” тўплами, “Абу ал-Маърий” дostonи орқали кўрсатган бўлса, Терьяннинг нозик шеърини санъатлари “Тун ва хотиралар”, “Олтин эртак”, “Наирия мамлақати” туркумидаги шеърларида акс этди. Яна бир истеъдодли шоир Егише Чаренц (1897–1937) ижодида символизм, авангардизм каби адабий-бадиий ҳодисаларнинг устуворлиги кузатилади. Чаренц кейинчалик янги авлодлар давом эттирган XX аср шеърятини ислоҳ қилган шоирдир. Унинг “Зангор кўзли диёрим”, “Дантов афсонаси”, “Аттила”,

“Тизгинсиз оломон”, “Кўшиқнома”, “Наср тонги” тўпламлари мавжуд.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Аветик Исаакян, Дереник Демирчян (1877–1956) каби ижодкорлар ўтқир публицистик асарлар ёзишди, Иосиф Орбели (1887–1961) тарихий йўналишда ижод қилди. Жанг майдонларида иштирок этган Р.Кочеранинг очерклари, Г.Сараяннинг тарихий достони, Т.Гурьян, Г.Борян, А.Сагияна, Р.Ованесяннинг ватанпарварлик руҳидаги шеърлари, В.Хечумяннинг тарихий новеллалари юзага келди. Урушдан кейинги йилларда тарихий роман жанрида Д.Демирчян, С.Зорянь, Н.Зарьян; ижтимоий роман жанрида Р.Кочар, Г.Севунц, С.Алажяжан, Сирас танилди; Н.Зарьян комедиялари, Г.Боряннинг драмалари эътироф топди.

1950–1960 йиллардан яна шеърият етакчилик қила бошлади. С.Капутикян, Сармен, А.Сагиян, Р.Ованесян, В.Давтян, П.Севак, М.Маркарян, Р.Давоян шеърларида ижтимоий рух юксак пардаларда ифодаланди, шеърий санъат юкори даражага чиқди. Шу палла, аниқроғи, 60-йилларда адабиётга кириб келган Грант Матевосян ҳикоя ва қиссалари арман адабиёти, хусусан, насрини янги босқичга олиб чиқди. У қарийб ярим аср давомида ўз ижоди билан арман насрининг байроқдори бўлиб турди. 1980 йилларнинг охирида адабиётга кириб келган янги оқим вакиллари эса олтимишинчи йиллар ижодкорларининг ижодини инкор эта бошлашди. 1990 йилларда адабиётдаги асосий эътибор замонавий инсоннинг ташқи ва ички дунёси ўртасидаги тўқнашувларга, ноанъанавий ифода усуллари қашф этишга қаратилди. Шеъриятда ҳам шаклий изланишларга зўр берилди. Ушбу авлод вакилларида насрда Гурген Ханжян, Левон Хечоян, Варужан Айвазян, Самвел Мкртчян, шоирлардан Виолет Григорян, Марине Петросян фаол ижод қилмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмидан хорижда яшаб ижод қилаётган ёзувчилар Г.Аддарян, В.Вагян (Ливан), А.Андреасян, К.Ситал (АҚШ), Ш.Шохнур (Франция), Дев (Эрон)ни ҳам дунёда арман адиблари сифатида танишади.

*Нигора УМАРОВА тайёрлади.*

## Тасвирий санъат

Ҳозирги Арманистон ҳудудида хукмронлик қилган Урарту подшолиги давридан санъатнинг турли соҳаларига доир бой ва қимматли мероси қолган бўлиб, ханузгача тадқиқотчилар учун улкан манба сифатида хизмат қилмоқда. Муқаддас Гарни мақбараси атрофида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида қадимги юнон мифологияси билан боғлиқ суратлар, деворий расмлар топилган. Хусусан, арман шоҳи Бакур II даврига мансуб кумуш идишлар ноёб топилма бўлиб, улардан бирида театр сюжети тасвирланган.



Милодий 301 йилда Арманистон расман христианликни қабул қилгач, барча санъат турларида бўлганидек, тасвирий санъатда ҳам янги ижодий мезонлар, бадий-ғоявий ўзгаришлар юзага келди. Мамлакат Шарк христиан маданиятининг марказларидан бирига айланди. Черковларнинг ички қисмини безаш, диний сиймоларни гавдалантиришда тасвирий санъат намуналари муҳим ўрин тутди. Еревандаги V асрга мансуб Погос-Петрос черковидан топилган деворий суратлар бунинг ёрқин далилидир. Афсуски, Арманистон тасвирий санъатининг ўрта асрларга доир кўплаб намуналари бизгача етиб келмаган. Мавжуд манбалар орасида Гндеванк черковида (914 йил) жойлашган Исо Масих сурати, Биби Марям ва номаълум авлиё портретлари қимматга эга. VI–VII асрларда яшаган тарихчи Вртанес Кертог “Икона санъати ҳақида” номли йирик трактатида қадимги арман юртидан Григорий, Рипсимэ, Гаянэ каби машҳур авлиёлар сурати топилганини маълум қилади. Шунингдек, ўрта асрларда Арманистон пойтахти бўлган Ани шаҳрида 1001 йили қурилган кафедрал (бош) черков, Ахтамар ороли бўйида бунёд этилган Сурб Хач (“Муқаддас Хоч”) черкови деворларида Адам ва Ева (Одам Ота ва Момо Ҳаво) ҳикояти, пайғамбару авлиёлар, Инжилдан олинган ривоятлар асосида яратилган деворий суратлар ишланган.

Бу даврда, айниқса, миниатюра жадал ривожланди. Арман миниатюрасининг ўзига хослиги ранг-баранг услубга эга Килики, Гладзор, Татев, Васпуракан сингари мактаблар мисолида яққол намоён бўлади. Уларга мансуб тасвирий асарлар рангларнинг куюқ ва мазмундорлиги, композициянинг ёрқин ва таъсирчанлиги, нақшларининг рамз ва ифодага бойлиги билан ажралиб туради. Илк ўрта асрлар (IX–X асрлар) арман миниатюрасини иккита асосий йўналишга ажратиш мумкин: биринчиси, феодал зодагонларнинг буюртмаси асосида тайёрланган асарлар бўлиб, дабдабали кўриниши, тасвирнинг бўрттирилгани ва жимжимадорлиги билан ажралиб туради. Хусусан, “Малика Млкеннинг ибодати” (862 йил), “Роҳиба Мугни” (XI аср) каби асарлар мисол бўла олади. Иккинчи йўналиш эса аниқ-равшан чизгиларга асосланиши, халқ санъатига яқинлиги, график колорити билан характерланади.

XIII–XIV асрларга келиб, арман миниатюрасида маҳаллий мактаблар пайдо бўлди, булар орасида кликий йўналиши бадий-эстетик хусусиятлари, воқеликка янгича ёндашуви билан юқори рутбага эришди. Мазкур оқим намояндаларидан бири Торас Рослин (1210–1270) асарлари композицион жиҳатдан пухталиги, замон-макон муносабатларининг ўзаро мувофиқлиги, нозик колорити билан арман миниатюрасида катта аҳамият касб этди.

Арманистоннинг Ғарбий қисмида Васпуракан миниатюра мактаби гуркираб ривожланди. Унинг асосий белгиси – чизикли-график тасвир ва манзаранинг устунлиги, ҳаётга яқинлиги билан тавсифланади (XIV асрда ижод қилган Дзерун, Рстакес каби рассомлар ижоди). Арманистон миниатюра санъатининг энг сўнгги йирик вакили Акоп Жугаец (XVI–XVII асрлар) бўлиб, унинг асарлари дунёвий санъат ривожига кенг йўл очди.

XVII–XVIII асрларда тасвирий санъатнинг дастгоҳли рангтасвир, портрет, реалистик пейзаж сингари жанрлари ривожланди. Бу давр арман тасвирий санъатида Овнатанялар сулоласи муҳим ўрин тутди. Айниқса, машҳур Эчмиадзи ибодатхонасини безашда ушбу оиланинг йи-

рик вакили Нагаш Овнатаян алоҳида жонбозлик кўрсатди. Шунингдек, арман церковларига ишланган ажойиб портретлар Арутян Овнатаян, Овнатан Овнатаян сингари рассомлар ижодига мансуб эди.

XVII аср охири – XVIII аср бошларида мамлакатда машҳур Манас сулоласи рассомлари ижод қилишди. Ушбу сулоланинг асосчилари бўлган Рафаэль, Борсег ва Минас Манаслар арман рассомчилигининг миллий негизини мустақамлаш йўлида астойдил изланишди.

XIX асрнинг 30–70-йилларида портрет жанри тасвирий санъатнинг етакчи йўналишига айланди. Бу жанр тараққиётига Акоп Овнатаян ва Степанос Нерсиян каби илғор рассомлар муносиб ҳисса қўшишди. Нерсиян арман тасвирий санъатида маиший жанрнинг асосчиси ҳисобланади. XIX асрнинг биринчи ярмида гравюра ва литография жанрлари оммалашди. 1860–70 йилларда арман тасвирий санъатида романтик йўналишни бошлаб берган маринист рассом (денгиз манзараларини чизувчи мусаввир) Мкртич Чиванян баракали ижод қилди.

XIX аср охири – XX аср бошларида биринчи арман профессионал ҳайкалтарошлари – Е.Воскан, А.Тер-Марукян, А.Гюржян сермахсул ижод қилишди. Ҳайкалтарош Андреас Тер-Марукян асарларида арман кишлоқларида яшовчи оддий аҳоли ва зиёли қатламнинг илғор намояндалари тасвирланади.

1920 йилларнинг бошида М.Сарьян ва С.Агажаниян ижоди билан тасвирий санъатда янги мактаблар шакллана бошлади. М.Сарьян асосан пейзаж, портрет, натюрморт жанрларида ижод қилган бўлса, С.Агажаниян реалистик портрет жанрининг моҳир устаси эди. 1940–1950 йилларда арманларнинг янгича турмуши, оддий одамлар ҳаёти, тарихий сюжетлар тасвирий санъат асарларига муҳрланди. Бу даврда ижод қилган рассомлардан М.Асламазян, А.Бекарян, Э.Исабекян, Г.Ханжян, А.Григоян номларини алоҳида қайд этиш лозим.

Замонавий Арманистонда тасвирий санъат жаҳон ранг-тасвирида юз бераётган шаклий ва услубий ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда ривожланаётир. Замонавий арман рассомларининг асарлари Россия, АҚШ ва Европа мамлакатларида ташкил этилаётган нуфузли кўргазмаларда намоиш этилаётгани, юқори баҳо олаётгани диққатга лойиқ. 2006 йил Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган машҳур Третьяков галереясида “Арманистон санъати. XX аср” кўргазмаси очилиб, унда XX аср арман тасвирий санъатининг атоқли намояндаларида бири – Мартирос Сарьян асарлари намоиш этилди.

## Меъморчилик

Сайёҳлар орасида “Арманистон – тошлар мамлакати” деган таъриф юради. Дарҳақиқат, мамлакатдаги тарихий обидалар, истехкомларнинг аксарияти тошдан бино қилинган. Қадимги юнон тарихчиси Ксенофонт (мил.авв. 430–356 йиллар) “Анабасис” асарида арман халқига мансуб ибтидоий



кавм – глхатунлар ҳақида маълумот беради. Милоддан аввалги III–I асрлардан бошлаб Армавир, Тигранакер, Ервандашат, Арташат, Вагаршапатт, Зариша каби шаҳарлар пайдо бўлиб, аста-секин тараққий этади.

Антик арман меъморчилигининг ҳайратомуз мўъжизаларидан бири – хукмдор Трдат I (милодий 54–88 йиллар) томонидан қурдирилган Гарни мақбарасидир. Меъморий ечими билан қадимий Юнонистондаги машҳур Парфенон ибодатхонасини ёдга солувчи ушбу ёдгорлик узоқ асрлардан буён дунё сайёҳларининг диққат марказида бўлиб келаётир. Мақбара тошдан бунёд қилинган бўлиб, девор ва устунларнинг зичлиги қурилиш жараёнига катта куч сарфланганидан далолат беради. Манбаларда Трдат I зардўштийлик динига эътиқод қилгани ҳамда мазкур масканни қуёш ва осмон худоси – Митра шарафига бағишлаб барпо эттиргани ҳақида маълумотлар учрайди.

Мамлакатга христианликнинг кириб келиши меъморчиликка ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Асосан диний иншоотлар, мажмуалар қурилиши йўлга қўйилди. Текора (V аср), Ереруйка (IV–V асрлар), Двина (V аср), Цицернаванка (IV–V асрлар) каби ибодат масканлари меъморий услуги билан алоҳида ажралиб туради.

VI аср охири – VII аср бошларида илк ўрта асрлар арман меъморчилигининг мумтоз намуналаридан бири – Мастара черкови барпо этилади. Сиртдан тўртта равоқни бирлаштириб турувчи кенг ҳажмдаги гумбаз (диаметри 11,2 метр), юқори ва пастки қисмга ўрнатилган, бамисоли туйнукни эслатувчи кичик деразалар, марказдан айлана шаклида очилган эшик иморатнинг ташқи структурасини белгилаб беради. Бинонинг ички кўриниши арман меъморчилигида кенг тарқалган – хачкар (арманча “хач” – “хоч”, “кар” – “тош”) услубида безатилган (Хачкарлик санъати 2010 йил инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКО томонидан рўйхатга олинган).

IX–X асрларда миллий ўзига хослиги, тарихий анъана ва қадриятлари билан боғлиқ Ани-Ширак, Ташир-Жорагет, Сюник, Васпуракан сингари меъморчилик мактаблари юзага келди. 976–991 йилларда малика Хосровануйш ва унинг кичик ўғли Гурген барпо қилган Ахпат черкови Ташир-Жорагет мактабига дахлдор бўлиб, арманларнинг мукаддас зиёратгоҳи сифатида эътиборлидир.

XII–XIV асрларда бадавлат князлар томонидан Егварда, Норованк, Капутан сингари мақбаралар қурдирилади. Кликий подшоҳлиги (XII–XIV асрлар) даврида Византия, Франция, Италия меъморчилиги арман маданий муҳитига кириб келди ва бу ҳодиса бино-иншоотларнинг меъморий ечимида ўз ифодасини топди. Айни чоғда арман меъморчилиги ҳам бошқа халқлар архитектурасига ижобий таъсир кўрсатган. Хусусан, XV–XVI асрларда Усмонли турклар империяси шаҳару қишлоқлар манзарасини асосан арман меъморчилик мактабига таянган ҳолда қайтадан янгилайди. XVIII аср ўрталарида машҳур Долмабахче қасрининг лойиҳасини ҳам Баян арман меъморлари сулоласи вакиллари чизган.

XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Арманистонда меъморчиликни ривожлантириш учун бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан: 1) эски черков ва ибодатхоналар қайта тикланди; 2) янги



бинолар барпо этилди; 3) дунё меъморчилиги эришаётган ютуқ ва тажрибаларни ўрганишга эътибор қаратилди. Бу даврда бунёд этилган меъморий обидалар антик ёдгорликлардан тубдан фарқ қилиб, оддий ва халқона услубда қурилгани, ортиқча ҳашам ва дабдабадан холилиги билан ажралиб туради.

XIX асрга келиб Арманистоннинг ғарбий қисмида жойлашган шаҳарларда эътирофга молик меъморий обидалар деярли қурилмади. Мамлакатнинг шарқий ҳудудлари эса Россия таркибига қўшилгач, архитектура ва шаҳарсозлик бўйича кўплаб ўзгаришлар кўзга ташланди. Пойтахт Еревандан тортиб Александрополь, Карс, Горис каби шаҳарларда қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал тус олди, қадимий иншоотлар билан ёндош тарзда замонавий бинолар бунёд этилди.


XX аср арман меъморчилигида муҳандис-меъмор В.Мирзоян ижоди алоҳида ўрин тутди. Айнан у Астафьян кўчасида жойлашган Ереван гимназияси (ҳозирда Арно Бабажаниян номидаги концерт зали), Ғазначилик ва давлат палатаси (ҳозирда Налбандян кўчасидаги банк), Ўқитувчилар семинарияси биноларининг лойиҳасини чизади. Яна бир меъмор Александр Таманян ижоди ҳам диққатга арзигулик. У Арманистон ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи Спендиарова номидаги опера ва балет театри, “Ҳукумат уйи” биноси ва бошқа нуфузли иншоотларнинг муаллифи ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қатор ҳукумат бинолари, маданий-маърифий муассасалар, ҳайкал ва ёдгорликлар, спорт масканлари бунёд этилади. “Ахтанак” боғидаги Ғалаба ҳайкали (Р.Исраэлян), “Наири” кинотеатри, Комитас номидаги консерватория, А.П.Чехов номидаги мактаб (Г.Таманян), Президент қароргоҳи, Миллий мажлислар зали, Тасвирий санъат галереяси, Конституциявий суд биноси (М.Григорян), темирўл вокзали биноси (Э.Тигранян), Тиббиёт институти, усти ёпиқ бозор (Г.Агабабян), “Динамо”, “Раздан” спорт майдонлари (К.Акопян), Звартноц аэропорти (А.Тарханян) шулар жумласидан.

2001 йил Арманистон христианлик динини қабул қилганига 1700 тўлиши муносабати билан Ереванда Авлиё Григорий номидаги черковнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маҳобатли черков кўп асрлик арман меъморчилигининг ноёб хусусиятларини жамлаган.

2010 йилнинг 20 январида замонавий услубда қурилган “Piazza Grande” биноси фойдаланишга топширилди (лойиҳа муаллифи Р.Асратян). Кейинги йилларда арман меъморлари халқаро кўрик-фестивалларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритапти. Хусусан, Доха шаҳрида жойлашган марказий мавзелардан бири арманлар лойиҳаси асосида қурилган бўлиб, мазкур мажмуа жаҳон меъморларининг аъъанавий фестивалида иккинчи ўринга лойиқ кўрилди.

*Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ  
тайёрлади.*



## Муסיқа

Арман муסיқаси ҳақидаги илк ёзма маълумотларни V асрда яшаб ўтган арман тарихчилари Мовсеса Хоренац ва Фавстоса Бузанда кўлёмаларида учратиш мумкин. Илк куй-қўшиқлар бағишлов тарзида намоён бўлиб, улар Ара Ажойиб, Оссурия маликаси Шамирам ҳамда шахзода Аргашесга атаб турли намойиш ва йиғилишларда оммавий тарзда куйланган. V асрда яшаган тарихшунос Хоренацнинг гувоҳлик беришича, қадимги Арманистонда муסיқий асбоб пандир орқали қахрамон жангчи Ваagneга бағишланган куй-қўшиқлар ижро қилинган. IV асрнинг охиридан бошлаб юқори мактабларда ўқувчиларга муסיқа ва муסיқий ижодни ўрганиш фанларидан сабоқ берилади.

Милодий 405–406 йилларда арман алифбосининг пайдо бўлиши черков муסיқасининг ривожланишида улкан роль ўйнади. Биринчи муסיқий асар – шаракан мазмунан содда, ҳажман кичик бўлса-да, аниқ-ёркин услуби билан ажралиб турган. Кейинчалик шаракан янада бойитилиб, мураккаб вазн ва оҳанг асосида яратила бошланган. Шаракан муסיқаси тўрт асосий жанрдан иборат. Улар кцурд, катсурд, канон ва таг. Шаракан қадимий арман маданиятида шеърят, муסיқа ва қўшиқни уйғунлаштирган. VII асрда Барсег Тчон “Шаракнот” номли тўплам тузади.

Таг ҳам шаракан каби муסיқий ва шеърый санъат бирлиги ҳисобланади. Унинг катта ариялари драматик, эпик ва лирик жанрда бўлган. Таглар мазмуни жиҳатидан ҳозирги вокал ва инструментал арияларга ўхшаш. Улар мукаддас ва дунёвий тагларга ажратилади. Таг муסיқий жанр сифатида Григор Нарекаци даврида X асрдан бошлаб ривожланган. Таг шаракандан фарқли ўлароқ кўпроқ тантанали байрам ва маросимлар пайти ижро этилган. Энг машҳур дунёвий таглардан бири – “Крунк” (“Турна”) ўрта асрларда яратилган бўлиб, мазкур маълумот XVII аср қайдномаларида сақланиб қолган.

Гусан – арман халқ қўшиқчиларидир. Улар фақат дунёвий мавзуда ижод қилган. Гусан қўшиқчилари ҳақида V асрда яшаган Агатхангелос, Фаустос Византия, Мовсес Хоренаци, Йегише ва бошқалар маълумот беришади.

Ашуг (“бахши”) санъати XVI асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Ашуг қўшиқчи ва шоирлари арман муסיқаси тарихида муҳим роль ўйнайди. Ушбу санъат XVII–XVIII асрларда ривожланган. Таниқли Арманистон ашуғларидан Егаз, Гул Арутинов, Багер Лазар ўғли ва бошқалар маълум. Ашуг муסיқаси эмоционал, ритм ва шакли мослашувчан. У асосан саз ва чонгур каби муסיқий чолғуларда ижро этилади.

А.Лимонжян XIX аср бошларида янги арман нота ёзувини ихтиро қилади. XIX асрнинг охири чорагидан хор қўшиқлари ривожланади, халқ тароналари, қўшиқлари қайта ишланади. Тигран Сухадзян 1868 йил биринчи арман миллий операси “Аршак II”ни ёзади. 1891 йил “Земира”, 1897 йил эса “Индиана” опералари яратилади.


XX аср бошларида эса арман мусикаси учун янги жанрлар: симфония, балет, симфоник дoston, камер-чолғу мусикаси, оммавий кўшик, спектакль ва кинофильмларга мусика ёзиш ривожлана бошлайди. 30-йилларга келиб бир қатор мусикий мактаблар очилади. 1932 йил Ереванда Арман филармония оркестри ташкил этилади. 1933 йил Арман опера ва балет театрининг очилиши тарихий воқеа бўлди. Шу йили Арман Композиторлар уюшмасига асос солинади. Иккинчи жаҳон уруши йиллари халқ қаҳрамонлиги, мардлик ҳақидаги куй-кўшиқларга эътибор кучайди. А.Хачатурян, К. Закарян, В. Тальян, А.Айвазян ва бошқалар фаол ижод қилишади. Филармония таркибида симфоник оркестр, торли квартет, ашула ва рақс дастаси, хор капелласи, гусан ашула дастаси каби ижодий жамоалар фаолият кўрсатади.

Арман мусикасини хорижда яхши билишади. Ўзбекистонда ҳам арман мусикасига катта эътибор берилади. Ўзбек давлат филармониясининг симфоник оркестрида А.Бабажаняннинг “Қаҳрамонлик балладаси”, Э.Мирзояннинг симфонияси, А.Долуханян, А.Арутюнян ва бошқаларнинг асарлари ижро этилган. Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик катта опера ва балет театри А.Хачатуряннинг “Спартак” балетини сахналаштирган.

*Динара ТУРДИМУҲАМЕДОВА  
тайёрлади.*

## Рақс

Бой ва кўп қиррали арман халқ ижодида рақс санъати алоҳида ўрин тутади. Арман халқ рақслари жамоавий, гуруҳли, дуэт ва яккахон каби турларга бўлинади. Жамоавий рақсларда ижрочилар сони чекланмаган. Лекин баъзи тезкор ҳаракатга асосланган рақсларда бу ҳолат истисно этилади.



Арман халқ рақсининг ўзига хос хусусиятларидан бири – ижрочилар жинси, ёши ва оилавий ҳолатига қараб тоифаланади. Ижроларни кўп ҳолларда ўрта бўйли йигит бошқаради. Унинг ортидан уйланган, кейин бўйдоқ йигитлар, энг сўнгида аёллар ва қизлар саф тортишади. Гуруҳ бошида турган йигит барчани орқасидан эргаштиради.

Арманларнинг машҳур рақсларидан бири, “Кучли йигит” маъносини англатувчи “кочари” рақси қадимда жангга чиқишдан аввал аскарлар танасини “қизитиб” олиш учун ижро этилган. Ушбу рақс асосан эркакларга мўлжалланган. Дастлаб ижро сокин ҳаракатлар билан бошланиб, аста-секин тезлаша боради. Гуруҳ бошида турган йигит кўлидаги рўмолча орқали барчани бошқаради. Раққослар аввал тиззаларини букиб, сўнг оёқ учида ва кейин сакраб рақсга тушадилар.

“Ярхушта” рақси ҳам қадимда жанг арафасида ва ғалабадан сўнг ижро этилган. Унда икки раққос кўлларида қилич тутиб, рақсга тушади ва ўзаро беллашади.

Арманистонда эркаклар рақсларидан яна бири “Берд” (“Қалъа”)дир. Ижрочилар томошабин кўз ўнгида бир-бирларининг елкасига чиқиб, жонли қалъани ҳосил қиладилар. Мазкур рақс ижрочилардан аниқлик, куч ва матонатни талаб этади. Арзимаган кичик хато ҳам рақснинг барбод бўлишига олиб келади. Шу боис раққослар “Берд”га жиддий ёндашади.

Арманистоннинг машхур рақслари сирасига “Узундере” (“Узун дара”) рақсини ҳам киритиш мумкин. Ушбу рақс турмушга чиқаётган кизнинг туғилиб ўсган хонадони билан хайрлашиш рамзи ҳисобланади. Бугун “Узундере” Озарбайжонда аёллар рақси сифатида ҳам машхур. Рақс тўй-томоша ва турли байрамларда намойиш этилиб, томошабинларга таъзим қилиш билан яқунланади.

“Шалахо” деб номланувчи рақс нафақат Арманистон, балки бутун Кавказда машхур. Бу рақсни аёл ва эркаклар бирдек ижро этиши мумкин. “Шалахо” кавказча рақсларга хос эркин ҳаракатлар билан бажарилади. Аёллар ижросида лирикага мойиллик сезилади. Эркаклар эса рақс мусиқаси тезкор бўлгани сабаб, шиддат билан ҳаракатланишади.

*Шаҳло ҲАМИДОВА тайёрлади.*



## Театр

Арман театрининг дастлабки намуналари милoddан аввалги I минг йилликда шакллана бошлагани тўғрисидаги маълумотлар, асосан, археологик топилмалар, қадимги қўлёзмалар, турли сопол ҳамда хунармандчилик буюмларига ишланган

суратлар ва бошқа ашёлар орқали бизгача етиб келган. Арман театри тарихи ҳақидаги салмоқли тадқиқот санъатшунослик фанлари доктори, профессор Георг Гоян (Тер-Никогосян)нинг “Арман театрига 2000 йил” монографияси ҳисобланади. Китобда Арманистон театрининг пайдо бўлиши, дастлабки белгилари ва ривожланиш босқичлари бир неча даврларга бўлиниб, яхлит, умумлашма ҳолда тадқиқ этилади.

Маълумки, қадимги театр элементлари асосан турли диний маросимлар, табиат ҳодисалари, худолар ва афсонавий қахрамонлар жасоратини мадҳ этиш билан боғлиқ бўлган. Қадимги арман театри ҳам бундан мустасно эмас. Диний маросимлар, маъбудларнинг ўлими ва тирилиши ҳамда қахрамонликларга бағишланган воқеалар арман трагедия театрида ўйналса, баҳорнинг қайтиши ва ҳосил маъбудди Анахит шарафига шодиёналар акс этган воқеалар қадимги арман комедия театрида намойиш этилган. Айнан шу икки жанр – диний-мистик трагедиялар ва халқ комедиялари кейинчалик профессионал театрга пойдевор бўлган. Трагик актёрлар – дзайнарку-гусанлар ва вохбергу-гусанлар дейилган. Комедия ижрочиларини эса катакергаклар ва катака-гусанлар деб аташган.

Манбаларда келтирилишича, милоддан аввалги I асрда яшаган хукмдор Тигран II театр томошаларининг ҳақиқий мухлиси ва ҳомийси сифатида ном қозонган. У Арманистоннинг жанубий пойтахти Тигранакерт шахрида амфитеатр шаклидаги дастлабки театр биносини қурган. Унинг ўғли Артавазд ҳам театр шайдоси бўлиб, ҳатто бир қанча трагедиялар ёзган, деган қарашлар мавжуд. Артавазд шимолий пойтахт – Арташат шахрида бошқа бир амфитеатр қурган ва бу ерда ушбу даврнинг машҳур трагик актёри Язон бошчилигидаги труппа томошалар кўрсатган. Мазкур театрда Еврипид трагедиялари ўйналгани ҳақида маълумотлар бор.

Ўрта асрларга келиб, черков ва дин пешволарининг театрға нисбатан тазйиқи кучайиб борди. Шунга қарамай, театр труппалари фаолиятини тўхтатмади. Бу даврда Еврипид, Менандр сингари антик драматургларнинг трагедиялари билан ёнма-ён тарзда арман ижодкорларининг асарлари ҳам саҳнага чиқди. Шу тариқа, театрчилик ҳаракати кенгайиб, ҳатто юқори қисмида аёллар учун жой ажратилган антик амфитеатр шаклидаги махсус театр бинолари қурилди. Театрнинг тезда шуҳрат қозониб, оммаллашиб бориши, аввал бу жараёнга қарши чиққан диний уламоларда черков маросимларига театрлаштирилган томоша элементларини олиб кириш ғоясининг туғилишига сабаб бўлди. Вақт ўтиб, ибодатга оид драмалардан насроний мистик театри вужудга келди. Театр санъати бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқалганини X асрда қурилган Ахтамар ибодатхонаси тош деворларида сақланиб қолган тасвирлардан ҳам англаш мумкин.

XIV асрнинг охирларига келиб, Арманистон ўз мустақиллигини йўқотиши, шубҳасиз, ижодий муҳитга ҳам таъсир кўрсатди. XVII асрдан XIX асргача арманлар кўпчиликни ташкил қилган мамлакатларда арман муҳожир актёрлари томонидан диний ва дунёвий йўналишдаги турли театр труппалари фаолият кўрсатиб келди. Классицизм йўналишидаги ушбу театрларда, асосан, миллий-озодлик ғоялари етакчилик қилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Шарқий Арманистоннинг Россияга қўшиб олиниши билан арман театр труппаларига рус театрининг таъсири кучайди. 1827 йили Зриван қалъасида илк маротаба Грибоедовнинг “Ақллилик балоси” комедияси саҳналаштирилди. Дастлаб Қрим, кейинчалик Тифлисида арман мактаб-ҳаваскорлик театрлари ташкил қилинди. Янги репертуарни яратиш бўйича изланишлар бошланди. Айниқса, Г.Шермазанян, (“Шермазанян дорбоз”), С. Ванандеци (“Аристакес”), Н. Аладатян (“Элик червоним бекор кетди”) томонидан ёзилган турли жанр ва мавзудаги асарлар янги давр арман драматургиясининг илк намуналари бўлди.

XX аср бошларида арман театрида янги ижодий парвозлар кузатилади. Янги аср бошида Боку ва Тифлис сингари йирик шаҳарларда арман ҳаваскорлик труппалари ташкил этилиб, кейинчалик халқ театрлари шаклида муқим изга тушиб олади. Тифлисида Авчал аудиторияси (1901), Мурашко театр (1902), Араксян Авлабар театри (1903), Анжуман театри (1903) сингари қатор театрлар ташкил этилади. Бокуда бир қатор драма тўғарақлари ишга тушади. Ереван, Александрополь (Ленинакан), Батуми, Шуша ва бошқа жойларда ҳаваскорлик спектакллари намоиши йўлга қўйилади. Ушбу театрларнинг аксарияти биринчи жаҳон

уруши (1914)га қадар фаолият юритади. Халқ театрларида П.Араксян, А.Харазян, В.Тер-Григорян, М.Гаврош, В.Галстян, Д.Гулазян сингари маҳоратли актёр ва режиссёрлар ижод қиладилар.

20–30-йилларга келиб Боку (1920) ва Тбилиси (1921)да, Лениаканда (1928), Ёш томошабинлар театри Ереван (1929) ва Тбилиси (1929)да, шунингдек, Кировакан (1931), Степанакерт (1932), Кировабад (1935) ва бошқа шаҳарларда ҳам бирин-кетин арман театрлари ташкил этилади. Ушбу театрларда Ц.Америкян, А.Арменян, Х.Арутю-нян, Л.Ерамян, А.Ованесян сингари машҳур актёрлар ижод қилган.

1944 йил Арманистон театрлари учун кадрлар тайёрлаш мақсадида Ереванда театр институти фаолиятини бошлайди.

Арман маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи мусиқали театр XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Бу даврда Т.Чухажян, М.Екмалян, Х.Кара-Мурза, Н.Тигранян, Комитас, А.Спендиаров (Спендиарян) сингари қатор иқтидорли композиторлар етишиб чиқади. Ўша даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири – арман миллий операсини яратиш масаласи бўлган. Ва ниҳоят, 1868 йили “Аршак II” номли биринчи миллий опера дунёга келади (композитор Т. Чухажян, либретто муаллифи Т. Терзян).

XIX асрнинг ўрталарида илк арман миллий опера либреттолари яратила бошлади. Бу борада Чизмежян, Терзян, кейинчалик Комитас, Кара-Мурза, А.Тигранян ва бошқаларнинг фаолияти самарали бўлган. Шунингдек, бу даврда Ғарбий Европа ва рус операларини арман тилига ўгириш ҳаракатлари ҳам кўзга ташланади. 60–70-йилларда Т.Чухажян ва А.Вардовян бошчилигидаги биринчи арман ҳаваскорлик ва профессионал мусиқали театр труппалари ташкил топди. Кейинчалик Аристанкесян (1892), О.Восканян (1910) ва бошқа ижодкорларнинг ташаббуси билан янги-янги мусиқали театр труппалари юзага келди. Ушбу труппаларнинг репертуари асосан Ғарбий Европа, рус ва арман опера, оперетта, мусиқали комедия ва водевилларидан таркиб топган. Улар орасида айниқса Т.Чухажян оперетталари, А.Тигранянинг “Ануш” операси, У.Хожибековнинг “Аршин мол-олон” мусиқали комедияси машҳурдир.

1933 йил 20 май куни Ереван шаҳрида биринчи арман опера театри очилди. Мусиқий театр бунёд бўлгандан бери арман ижодкорлари миллий репертуарни шакллантириш учун астойдил изландилар. Айниқса, А.Хачатуриянинг 1956 йили яратилган “Спартак” балети энг юқори мукофотларга сазовор бўлиб, шу кунгача дунёнинг йирик театр труппалари репертуаридан муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

1991 йил Арманистон мустақилликка эришгач, театр санъати ҳаётида янги саҳифа очилди. Бугун мамлакатда Арманистон мусиқали комедия театри, Ёш томошабинлар театри, К.Станиславский номидаги Ереван рус драма театри, О.Туманян номидаги Ереван кўғирчоқ театри, Ереван клоунада театри, И.Абелян номидаги Ванадзор (Кировакан) драма театри ва бошқа театрлар фаолият кўрсатмоқда.

*Санъатшунослик фанлари номзоди  
Омонулла РИЗАЕВ тайёрлади.*

## Кино



Арманистонда кино санъатининг илк намуналари 1907 йилда яратилган хроник тасвирлардан иборат эди. Ушбу кадрларда католик дини руҳонийларидан бўлган Мқртич Хримяннинг дафн маросими акс

эттирилган. Биринчи жаҳон уруши йиллари Арманистон кино усталари Кавказ фронтидаги жанглардан эпизодлар суратга олишган. Дастлабки картиналардан бири сифатида 1925 йил ёзувчи А.Ширвонзода романи асосида тасвирга олинган “Номус” (реж. А.Бек-Назарян) бадийий фильми эътироф этилади. Киношунос ва таржимон, филология фанлари номзоди Арцви Бахчинян тарихий матбуот нашрлари асосидаги “Арманистон кинноси – 100” (2012) китобида шундай ёзади: “Яқин вақтгача киношунослар орасида арман кинноси ҳар тарафлама тадқиқ қилинган деган фикр барқарор эди. Бироқ мен кўп йиллар давомида маҳаллий ва хорижий архивларни ўрганиш асносида шунга амин бўлдимки, миллий кинематографиямиз тарихини қайта яратиш зарур экан. Ҳатто мавзуга доир манбаларнинг ҳайратланарли даражада кўплиги мени лол қолдирди. 1910 йиллар матбуотида “Арман фильми” атамасига қайта-қайта дуч келганман. Архив материалларини ўрганар эканман, бу даврда арманларнинг Миср, АҚШ, Кавказ сингари турли мамлакат ва ҳудудларда фильмлар суратга олганини аниқладим...” А.Бахчиняннинг фикрича, 1912 йил Мисрда тасвирга олинган “Арман синемаси” номли картина мамлакат тарихидаги биринчи бадийий фильмдир. Гарчи арман кинематографиясининг ибтидоси ҳақида турли фикрлар мавжуд бўлса-да, айнан XX асрнинг учинчи ўн йиллиги ўртасидан бошлаб турли мавзу ва жанрдаги фильмларни мунтазам ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим.

Режиссёр А.Бек-Назаряннинг 1927 йили яратилган “Зарэ” бадийий фильмида, худди аввалгисида бўлганидек, адабий асосга эҳтиёткорона ёндашув, монтаждаги новаторлик, актёрларнинг моҳирона ижросини кузатиш мумкин. Унинг 1928 йил тасвирга туширган эронлик оддий одамларнинг ижтимоий адолат учун олиб борган курашлари ҳақидаги “Хас-Пуш” фильми ҳам Арманистон овозсиз киносининг ёрқин намуналаридан биридир. Овозсиз кинога мансуб комедиялар орасида қишлоқдаги танбалларни кулги остига олган, трюкларга асосланган “Шор ва Шоршор” (1927 йил, реж. А.Бек-Назарян) ва интригалар туфайли “мексикалик элчилар”га айланиб қолган икки қишлоқ саргарошининг аянчли саргузашт-



лари ҳақида ҳикоя қилувчи “Мексикалик дипломатлар” (1932 йил, реж. А.Мартиросян, Л.Калантар) каби памфлет-фильмлар юксак бадиий савияси жиҳатидан ажралиб туради.

Кинода овознинг пайдо бўлиши арман санъаткорлари учун ҳам катта имкониятлар эшигини очди. Бу изланишларнинг илк намунаси сифатида “Пэпо” (1935 йил, реж. А.Бек-Назарян) бадиий фильмини келтириш мумкин. Режиссёр сахналарда кўп бор ўйналган мазкур пьесани экранлаштирар экан, аввало, асар моҳиятига чуқур ёндашиш, хатти-ҳаракат кўламини кенгайтириш, образларни кучайтиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Бу ниятга эришиш учун театр сахналарининг энг машҳур актёрлари: Г.Нерсисян, А.Авитисян, Асмик, А.Хачаняни фильмга жалб қилди. Пировардида, картина кутилган муваффақиятга эришди.

Арман киноижодкорлари 30-йилларнинг иккинчи ярмида тарихий-инқилобий мавзудаги, шунингдек, фуқаролик урушига бағишланган кўплаб фильмлар яратдилар. “Каро” (1937 йил, реж. А.Ай-Артян), “Зангезур” (1937 йил, реж. А.Бек-Назарян) ва “Тоғ марши” (1938 йил, реж. С.Кеворков) фильмлари шулар жумласидан. 1937 йил Л.Атаманов биринчи арман мультипликацион фильми – “Кучук ва мушук”ни яратди. Иккинчи жаҳон уруши даврида “Қонга қон” (реж. Г.Габрелян, А.Самвелян), “Ўрмондаги олов” (реж. А.Мартиросян, Л.Исаакян), “Ватанпарварлар оиласи” (реж. Э.Карамян, Т.Сарян) каби қисқа метражли бадиий фильмлар суратга олинди. Бу даврда киноижодкорлар Арманiston тарихига эътибор қаратдилар ва XVIII асрнинг биринчи ярмидаги босқинчиликка қарши кураш ҳақида “Давид – Бек” (1944 йил, реж. А.Бек-Назарян) картинаси тасвирга олинди. Бундан ташқари, Арманiston кинохроникаси фронтдаги курашларни суратга олиш ишларини олиб борди. Бунинг натижасида “Фронт учун”, “Арманiston ўғиллари”, “Жонажон ўлка” сингари хужжатли фильмлар тасмаларга муҳрланди.

Урушдан сўнг, Арманiston киносида муайян муддат инқироз даври юзага келди. Материал танлаш чекланган, жанрларда хилма-хиллик ка-



майган, кино ишлаб чиқариш ҳажми кескин қисқартирилган эди. 1954 йилга қадар бор-йўғи 3 та бадиий фильм намойиш этилди. 1954–1963 йиллар оралиғида эса 40 та бадиий фильм яратилган. Бу даврга мансуб фильмлар орасида Ватанига қайтиб, бахтини топган хонанда ҳақидаги “Юрак куйлайди” (1957 йил, реж. Г.Мелик-Акавян), миллат қаҳрамони Камо ҳақидаги “Шахсан маълум” (1958





йил, реж. Кеворков ва Карамян), машхур цирк артисти Енгибаряннинг ижодий йўлига бағишланган “Аренага йўл” (1963 йил, реж. Исаакян ва Г.Малян; арман киносидаги илк рангли фильм) картиналари диққатга сазовор.

1958 йил Арманистон Кинематографчилари уюшмаси тузилади. Шундан сўнг, Арманистон киносида сон ва сифат бўйича юксалиш кўзга ташланди. Режиссёрлар Ф.Давлатян, А.Бабаян, С.Паражанов,

С.Кеворков, Н.Оганесян, актёрлар А.Жигарханян, Г.Тонунц, М.Симонян, М. (Фрунзик) Мкртчян ва бошқалар ижоди бунга мисол бўла олади. Айниқса, 1968 йили арман шоири Саят-Нованинг маънавий дунёси, муҳаббати, дину диёнати, юрти, халқига муносабати ҳақида ҳикоя қилувчи режиссёр С.Паражановнинг “Анор ранги” картинаси ўз даврининг ноёб экран асарларидан бирига айланди. Режиссёрнинг кинообраз яратишдаги маҳорати дунё кино ижодкорлари томонидан эътироф этилди.

Арманистон киносининг яна бир хусусияти шундаки, этник жиҳатдан келиб чиқиши арман бўлган ижодкорлар АҚШ, Франция каби кино санъати ривожланган мамлакатларда фаолият олиб боришади. Мисол тариқасида АҚШдаги энг қудратли кинокомпания “MGM” (“Metro Goldwyn Mayer”) раҳбари Кирк Киркоряни айтиб ўтиш мумкин. Қолаверса, хорижда муваффақият қозониб, машхурликка эришган киноижодкорлар Арманистонда замонавий кино саноатини барпо этиш ва ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

2004 йил 30 июндан 4 июлга қадар Ереван шаҳрида илк бор “Олтин ўрик” халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Шундан буён мазкур фестиваль анъанавий тарзда ташкил этилади. 2010 йил режиссура соҳасида юксак марраларни забт этган ижодкорларни тақдирлаш мақсадида “Ўз касбининг устаси” соврини таъсис этилди. 2011 йилга қадар кинофестиваль уч асосий йўналишдан иборат эди: халқаро бадиий ва ҳужжатли кино конкурслари, “Арман панорамаси” танлови. Шу йилдан эътиборан бошловчи режиссёрлар учун “Кориз” (“Данак”) деб номланган қисқа метражли фильмлар номинацияси жорий этилди.

Бугун арман кинематографияси жаҳон кино саноати билан кучли интеграциялашув жараёнини бошдан кечирмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда яратилган “Арарат” (2002, А.Эгоян), “Маёк” (2006, М.Саакаян), “Чегара” (ҳужжатли фильм, 2009, А.Хачатрян) каби фильмлар дунё кино мутахассислари томонидан эътироф этилди. Ҳозирда режиссёрлар замонавий технологиялардан фойдаланиш билан бирга миллий кино анъаналарини сақлаб қолиш йўлидан бормоқда.

*Музаффар ҚОРАБОЕВ тайёрлади.*



## АРМАН ШЕЪРИЯТИДАН

### *Наапет КУЧАК*

(XV–XVI асрлар)

*Рус тилидан  
Абдуҳамид ПАРДАЕВ  
таржимаси*

*Наапет Кучак – арман халқининг илк ошиқ, яъни бахши-шоирларидан бири. Унинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумот кўп эмас. Баъзи манбаларда XV–XVI асрлар оралиғида Вана яқинидаги Хараконис қишлоғида (ҳозирги Туркия ҳудуди) туғилган, дейилади. Шоир ҳаётлик чоғидаёқ халқ ўртасида шуҳрат қозонган. У асосан арман шеъриятининг қадимий жанри – айренда ижод қилган.*

\* \* \*

*Севаман деганларинг қуруқ сўзмиди, эй ёр,  
Шойи деб тутқазганинг оддий бўзмиди, эй ёр?  
Ваъдаларинг унутиб, наҳот ташлаб кетарсан,  
Топганинг мендан аъло қора кўзмиди, эй ёр?!*

\* \* \*

*“Бир бўсанг нархин айт менга, нигоро?”  
Ишва билан деди: “Боймисан ортиқ?  
Барча молу мулкинг менга чикора,  
Севсанг, бас, бор меҳрим қиларман тортиқ”.*

\* \* \*

*Ўглини бешафқат қарғади она:  
“Тентираб яшагин мисли девона.  
Саҳроларда сарсон кезиб бегона,  
Жаннатдай юртингни согин ягона”.*

\* Манбалар: 1) Поведай мне, Аракс могучий. Из армянской поэзии. –Ленинград: “Детская литература”, 1984; 2) Песнь любви. Сборник, т. 2-й. –М.: “Молодая гвардия”, 1972; 3) Поэты Армении. –Л.: “Советский писатель”, 1979.

# САЯТ-НОВА

(1712–1795)

Саят-Нова (асл исми – Арутин Саядян) Тбилисида, камбагал арман оиласида туғилган. У яшаган пайтда Тбилисида турли миллат вакиллари истиқомат қилишган. Шу боис Саят-Нова арман, грузин, озарбайжон тилларини пухта ўзлаштирган. Саят-Нова оташин муҳаббатни, ижтимоий адолатни, халқнинг асрий орзу-умидларини бир йўла уч тилда юсак маҳорат билан куйлаган бетакрор истеъдод соҳибларидан бири ҳисобланади.

\* \* \*

*Сира ҳам жоним демасман, жонона, жонимсан менинг,  
Оби ҳаёт тўлиб-тошган олтин финжонимсан менинг,  
Бошим узра соя солмас яйдоқ шийпонимсан менинг,  
Севдим сени, ўлдир мени, золим султонимсан менинг!*

*Қадди-бастинг сарви равон, гул юзинг мастона аъло,  
Сўзларинг қанд, лабларинг бол, тишларинг дурдона аъло,  
Нигоҳингда ақлу ҳушим олар минг бир маъно аъло,  
Бебаҳо дуру жавоҳир, лаъли рахшонимсан менинг!*

*Дарди ҳажринг ичра минг бир дардга дучор бошим, эй ёр,  
Кўзларимдан оқар, ё Раб, мудом қонли ёшим, эй ёр,  
Қолмади ҳеч танда ортиқ зарра ҳам бардошим, эй ёр,  
Кўйинг ичра яйрай, жаннат каби бўстонимсан менинг!*

*Хушторингман, бедорингман, борми мендай гадо бўлган,  
Наинки мен, жумла жаҳон ой юзингга шайдо бўлган,  
Неларга, айт, қиёс айлай, бор ташбеҳлар адо бўлган,  
Шамолдай ҳеч тутқич бермас гўзал жайронимсан менинг!*

*Дариг тутмай ширин сўзинг Саят-Нова ёри бўлгин,  
Ёри неки, бор давлати, номуси ва ори бўлгин,  
Қалби ичра оташ ишқи, алангаю нори бўлгин,  
Чиннигул ҳам атиргул ҳам тоза райҳонимсан менинг!*

\* \* \*

*Мен – булбулни олтин қафас ичра тутар бўлдинг ўзинг,  
Юрагимни шафқат қилмай топтаб кетар бўлдинг ўзинг,  
Гарчи қалбим жаннат каби обод этар бўлдинг ўзинг,  
Ёлворсам ҳам шоҳдай сукут сақлаб ўтар бўлдинг ўзинг!*

*Гулзор аро гулларни ҳам кўзга илмай ёндирасан,  
Оташ-олов нигоҳ билан парво қилмай ёндирасан,  
Мени ҳам, оҳ, мурувват нелигин билмай ёндирасан,  
Барчани кул қилиб боши узра этар бўлдинг ўзинг!*

*Ошиқларинг ичра, эй ёр, мен ҳам сенинг бир қулингман,  
Хажринг зиндонида мудом қон ютар бир мақтулингман.  
Отимдан ҳам, зотимдан ҳам кечдим, шайдо булбулингман,  
Дарё каби тўлғонарман, бағрим ўртар бўлдинг ўзинг!*

*Дурдона бир холинг билан элни асир қиларсан, ёр,  
Менга ҳам минг жоду билан, эвоҳ, таъсир қиларсан, ёр,  
Жондан буткул умид узган кўру басир қиларсан, ёр,  
Эй маликам, содиқ қулинг ногоҳ нетар бўлдинг ўзинг?!*

*Саят-Нова кўзида ёш: “Йиғларман дер то имкон бор,  
Дардларимни дoston қилмам мисли мард эр то имкон бор,  
Ва лекин наъра тортарман бамисли шер то имкон бор,  
Ҳиммат қилиб олтин созим, не бахт, тутар бўлдинг ўзинг!”*

## **Аветик ИСААКЯН**

(1875–1957)

*Рус тилидан  
Муҳиддин ОМОН  
таржимаси*

Атоқли арман шоири ва ёзувчиси. Илк шеърлари 1892 йилдан матбуот саҳифаларида кўрина бошлаган. 1897 йилда “Қўшиқлар ва жароҳатлар” номли илк шеърий тўплами нашрдан чиққан. 1905–1909 йилларда “Озодлик кўнғироғи”, “Бу нафрат муқаддас...” каби шеърлари ва “Абул Аъло ал-Маарий” номли фалсафий достонини ёзади. А.Исаакян 1911 йили чор Россияси айғоқчиларининг тазйиқи остида ўз юртини ташлаб, муҳожирликка чиқиб кетади. Европада “Бизнинг аждодлар” каби асарларини ёзади. 1928 йилда Арманистонда шоирнинг “Бардош чилими” тўплами чоп қилинади. 1936 йилда шоир Арманистонга буткул қайтиб келади. “Бизнинг муаррихлар, бизнинг ҳусанлар” (1939), “Она Ватанимга” (1940), “С.Г.Закияннинг ўчмас хотирасига” (1942), “Буюк зафар қуни” (1945) каби шеърлари учун шоир Давлат мукофотига сазовор бўлган.

## **ОНАИЗОРИМГА**

1

*Ватанимдан кетдим кўп узоқ,  
Мен қувгинди, уйсиз дарбадар.  
Мушфиқ Онам чекади фироқ,  
Озурдаман, уйқусиз тунлар.  
Тоғу денгиз узра чарх урган  
Шаббодалар, қушлар, айтингиз:*

*Мен дайдини согиниб юрган,  
Онам наҳот, учратмадингиз?!  
Эй, денгизнинг мовий тўлқини,  
Эй, қалбимдек тугён беором,  
Балки онам қўмсаб ўглини,  
Сиз орқали юборган салом?!*

...Шаббодалар елади бесас,  
 Қушлар учар жануб томонга.  
 Мен гамбода, гарибга бирпас  
 Қайрилмасдан, кўмар – армонга...  
 ...Нурли чехра, хуш каломингиз  
 Согинганман мунис волидам.  
 Кошки, англаб туш-хаёлингиз,  
 Ёнингизга қайтолсам бир дам...

Ҳамроз бўлиб Сизга муносиб,  
 Оқ тумандек меҳрим тўқардим.  
 Жуссангизни бағримга босиб,  
 Пойингизни тавоф этардим...  
 Дарду согинч этган садпора  
 Юрагингиз қошида бир зум,  
 Қаҳ-қаҳ урар эдим ошкора,  
 Аламли ёш тўқардим юм-юм...

## 2

Хаёлимда ойдин оқшом, суқунат,  
 Томлар оша шаффоф тутун ўрлайди.  
 Таниш мажнунтоллар шивирлар фақат,  
 Қайдадир чигиртка шод чириллайди...  
 Мункиллаган Онам ўчоқ бошида,  
 Набирасин қучиб ўтирар сипо.  
 Болажоним ухлар, ширин тушида  
 Мени кўрар... Онам ўқийди дуо...

“Илтижом қабул эт, Яратган эгам,  
 Бемор, гарибларни ўзинг қўллагин.  
 Майли, энг охири кўрсатиб карам,  
 Дарбадар ўғлимни уйга йўллагин”.  
 Осуда уй узра тутун ўрлайди,  
 Онам дуо ўқир болам бошида.  
 Қайдадир чигиртка шод чириллайди,  
 Мажнунтол ёш тўқар Онам қошида...

\* \* \*

Аракс<sup>1</sup> соҳилида бўлса чорбогим,  
 Экардим мажнунтол, атиргул, лола...  
 Сояда бир чайла қуриб, ҳарёгин  
 Обод қилар эдим, бор меҳрим ила.

Токи шу қулбамнинг сўнмай чироги,  
 Фараҳ ва ҳузурга кўмилсин ҳар дам.  
 Чўгдек ёниб турсин Шушан<sup>2</sup> дудоги,  
 Оташ ҳисларимни кўрганда баҳам...

Биргина шу орзу, шу тилак учун  
 Борлигим мен фидо қилишга шайман.  
 Шул ният умримга бахш этгай мазмун,  
 Уни рўёб этмоқ учун яшайман...

<sup>1</sup> Аракс – Арманистондаги дарё.

<sup>2</sup> Шушан – Сусанна исмининг арманча шакли, бу ерда шоирнинг рафиқаси назарда тутилган.

\* \* \*

Тогда учган қора лочин  
 Нишон қилиб кўкрагим,  
 Тиздек ўткир тумиғуғи-ла,  
 Узиб олди юрагим...  
 Сўнг қояга қилиб парвоз  
 Отди нилий маъвога,

Шунданмикан дилда ихлос,  
 Талпинарман самога.  
 Шундан буён оҳанрабо  
 Каби тортади осмон,  
 Юрагимда берар садо  
 Лочинқуш солган сурон...

\* \* \*

Туш кўрдим: тушимда чайқалиб, мудраб,  
 Карвон кетиб борар, жаранги майин.  
 Тоғу адирларда бир-бирин судраб,  
 Илондек ўрмалар, тиним билмайин.

Карвон ўртасида – тахтировон хос,  
 Унда тебранади гўзал маҳлиқо.  
 Кўзларида қувонч, келинчак либос,  
 Нигоҳи юрагим қилади адо...

Мен-чи, юрагимда тўла дард-фигон,  
 Чанг ютиб ортидан қузатаман жим...  
 Карвон олис кетар, кўзлардан ниҳон,  
 Қўнғироқлар саси майиндан-майин...

\* \* \*

Тун чоғи осуда богимда  
 Ёш тўкар йиғлоқи мажнунтол.  
 Вужуди ҳасратлар доғида,  
 Шўрликни юпатмоқ кўп маҳол...  
 Тонг отгач, париваши субҳидам  
 Меҳр-ла оламни ёритди.  
 Сочига ўрилган ишқ билан,  
 Мажнунтол ёшларин аритди...

\* \* \*

Нур ила сийласа субҳидам,  
 Мастона сайрайди бўзтўргай.  
 Билмайди на андуҳ ва на ғам,  
 Ҳаётни олқишлар у тинмай.  
 Не жонлар ҳасратнинг дастида,  
 Дунёга алам-ла қарайди.  
 Боши хам мазлумлар устида  
 Бўзтўргай мастона сайрайди...

## Егише ЧАРЕНЦ

(1897–1937)

Егише Чаренцнинг тўлиқ исми Согомонян Егише Абгарович. У Карс шаҳридаги Реал билим юртида, Москвадаги Шаняевский университетиди ўқиган. 1914 йили “Маҳзун ва рангпар қиз учун уч қўшиқ” илк шеърий китоби нашрдан чиқади. Чаренцнинг 1919 йили эълон қилган “Дарғазаб оломон” достони Арманистон адабиётида муҳим воқеа сифатида эътироф этилади.

Шоир собиқ Шўролар салтанати қатағониға учраб, Ереван турмаси қошидаги касалхонада ҳаётдан кўз юмади.

\* \* \*

Вужудимда ёлқинланасан,  
Оташларда ёқасан жоним.  
Ииқдек мангу олов ичрасан,  
Пок ва тоза йўқдир гумоним...  
Мен-чи, гариб, мискин, овора,  
Юртим каби андуҳдан гирён,

Юз ўгирса дунё, на чора –  
Дил озурда, тасалли – гумон...  
Не деб чорлай, энди мен сени:  
Қачон таъминг тотгай дудогим?  
Сўйла, эй Бахт, қийнамай мени,  
Насибдирми Сени кўрмогим?!

### “ДОРИЛБАҚО ШЕЪРЛАРИ”

Қалбимга андуҳлар заққумдек инар,  
Бу заҳар зардоби, оҳ, қачон тинар?!  
Аждодлар пандига қулоқ қоқмадим,  
Шафқатсиз дунёнинг мағзин чақмадим...  
Дўстим ҳам душманим ўз ичимдадир,  
Уларни жабридан танийман, ахир...  
Бошимга иш тушса, юрагимда доғ,  
Дўстим юз ўгирар, душман – кўнгли чоғ...  
Ҳаммамиз бир жону бир танмиз, гарчи,  
Лек бордир ҳар кимнинг ўзин кўмачи...  
Қайда намоёндинр фойда, манфаат,  
Ўзин урар ҳар кас шу жойга фақат...  
Мен-чи, бир кунжакда гариб, нотавон,  
Қисмат ёзугини кутарман ҳамон...  
Нетай, менга насиб заҳар томчиси,  
Ажалнинг элчиси... гўр илҳомчиси...

Қалбимга андуҳлар заққумдек инар,  
Бу заҳар зардоби, оҳ, қачон тинар?!

### АЛАҲЛАШ

Мен тенгсиз даҳо деб билган бош чаноқ,  
Тишсиз эди мутлоқ ва яна аҳмоқ.  
Кечаси эгнимга заҳар сочарди,  
Ва ўзин “меҳрибон дўст” деб атарди.

\* \* \*

*Тўққизинчи сана, гўё шу кундан –  
Меъдага теккудек заройиб тарзда,  
Чормихга тортилган ҳар шеърим мендан,  
Қиёфа, чеҳрамни олмишдир қарзга,  
Билмадим, бу менга иснодми, шараф,  
Туссиз сатрларим аҳволи мубҳам,  
Совуқ хочни кўрдим шеъримга қараб,  
Унда ўлим каби порлар шум рақам.*

\* \* \*

*Тагин паришонман юрак қошида,  
Майдон аро ёлғиз эмандек ночор,  
Эманки, кимсасиз, лекин бошида –  
Эсгувчи шамоллар, шафқатсиз, беор...  
Бу ерда уч бута ерга қапишиб,  
Бамисли бир сирдан воқиф уч нокас,  
Кимнингдир номини такрорлар шипшиб,  
Эмансиз майдонни қилганча ҳавас...*

\* \* \*

*...Офтоб қайдан чиқди, бахт кулдими ё,  
Ўз-ўзидан ашъор битмоқда қўлим.  
Ҳар сатри – бир сана, камтар, бериё,  
Уларда акс этар азобли йўлим.  
...Наздимда сарлавҳа улар шунчаки –  
Туси ўчиб, рангсиз бўлган бир сиёҳ,  
Балки ишорадир йўл четидаги  
Хочсиз қабрларга саноқсиз, эвоҳ....*

\* \* \*

*Бўлганмикан шу пайтга қадар  
Бирор шоир ўзин унутган,  
Рақам қўйиб шеър ёзган чоғда,  
Мўъжизавий жарангни кутган?  
...Бир жаранги, таъсир кучи-ла  
Муждаларни қолдирмиши доғда?!  
Гарчи эзар қирқ ёш залвори,  
Изланишлар – кони машаққат,  
Дилда ҳар он дуо такрори,  
Ножсоиздек гоҳо ибодат...  
О, Яратган эгам, бокарам,  
Эй, тахайюл, орзу эгаси,  
Бизда неки бўлса мужассам,*

*Бари – Сенинг меҳринг меваси.  
Қатъияту кўрс сўзлигимиз,  
Шеърда – идрок, рақсдаги маъно,  
Ақлу зако ҳам ўзлигимиз –  
Бари учун шукур, Раббано!  
Шон-шуҳратга чорлаган Сенсан,  
Томирларда гайрат тўлқини,  
Илҳом, ижод неъматин берган  
Олий зотсан, алқайман Сени...  
Мени сийлаб, этиб сарафроз,  
Шоир деган мақом берибсан.  
Ўзгалардан билибсан мумтоз,  
Юрагимга чилтор илибсан...*



Тангрим, шукур то сўнгги нафас,  
Қўлингдирман қошингда қарздор.  
Халқ қайғусин билдим муқаддас,  
Эзгуликни айладим шиор.  
Энди кечмас умрим армонда,

Юрт дардидан оғриган жонман,  
Шундай манфур, қаттол замонда  
Эл дардига балогардонман!  
То андуҳдан дилимда садо,  
Бари учун шукур, Раббано!

\* \* \*

Туш кўрдим, олисда бир карвон<sup>1</sup>  
Қўнгироқ садоси остида,  
Чайқалиб ошарди қир-довон,  
Билмадим, қай манзил қасдида...  
Кўрдимки, қалбимнинг дилбари,  
Бормоқда карвонда, зар либос.  
Бошида келинлик чамбари,  
Пойига йиқилдим:  
Илтимос!

Эй, Санам, карвонинг қистама,  
Муштоқ дил бир Сенга интизор,  
Жоним ол, ўзга ёр истама!  
Оҳ, нетай бепарво, ул жонон,  
Юшамас, қалбдаги тош-санги,  
Тупроққа йиқилдим, лек ҳамон,  
Тинмасди қўнгироқ жаранги...  
...Тинмасди, диловар оҳанги...

## Наири ЗАРЯН

(1900–1970)

Рус тилидан  
Нодира АБДУЛЛАЕВА  
таржимаси

Наири Зарян (Айастан Егизарьян) – шоир ва носир. 1928 йили Ереван давлат университетини тугатган. Бир нечта шеъррий тўплами чоп этилган. “Авацан”, “Жаноб Петрос ва унинг вазирлари” романлари, “Ара” трагедияси, “Булоқ бошида”, “Тажриба даласи” сингаари комедиялари ҳам эътибор топган.

\* \* \*

Гуссага чўмарсан бир кун соғиниб,  
Ортиқ йўлларингда бўлмасам абгор.  
Қўзда йиғлаб оққан жилга бўйида  
Бағри хун толдайин кутмасам зинҳор.

Овозим олисдан жаранглар фақат,  
Кўл тубидан келган нидодай гамнок.  
Кўчага чиқарсан ёлғиз, бетоқат,  
Вужудинг титроққа тўлади шу чоқ.

<sup>1</sup> Худди шу мазмундаги шеър атоқли арман шоири А. Исаакян ижодида ҳам учрайди. (Туш кўрдим: тушимда чайқалиб, мудраб, Карвон кетиб борар, жаранги майин). Тахминимизча, ушбу асар аслида бирорта форс шоири қаламига мансуб бўлиб, ҳар икки ижодкор уни арман тилига ўнгирган бўлса керак. Масалан, у Саъдий Шерозийнинг “Эй сарбон, оҳиста рон, ороми жонам меравад” сатрлари билан бошланувчи ғазалини ёдга солади. (Таржимон изоҳи).

*Излаб тополмассан, энди кўчангдан  
Ўтмоққа етмагай кўнглим дошлари.  
Ноилож қайтарсан ортингга, боғда  
Унутилиб қолар кўзинг ёшлари.*

## **Ашот ГРАШИ**

(1911–1973)

Арман адабиётининг йирик намояндаси. Ереван педагогика институти-нинг филология факультетида ҳамда Боку чет тиллар институтининг немис тили бўлимида таҳсил олган. Шеър ва достондан иборат қирққа яқин китоб муаллифи.

\* \* \*

*Ишқим қиссасини тингланг бир лаҳза.  
Қушлар оқшом чоғи унга жўрнавоз,  
Жилгалар шилдираб ашъорлар битгай,  
Кўклам қўшигидай майин, хушовоз.*

*Кавказ тоғларининг бағрида унган,  
Мовий кўллар узра сузган тарона.  
Арагдаек<sup>1</sup> шошар сукунат томон,  
Ойнинг шуъласида товланар яна.*

*Ишқим қиссасини тингланг бир лаҳза  
Уни чўгдек кафтда тутмиш далалар.  
Аракс соҳилига келдим, олисда  
Атрофга оловлар сочмиш лолалар.*

*Ишқим қиссасини тингланг бир лаҳза,  
Кўнгиш сўраб кўйинг “Вертер”дан алҳол.  
Сабр ила кўз тутинг, ёз ҳам келажак,  
Биатриче бўлар сиздан миннатдор.*

*Ишқим қиссасини тингланг бир лаҳза.  
Бу чексиз уммондир, бу – айни чошгоҳ.  
Бу – юлдуз парвози, бойчечак саси,  
Тонгда шабнамларга чайилган бир боғ!*

*Ишқим қиссасини тингланг бир лаҳза,  
Булбул навосидан унгай чаманлар.  
Қайдадир фазода, уммонда балки  
Замин ишқин кўйлаб яшар одамлар.*

<sup>1</sup> Арагва – Арманистондаги дарё.

*Ишқ чегара билмас, кўҳна, навқирон,  
Ишқни куйлаганнинг йўқдир саноги.  
Шимолми, жанубми, ҳар ерда, ҳар он  
Унга ҳамроҳ оқшом, шамол – ўртоғи.*

\* \* \*

*Севгим мадҳин мен куйламасам –  
Ким куйлайди ишқимни ёниб?  
Юртим чиройидан завқ олиб.  
Ким куйлайди, мен куйламасам?*

*Ҳар зарра тупрогин кўзга сурмасам,  
Ҳар бир новдасини эркалаб, суйиб,  
Ҳар бир оҳангини юракдан туйиб,  
Ким куйлайди, мен куйламасам?  
Ким куйлайди, мен куйламасам?*

---

## **Ваагн КАРЕНЦ**

(1924–1980)

*Шоир ва таржимон. Ереван педагогика институти ва Москвадаги Олий адабиёт курсида ўқиган. “Ёмғирдан сўнг”, “Лолалар”, “Қордаги излар”, “Кечки йўллар”, “Тоғ этагида” каби шеърини китоблари нашрдан чиққан. Рус ва курд тилларидан адабий таржималар қилган.*

## **СЕНИНГ ИСМИНГ**

*Оппоқ далаларга ёздим  
исмингни,  
оппоқ табассумдан ёришиди дунё.  
Исмингни жамлаган ҳарфлар қувончдан  
эриб битганида қор каби гўё,  
улар сингиб кетган тупроқ бағридан –  
униб чиқди мовий кўнгироқгуллар.*

*Бутун дала бўйлаб таралди бирдан  
кўнгироқгулларнинг жаранги масрур,  
ердан бош кўтарди бошоқлар бир-бир,  
қаддини ростлади саркаш ва мағрур...*

*Ваҳший қояларга ёздим исмингни,  
Қоялар бир зумда айланди кўҳна  
ибодатхонанинг деворларига!*

\* \* \*

Бепоён далада ястаниб олиб,  
 Кўкни, булутларни жим кузатарман.  
 Атрофда сукунат,  
 Осойишталик.  
 Гўёки хаёлга чўмган осмон ҳам,  
 Гўё орзуларга берилган шу дам.  
 Худдики, бу мовий маъво остида  
 Буткул гулистонга айланган олам.

Бепоён далада ястаниб олиб,  
 Қадрдон ва чексиз майдонларимда,  
 Юксакликда, кўкда кўзим иллаган  
 Қора бир нуқтадан олмай нигоҳим,  
 Кўрдим, у ложувард кенглик қўйнида  
 Булутлар тоқида бургут парвозин.  
 Кун қиёмга келган паллада  
 Бургут пастга бўйлар,  
 Мен эса кўкка.

Самода айланар бургут,  
 Парвози боқийлик кўшикидан дарак.  
 Унинг парвоздаги руҳи-жсонига  
 Кўнглимдаги ришталар уланар бешак.  
 Бургут пастга бўйлар,  
 Мен эса кўкка.  
 У ненидир излар, излар бетиним.  
 Нимадир, нимадир боғлайди бизни,  
 Балки у оғамдир ва ёки иним.

---

## **Аревшат АВАКЯН**

(1940 йилда туғилган)

Шоир, журналист ва рассом. 1966 йили Ереван давлат университети-нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Қўним билмас парвозлар”, “Нурли траектория”, “Моддият руҳи”, “Сўз кулфи” ва “Бошпана” каби шеърий ва насрий китоблари чоп этилган. Рассом сифатида ўз китоблариға безаклар ҳам ишлаган. Асарлари қатор хорижий тилларға таржима қилинган.

\* \* \*

Умримнинг олис бир тонгида  
 Оқ эди булутлар шитири,  
 Чағалай қаноти сингари.

*Ғуссага ботгандим,  
Эҳ, олис манзил.  
Ерга сингиб кетган булутлар аро  
Тушлар кўрар эдим фақат ям-яшил.*

*Кўнглим ёритарди оппоқ кенгликлар,  
Кўзим яшнатарди далалар мавжси.  
Бир қиз табассум-ла олмиш хаёлим,  
Қиё боқмаса ҳам бўларди гарчи.*

*Шу қиз бўлармиди ҳамроҳим, аммо  
Ғойиб бўлди зумда субҳидам чоғи  
Тасаввур эдими, эдими рўё?*

*Энди субҳ ўзгача, ўзгача фалак,  
Биламан, қўшиқлар битмасдим балки,  
Балки юз бурмаса мендан ўша қиз,  
Куйламас ҳам эдим бундай жонсарақ.*

*Кетиб борар эдим ғамнок, озурда  
Олис эди манзил ўшанда жуда.*

## МОҚАЦ ТОҒЛАРИДА

*Бехавотир ухларди қишлоқ,  
Сокин бошпаналар устида  
Кезар эди сирли хаёлот,  
Жуда ҳолдан тойган уйқунинг  
Тегиб турар эди томирида қон.*

*Бедазор далалар қўйнида  
изгирин шамолни  
афсунлар чўпон.  
Эртага ҳосил мўл бўларми дея,  
барвақт туриб одатдагидан  
галлазор далага отланар деҳқон.*

*Кулолларнинг моҳир санъати  
Киритарди тупроққа-да жон.  
Муҳаббат – рашк билан яшар ёнма-ён.  
Ногоҳ бахт тўрини отганда инсон,  
Тўрига муҳаббат илинар ҳар он.*

*Ҳузур бахш этарди қадрдон булоқ  
Ул сабаб ташналик билмасди қишлоқ.  
Ярим тун, ярим ой мўралаган чоғ  
Гўё ажалга дуч келган кўзичоқ  
Бўри тўдасига қасдма-қасдига  
Яшашни истарди ҳар недан кўпроқ.*



## ДАРДКАШ АДИБ

*Тирик жон курраи заминда яшаб туриб,  
наҳотки, ер юзини тасаввур қила олса!  
Грант Матевосян*

Мен Грант Матевосян асарларини мутолаа қилсам, ҳамиша арман халқининг миллий сози – зубукдан таралаётган оҳангларни тинглагандек бўламан. Арман тилини билмайману, бу халқнинг дардлари, армонлари ифодасидан мутаассир бўламан.

Муаллифнинг “Алхо”, “Ғунажин”, “Август” сингари изтироб чироғи билан ёритилган асарлари бир вақтлар бизга Мурод Муҳаммад Дўст ҳикоялари ва қиссаларига ўхшашдек туюларди. Ўтқир иборалар, қутилмаган тасвирлар, содда ташбеҳлар, фавқулодда хулосалар ўзига хос феъл-атворга эга қаҳрамонлар табиатини тўлароқ очишгагина эмас, балки муаллифнинг дардли ўйлари, оламнинг яратилиши ва ҳаётнинг ўзаги ҳақидаги маҳзун хаёлларини ифодалаш учун ҳам хизмат қиларди. Айнан у “Дунёнинг оламшумул муаммоларини Цмакутадан ҳеч қаерга чиқмасдан ҳам ҳал қилиш мумкин” эканини ҳамда телевизор у ёқда турсин, телефонсиз ҳам роҳат-фароғатда, тинч ва осойишта, бахтиёр яшаш имкони борлигини ўзининг дилбар қиссаларида далиллаб берганди. У эскилик тарафдори – мутаассиб эмас, балки оддий одамлар, ўша биз ҳамиша мадҳ этган содда, одамохун қишлоқ кишиларининг чиндан ҳам шоирона ҳаётини тараннум этади. Лекин моҳиятан барибир инсон дарди, инсон орзулари ўртасида ҳеч қанақа фарқ йўқлигини у жуда теран ҳис қиладики, шу жиҳати билан бу асарлар ўтган асрнинг 70-йилларида афкор жамоа орасида жуда кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлганди. Унинг қаҳрамонларидан бири аспирантурада таҳсил олаётган аёлга: “Менга айт-чи, Ева, қай бири афзал, экзистенциализмми ёки чақалоқ? Сен болаларингни ташлаб, ана ўша экзистенциализмни излаб келганмисан?” – деб савол берганида, лабингизда табассум ўйнайди. Бироқ зукко китобхон савол замирида жавоб яширин эканини дарров сезади.

Дарвоқе, Грант Матевосян ижодиди силайи раҳм – яқинларга ғамхўрлик, меҳр-оқибат етакчи ўринни эгаллайди. “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинаётган “Бегона” қиссаида ҳам айна жиҳат яққол кўзга ташланади. Ниҳоятда оддий воқеадан бағоят муҳим ва теран маъно чиқариш санъати ёзувчи ижодининг сарчашмасига айланганига қисса мутолаасидан сўнг иқрор бўласиз. Қиссада уруш йиллари ўсмирлари ҳаётидан бир лавҳа қаламга олинган бўлиб, синфдошига хиёнат қилган боланинг тилидан, эҳтимол, унинг нигоҳлари тилидан ҳикоя қилинади. Бола ўз ҳимоясидаги касалманд синфдошини ярим йўлда ташлаб кетиш номардлик эканини кейинроқ англаб қолади: “Сен ҳали ўртоғингни ташлаб кетдингми, номард?!” Бунинг учун увоққина жони билан ўзини кечиролмайди. Минглаб чақирим нарида оталари улар

учун, уларнинг мунаввар ҳаёти учун уришаётган бўлса-ю, оталар жасорати ва фидойилигидан ўрнак олмасалар! Дунё ҳар қанча шафқатиз бўлмасин, кўнгилини асраш учун одам ўзида куч топа олиши шарт, шунга мажбур, акс ҳолда бу дунё унинг ўзини ҳам, ҳаётини ҳам ютиб юборади. Матевосян – бадиий олами, тафаккур тарзи ва билим доираси ноёб адиб. Унинг дунёни тегран англаши, юз бераётган ҳодисалардан кутилмаган, лекин аниқ хулосалар чиқариши, умуман, бу воқеаларнинг муқаррар оқибатларини биз, китобхонларга ғамгин оҳангларда тўла-тўқис етказиб бериши сабаб адиб асарлари мунгли ва ўйчан соз – зубук оҳангларини ёдга солар?! Зеро, бу илм эмас, таълимот ҳам эмас, балки айни ҳаётдир.

Таржимон

## Грант МАТЕВОСЯН

(1935–2002)

### БЕГОНА

Қисса

Рус тилидан  
Олим ОТАХОН  
таржимаси

Грант Матевосян – ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби. Кўплаб қисса, хикоя ва киносценарийлар муаллифи. “Биз ва бизнинг тоғлар” (1962), “Август” (1967), “Алхо” (1967), “Оловранг уюр” (1974), “Чоллар” (1987), “Сен қандайсан, Арманистон?” (1989) асарлари севиб ўқилади. Бир неча миллий мукофот билан тақдирланган. Асарларида маиший муаммолар орқали чуқур руҳий эврилишларни ифодалаб бериш йўлидан боради.

Синфимизда Мадат, Самад ҳамда Амирхонлар<sup>1</sup> бўла туриб Артаваздни Турк ёки Бегона деб атадик. У пайтларда бунинг сабабини билмасдим. Энди биламан. Бечора акалари ёшига тўлмай кетмакет нобуд бўлишгани учун, кампирлар унинг онасига, кейинги болангга туркчами, курдчами, хуллас, шунга ўхшаш бошқ миллатга хос исм кўйиб кўргин, дея маслаҳат беришади. Гўё шу йўл билан ажални чалғитса бўлар эмиш, тавба, арман боласи ўзга миллатга мансуб исм остида беркиниб яшаётганини худди ажал билмайдигандек. Хуллас, бошқа иложи йўқ, ирими шунақа, деб тушунтиришади. Ота-она ноилож эскиларнинг гапини икки қилмай, кейинги туғилган боласига туркчами, курдчами, ишқилиб, Артавазд деб исм кўйишади.

Кўйишга кўйиб, қани, кўрайлик-чи, дея кута бошлашибди. Кунларнинг бирида аллақандай нотаниш бир йўловчи нафасини ростлагани уларнинг четан деворига суяниб турганида аёлдан бир пиёла сув сўрабди, ташналигини қондиргач, қўлидаги эмизикли чақалоғига худодан узок умр тилаб, дуо қилибди. Она бош чайқаб, болага бего-

<sup>1</sup> Манба: <http://www.rulit.me/author/matevosyan-grant-ignatevich/chuzhak-download-free-100401.html>

<sup>1</sup> Турк болаларининг исмлари.

на миллатга мансуб исм қўйишгани ва бунинг сабабини айтиб берган экан, йўловчи оққўнгиллик билан, бу бегона исм эмас, ҳақиқий, чин арманча исм, дея кулимсирабди. Она янги туғилган чақалоғи қўлида, кўрққанидан ранги қув ўчибди, ота сиқилиб уф тортибди-да, олма дарахтининг остига чўк тушибди. Мана шунақа гаплар.

Ўша исм билан бола ўлмаёй яшайпти. Мана шу Артаваздни синфда дам Турк, дам Бегона деб чақирардик. Унинг онаси кутубхонада ишларди, супуриб-сидирар, сув келтирар, китоб чангларини артар, ўқишни билмаганидан китобларнинг оёғини осмондан қилиб яна жойига тикиб қўяр эди. Кунлардан бир кун у кутубхонага осиб қўйилган “Фашист босқинчиларига ўлим” деб оҳак билан ёзилган шиорни олиб кетибди ва уйига боргач, бу кип-қизил шиорни ювибди, куригач эса, ундан боласига қўйлақ тикибди.

Бегонанинг отаси касалманд бўлиб, юраги хаста эди, у доим одамларга ҳасрат қилиб, инқиллаб-синқиллаб юрар эди-ю, лекин туз-насибаси узилмаган эканми ёки жони қаттиқми, ўлай демасди. Уни урушга олишмагани, ёлғиз ўғли билан яшарди. Қишлоқда ундан бошқа эркак зоти қолмаган, бундан боёқишнинг ўзи ҳам ор қиларди. У аёл боши билан эркаклар ишини бажараётган оналаримизнинг қўлидан болтасини олиб, ёрдам бермоқчи бўлар, ўша болта билан ходани икки-уч ургач, дарҳол юрагини чангаллаб қоларди. Қисқаси, оҳ-воҳ қилиб, ҳасратидан чанг чиққани билан умр кечирар, Бегонанинг машқларини бажаришга кўмаклашар, бизнинг оталаримиз эса фронтнинг олдинги қисмида жон олиб, жон беришарди.

Муздек тонг ҳавосида қўлларим ёрилиб, мол-ҳолга хашак беришга ҳам ярамай қолар, сўнг хаскашни зўрға ушлаб молхонани тозалаб қўярдим, бироқ ёзишга ўтирганимда ручка ушлашга безиллар, бармоқларим санчиб оғрирди. Ўша кезлари бир менинг эмас, барча тенгдошларимнинг қўллари ёрилган эди, лекин “менинг қўлларим, менинг бармоқларим” деяпман, сабаби, бу оғриқни ҳанузгача унутмаганман. Мен чеккан бу дардлар ҳеч қачон эсимдан чиқмаса керак.

Бегона ўқишга янги қизил қўйлақ кийиб келганда кўзимизга қиз бола бўлиб кўринганди. Қарасак, бу ўзимизнинг Бегона, фақат қизил қўйлақ кийиб олибди, биз эса синфда ҳаммамиз ёппасига жигарранг қўйлақда эдик, чунки уйда жундан тўқилган усти-бошимиз шу рангда эди. Биз дарё ёқалаб тахта тиладиган заводга бориб ўша ердан кучоқ-кучоқ эман пўстлоғи олиб келардик: оналаримиз у билан жунларни жигаррангга бўйяшарди. Биз жигарранг қўйлақда ўтирсак, кўрмайсизми, Бегона қизил қўйлақ кийиб кепти. Ҳамма нафасини ичига ютиб жим ўтирарди, очиғи, унинг шу кўриниши ҳеч кимга ёқмади, хаёлимиздан Бегонанинг отаси инқиллаб-синқиллаб юргани билан ўлмаслиги, онасининг эса ўғлига қўйлақ тикиб бериш учун кутубхонадаги шиорни ўғирлаб чиққани кетмасди. Мен чурқ этмадим, бўлмаса, онанг ўғирлаган ўша шиорни, демоқчи эдим...

– Қизларга ўхшаб кийиниб олганини қаранг, – дедим.

Унинг чинданам қизларникига ўхшаган узун-узун киприклар кўзларини пардадек тўсди ва у култ этиб ютинди. Унинг нимжон томоғидаги кекирдаги дам кўтарилар, дам пастга тушиб чиқарди. Мен азбаройи ундан нарироқ бўлиш ва ҳадеб ғашига тегавермаслик



учун жойимга бориб ўтирдим. Бироқ унинг қизил кўйлаги диққат-эътиборимни ўзига тортаверди.

– Сен байроққа ўхшаб қопсан, – деди болалар унга.

– Шонли байроққа, – дейишди.

Мадатнинг пичинг тўла овози бу илмоқли, таҳқирловчи кесатиқларга нуқта қўйди:

– Отасининг шонли байроғи!

Бегона ердан кўзини узмас, кимир этмасди. Синфга тарих муаллимаси кирди-ю, ҳамма жой-жойига ўтирди, Бегона эса бутун синф олдида кизил кўйлақда, ер чизиб турарди.

– Нега сен жойингга ўтирмаяпсан? – деди муаллима унга.

– Чунки у қизил кўйлақ кийиб олган, – дейишди болалар.

– Кўрдим, – деди тарих муаллимаси.

У бамисли ботқоқдан ўтаётгандек нигоҳимиз остида шошилмай жойига бориб нақ менинг рўпарамга ўтирди.

– Қизил кўйлақ кийиб олганини қаранг, – деди ҳамма биология муаллимасига.

– Кўрдим, деяпман сизга.

– Отасининг жанговор байроғи.

– Йўқ, – деди биология муаллимаси. – Сиздек ҳасадгўйлар байроғи.

Унинг онаси шиорни нечоғлик ювмасин, барибир оқ ҳарфлардаги ёзувнинг бир қисми бутунлай ўчиб кетмаганди. Чунки совун йўқлигидан онаси қайноқ сувда кул билан ювган эди.

Сен қанақасига совун бўлмаслиги мумкин, деб ажабланасан, кўтир (қичима) нималиги сенга номаълум, нега тахта тилиш заводига бориб кучоқ-кучоқ эман дарахтининг пўстлоғини орқалаб келишимиз сабабларини тушунолмайсан, сен бит нималигини, нима учун ҳаммамизнинг сочимизни тақир қилиб олиб ташлашларини билмайсан. Ва ҳеч қачон, ҳеч қачон дағал жундан тўқилган кўйлақнинг яланғоч баданингга муттасил ботиши, ишқаланиб туришини тасаввур ҳам қилолмайсан, нима деб тушунтирайки, биз теримизни юпқа қилиб юборувчи бу жун ёпқични ечиб, отиб юборолмасдик!.. Сен уруш нима эканини билмайсан, буларнинг биронтасини ҳам билмаслигинг эса, бу – сенинг бахтинг.

Хуллас, Бегона рўпарамга келиб ўтирди. Унинг эғнидаги қизил кўйлақ, истайманми-йўқми, кўз олдимда турарди. Онаси бу қизил лахтакни ҳар қанча қиртишлаб ювиб-тозаламасин, елим билан оҳақ изларини бутунлай кетказолмаган эди. Мен унинг елкасидан пастроғини кўздан кечириб туриб, “Ч” ҳарфидан қолган белгини кўрдим. Кейин “Ч” ҳарфи ёнидаги “И” ҳарфини пайқадим. Дастлаб “Ч” ҳарфи 4 рақами бўлиб кўринди менга, бироқ бу рақам эмас, босма “Ч” ҳарфи эканини кейин англаб етдим. Мен яна бошқа ҳарфлар чиқиб қолар, деган умидда унинг кўйлагини кузатиб чиқдим ва курагидан тепароқда, озгин елкасининг пастроғида, ярми ўчиб кетмаган “К” ҳарфига кўзим тушди. У тикилиб қараётганимни сездими, ҳурпайиб олди ва иложи борича ғужанак бўлиб ўтиришга уринди. Мен хижолат чекиб, эндигина унга, унинг коксуяк елкаси, жунжиккандек ўтиришлари, нимжон бўйни ҳамда гарданидаги чуқурчага қарамасликка қарор қилганимда бирдан яққол кўриниб турган “А” ҳарфига кўзим тушди. Демак, ўша ҳарфларни кўшиб ўқиса, “Бегона” деган сўз чиқади. “Бегона”, дедим хаёлан. Мен

Ўзим билмаган ҳолда ихтиро қилган бу сўзни айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмас эдим.

– Бегона қизил кўйлак кийиб олибди! – дея эълон қилди бутун синф жўғрофия муаллимасига.

– Уруш тугасин, ҳаммангиз худди шунақа кўйлак киясиз, – деди муаллима.

Бегонанинг орқасида “Бегона” деган ёзув бор, демоқчи бўлдим-у, лекин бу ниятимдан қайтдим, ростини айтсам, буни ошкор қилгим келмади.

Танаффусда Мадат билан уришиб қолдик. Муштлашиб бир-биримизнинг оғзи-бурнимизни конатмаган бўлсак ҳам, даҳанаки эмасди бу жанжал-тўполонимиз, чунки Мадат устимга чикиб олиб, ҳадеб оғзимга кир қор тикмоқчи бўлар, мен эса лабларимни маҳкам юмиб олиб, типирчилар, тўлганиб бошимни олиб қочар, у багтар тутақар ва нима қилиб бўлмасин қорни оғзимга тиқиш истагида ёнарди. Устимга чикиб ўтириб олгани унга кифоя қилмасди, шекилли, чунки бу билан у енгдим деёлмасди, шунинг учун ифлос қорни оғиз-бурнимга ишқар, ниятига эришолмай, аламига чидаёлмас эди.

Кейинги дарс ҳарбий таълим бўлиб, қўнғироқ чалиниши биланок одати бўйича муаллима пайдо бўлди.

Биз кўз очиб-юмгунча саф тортдик-да, бошимизни чапга буриб, унинг ўткир ва синчков нигоҳи остида аскарлар сингари қотдик. Қатор тизилиб турар эканмиз, чехраларимизда танаффус чоғидаги ўйин-кулги, ғайрат, ҳазил-хузул туфайли пайдо бўлган жонланишлар секин-аста сидирилиб тушди. Шу тариха овозлар, товушлар, беғубор ва беғараз қаҳқаҳаю нигоҳлар сўниб, мактаб ҳовлисида ўта жиддий ҳамда бироз хуркитилган рангпар болаларнинг кўкрак кериб турган сафи қолди. Бу муаллиманинг акаси фронтда ҳалок бўлган ва биз унинг олдида ўзимизни бир қадар айбдор ҳис қилардик. Ҳурматдан ташқари ундан ҳайиқардик ҳам, очиғи. У кўпинча бизга узоқ тикилиб қолар, ҳар гал шундай қараганда унинг акасини гўё биз ўлдиргандек туйғу уйғонарди. Ҳафталар ўтиб борар, лекин ҳар бир дарсда, ҳар битта танаффусда, ҳатто кун мобайнида, математика билан ҳарбий таълим дарслари орасида ҳам унинг қиёфасидан катъий ифода сира кетмас, аксинча, кучаяётгандек бўлар, оқибат, биз унинг учун акаси қанчалар яқин, азиз экани, ака-сингилни улкан меҳр-муҳаббат боғлаб турганини ҳамда унинг учун бу жудолик қанчалар оғирлигини жуда яхши тушунардик.

Мен тупугимни ютиб, таъсирланиб кетганимдан, қанийди, менинг саводсиз онам ўрнига у онам бўлиб қолса, деб ўйладим, ана унда математикадан ҳам, ҳарбий таълим дарсидан ҳам сира кўркмасдим.

– Нима демоқчийдинг? – дея шивирлади унинг лаблари.

Мен фақат тупугимни ютдим, холос, кейин хаёлимга бир гап келди-ю, айтишдан истиҳола қилдим... “Ҳеч нима”, – дедим базўр уф тортиб ва ҳозиргина, бир дақиқа аввал унинг онам бўлиб қолишини истаганимдан пушаймон бўлдим.

Қизларнинг ҳаммаси сафдан чиқди, демак, муаллима бир нима, деб шивирлаган ёки шунчайин кўз қири билан қараб қўйган, шундай қараганки, унинг нигоҳи қизларга сафдан чиқинглар, деган буйрукни ифода этган бўлса керак. Айни кунларда, киш бутунлай тугамаган ва ҳали баҳор бошланмаган маҳал ҳар хил – қизил, сарғиш, яшил кўйлак

кийиб олган қизларимиз бир ерга тўпланиб, бизнинг жигарранг сафимизга менсимайгина, шу билан бирга, озгина ҳаваслари келиб қараб туришарди. Ҳар хил рангдаги кўзларнинг яхлит нигоҳга айлангандек тикилиб турганини ҳали-ҳануз унутолмайман. Яхлит, деганимнинг боиси, қизлар тўдалашиб сенга тикилиб туришганида, уларнинг кўзлари қандайдир чарақлаган юлдуз ёки мойчечак ҳамда яна аллақайси гулнинг тароватини ёинки энди очила бошлаган гулгунчаларни ёдга солади, негаки бу мусаффо нигоҳларда бокиралик акс этади, менимча, акс этмайди, балки барқ уради.

Муаллиманинг қошлари чимирилди-ю, болалар сафи янаям тартибга келди.

У бошини секин кўтарди-да, сафимизга жиддий кўз югуртириб чиқди. Саф буни тушунди. Болалар бир сония жим туришди, кейин эса тошни тошга ургандек қисқа, аниқ товуш янгради:

– Биринчи!

– Иккинчи! – дея навбатни мен ярқ этиб чап тарафимда турганга узатдим. Шунда энг охирида битта қизил кўйлак ажралиб турган бир текис сафимизнинг жигарранг эканини сездим.

– Саккизинчи!

– Тўққизинчи!

– Ўнинчи!

– Ўн биринчи!

– Ўн иккинчи!

– Бўлдими? Йўқ!

– Ўн уч... – эшитилди Бегонанинг журъатсизгина овози.

Қизларнинг кўзларида табассумга монанд бир нима пайдо бўлди-ю, муаллима сафнинг бошидан охирига қадар кўз югуртириб чиқди. Юрагимнинг дук-дук уриши эшитилар, ҳатто биринчи ўн учинчи ҳақида нималар деб ўйлаётганини сезардим. Назаримда, биринчида турган ўн учинчи ҳақида мен нима деб ўйлаётган бўлсам, айнан шуни ўйларди.

– Ура-а-а! – Баланд тепада жаранлаган саккизинчи синф ўқувчиларининг бу ҳайкириғи Катта водийни тутиб кетди. – ...а-аа!..

Улар қўмондонлик сирларини ўрганишаётган эди. Қуроллари узокдан бизга ҳақиқийдек туюлар, овозлари эса жўр бўлиб, қудратли момақалдирак сингари гулдираб чиқарди. Бамисли Баланд тепада чинакам жанг бўлаётганга ўхшар, Катта водийдан то Бойчечаклар тепалигига қадар бу садолар акс-садо берар эди. Саккизинчи синф ўқувчиларининг ўзлари кўринмас, фақатгина қор босган тепалик кўзга ташланар, уларнинг гулдирак овозлари қулоғимизга чалинар, шулар эвазига уларни бутун Катта водийни эгаллаб, энди Чучмомалар тепалигига хужум қилишяпти, деб ўйлардик. Лекин Чучмомалар тепалигидан садо чиқмасди. Қадалиб тикилаверганимиздан кўзларим ёшланди. Бироқ тепалик оппоқ бўлиб ярқирар, у ерда қимирлаган жон кўринмас, шунинг учун ҳаммамиз нима дейишни билмай гарангсиб турардик. “Наҳотки душман оқ кийимда бўлса?” деб ўйлардик ва кўзимизни йириб-йириб тепаликка тикилардик. Душман эса, маълум бўлишича, Баланд тепанинг ортидан товуш чиқармай уларга яқинлашиб келарди. Саккизинчи синф ўқувчилари “Урҳо-ур!” деб қичқиришар, уларнинг наърасидан душман қулоқлари том битар, бироқ ҳозир бу “Урҳо!”лари

накадар бемаъни ва бетайин қичқиришдан бошқа нарса эмаслигини ўзлари билишмас эди. Саккизинчи синф ўқувчиларининг шу қадар тентак ва узокни кўра билмасликларидан муаллимамининг энсаси қотди. Худди тентак ва гўл саккизинчи синф ўқувчилари эмас, кимсасиз тепаликка биз ҳужум қилаётгандек совуққонлик билан буюрди:

– Саф тортинглар! Тартиб билан санашни бошланг!

Менинг кулоқларим узра тошни тошга ургандек ҳиссиз товуш янгради.

– Биринчи!

– Иккинчи! – дедим мен чап тарафимда турганга навбатни узатиб.

– Учинчи!

Ҳозир муаллима бизни икки гуруҳга: жуфт рақамлиларни бир томонга, тоқларини иккинчи томонга ажратади. Қизиқ, Бегона қайси тарафда бўларкан? Тоқ бўлса яхши эди. “Ўн учинчи”, – Бегонанинг заиф овози келди.

– Ўн тўртинчи!

Бирок улар – Катта водийда жўр овозда хайқирган мағлуб саккизинчи синф ўқувчилари-ю, ғолиб еттинчилар – ҳамма-ҳаммалари муаллиманинг ўқувчилари, биринчи рақамли Мадат унга жиян, ҳалок бўлган аканинг ўғли эди, бу суронда Бегонанинг овози сўник ва ҳуркак чиқарди, Катта водийдаги сурон эса бирдан ўчди, биз – тор, калта, хонаки иштонлар кийиб олган болалар эса, Европа рицарларига ўхшаб кўринган бўлсак керак, еттинчи синф ўқувчилари билан саккизинчида ўқиётганлар айни чоғда чарчаган ҳолича бир-бирининг устига ўзларини отиб, бир-бирларининг оғзига қор тиқишаётгандир – буларни кўрган муаллиманинг (афтидан, у Бегонанинг орқасидаги “Ч” харфини кўриб қолганга ўхшайди) юзида заифгина кулги пайдо бўлди. Мана таъсирланишнинг бетайинлиги: мен, у менинг онам бўлганда эди, дея яна ўйладим. Аҳвол-тирикчиликни қаранг – унинг нимтабассуми онамининг едиргани, ичиргани, чўмилтиргани, кийинтирганидан афзалроқ туюлганига доғман.

– Икки қисмга бўлининг!

Биз, жуфт рақам остидагилар, постол<sup>1</sup> кийиб олганлар олдинга чикдик. Уч қадам илгарига, бир қадам сўлга. Менга бунақа кичкина, етти кишидан иборат гуруҳ етакчиси бўлиш ҳам кифоя қиларди.

– Биринчи гуруҳ Қайнарбулоққа қараб югуриб боради. У ердан бориб ҳар бирингиз гуллаган самбиттолдан битта шохча синдириб олиб, изингизга қайтасиз. Буйруғимни қайтаринг!

Юрагим орқасига тортиб кетди. Сабаби, югуришим билан ўзимнинг нималарга қодирлигимни кўрсатгим келарди, кўзлари ранг-баранг порлаган қизларнинг нигоҳи бизда, қолаверса, яқинлашиб қолган сарғиш-яшил, беғубор баҳорнинг дилбар бўйлари юрагимизда тотли ғалаён уйғотмоқда эди.

– Менга Бегона керак эмас, уни менинг гуруҳимдан чиқариб юборинг, – Мадатнинг ҳиссиз ва хунук овози эшитилди.

Муаллима секин унга юзланди ва лаблари эмас, гўё кўзлари пичирлагандек бўлди:

– Яна қанақа Бегона?

Биз ҳаммамиз Бегонага ўгирилдик. У қимир этмай қотиб турар,

<sup>1</sup> Постол – арман миллий либоси.

лақаби Бегона бўлгани учун, бунинг устига отаси урушга бормаи ихраб-сихраб юргани билан ўлиб қолмаётгани, онаси ҳеч кимга ҳалал бермай осилиб турган шиорни ўғирлаб унга кўйлақ тикиб бергани ҳамда синфдошлари орасида битта ўзи қиз болага ўхшаб кийиниб олгани учун ғариблардек бошини кўтаролмаётганга ўхшарди. Бизга қўшилиб муаллима ҳам ундан кўзини узмас эди. Муаллима унга тикилиб турар экан, акасининг ўғли яна нима деркан, дегандек кутарди.

– Арто – Бегона, – дея тўнғиллади Мадат.

– Ким у Арто? – муаллима акасининг ўғли Бегонани тўлиқ исми билан аташини истарди. “Агар исми Бегона бўлмаса, нега унда орқасига “Бегона” деб ёзиб қўйишган”, дея аския қилиб қўйишнинг айни ўрни эди. Мабодо ҳозиржавоблик билан шундай деганимда, бу ўткир илмоқли гап кўз очиб-юмгунча мактабга тарқаб кетган ва уни ўқув йилининг охиригача кула-кула эслаб юрган бўлишарди.

– Артавазд, – дея минғиллади Мадат. У базўр, ўлганининг кунидан айтди, нафсиламрига айтганда, шу исмни тилга олишга мажбур қилишаётганидан ич-ичида норози бўларди. – Артавазд, – деди истар-истамас, – ҳа, Артавазд, у валломат бўлса ҳам, менинг команدامда қолмасин.

Муаллима индамай унга тикилганча қараб қолди, аччиғи келди, лекин лом-мим демади, унинг кўнглидан, мен сенинг амманг эмас, математика ҳамда ҳарбий таълим ўқитувчисиман, билдинг, деган гап ўтаётганини бутун синф сезиб турарди.


Мадат ўзини йўқотиб қўйди, аммо кўзини олиб қочмай муаллимага сурбетларча тикилиб тураверди: ҳарқалай, муаллима унинг аммаси, бунинг устига Мадат унча-мунчадан тап тортмайдиган довьорак бола.

– Кетсин, – деди Мадат ўзини қўлга олиб, – менинг команدامга кераги йўқ унинг.

– Кечирасиз, – дея заҳарҳанда қилди муаллима, – ким айтди сени команда капитани деб?

Мадат саф тортган гуруҳига қаради, гуруҳ эса унга, ҳаммаси равшан: у болаларнинг сардори. У муаллимага юзланди, бир неча сония ундан синчков нигоҳини узмай турди, лекин “мен шуни хоҳлайман” демаган бўлса ҳам, узр сўрамади, “кечирасиз” дейишдан ор қилди. Улар бир-бирига тикилиб тураверишди, ҳозир, шу дақиқаларда Мадатни узр сўрашга ҳеч қандай куч, сабаб мажбур қилолмаган бўларди. Муаллима унинг чинданам болалар сардори экани ва бошидан тегирмон тошини юргизсанг ҳам Бегонани ўз гуруҳида қолдирмаслигини фаҳмлади.

Муаллима оҳиста ерга бокди, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яна бошини кўтарди-ю, Мадатга қаради, унинг киприқларида инжудай кўз ёшлари йилтиллади, энди у муаллима эмас, жиянининг мағрур қиёфаси, бир сўзли, ўжарлигида ҳалок бўлган акасини кўргандек бўлаётган оддийгина аммага айланганди. Биз мана шу нарсани сездик, чунки шу лаҳзаларда Мадат ҳам сардор, ҳам қаҳрамон сифатида кўз ўнгимизда қад ростлаётгандек эди. У, чин маънода капитан бўлишга муносиб эди, зеро, у шундай командага бошчилик қилишни хоҳлар эдики, ҳар битта “аскар” оёғи чаққон бўлсин ва югурганда биров ундан ўзиб кетолмасин. Муаллима эса том маънода мураббий эди, у ҳаммага ва алоҳида ҳар бир одамга нисбатан юрагида бир вақтнинг ўзида меҳр-муҳаббат



сақлаб қолишни ва шу билан бирга ўқувчиларини қатъий интизомга ҳам ўргатишни истар эди. Таажжубланадиган ери шуки, мен яхши, сен ҳам олийжанобсан, демак, ҳаммамиз одамнинг жони бўлсагу, ёмон қилмишлар, қабоҳатлар қаердан пайдо бўларкан?!

Катта-катта кўзлари хаёлчан порлаган Бегона бошини буриб олисдаги тоғлар томон хомуш тикилар, ҳатто нафас олмаётгандек туюларди. “У югуролмайди, аро ерда қолиб кетади, мана кўрасиз!” – дерди жаҳл билан Мадат ҳаммага жар солиб. Бегонанинг киприклари маъюсгина пирпиради, бошқа нима ҳам қила оларди. Кўлидан нима ҳам келарди. Қулоғимга Мадатнинг: “Қизлар билан қолсин шу ерда”, – дегани эшитилди. Бегона бу баҳс-мунозара нима билан якунланишини қимир этмай кутарди. Ўзини қурбонликка сўйишни ният қилаётганларга ёлғиз кўзичоққина, ичиб бўлгач, унинг таъмини ё макташ ёки ёмонлашларига фақат сувгина, бемалол поясидан узиб олишлари ёки тегмай қолдиришларига нурафшон кунгабоқаргина шунақа изн бериб жим тура олади. Унинг қизил кўйлаги чарсиллаб ёнаётган гулханга ўхшарди. Бизнинг нигоҳларимиз остида у иймангандек чурқ этмас, ўзи ва ношудлиги ҳақида бўлаётган баҳсларга жимгина кулоқ соларди. Дафъатан, мен унинг мана шу муаллимадан ҳам, мардона Мадат, манави бир-биридан сулувроқ қизлардан ҳам яхшироқ, кўнглимга яқинроқ эканлигини ҳис қилиб қолдим. Шу сабабли мана шунақа ёзгиришларига йўл очиб берган кўйлагининг орқасидан ҳар хил ҳарфлар қолдиғини излаб топиб, уни маломатга

қолдирганим учун ўзимни энг ёмон, энг қабих одам деб ҳисоблардим. У яна култ этиб ютинди, нимжон бўйин томирлари тортишди, буни кўриб юрагим сиқилди, нима қиларимни билмай, ҳаво етишмаётгандек дам-бадам хўрсинар, баайни унинг ўрнида мен изтироб чекардим. Гўё у эмас, мен отам ихраб-сихраб юргани билан ҳалиям тирик экани, онамга эски, ола-қуроқ холга келган шиорни беришгани, бунга одамлар ўғрилиқдек қарашаётгани, тасодифан кўйлагимнинг орқа қисмида “Бегона” деган лаънати калом ясовчи ҳарфлар қолгани ва бу оғир ҳаётда кўп нарсаларни энгиб ўтишга ожизлик қилаётганимдан ўртанардим.

– Мадат менинг ўрнимга ўтсин, мен унинг ўрнига ўтай, – дедим.

Муаллима гапимни эшитмаганга олди.

– Мадат ўта қолсин мени...

Муаллима ялт этиб менга қаради. “Хоҳламасангиз, керакмас”, деб ўйладим ва бунақа қараб кўйганидан ҳарбий интизомга тўла риоя қилишим, бинобарин, тўғри мурожаат қилишим лозимлигини англаб қолдим.

– Мурожаат қилишимга рухсат этинг! – Мен шахд билан бир қадам олдинга чиқиб, қотиб турдим ва таклифимни айтдим: – Буюринг, Мадат иккинчи командага ўтсин, мен биринчига.

Муаллима эшитилар-эшитилмас овозда сўради:

– Нима дединг? Бошқатдан қайтар!

Мен гапимни яна такрорладим:

– Буюринг, мен биринчи командага ўтаман, Мадат менинг ўрнимга, иккинчи командага ўтсин. – Кейин Мадатга юзландим: – Модомики, Артаваздининг командангга қолишини истамас экансан, командаларимизни алмашайлик!

У менга ўқрайиб кўйди ва юзини буриб олди. Мен эсанкираб қолдим. Унинг нега бунақа қилгани сабабини тушунганимда баттар ўзимни йўқотиб кўйдим. Унинг гуруҳига норғул, азамат болалар йиғилган, менинг гуруҳимга эса деярли ҳаммаси нимжон, пачоқ болалар тушганди. Қолаверса, Мадатнинг ўзи ҳам баланд бўйли, менга нисбатан анча тик эди, мен эсам паканаларга етакчи бўлишни таклиф қилаётгандим. Тўғриси айтсам, ундан абжир, бир сўзли, иродаси мустаҳкам кўмондон чиқарди. Ганнибал, деб ўйладим, Суворов, Кутузов... Мен уни, ҳали қараб турасиз, Кутузов дейман. Лекин унинг исми шундоқ ҳам жарангдор – Мадатов! Генерал Мадатов. Хуллас, сени шундай – генерал Мадатов деб атаймиз, хафа бўлмайсан...

– Ҳеч ким ҳеч қаёққа ўтмайди, – деди муаллима. – Биринчи гуруҳ, Қайнарбулоқ сари марш!

– Йўк, – деди Мадат ўша ҳиссиз ва қайсарона, шу билан бирга менсимаган оҳангда. – Бегонани менинг команدامдан йўқотинг.

– Яна қанақа Бегона?! – қичқирди муаллима.

– Яхши биласиз кимни айтаётганимни, – деди Мадат.

– Командага сен бошлиқсан, деб ким айтди сенга? – дея бақирди муаллима.

– Ҳамма билади буни, – деди у.

– Ҳозир сени ертўлага қамаб кўйсам-чи? – деди муаллима.

У бир дақиқа жим турди. Сўнг сафдан чиқиб ертўла томон шахдам юриб кета бошлади.

– Қайт орқангга! – дея қичқирди муаллима.

Мадат ўгирилиб қарамади.

– Мени ертўлага солиб, устимдан эшикни тамбалаб олинг, – деди у. У тобора биздан узоклашиб борди-да, муаллима тилга олган ертўла зинасидан туша бошлади, ниҳоят, кўзга кўринмай қолди. Унинг отаси – муаллиманинг акаси, абадий қайтиб келмаслик учун ўлимга худди шу тарика тик борган бўлса керак.

– Қайт орқангга... – деди илтимос оҳангида муаллима.

Мадат энди зинанинг пастроғида турар, бизга фақатгина боши кўринарди, хуллас, у бир марта ҳам бурилиб қарамади. Қайтсинми ёки ертўлага тушиб бораверсинми? Йўқ, у ортига қайтмайди, ҳеч қачон сўзини қайтариб олмайди. Бизга унинг ёлғиз боши кўринарди. Аммаси уни зулмат, чоҳ бутунлай ютиб юборишини кўрмаслик учун ўгирилиб олди.

– Ҳаммасига сен сабабчисан, – деган дашном кулоғимга чалинди.

Ҳамма норози бўлиб Бегонага қаради. Энди ҳамма мана шу тахлит қараётганини кўриб, у ўзини айбсиз бўлгани учун узокларга тикилиб, аҳамият бермагандек тутолмади, йўқ, энди у худди барчасига ёлғиз ўзи айбдордек жунжикиб турарди, ҳатто аянчли тарзда ўз норозилигини ифодалаш учун култ этиб ютинишга ҳам журъат қилолмади. Мадат зинадан қайтиб чиқа бошлади – у намойишкорона келиб, ўзининг кўмондонлик вазифасини бажаришга тайёр генералдек виқор билан сафнинг бошидан ўрин олди. Уни ёмон кўриб кетдим. Ҳамма Бегонага ёзгириб қараётган пайт, Бегона ўзини гуноҳкор ҳис қилиб турганида, мен Мадатни ёмон кўриб қолганим сабабли, Бегона айбдор эмас, деган қарорга келдим. Қуён овчининг ити олдида қаршилик қилолмай, жунжикиб тургани учунгина гуноҳкор бўлиб қоладими? Ҳеч виждони қийналмай, ҳеч ўкинмай – у қайтиб келди-да, ўзини мағрур тутиб, гуруҳ кўмондони сифатида бамайлихотир сўз қотди:

– Илтимос қиламан, менинг команدامдан олинг уни.

– Нега?

– У яхши югуролмайди.

– Шунақами? – деди муаллима.

– Тушунгандирсиз энди. У бизнинг болалар билан тенглашолмайди. Уни деб мағлуб бўлишни истамаймиз.

Мен ҳикоя қилиб берган бу воқеа чинданам шундай бўлган эди. Лекин мен ўша пайтда ҳам бир нарсани тушунмаганман, ҳали-ҳануз тушунолмайман, қандай қилиб ўзига ўхшаган бир одамнинг кўз ўнгида уни сўтак, югуролмайди, қўлидан ҳеч нарса келмайди, ношуд, деб камситиш мумкин.

– У сизларга ўхшаб тез югуролмайди, сиз эса унга қараб секинроқ чополмайсиз, тушунарли, – деди муаллима. – Лекин уни нима қилиш керак?

Мадат жавоб бермади, у гуруҳига ҳақиқий кўмондондек кўз югуртириб чиқди-да, Бегонага нафрат билан ўқрайди, бу унинг, чиқ сафдан бу ёққа, дегани эди, мана шунинг учун ёмон кўриб кетдим уни.

– Нима, сен ҳалиям гапингдан қайтмадингми? – деди муаллима. Унинг бу гапига энсам қотди. Чунки муаллима, назаримда, Мадатнинг мустақил фикрга эгалиги, ўз фикрида қатъий туришидан хурсанддек эди. У менга юзланди-да:



– Сен нима дейсан бунга? – деди.

Шамол ғир-ғир эсар, кўкда лочин парвоз қилар, суви бир ариққа етадиган шаршара тошдан-тошга урилиб тушар, олисда шўхгина бузук кўзга ташланарди – югуришдан осонроқ, хузурбахш машғулот борми оламда?! Мен: “Бизнинг еттинчи рақамли одамимизни олиб, ўрнига Артаваздни беринг, иложи бўлса”, – демоқчи бўлиб, энди оғзимни очганимни биламан, лоп этиб Мадат айнан шу гапимни кутиб турганини пайқаб, тилимни тийдим. Унинг кўзлари ва бутун кўриниши беорларча, сени ҳар қанақасига ютаман, менинг команدام сенинг гуруҳинг устидан барибир ғалаба қозонади дегандек бўларди худди эрталаб оғзимга кир қорни тиқиштиргандек, ҳозир қандай бўлмасин энг ношуд болани менга ўтказмоқчи эди.

– Мен нима қилай? – тилимга фақат шу гап келди.

– Артаваздни сенинг командаларга ўтказайликми?

– Негайкан энди? – дея минғилладим. – Қандай бўлинган бўлсак, шундай қолаверсин.

Муаллима тишини тишига босиб амр қилди:

– Сафланинг! Сен уйингда эмассан, мен эса онанг эмасман.

“Аммам ҳам эмассиз”, – дедим ичимда, гарчи математика дарсидан кўрксам ҳам, бунинг устига мендан қандай жавоб кутаётганини жуда яхши тушунсам ҳам.

– У югуролмайди, одамни уялтириб қўйиши мумкин, – дедим.

Тўғри, бу пасткашлик эди аслида, бироқ бир пайтнинг ўзида одам ҳам ҳалол, ҳам қасоскор бўлиши мумкинми? Мен қандай бўлмасин Мадатдан ўч олишим керак эди.

– Ҳозиргина, уни командаларга ўтказиб беринг, деб холи-жонимга кўймаётган эдинг-ку! – деди муаллима.

Унга нима сабабдан бир дақиқа аввал рози бўлиб, энди гапимдан кайтаётганимни қанақа қилиб тушунтирай?!

– Энди эса, розимасман, – дедим.

– Нега?

– Шунчаки, – дедим ва ўзимни ёмон кўриб кетдим. Бировга ёмон кўринишдан оғир савдо борми? Мен муаллимадан кўзимни олиб қочдим.

Йўлда гўё ғалаба қозонган еттинчи синф ўқувчилари-ю мағлуб бўлган саккизинчи синфдагилар ҳориб-чарчаб келишарди. Ҳаммалари бўшашиб, бошини кўтармай, судралишарди. Ёғочдан ясалган милтиқларини судраб аранг қадам босишарди. Кимдир энгашиб бир сиким қор олди-да, шоша-пиша оғзига тикди. Гапиришга ҳоллари келмасди. Қўйиб берса, шу ондаёқ ўзларини қорга таппа ташлаб ухлашга тайёр эдилар!

– Умуман олганда, хоҳласангиз, Артавазд биз томонга ўтсин, майли, – дедим мен.

– Демак, розисан-а шунга? – деди муаллима.

Мен бош ирғадим.

– Менга айт-чи, нега сен яна розилик билдирияпсан?

– Рози бўлдим, тамом! – деди Мадат.

– Сендан сўраётганим йўқ, жим тур. Нега рози бўлаяпсан?

– Балки секин югуриш осонроқ бўлади, деб ўйлаётгандир?

Муаллима менга ғамгин ва ўйчан кўзлари билан боқди.

– Ҳа, – деди у базўр эшитиларли овозда, – эҳтимол, осонроқ бўлар ростдан...

Ёмғир шаррос қуяр, шамол қайларгадир бош олиб кетмоқчидек елар, калхат оҳиста қанот қоқар, момақаймоқ ҳавода чир айланар, ҳаммаси аллақаяқларга йўл олган, учар, интилар эди.

– Анави гуруҳдаги, охирида турган бола билан алмаша қол, Артавазд, – деди муаллима маъюсгина қилиб.

Бизнинг қадамларимиз остида нимадир барибир шитирларди, бироқ у бизнинг гуруҳдаги бола билан ўрнини шундай тез алмаштирдик, мен сезмай қолдим, ҳаттоки муаллиманинг буйруғини эшитмадимикан, деб ўйлабман, унга бўлақол, ўртоқ, деб ўгирилиб қарасам, у аллақачон бизнинг гуруҳ аъзолари орасида турибди.

– Биринчи отряд! Қайнарбулоққа гуллаётган самбиттол олдиға бориб, бир дона новдасидан олиб келиш учун йўлга отланинг. Иккинчи отряд...

То муаллима бизга нима топшириқ беришни ўйлагунча Мадатнинг болалари зовурдан ўтиб, Якка эман тепалигига чиқиб борарди. Менинг тиззаларим қалтирарди. Агар бизга ҳозир ўша йўл билан югуришни буюрганида эди муаллима, кўз очиб-юмгунча уларга етиб олиш тугул, ошиб ҳам кетардик...

– Иккинчи отряд тахта тилиш заводига – марш! Ҳар бир ўқувчи бир ҳовучдан қипиқ келтиради.

Мен ҳалиям самбиттол ёнига югуриш ҳақида хаёл сураб, тахта заводига олиб борадиган йўлни эслолмай гаранг бўлардим.

– Буйруқни қайтаринг!

Буйруқни қайтариш учун, аввал уни яхшилаб эшитиб, уқиб олиш керак бўлади. Мен талмовсираб, муаллимага эсипаст одамдек бақрайиб қардим.

– Қипиқ?

– Ҳа, қипиқ.

Мен яна ҳеч нима тушунмадим. Лекин бунинг учун ўзимни айбдор, деб ҳисобламасдим, чунки сал нарида қизларимиз йиғилишиб туришар, нимаики олиб келиш зарур бўлса, уларга аталган бўларди. Мадатларнинг гуруҳи гуллаган самбиттол новдаси-ю, биз қипиқ келтирарканмизми?

– Қипиқми? – деб сўрадим мен.

– Иккинчи отряд, тайёрланинг! – деб буйруқ берди муаллима. – Тахта заводига югуриб бориш учун! Ҳар бирингиз бир ҳовучдан қипиқ олиб келасиз. Буйруқ тушунарлими?

– Тушунарли! Тахта заводига югуриб бориб, ортга қайтамыз! Буйруқни бажаришга рухсат эдинг?

– Ҳар битта бола бир қисим қипиқ олиб келади.

– Хўп бўлади, – дедим мен.

– Қайтар-чи.

Очиғини айтганда, бу энди қийнашдан бошқа нарса эмасди, назаримда, оғзимга қипиқ тикишаётгандек. Шу боис мен энсам қотиб жавоб қайтардим:

– Ҳар бир одам бир ҳовуч қипиқ келтиради.

– Худди шундай. Энди югур!

Биз гўё қанот чиқариб учдик. Аммо шу чоқ кимдир мени чақириб

қолса бўладими? Энди қанотимни кенг ёйиб учишга шайланган фурсатда шаштимдан қайтарса! Мен ўгирилиб бизни қипиқ келтиришга юбораётгани учун эмас, балки бошқа нарсага аччиғланиб муаллимага қарадим. У ёнимга яқинлашди ва юзимга диққат билан тикилди.

– Зўриқиб, жонинг бориचा югуришинг шарт эмас, – деди у майингина.

– Хўп бўлади!

У кулимсиради.

– Бу буйруқ эмас, – деди у энди беозор оҳангда, – беҳуда кучанманг, демокчман, эшитдингми? Тахта заводига шошмасдан бориб, шошмасдан келганингиз яхши. Хўпми?

– Мадатларнинг командаси қанақа югуриб кетишганини кўрмадингизми?

– Улар бошқа, сиз бошқасиз, – деди у. – Айтдим-ку сенга, ҳовликмасдан бораверингллар!

– Хўп бўлади! – дедим ва яқин йўлдан қор кечиб, мактаб боғини кесиб ўтиб, четан девордан ошиб, гуруҳга етиб олдим.

– Болалар! – Мен генерал Мадатов ким бўлгани ва нима сабабдан мен уни Мадатов, демокчи эканимни айтиб бериш учун энди лабимни жуфтлаган ҳам эдимки, кўкқисдан, кутилмаганда Бегона гуп этиб йиқилди. Сирпанганини кўрганим йўқ, чунки оёғининг ости яхламаган, демак, йўл тойғончоқ эмас, шунчаки бир оёғи қорга ботиб, суғуриб олмокчи бўлганда мувозанатини йўқотиб қўйган, шекилли. Мен жаҳл билан бир нарса демокчи бўлдим, лекин у бошини қуйи солиб, айбдорона тургани учун ниятимдан қайтдим.

– Ҳечқиси йўқ, бўлиб туради шунақаси ҳам, – дедим, – ёмон йиқилмадингми, ишқилиб?

– Аксинча, – мириқиб кулишди болалар.

– Ҳеч қанақа сирпанчиқ ер кўринмайди-ю оёғинг тагида, йиқилиб юрибсан?

– Йўғийди, сирпаниб кетмадим ҳам, – деди у аллақандай беозорлик билан.

– Кўп гапирмай бурнинг билан нафас ол!

– Бурун билан нафас олаяпман ҳалиям, – деди унданам беозор оҳангда.

Назаримда, чумолилар гаплашса, овози шунақа чиқса керак.

– Югуришдан осонроғи борми? Қани, бўлақол!

– Ҳозир югураман, – дея шивирлади у.

– Биладан, чопасан, – дедим мен, – фақат бурнингдан нафас ол. Агар оғзинг билан нафас олсанг, томоғинг бирпасда қуриб қолади, димоғинг ачишади.

– Димоғим... ачишмаяпти, – деди у яна пичирлагудек.

Биз анҳор ёқалаб ўтган сўқмоқдан кўтарилиб борардик, кулоқларимиз остида шамол ҳуштак чаларди. Бегонанинг қизил кўйлаги ора-сира кўринмай қолади. У мендан хиёл орқароқда келар, кўз қирим билан уни сезиб борардим. У тишини тишига қўйиб, жон-жаҳди билан тезроқ чопишга, мендан ўзиб кетишга, жилла курса, елкама-елка югуришга ҳаракат қиларди, лекин мен ҳеч бўлмаганда икки қадам ёки лоақал ярим қадам бўлсин олдинда боришни хоҳлардим.

– Эй бола, ҳай бола, – деган овози келди кимнингдир. – Ҳай бола,

нима қиялсан? – қариларга хос хирқираган бу титроқ овоз тили захар Омбор отага, Саргиснинг дадаси, яъни бувамнинг укасига тегишли эди. У анҳорга говмишини чўмилтиришга олиб келган, жонивор жуда ориқлаган, тўртта чўпдай оёғи ўша эти суягига қадалган танасини зўрға кўтарарди. Ота тагин йиқилиб тушмасин, деган хавотирда, унинг думидан ушлаб олган, эҳтимол, ўзи ағдарилиб тушмаслик учун шундай қилганди. У кула-кула деди: – Қаерга кетяпсиз бунчалик югуриб? Немис кўриб қолгудек бўлса, иштонини хўл қилиб кўяди-я! – Бобо ҳассаси билан йўлимни тўсди-да, елкамдан маҳкам ушлаб олди. Ноилож тўхтадим, агар унинг кўлидан силтаниб чиқиб кетсам, чоли тушмагур, нимжон эмасми, мувозанатини йўқотиб, аниқ йиқилади. У мени ёноғим, қулоғимдан эркалаб, тишлаб олмоқчи бўлади-ю эпини қилолмайди, қолаверса, унинг оғзида бор-йўғи битта тиши қолган, менинг эса дўмбоқ болалар сингари этим йўқ. – Тишлонғич боболаринг энди илгаридек эмас, унинг ҳатто набирасини ўпишга ҳам ҳоли келмайди, – деди у титроқ овозда.

Мен унинг қоқсуяк бағридан сирғалиб чиқдим. Лекин шу дамда мен унинг набирасини жуда яхши кўришини, қуриган дарахтга ўхшаган вужудда бир томчи меҳр қолган бўлсаям, ўшани менга бермоқчилигини ҳис қилардим, ҳатто назаримда, менинг юзим, ёноқларим, бурним, даҳаним унинг юмшоқ, намхуш соқолини эслаб қолгандек, қулоқларим остида унинг ожизона хирқираган овози сақланиб қолгандек туюлар, биз болаларга ўхшаб ўзини Тишлонғич бобо, деб атайдиган аждодимнинг бу маъсум қиёфаси бир умр хотирамдан кетмаса керак, деб ўйлардим. Мен, ўз гуруҳимга улкан Хачкар<sup>1</sup> ёнида етиб олдим, аввалига бирмунча вақт Бегона билан ёнма-ён югуриб бордим, сўнг уни орқада қолдириб кетдим. Бироқ у мендан орқада қолишни истамадими, бор кучини ишга солиб чопишга тушди, тишини тишига босиб, қилтиллаган кўксини олдинга чиқарганча шамолдек елиб келарди. Лекин у минг уринмасин, барибир ортда қолди, мен яна кўз қирим билан унинг қизил кўйлагини гоҳ кўриб, гоҳ кўрмай борардим.

Мен қадамимни секинлатдим, гуруҳ командири энг орқада қолсаям бўлаверади, қайтанга йўлда битта-яримта одамини кўздан қочирмаслик учун айни муддао, мен аввал биттасини, кейин иккинчисини, учинчи, тўртинчисини ўтказиб юбордим, охири қизил кўйлакли Бегона менга етиб олди ва биз ёнма-ён югуриб кета бошладик. Мен ундан:

– Қалай ишлар? – деб сўрадим.

У шивирлагудек жавоб қайтарди:

– Яхши.

– Бир ҳовуч қипиқ олинглар дейишгани эсингдами?

– Эсимда.

– Мазанг қочмаяптими, ишқилиб? – деб сўрадим мен.

У жавоб қилмади, сўнг шивирлади:

– Ёнма-ён бўлсак, мазам қочмайди.

– Йўлнинг ярмидан ўтдик-а, нима дединг? – деб сўрадим.

– Озгина қолди, – деди у заифгина.

– Озгина? Жиннимисан, тахта заводи қаердалигини биласанми ўзи?

– Бир марта ойим пўстлоққа юборгандилар, – деди у шивирлаб, – отам рухсат бермагандилар.

<sup>1</sup> Хачкар – арманлар эътиқод қиладиган тошдан ясалган бут.

- Кўзим етмаяпти ярмидан ўтганимизга.  
У ўзига ўзи гапираётгандек мингиллади:  
– Айтяпману... оз қолди... Ҳозир етиб борамиз.  
– Йўғ-э, ҳали ярмидан кўпи бор... – Бирдан бир нимани пайқаб қолгандек бўлдим: – Нима, ўзингни ёмон ҳис қиляпсанми?  
Томоғи қуриди, шекилли, у чуқур нафас олиб, кейин шипшиди:  
– Бирга бўлсам, ёнингда...  
– Мен Мадатни бекорга генерал Мадатов, демаяпман... – дедим мен.  
– Сал тезроқ ҳаракат қилсанг бўларди... – Шу чоқ унга айтгим келиб нукул эсимдан чиқиб қолаётган жуда муҳим бир нарсани айтиш истаги юрагимда хуруж қилаётганини ҳис қилдим. У менга етиб олди ва биз ёнма-ён бўлганимизда кўнглимни ўша юқдан бўшатдим.  
– Биз доим ёнма-ён, – дедим мен.  
Аммо бунинг иложи йўқ эди. Мен секинлашсам, у ҳам секинлашар, тезроқ югура бошласам, орқарокда қоларди. Дам-бадам ўзимни тийишимга тўғри келарди. Бизникилар Кичик эманзор тепалигидан ошиб ўтишди. Мен бир нарсани энди тушундим, қанчалик секин чопсам, у ҳам шунчалик секин югуради, демак, иложи борича тўхтаб қолмаслигим керак. Шаршара, табиийки, тошдан-тошга урилиб тушади, бургут, табиийки, кўкда парвоз қилади, шамол, табиийки, ям-яшил далалар узра тинмай эсади – борлиқ аро ҳамма нарса ҳаракатда бўлади, қувонади, қуёш нурлари остида ярқираган оппоқ қор жилва қилади... бироқ Тишлонгич бобо замин узра базўр қадам ташлайди, унинг сигири ҳам эгасига монанд.  
– Бу нима? – деб шивирлайди у. – Ҳеч нарса кўринмаяпти.  
– Қор-чи, қуёш-чи?  
– Қанақа қуёш?  
– Кўзингни қисиб қарагин.  
У чиройли бошини орқага ташлаганча офтобдан кўз узмай югуради.  
– Нима бало, бекинмачоқ ўйнапсанми? – дедим мен.  
У менга етиб олди.  
– Жудаям оз қолди, тўғрими? – дея шивирлади у.  
– Вой, вой-й! – деган овоз эшитилди.  
Йўл ёқасидаги харсангтошга аёллар – бизнинг оналаримиз чўк тушгандилар. Улар тандирда қизариб пишган нондек қайноқ юзларини биз томон бурганча ўтиришарди.  
– Бу муаллимангиз болаларни намунча қийнамаса? – дейишарди улар. Ҳолбуки, ўзлари ҳам қийналишарди. Улар машғулотдан қайтиб келишаётганди, газниқобни эндигина ечишган бўлсалар керак, юзлари бўғриқиб кетган, ҳаётда эса бу аёллар биздан ҳам рангпарроқ эдилар.  
– Қипиқ олиб келгани кетяпмиз, – дедим югуриб бораётиб.  
– Бошингга урасанми қипиқни, қайт орқангга, – деди улардан бири.  
Улар ортада қолишди.  
– Ер ютсин шу қипиғини, болаларга раҳми келмайдими?  
Аммо бизга эмас, уларнинг ўзларига ачиниш керак эди, чунки кечкурун улар бизни қайноқ сув билан ювинтириб қўйишади, орқаларимизни, тиззаларимизни ювишади, сочиқ билан артишади, ўрин солиб беришади...  
– Оғзингни юм, – дедим мен, – бурундан нафас ол.  
У гапимни икки қилмади-ю, лекин қарасам, қирғоққа чиқиб қолган балиқ сингари оғзини каппа очиб олган.

- Бурундан нафас ол.
- Бурун билан нафас олсам, ҳаво...
- Нима ҳаво?
- Ачиштиради кўксимни. – У менга етиб олди-да, елкаси елкамга урилди ва яна орқада қолди.
- Кўйлагингни ювиш керак, – дедим мен.
- Ювишди, лекин ҳарфлар сира кетмаяпти...
- Мадатни, Бегона... Мадатни генерал Мадатов, деб чақирамиз, – дедим.
- Уларга ҳозир оғир жуда, тепага югуриб чиқишлари керак, – деб шивирлади у, – ҳозир тўхтаб, дам олишаётган бўлишса керак.
- Ҳа, биз эса қайтишда шунақа қийналамиз.
- Уларга эса ҳозир қийин.
- Улар самбиттол новдасини келтиришади.
- Уларга жуда қийин ҳозир, – дея шивирлади у, – Мадатнинг кўнгли айниётгандир, балки.
- Сеники айнимаяптими? Нега индамайсан, айниятими кўнглинг?
- Биз текис йўлдан кетаяпмиз, – деди у, – улар эса тоққа чиқишлари керак.
- Улар ҳозир ортларига қайтадилар, – дедим мен, – самбиттол новдасини олиб келишади, биз эса қипиқ олиб борамиз.
- Ҳа, қипиқ...
- Нега қипиқ, биласанми?
- Билмайман, – деди у, – муаллима буюрди...
- Қипиқ оборсақ, муаллима унга қараб, тахта заводига борганимизга ишонади. Шунинг учун тахта заводига албатта боришимиз керак. Самбиттол новдаси ҳам шунинг учун. Сен бекорга аёллар берган қипиқни олмадинг, олавериш керак эди. Эшитяпсанми, қайтиб боргин-да, ўша аёллардан қипиқни олгин, хўпми?! Кейин ўша ерда кутиб ўтир, биз тезда қайтамыз.
- У орқада қола бошлади, ҳатто каловланиб, йўлдан чиқиб кетди, йўқ, бироздан сўнг ўзини қўлга олиб, яна менга етиб олди.
- Қайтиб боргин-у, пайрахани олиб ўша ерда кутиб ўтир. Эшитдингми?
- Унинг ўзи эмас, гўё ўрнига бошқа биров, худди ичида унга кулок солмайдиган, итоат этмайдиган яна битта қайсар, бир сўзли одам бору, ана ўша югураётгандек. Ана ўша уни туртиб, йўлдан адаштирар, у зўр-базўр ўша кучга қаршилиқ қилиб, уни енгиб, яна менга етиб оларди.
- Тўхта, – дедим ва ўзим ҳам тўхтаб унга ўгирилдим: у чайқалиб аранг оёқда турарди, чиройли бошини кўтариб қараган эди, кўзлари қизариб кетганини кўрдим. – Қайтиб боргин-да, қипиқни олиб кутиб тур бизни.
- Унинг нигоҳи бўтана сув каби лойқа, хира бўлгани учунми, кўзларидан ҳеч нарсани илғаб бўлмасди, худди ўзидан нима ишашларини, тинчгина ўлишга йўл қўймаётганларини англамаётган касал бузоқча менга бакрайиб тургандек туюларди.
- Эшитмаяпман, – дея шивирлади у, – худди сув остидаману, ҳеч нарсани эшитмаяпман.
- Мен унинг ўзига келишини кутдим, лекин у хира кўзларини мандан узмай анчагача гандираклаб турди. Охири сабрим чидамай уни қишлоқ томонга ўгириб қўйдим-да, бор энди, дея итариб юбордим. У эътироз ҳам қилмади, лом-мим ҳам демади, назаримда, ортга қайтиб кетишга рози бўлгандек эди.
- Тўғри мактабга борамизми? – деди у.

- Бир ўзинг борасан, мен эса тахта заводига бориб, болалар билан келаман.
- Ҳаммангиз яна югурасизларми? – деди у ялинчоқ оҳангда.  
Аламимдан йиғлаб юборай дедим.
- Кеч қолаяпман, тушунаяпсанми, кечикяпман сени деб, шундоғам ушланиб қолдим.
- Барибир югурмоқчисизлар-а!.. – Унинг юзи буришиб, кўзлари ёшланди. – Югурмоқчисизлар, сен ҳам...
- Нега кўзингнинг сувини оқизаверасан, мен йиғлашим керак аслида... – ғазабим қайнади.
- Юр, бирга қайтамиз, – деди у хиссиз, сўник овозда, бунақа қонимни ичади деб сира ўйламагандим.
- Мен нимага қайтиб кетарканман, ҳали югуриб чарчамаган бўлсам.
- Ҳаммангиз югурасизлар барибир.
- Нима, мен сенинг ота-онангманми, кўз ёшингни оқизаверасан, бор, уйингга бориб йиғла! – Мен уни қишлоқ томон ундадим.
- Бирга қайтамиз икковимиз... сен билан мен...
- Нима, бир ўзинг кетгинг келмаяптими, кўрқасанми? Бу ерларда бўри йўқ, ҳеч ким еб қўймайди сени, бор!
- Йўқ! – деди у лўнда қилиб.
- Йўқ бўлса нима қилмоқчисан?
- У бошини кўтариб менга хира кўзлари билан тикилди.
- Унда нимага бунақа деяпсан? – дея қайта сўрадим мен.
- Айтишадики... айтишадики...
- У ерга қаради.
- Нима дейишади?
- Айтишадики, – деди у нола қилаётгандек таъсирчан овозда, – ҳамма югуриб борди, охиригача, Бегона ярим йўлдан қайтиб кетди, дейишади. Ҳамма охиригача борса-ю, битта мен...
- Бу билан нима демоқчисан... – ўзимни тутолмай ўдағайладим унга. Ҳолбуки, у тўғри айтаётганди, аввалига мен ошириб юбордим, шекилли, йўқ, боядан бери қулоғига танбур чертаётган эканман-да, сира тушунгиси келмайди, битта гапни такрорлайверадими ҳадеб. Мен уни кучим бориचा итариб юборардим: – Қаёққа боришни айтайми...
- У гурсиллаб йиқилди, мен ниҳоят, қутулганимга шуқур қилиб югуриб кетдим.
- Шу ерда ўтир! – деб қичқирдим ўтирилмай. – Қимирламай ўтир, сенгаям қипиқ олиб келаман.
- Бироқ у ўрнидан туриб қаддини тиклади-да, гандираклаганча мен томонга юрди. Мен тутоқиб уни кутиб турдим. Қани, келсин-чи ёнимга, яқинроқ келсин яна, деб кутдим, уни битта уриб хумордан чиқмоқчи бўлдим. Аммо у ёнимга етиб келолмади, оёқлари бирдан букилиб тиззалаб қолди, сўнг ёнбоши билан йиқилди.
- Тасқара! – дедим жон-поним чиқиб.
- Бегона ўрнидан туришга уринди. У иккита қўлига таяниб турмоқчи бўлар, лекин сира иложини қилолмасди. Шу аҳволда у бузоқчага ўхшаб чиройли бошини кўтарди-да, илтижо билан менга термилди. Унинг шу туриши кўз олдимда қолди. Мен югуриб кетдим. Ортимга қарашга кўрқардим. Унинг гандираклаб юриши ҳамда йиқилишини яна кўргим

келмасди. Мен тобора ундан узоклашиб борар эканман, оёқларим оғирлашиб, тез югура олмаётганим, бир ўзим, ёлғиз, ҳамроҳсиз югураётганим учун шундай бўлаяпти, деб хаёл қилардим, лекин бу ёлғон хаёл эди, ўзимни-ўзим алдаш, чалғитиш учунгина шундай деб ўйлардим, ҳолбуки, аксинча, мен шамолдек елиб борар, айтиш мумкинки, қулоқларим остида шамол ҳуштак чалаётгандек бўларди. Мен қандайдир хунук иш бўлганини, уни шу аҳволда қолдириб кетмаслик кераклигини тушунишни ҳам истамасдим, иложи борича бу кўнгилсиз, абгор манзарадан тезроқ нари кетиш учун югурганим афзал, деб ўйлардим. “Тезроқ, тезроқ, тезроқ, – дердим ўзимга ўзим. – Тезроқ югур, муаллима сенга командани ишониб топширди, тушуняпсанми! Тахта заводига боришинг шарт. Мажбурсан. Тезроқ бўл, тезроқ... Қандайдир кўнгилсиз воқеа рўй берди, тўғри! Бироқ ўтди, юз бериб бўлди, эсдан чиқар энди, қайтаролмайсан орқага барибир, шунинг учун тезроқ нари кетсанг, ўзингга яхши, унутасан, демак, кутуласан... Ким югура олмаса, югурмай кўя қолсин”. Мен беихтиёр секинлашдим. Тўхтаб, изимга қайтмоқчи ҳам бўлдим, бироқ шунча масофани босиб қўйдим, энди қайтиб боришга ачиндим; оёқларим оғирлашган ва секинроқ югураётгандекман, бунга юқорига ўрлаб бораётганим сабаб деб ўйладим, ўзимча. Мен тепалик чўққисига чиқиб, пастликка визиллаб туша бошладим, фақат қоқилиб, йиқилмасам бўлди, қиялама йўлнинг ўзи мени пастга олиб кетарди, лекин шунга қарамай югуриш тобора машаққатли бўлиб борарди...

...Мана сенга бир замонлар қилган, лекин ҳалигача ич-этимни тирнаб келаётган виждонсизлигим тарихини ҳикоя қилиб бердим... Орадан йигирма беш йил ўтди. Олий ҳакам судланувчига ҳукмни ўқиб эшиттирар экан: “Фалон-фалон жинойтларинг эвазига йигирма беш йилга қамашимизни истайсанми ёки ўлимга маҳкум қилишимизними, шу икковидан бирини танлашинг керак”, – деса, маҳбус: “Қатл ёки йигирма беш йил қамоқ? Барибир эмасми?” – деб ўйлайди ва шундай жавоб қилади. Мен жинойт қилганим йўқ, менга судда ҳеч ким бунақа савол бермади, шунчаки сенга бир гапни айтмоқчиман, йигирма беш йил ўлим билан баравар узок муддат, чунки бу давр ичида қанчадан-қанча нарсалар йўқ бўлиб кетиши, нобуд бўлиши, таназзулга юз тутиши, хотирадан бутунлай ўчиб кетиши, сени ўқитган кекса, қаттиққўл муаллима кўзларини қисиб: “Йўқ, сизни эслолмаяпман... кўзойнагимни олишни унутибман, кечирасиз, танимаяпман”, дейиши мумкин, сен ўша аёлнинг юз-кўзига тикила-тикила сира тушунолмайсан ва қачонлардир ана шу нурсиз, хира кўзлар ҳақида “ранг-баранг кўзлар жилва қиларди”, деганингга ишонолмайсан, шу беқарор кўзлар, демакки, ҳаётнинг атиги бир кунида, бир марта сенга қарагану, сўнг қайта умрбод кўринмаган, қушлар каби учиб кетган бу нигоҳ ёки ранг-баранг бошқа қизларнинг ранг-баранг кўзларига кўчиб ўтган. Ҳамма нарса хира тортади, унутилади, ўзгаради... бироқ болалигингда юз берган мана шу воқеа ҳеч қачон хотирангдан ўчмайди ва ким бўлма, кўнглингда қолади – кетмайди... Башарти сен болалигингда жамоа билан бирга югурган бўлсанг, хаёлларинг кўчасида сен ва ўртоқларинг оёқлари остидан кўтарилган... тапиллаб эшитилаётган товушлар сўнмайди... Башарти сен ўртоғингни бир сиқим қипиққа олмаган бўлсанг... ҳа, дўстингни бир ҳовуч қипиққа олмаган бўлсанг, яъни у йиқилган жойидан туролмай, ортингдан мўлт-мўлт термилиб сендан умидвор кўзларини узмаган чоғда,



ёлғиз бир ўзини мана шу аҳволда ташлаб кетган бўлсанг, ҳар қанча оғир, машаққатли бўлса ҳам тепаликдан ошиб ўтаман, деб хомтама бўлма, башарти унга ўгирилиб қарамасанг ва яна бир марта ортингдан бошини кўтариб сенга термилиб қолганини яна бир марта кўрмасанг, буларнинг ҳаммаси йиллар тўзонида унутилиб кетади, деб ўйлама. Қарамасанг ҳам, қарамаган бўлсанг ҳам умрбод кўз олдингдан кетмайди у, сен югурасан, толмайсан, лекин беқанот кушлар учолмай, маррага ета олмагани каби юксала олмайсан. Виждонинг қийналади, азоб чекасан ва ҳеч қачон бу тинчлик ва ҳаловат бермайди хаёлларингга.

Тахта заводидан от-аравада тахта ташишарди. Бадалиялик Горький лақабли чол аравакаш эди. Мен унинг аравасини ўтказиб юбориш учун йўл четига ўтиб турдим-да, негадир енгил тортдим.

– Авак амаки, – дедим мен, – Дарбненц Арсеннинг невараси биз билан югуролмай йўлда қолиб кетди, уни ўзингиз билан қишлоққа олиб кетинг. Биз ҳар қанча айтсак ҳам ҳеч унамаяпти.

– Сен ўзинг кимнинг ўғлисан? – деб сўради у. Авак амакининг ёши жуда улуғ эди, эҳтимол, у менинг отамни танимаслиги ҳам мумкин, шу сабаб бувамнинг номини айтдим.

– Мен Аветикнинг неварасиман.

Горький бобонинг ҳўкизлари ориқ, тахталар эса янги тилинган, ҳали ҳўл, қуритилмаган, бинобарин, зил-замбил эди, ҳўкизлар аранг аравани тортиб келарди. Ғилдираги тошга тикилиб, арава тўхтаб қолди.

– Эҳ, итвачча, – деди у менга ва ҳўкизларни хивич билан солди, – сен ҳали ўртоғингни ярим йўлда ташлаб кетиб, яна менга қишлоққа элтиб қўйинг, деяпсанми, номард!

Ҳўкизлар бир кучанганди, тош устидан ўтиб кетди. Арава узоқлашди, йўл очилди ҳамки, мен қоққан қозикдек туравердим. Юрагим тез-тез ура бошлади, хаёлим қочди. Теварак-атрофда дов-дарахтлар, буталар қотиб турар, шохлардаги момик қор ялтирар, борлиқни сукунат қоплаган эди, гўё бир пайтлари қалин қор ёққанда эман пўстлоғи териб келишга чиққанимдек баайни таниш бир манзара ястаниб ётар эди. Мен ўзим ҳам қор остида хаёлчан қотиб турардим. Қулоғимга узоқ йўлнинг аллақарида ҳўкизни қамчин билан чарсиллатиб савалашаётгани эшитилар, демак, қаердадир арава ботиб қолган, демак, ғилдирак лойда бекордан-бекорга айланар, лекин олдинга бир қарич ҳам силжимаётган бўларди. Дунёда нималар бўлаяпти дейсиз, мен эса, мана шу қор босган, кимсасиз даланинг ўртасида нима қилишни билмай турибман. Мен яна йўл ўртасидаман, лекин қарасам анча вақт қимир этмай тураверибман. Эҳтимол, Авак бобонинг гаплари таъсир қилгандир, балки хотирамда эман пўстлоғи теришга борган пайтларим жонланиб, ўша беғубор болалигимдан мерос бўлиб қолган бир нимани йўқотиб қўйган каби хаёлга чўмгандирман. Мен яна йўлга тушдим, лекин қаёққа бораётганимни дастлаб ўзим ҳам тушунмадим. Ҳолбуки, оёқларим ўз-ўзидан мени тахта заводи томон элтаётган эди. Гарчи оёқларим мени тахта заводи томон элтаётган бўлса ҳам, назаримда, худди қишлоқ томонга югуриб кетаётгандекману, йўлда йиқилиб ётган Артавазд бошини зўрға кўтариб хира кўзлари билан менга тикилаётгандек бўларди. Йўқ, мен қишлоқ томон эмас, бир ҳовуч қипиқ келтиргани тахта заводига югурардим. Тахта заводи ёнидаги йўлда болаларнинг шарпаси кўзга чалинди. Мен қор ке-

чиб, сайхонлик ва музлаган дарё орқали ўтиб, болалардан илгарирок тахта заводига етиб боришим мумкин эди, бироқ шу дамда мен уларни қувиб етишни, уларга қўшилиб, улардан бирига айланиб қолишни истардим. Тахта заводининг дарвозаси ёнида уларга етиб олдим-да, у ёғига болалар билан бирга кетдик.

– Бегона қани, чополмадими? – дея сўрашди мендан.

– Йўқ, чополмади, – дедим мен; “сен ўзинг бегонасан” дейишга ботинолмай, ўрнига “чополмади”, дедим, холос.

Мен энгашиб тўлдириб-тўлдириб икки ҳовуч қипиқ олдим – биттаси Артавазд учун, бошқаси ўзим учун. Ўнг қўлимдагини Артаваздга бераман, гўё саломлашгани қўл узатаётгандек бўламану, унга тутқазаман: мана, сен учун келтирдим, сеники бу.

– Сен неччи ҳовуч олдинг? – деб сўрадим болаларнинг биридан.

– Бир ҳовуч, нимаиди?

– Артавазд учун ҳам олдингми?

– Артавазд учунми?

– У келолмади, ярим йўлда қолиб кетди, унгаям қипиқ олмадингми?

– Нега оларканман?

– Ахир, у қолиб кетди-ку, – дедим мен.

– Йўқ, олганим йўқ!

– Мен эса олдим, мана, қара, шуни бериб қўйгин унга.

– Ўзинг олдингми, ўзинг беравер.

Мен Артаваздга қўлимни узатишга қийналишим сабабини тушунтириб ўтирмадим, холбуки, буни ўзим ҳам тушунмасдим. Мен ҳали нима сабабли унга, ўз дўстимга узатгандек қўл узатишга ҳаққим йўқлигини англаб етмаган эдим.

– Мадат ўз командаси билан ҳозир қаердайкан? – дея сўрадим.

– Келишаётган бўлса керак улар ҳам.

– Самбиттол ёнида бўлса керак. Менга қара, Артаваздга қипиқни сен бериб қўёлмайсанми?

– Ўзинг олдингми, ўзинг беравер.

– Ўлиб қоласанми бериб қўйсанг!

– Ўзинг ўлиб қоласанми?

– Секинроқ югурайлик, улар энди самбиттоллар олдига етиб боришди, шекилли.

– Улар боя қайтиб кетишаётганди, етиб келишгандирам.

– Бўлиши мумкин. Уларнинг гуруҳида Артавазд йўқ-да, – дедим хомушгина.

– Бизнинг гуруҳда ҳам йўқ.

– Балки Горький бобо олиб кетгандир, – дедим мен. – Секинроқ югур.

– Югуролмасанг югурма, – дейишди улар менга.

Улар менга қарата шундай дейишганини дабдурустдан тушунмадим.

– Кимни айтаяпсан югуролмайди деб? Қани, бир ўзингни кўрайлик-чи...

Мен шиддат билан олдинга отилдим ва қани, етиб олинглар-чи, демоқчи ҳам бўлдим. Мен минг уринганим билан улардан ўтиб кетолмас, негадир оёқларим чалишар, нималар бўлаётганини, худди аллақандай санскрит грамматикаси ҳақида биров савол бериб қолгану, шуни тушунолмаётгандек эдим. Нимадир шамолдек елишимга халал берарди.

– Артаваздни деб ким сиздан бир соатча орқада қолса ҳам кейин етиб олди? – деб сўрадим болалардан аччиғим келиб.

– Сен.

Кўнглим жойига тушди.

– Ростини айтганда, – дейишди улар менга, – Артаваздни деб орқада қолдинг. Тахта заводи олдида етиб олдинг. Артавазд эмас, сен қувиб етдинг бизни.

– Ана, мен етиб келдим сиз билан баравар тахта заводига.

– Сиз икковингиз қолгандингиз, сен етиб келдинг, Артавазд қолиб кетди.

– У югура олмаса, нима қилай, менда нима айб?

– Ким айтди сени айбдор деб?

– Мен айбдор эмасман.

– Ҳа, сен айбдор эмассан.

– Қайтанга мен унинг учун қипиқ олиб кетаяпман.

– Буни нима қиласан?

– Унга бераман.

– Нимага?

– Мен унинг учун олдим.

– Нимани олдинг?

– Қипиқ олдим, қипиқ, қипиқ!.. – деб бақириб юбордим ўзимни тугтолмай. – Унинг учун қипиқ олдим, секинроқ югуринглар... Тишлонғич бобо деб, ким ушланиб орқада қолиб кетди, кейин яна ким етиб олди сизларга? Ким?

Улар жавоб беришмади.

– Аввал Тишлонғич бобони деб...

Болалар менинг гапларимни эшитмасди. Улар мендан анча узоқлашиб кетишди. Назаримда, улар югуришмас, бир ерда депсиниб туришарди ёки устимдан, йўқ, менинг устимдан эмас, югуришнинг устидан кулишарди гўё, яна озгина, озгина ҳаракат қилсам, уларга етиб оладигандек туюларди... Ўзимга нима бўлаётганини сира тушунолмасдим, нега юрагим сиқилиб бораётгани, нимадандир қутулолмай, ҳарчанд қилсам-да, ўқиб бораётганимни ҳис қилган сари баттар эзилардим, улар эса бемалол югуришар ва... тобора мендан узоқлашар, уларга қўшилиб ҳаёт мени ташлаб кетаётгандек, қувонч, югуриш бахш этувчи завқ-шавқ, ранг-баранг қизларнинг кўзларида акс этган ҳаваслар, табассум ва орзиққан кўнгиллар инъикоси – тобора узоқлашиб бораётгандек эди. Менинг уларга ҳавасим келар эди-ю, лекин айни чоқда уларни беҳад ёмон кўраётгандим. Мени шу дақиқаларда фақат ҳасадгина бу кучли, серғайрат, абжир болаларга боғлаб турарди.

– Бир ўзимни ташлаб кетяпсиз-а, майли... – деб шивирлаб қолдим уларнинг ордидан алам билан. Орқаларидан хомуш ва умидсиз қараб туриш аламли эди. Улар атай қилгандек енгил ва бир маромда югуриб боришар, шовқин солмай, кулмай, жимгина узоқлаб кетишарди, яна хўрлигим келиб қараганимда улар бутунлай кўздан йўқолганди. Ёлғиз кимсасиз йўл ва оппоқ қор кўзга ташланарди. Мен тўхтаб қолдим. Демак, кетишди. Мени улар билан боғлаб турадиган ҳеч қандай ришта қолмаганини шундагина сездим, боягина уларга сардор бўлиш шуқуҳидан қувонган одам, ҳозир шу қисматимга рози эдим – мана мен, мана йўл. Суқунат ва қор босган да-

лалар! Мана шу кимсасиз кўчалардаги сокин қор уюмлари аро бир ўзим, ихтиёрим ва хаёлларим ҳамда истақларим билан яккаю ёлғиз турардим. Айни чоғда хоҳласам ётаман, хоҳласам, ортимга ўгирилиб, бошим оққан ёққа кетишим мумкин. Бу қандай юз берди, билмайману, лекин бир маҳал қарасам, яна югуриб кетаяпман. Оёқларим остида, шохларда, олисдаги тоғлар чўққисида қор, шунчалик ярақлаган бу замин узра ёлғиз югуриб кетаётгандек ҳис қиламан ўзимни ёки шундай туюлади менга. Вақти-вақти билан ўзимни кўлга олиб атрофга қарар ва ҳеч нимани тушунмас, ҳатто ухляяпманми ёки бир ерда депсиниб турибманми, билолмасдим. Ба-айни уфқ, ғира-шира оқшом сингари югурмок, бир-бирига қоришиб, бир-биридан узоқлашиб бораётган қор уюмлари. Қор, қор, бутун атроф ҳамон қор, мана шу қор ичра яна қор кўзга ташланарди. Бу ярақлаган оппоқ ховур ҳаммаёкни эгаллаган, зиғирча кўланка, дарахт шохими, қушларми қорайиб кўринмас, биронта буюм кўзга ташланмас эдики, мен ҳозиргина мана шу ерда эдим, энди ортда қолди, деб белгилаб олсаму, яна...

Ўшанда биз югургандик, рост... аввал икки гуруҳга ажралиб, олисдаги тоғлар қўйнида юқори синф ўқувчилари “а-а...”, “ура-а” дея қичқиришади, лўппи юзлари қип-қизил аёллар ўтириб олганча бизга тикилади... сўнг биз қайноқ қипиқ уюмига қўлимизни тикдик... Буларнинг ҳаммаси воқе бўлган, лекин қачонлардир бўлиб ўтган... ўтмишга айланган... Бегона келиб, менинг рўпарамда туриб олди, назаримда, бу ҳам қачонлардир рўй бергану, шуларни тушимда кўраётгандек бўлардим.

– Ойингга айт, қўйлагингни тозалаб ювиб берсин, – дедим мен ва қаршимда чиндан ҳам у турганига ишонч ҳосил қилдим. У тупугини ютиб, ҳарс-ҳарс нафас оларди.

– Сенга қипиқ келтирдим, – дедим унга.

– Қипиқ? – дея шивирлади у.

– Мен айтдим-ку боя, сенга қипиқ олиб келаман, деб.

– Менгами... қипиқ олиб келаман дедингми...

У қўлимдаги бир ховуч қипиқни олди-да, тахта заводи томон кета бошлади. Мен уни қучоқлаб, юзини қишлоқ томонга бурдим ва ким кимни бошлаб кетаяпти, икковимиз ҳам тушунмай бирга югуриб кетдик.

– Нега мен билан югураяпсан? – дея шивирлади у. Мен жавоб бермадим. Чунки менга ҳам биз гўё тахта заводи томон югураётгандек туюларди. – Нега югураяпсан? Мен билан ёнма-ён югуришни хоҳламасдинг-ку...

– Гапиравермай, бурун билан нафас ол.

– Мени тинч қўй. Ўзинг боравер.

Назаримда, бу сафар у чинданам мен билан ёнма-ён югуришни истамасди. Мен билан, вафосиз, садоқат нималигини билмайдиган нокас билан.

– Бир ўзим югуриб бориб келавераман, – дея шивирлади у, – курбим етади.

– Сен югуриб бориб, югуриб кела оласанми? – дея сўрадим мен.

– Ҳа, бориб кела оламан.

– Оғзингни очма.

У йиқилди. Сўнг қўлларига таяниб, тиззалаб олди-ю, яна думалаб тушди.

– Югуриб бориб келасанми? – дедим. – Кўриб турибман қанақа қилиб бориб келишингни.

Мен уни кўтариб, туришга ёрдам беролмадим, кучим етмади, лекин

турғазиб кўяман, деб қийналганимни ўйласам, кўнглим бироз ёришгандек бўлади. Унинг туролмаётгани, кафтида мен келтирган кипикни сиқимлаб олгани, унинг жуссаси кичкина, ўзи нимжон эканини ҳис қилганим сари ёрдам бергим келарди.

– Ҳаммаёқ жимжит, – дея шивирлади у, – бунчалар жимжит бўлмаса!..

– Тахта заводи ташвишини қилиб юрма яна, – дедим мен, – у ерга борган-бормаганимизни биров текшириб ўтирибдими?

– Сен у ерга бориб келдинг, бўлди, мени ўз ҳолимга қўй, – дея шивирлади у, – мен бир ўзим бориб келаман.

– Оғзим тахир бўлиб кетяпти, секинроқ югур.

– Сен югурма мен билан, – деди у яна шивирлаб, – мен тезда қайтиб келаман. – Бирдан у қичкириб юборди: – Сен мени алдаяпсан, мени тахта заводиға эмас, қишлоққа олиб бормоқчи бўляпсан!

Мен унинг йўлини тўсдим:

– Сен тахта заводиға бормайсан, бормайсан, қўйвориб бўпман!

– Сизлар ҳаммангиз бордингиз, битта мен борганим йўк!.. – у йиғлаб юборди. У тахта заводиға боролмаслигига кўзи етганидан йиғларди. Охир-оқибат мен берган бир ҳовуч кипик билан қишлоққа қайтишга рози бўлди. У мен билан қишлоққа елкама-елка чопиб борар экан, башараси бужмайиб такрорларди: – Лекин ҳеч кимга айтмайсан-а, кипикни мен учун олиб келганингни ҳеч кимга айтмайман, деб сўз бер.

Бироздан сўнг яна шу гапни қайтарди:

– Айтмайсан-а, менинг тахта заводиға бормаганимни, тўғрими?

– Сен тахта заводиға бординг, бирга бординг биз билан, – деб жавоб бердим унга.

У чидаб туролмади, ўкраб юборди.

– Айтмайсан-а, у ерга бормаганимни, тўғрими?!

– Ўзинг бориб олган кипик ҳовучингга-ку, ўзинг олдинг, мен ёнингга эдим, – дердим унга, лекин бунақа ёлғон гапиролмаслиги унинг бутун вужудидан сезилиб турарди ва у хўнг-хўнг йиғлаганча қайта ва қайта сўрарди:

– Қаердан олдинг, деб сўрашса-чи?

– Тахта заводидан, дейсан.

– Лекин мен у ерга бормадим-ку, – дерди у кўз ёшлари селоб бўлиб, – мен тахта заводиға бормаган бўлсам, кипикни қаердан олдим?

Олдинда қишлоқ кўринди. Мен қаддимни ростлаб унга:

– Сен мендан яхшироқ чопар экансан, – дедим ва кўз қисиб қўйдим.

Қишлоқ тепаликлар узра бизни кутиб тургандек эди, уйларнинг черепица билан ёпилган томлари офтоб нурида ярқираб кўринар, қишлоқ аллақаердан бир-бирининг елкаларидан дўстона қучиб, ёнма-ён, бир биридан ўзиб кетмай, шошилмасдан келаётган икки нафар фарзанди – Арсен бобо ва Аветик бобонинг невараларини кутишга чоғлангандек туюларди. Барча уйлар орасидан ботаётган куёш нурлари деразаларини ёритган мактаб биноси ажралиб турарди. Мактабнинг соябонли пилла-поясида тўпланганлар, эҳтимол, бир тўда яшил-қизғиш либослардаги қизларимиз бизни қизиқсиниб кузатишарди... Улар қўлларида самбиттол новдаларини байроқчадек кўтариб олишганча ҳорғин, тинкаси қуриган икки синфдошининг имиллаб келаётганидан кўз узмай туришарди.

– Мактаб ҳовлисидан биз кўринамиз, – деди у шивирлаб.

– Сен мендан яхшироқ чопар экансан, тезроқ ҳаракат қилиб кўр яна.

У кучанди, лекин мендан ўзиб кетолмади. Иккинча марта зўр берганди, бир лаҳзагина мендан олдинга ўтиб олди-ю, яна ортда қола бошлади. Буни ўзиям тушунди, шекилли, мағлуб бўлганини бўйнига олган ёки шунга тан берган одамнинг юзида пайдо бўлгувчи аянчли табассум лабларидан пирпираб учди. У пичирлаб деди:

– Бир ўзинг боравер.

– Қара, хачкарнинг туришини, – дедим мен.

– Бир нима дедингми? – сўради у шивирлаб.

– Ёлғиз хачкар турибди, қарагин.

Мен яна нима дейишим мумкин? Индамай, худди ёнингда ҳеч ким йўқдек, охириги кучини сарфлашга ҳам ҳоли келмай қўйган шеригини ташлаб, қизларнинг нигоҳлари остида мактаб ҳовлисидан ўтиб, муаллиманинг ёнига бориш яхшими?

Мактабнинг ёнгинасида, муюлишда ўгирилиб қарадим – у судрал-гудек келар, деярли мен қолдириб келган ердан – қор орасидан хачкар билан унинг мўъжазгина қомати қорайиб кўзга ташланарди. Худди ўша томонда қимирлаган жон йўқдек эди. Мен нафасимни ростлаб мактаб ҳовлисига отилиб кирдим. Жимжит, мактаб ҳовлисида ҳеч ким кўринмасди. Мен синфга қараб югурдим. Синфдаги қора тахтани кимдир қурук латта билан ярақлатиб артиб қўйган. Ўқитувчилар хонасида ҳам ҳеч ким йўқ. Шу сукунат қўйнида соат қапгири бир маромда тебрана-р, столда самбиттол новдаси аста-секин сўлиб борарди. Ҳовлида ҳам ҳеч ким йўқ, ўқитувчилар хонаси олдида қипиқ тўкилиб ётарди.

– Йўқ, – деб шивирладим мен, – йўқ, йўқ...

Мен кафтимни очдим. Бир ҳовуч қипиқ коптокдек думалоқ бўлиб ёпишиб қолганди. Худди ҳаво етишмаётгандек бўғилиб кетдим, назаримда, бу ҳам қадим замонларда бўлиб ўтгандек туюларди... Мен қипиқ коптокчани ерга улоқтирдим. У куқундек сочилиб кетди. Энгашиб қипиқни кафтим билан сидириб-сидириб тўпладим. Сўнг муаллиманинг уйига қараб учдим. У мол-ҳол учун хашак тайёрлаётган экан. Молхона олдида эса то аммаси охурни тўлдириб бўлгунча сигир кириб кетмасин, деб қўлида самбиттол новдасини тутган Мадат турарди. У қошларини чимириб, менга хўмрайиб қараб қўйди ва зарда қилгандек тупурди, бу билан менга, мана шунақа, оғайни, бошладимми сени, ҳали кўп бошлайман демоқчи бўлди, шекилли. Муаллима мени кўриб жим қараб қолди. У мендан кўзини узмасди. Қипиқ кафтимдан тўкилиб кетди. Муаллиманинг кўзлари меҳрданми, илтифотданми ёришди ва у мулойимлик билан сўради:


– Артавазд қани, уям келдими?

У менинг айна чоғда “Шу ерда, мактабда”, дейишимни илҳақ бўлиб кутаётганини сезардим. Бироқ Артавазд ғорда, ёлғиз қад ростлаб турган хачкар ёнидаги ғорда қолганди.

– У ана, ҳозир келиб қолади, – дедим мен.

Муаллиманинг кўзлари совуқ йилтиллади.

– Ростдан-а? – деди у ва ўгирилиб бир қучоқ хашакни кўтарганча молхонага кириб кетди.



## АРМЕН ЖИГАРХАНЫАН

“Ҳаётни севасанми? Севсанг, вақтни бой берма, чунки вақтдан ҳаёт аталмиш мато яралади”, – деган эди донишмандлардан бири. Театр ва кино санъатининг етук намояндаси, Арманистон халқ артисти, давлат мукофоти совриндори Армен Жигарханыан ҳам ҳаёти саҳифаларига бўлиқ мазмун битиб, бетакрор роллари билан томошабинлар қалбидан қўним топди. У суратга тушган “Омад ҳамиша ҳам келавермайди”, “Ит емас, отга ҳам бермас”, “Салом, бу мен” каби фильмлар ханузгача экрандан тушмаслигининг сабаби шунда.

Армен Жигарханыан 1935 йил 3 октябрда Ереван шаҳрида туғилган. Онаси театрнинг ашаддий ихлосманди бўлгани боис фарзандлари билан драма ва опера спектакллари мунтазам томоша қиларди. Оилавий муҳит сабаб Армен болалигиданоқ театр ва кинога қизиқди, мактабни тугатгач, ҳужжатларини театр институтига топширди. Бироқ талабалик бахти насиб қилмади. Тушкунликка берилмаган Армен пойтахтдаги киностудияда оператор ёрдамчиси сифатида фаолият бошлади. Орадан икки йил ўтиб, Ереван бадиий санъат институтига ўқишга ки-

ради ва бир вақтнинг ўзида театр саҳналарида катта-кичик роллар ўйнаб, актёрлик маҳоратини тоблаб боради.

Жигарханыаннинг ўйчан қиёфаси, туғма истеъдоди театр саҳнасидаёқ мухлислар эътирофига сабаб бўлди. Айниқса, унинг “Орзулар трамвайи” (Т.Уильямс асари) спектаклидаги ижросини кўриш учун ҳар сафар театрга гуррос-гуррос томошабин келарди. Кинода эса бу жараён янада қизғин тус олди.

“Салом, бу мен” фильми туфайли киномухлислар фавқулодда қобилият эгаси Армен Жигарханыан билан танишди. Ўша пайтда бу фильм актёр ижодий бисотидаги олтинчи картина эди. Ўзи шу вақтгача ўйнаган ролларини саёз ва ўртамиёна деб ҳисоблар, бу ижролар “Салом, бу мен” фильмига қадар тадорик бўлганини доим таъкидларди.

Армен Жигарханыаннинг фавқулодда муваффақият қозонган яна бир ижроси “Учбурчак” фильмидаги темирчи образи ҳисобланади. Табиийки, аввалги фильмида ўйнаган олим ролидан кейин ўзига хос характерга эга мўйсафид темирчи образини гавдалантириш

актёрдан жиддий изланишни талаб қиларди. Фильм катта экранларга чиққач, актёр суратга олиш майдонларидан бўшамай қолди, кўплаб режиссёрлардан кетма-кет таклифлар кела бошлади.

Армен Жигархянининг дубляждаги фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Кўпгина мультфильм қахрамонлари Жигархянян овози орқали болаларга завқ улашади. Жумладан, “Бир ит бор эди” мультфильмидаги “Ҳозир куйлаб юбораман” ибораси кўплаб ихлосмандларнинг ёдида қолган. “Хазиналар ороли”даги Мокус амаки, “Тошбақа Нинза” мультсериалининг қахрамонлари ҳам севимли актёр овози билан “гапирди” ва буларнинг барчаси дубляж санъати хазинасидан мустаҳкам ўрин олди.

“Бир қолипдаги образлар ҳукмидан қочиш керак”, – деб кўп такрорларган актёр умри мобайнида 348 дан ортиқ фильмда роль ижро этиб, энг кўп суратга тушувчи актёр мақомига эга бўлди. Комедия, саргузашт, драма, мусиқий фильмларда яратган қахрамонлари унинг серкирра ижодкор эканидан далолат берарди.

Армен Жигархянян ижодий фаолият билан чекланиб қолмай, 1991 йилдан Давлат кинематография институтида бўлажак актёрларга сабоқ бера бошлади. 1996 йилда эса кичик театрлар ичида ўзига хос нуфузга эга “Д” театрини ташкил этади. Армен Жигархянян кинематография институтида сабоқ бераётган курс “Д” театрининг дастлабки жамоаси сифатида

ижодий фаолият бошлайди. Актёрнинг ўзи ҳам театр сахнасида бири-биридан қизиқарли роллар ижро этади. Бу ўринда Х.Пинтернинг “Уйга қайтиш” ва С.Беккетнинг “Крэппнинг сўнгги тасмаси” спектакллари эслаш ўринли. Актёр “Крэппнинг сўнгги тасмаси” спектаклидаги образининг таъсирчан ва ишонарлилигини таъминлаш мақсадида бир ярим соат сунъий тишини олиб қўйиб ўйнайди. Армен Жигархянян ҳозиргача мазкур театрнинг бадиий раҳбари сифатида фаолият юритмоқда.

Кино ва театр санъатидаги ижодий фаолияти давомида актёр жуда кўп мухлисларга эга бўлди. Унинг мухлисларидан бири Техас штати яқинидан етти хонали уй совға қилди. Актёрнинг ижоди сермахсуллигини назарда тутиб, ҳамкасбларидан бири Валентин Гафт: “Ер юзидаги арманларнинг сони Армен Жигархянян суратга тушган фильмлардан камроқ бўлса керак”, дея ҳазиллашганди.

Армен Жигархянян бир неча йил аввал театрдан кетишини маълум қилди. Лекин кўп ўтмай қарорини ўзгартириб, яна кадрдон сахнасига қайтди ва бу ҳолатни қуйидагича изоҳлади: “Актёрлик фаолияти, бу – эҳтирос ила яшаш демакдир”.

Бир сўз билан айтганда, арман санъатининг ёрқин намояндаси Армен Жигархянян сахна ва экранда яратган бетакрор образлари билан миллий доирадан чиқиб, умуминсониятга дахлдор ижодкорга айланди.

*Феруза ФАЙЗИЕВА  
тайёрлади.*





## МАРТИРОС МАНУКЯН

Арман тасвирий санъатини дунёга танитган таниқли мусаввирлардан бири Мартирос Манукяндир. У Узоқ Шарқ, АҚШ ва Европада энг катта муваффақият қозонган рассомлардан саналади.

Мартирос Манукян 1947 йил 5 августдан Арарат тоғи бағридаги мавзелардан бирида туғилган. Сурат чизишга ўн бир ёшидан жиддий қизиқа бошлайди. “Мен рассом бўлиб туғилганман. Яратган бизга туғилганимизда недир (иктидор) беради, шу боис мен доим ўзимга ишонганман”, дейди рассом ёшлик ҳақидаги хотираларида. Мартироснинг интилиши уни йигирма ёшида Арманистон бадий академиясига олиб боради. Ёш мусаввир кейинчалик Москва ва Ленинград (Санкт-Петербург)да ҳам таҳсил кўради. Дастлабки кўрғазмаси 1972 йили Ереванда ташкил этилади ва қизгин баҳсу мунозараларга сабаб бўлади. Тасавури кенг, услуби пишиқ Мартирос йигирма олти ёшида Рассомлар уюшмасига аъзо сифатида қабул қилинади.

Ёшлигида классик рангтавирга қизиққан, галерея ва музейларга бот-бот бориб, улуғ мусаввирларнинг асарларини соатлаб томоша қилишни ёқтирадиган Мартирос Манукян тинимсиз изланишлар орқасида ўз услубини кашф эта бошлайди. Бу ҳақда у шундай дейди: “Буюк рассомлар менга устоз бўлган. Мен уларнинг усталиги, услубидан ҳайратланардим. Менинг устозларим кўп, уларни битта гулдастадай тасаввур қиламан; биргина гулнинг камлиги ҳам гулдастанинг хуснига путур етказади. Гиродет ва Шагаланинг ранг танлаши, Ингренинг чизиқлари, Пикассонинг жасоратига ҳавас қиламан”.

Ҳамон фаол ижод қилаётган Мартирос Манукяниннг тўрт мингдан ортик картинаси дунёнинг турли мамлакатларида – Япониядан то АҚШгача сақланади. Мартирос санъат мухлисларини лол қолдиришдан тўхтагани йўқ.

Журналимиз муқовасида тақдим этилаётган “Жозоба” картинасида рассом аёл киши табиатидаги назокат ва мағрурлик туйғуларининг уйғунлигини усталик билан кўрсата олган. Картинанинг ёрқин ранглари ҳеч кимни безътибор қолдирмайди. Мартирос Манукяниннг тан олишича, у асарларининг томошабинда муайян кайфият ҳосил қилишига интилади. “Жозоба” асарида ҳам тасвирланган аёлнинг асилзодалар тоифасидан эканини нафақат кийими, балки чехрасидаги виқор, хотиржамлик англатиб туради. Мусаввир асарга ботиний маъно яширмаган, шунчаки, “Қаранг, у қандай назокатли” демокчидек гўё. Дарҳақиқат, ўзини ҳайратлантирган хис ва манзарани томошабин билан баҳам кўраётган мусаввирнинг кечимлари бизга ҳам юқади.

*Оловиддин СОБИР ўғли*



## ЖАНГ АЙЛИН

Хитой адабиётининг ёркин вакилларида бири адиба Жанг Айлин 1920 йил 20 сентябрда Шанхайда туғилди. Ота-онасининг тинимсиз жанжалу низолари қуршовида қолган қизалоқ мутолаадан таскин излайди. Жанг тенгқурларидан анча илгарилаб кетади-ю, беш ёшидан хитой ва инглиз тилларида бемалол асарлар ўқий бошлайди. Ўксик кўнгли бувисининг меҳри ҳамда фортепьянонинг ҳазин садосидан ором топади. Ўн ёшида Жанг қалам тебратишга эҳтиёж сезади. 1931 йилда 11 ёшли қизалоқнинг илк хикояси – “Нафис сўз” мактаб журналида эълон қилинади. Шундан сўнг Шанхайнинг кўплаб таниқли адабий журналларида Жангнинг хикоялари пайдар-пай чоп этилади. Бу орада оиладаги аҳвол янада оғирлашади ва Жанг 18 ёшида онаси вафот этгач, уйдан бош олиб кетишга мажбур бўлади. Оғриқли кўнгли кечинмалари бир умр асарларида бўй бериб туради. Хусусан, “Жасминли чой” ва “Қалб оғриғи” хикояларида ота ва фарзанд муносабатлари жуда нозик чизилади, адибанинг болаликдаги руҳий кечинмалари, қалбидаги чандиқлари ҳам асарда ўз ифодасини топади.

Иккинчи жаҳон уруши ҳам унинг ҳаётида изсиз ўтмади: Жанг Айлин Лондон университетига ўқишга қабул қилинган бўлса-да, у ерда таҳсил олиш насиб этмади. Ватанига қайтиб, Гонконг университетининг инглиз адабиёти факультетида ўқий бошлади. Аммо адибанинг сўнги ўқув йилида уруш яна унинг илм олиш истагига тўсиқ қўяди. У ёзувчи сифатида ниҳоятда қийин шароитда улғайди: 1937–1945 йиллардаги тўхтовсиз уруш ва 1949 йилги Мао Зедўнг сиёсий тузумининг ўрнатилиши ижодига сезиларли таъсир кўрсатди. Бироқ Жанг Айлиннинг ноёб истеъдодига ҳеч қандай ғов тўсиқ бўлмади. Йигирма уч яшар Жанг Айлиннинг номи адабий давраларда тез-тез тилга олина бошлади, унинг “Зиндондаги ишқ” ва “Олтин кишанлар” асарлари мунаққидлар эътиборига тушди. Адиба “Зиндондаги ишқ” романи орқали замондошларига Шанхай ва Гонконг ҳаётининг асл кўринишини намойиш этади. (Шу боис роман китобхонлар орасида “Шанхай ва Гонконг комуси” номи билан ҳам машхур). Эътиборли жиҳати, Жанг ушбу асарида Ғарб насри янгиликларини қўллаш

баробарида анъанавий Хитой романчилигига хос жиҳатлардан ҳам унумли фойдаланади, натижада романи оммалашиб кетади. Хитойлик танқидчилар фикрича, Жанг Айлин ходисаларни тажриба орқали эмас, ақл-идрок билан тасаввур этувчи трансцендент қобилятига эга, фалсафий фикрлашга мойил ижодкор. “Зиндондаги ишқ” романи ҳам фалсафий асар бўлиб, унда ёзувчи ҳаётнинг ўткинчилиги, инсон ожизлиги, аммо ақлан етуқлигини акс эттиради.

Урушдан кейинги давр адиба ижодида, жамоатчилик ишларида кескин бурилиш ясади. Турли адабий кечалар, анжуманлар усиз ўтмай қолди, асарлари кўп нусхада нашр этила бошлади. Бу даврда Жанг Айлин ўзи учун янги бадиий мавзу – аёл ва эркак муносабатларига нозик психологик ёндашиб, Хитой ва Ғарб психоанализини уйғунлаштиради. Табиатидаги узлатнишинлик Жангни машҳурлик онларида ҳам тарқ этмади: у уйда ёлғиз қолишни ёки шаҳар ташқарисида сайр қилишни хуш кўрарди.

1949 йили Хитой Халқ Республикасининг ташкил этилиши кўпчилик хитойликлар сингари Жанг Айлинни ҳам беҳад суюнтирди. Аммо тақдирнинг Жанг Айлинга атаган “мукофот”лари талайгина эди: асарлари қаттиқ танқидга учрай бошлади, ўзи эса “эстетикадан бошқа нарса ни кўрмайдиган майда буржуа ёзувчиси” деб айбланди, бора-бора асарлари умуман чоп этилмай қолди. Тақдирга тан берган адиба 1952 йилда Шанхайдан Гонконгга кўчиб кетади. Уч йил мобайнида АҚШ ахборот агентлиги ва турли адабий нашрларда ишлади. Гонконгнинг бир қанча

театрларида унинг эски асарлари сахналаштирилди. Айнан шу ерда у ўзининг ўлмас асарлари: “Ёниб кул бўлган замин муҳаббати” (1954) ва “Шоли кўшиғи” (1955) асарларини ёзди.

1955 йили Жанг Айлин ватанидан оёқ узиб, Америкага кетишга мажбур бўлади. Қаерда бўлмасин, унинг қалами ёзишдан тўхтамади, ижод намуналарини инглиз тилига ўгира бошлади. Бу қутилмаганда унинг Ғарбда энг машҳур осиелик адибага айланишига имкон берди. Тақдир чархпалаги Жанг Айлинни сабр-бардоши, тинимсиз меҳнатлари эвазига юксак чўққиларга кўтарди. Унинг “Илк ҳиссиёт”, “Ярим ҳаёт”, “Кўзингизни очинг”, “Қизил кўшқдаги даҳшат”, “Денгиз устида гуллаган гуллар” ва “Денгиз устида сўнган гуллар” каби асарлари бирин-кетин нашрдан чиқди. Энди Жанг Айлиннинг китоблари нафақат Хитойда, балки Европа ва АҚШда ҳам севиб ўқилад бошлади. Адиба АҚШнинг энг машҳур таълим муассасалари – Берклидаги Калифорния университети, Огайодаги Майами университети ҳамда Кэмбриждаги Рэдклиф мустақил тадқиқотлар институтида хитой адабиётидан маърузалар ўқиди.

Умрининг сўнгги йилларида Жанг Айлин номи она Ватанида қайта тикланди. XXI аср бошига келиб унинг асарлари мактаб дарсликларига киритилди. Адиба ахлоқий-маънавий ғоялари, асарларидаги новаторлик руҳи билан Хитой адабий меросидан муносиб жой олди.

Ижодида Шарқ ва Ғарб анъаналарини уйғунлаштира олган беназир истеъдод соҳиби 1995 йилнинг 8 сентябрида юрак хуружидан вафот этди.

*Нозима МАҲМУДОВА*

## УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

### 1 СЕНТЯБРЬ

**1926–2007 йиллар. ФАХРИДДИН УМАРОВ**, Ўзбекистон халқ ҳофизига, бастакор. У “Найларам”, “Ишқингда зор ўлдим”, “Сочининг савдоси тушди”, “Онам дерман”, “Ўзбегим”, “Ўн саккизга кирмаган ким бор”, “Қайдасан”, “Эй, муҳаббат”, “Умр ўтмоқда” каби ашулалари билан машҳур бўлган.

### 3 СЕНТЯБРЬ

**1863–1953 йиллар. ХАНС ОНРУД**, норвегиялик носир, драматург, театршунос ва мунаққид, ҳикоялар устаси. “Киборлар. Катталар ва болалар учун ҳикоялар”, “Сидсель, узун кўйлак”, “Лайлак”, “Хўроз”, “Норвегияликлар” сингари ҳикоя ва драмалари билан танилган.

### 4 СЕНТЯБРЬ

**973–1048 йиллар. АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ**, буюк комусий олим. Ундан “Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия”, (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”), “Хоразмнинг машҳур кишилари”, “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар”, “Ҳиндистон”, “Масъуд қонуни”, “Минералогия”, “Сайдона” каби асарлари, ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ бошқа асарлари, таржималари, ёзишмалари қолганлиги бизга маълум.

### 5 СЕНТЯБРЬ

**1905–1983 йиллар. АРТУР КЁСТЛЕР**, британиялик ёзувчи ва журналист. Буюк Британия комусининг муаллифларидан бири. 1940 йили ёзилган “Кўр қилувчи зулмат” романи билан танилган. Унинг “Гладиаторлар”, “Келиш ва кетиш”, “Тунги қароқчилар”, “Ҳасрат асри”, “Чақирувдаги қизлар” каби асарлари эълон қилинган.

### 9 СЕНТЯБРЬ

**1828–1910 йиллар. ЛЕВ ТОЛСТОЙ**, буюк рус ёзувчиси. Унинг “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина”, “Иван Ильичнинг ўлими”, “Қазаклар”, “Тирик мурда”, “Иқрорнома”, “Эътиқодим нимада?”, “Тирилиш” каби романлари ва қиссалари жаҳон адабиёти дурдоналари саналади. Л.Толстой “Тирик мурда”, “Зулмат ҳокимияти” ва “Маърифат мевалари” комедиялари билан драматургия ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

### 11 СЕНТЯБРЬ

**1700–1748 йиллар. ЖЕЙМС ТОМСОН**, шотландиялик таниқли шоир ва драматург. Унинг “Фасллар” поэмаси шоирга жуда катта шуҳрат келтирган.

Поэма “Қиш, баҳор, ёз ва куз” фаслларида иборат бўлиб, тўрт йил мобайнида ёзиб тугатилган. Ж. Томсон лотин, юнон тиллари ҳамда фалсафасини мукамал билган. Шу сабабли асарларида фалсафий қарашлар устунлик қилади.

*17 СЕНТЯБРЬ*

**1907–1968 йиллар. АБДУЛЛА ҚАХҲОР**, атоқли ўзбек адиби, драматург. “Сароб”, “Қўшчинор чироклари” романлари, “Бемор”, “Дахшат”, “Ўғри”, “Син-чалак”, “Муҳаббат”, “Ўтмишдан эртақлар” каби хикоя ва қиссалари, “Шоҳи сўзана”, “Оғриқ тишлар”, “Тобутдан товуш”, “Аяжонларим” сингари комедиялари билан ўзбек насри ва драматургиясига муносиб ҳисса қўшган.

*18 СЕНТЯБРЬ*

**1935–1999 йиллар. ГЕОРГИЙ БРИМ**, таниқли театр рассоми. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофотлари лауреати. У “Шахсий иш”, “Бой ила хизматчи”, “Қонли сароб”, “Шоҳ Эдип”, “Абу Райҳон Беруний”, “Самандар”, “Келинлар кўзғолони”, “Майсаранинг иши”, “Искандар”, “Қора камар” ва бошқа кўплаб спектакллар учун сахна безаклари ишлаган.

*24 СЕНТЯБРЬ*

**1934–1995 йиллар. ЖОН БРАННЕР**, англиялик фантаст-ёзувчи. Адибнинг “Атлантика чўкмаси”, “Телепат”, “Шаҳар бурчақлари”, “Асконелдаги меҳроб”, “Зулмат кишиси”, “Самовий қўриқхона” сингари асарлари мунаққидлар томонидан “антиутопик, илмий-фантастик, детектив жанрлари уйғунлашган камёб асарлар” сирасига киритилган.

*28 СЕНТЯБРЬ*

**Милоддан аввалги 551–479 йиллар. КОНФУЦИЙ**, Хитой файласуфи ва мутафаккири. Конфуцийлик таълимоти асосчиси. Конфуций яшаган даврдан “Тўрт асос” ва “Беш асос” номли улкан ёзма ёдгорликлар сақланиб қолган. Унинг таълимоти марказида “комил инсон” туради. “Ҳикматлар”ида унинг юксак инсоний фазилатлари акс этади.

*26 СЕНТЯБРЬ*

**1141–1209 йиллар. НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ**, озарбайжон мумтоз шоири ва маърифатпарвари, “Хамса”навислик асосчиси. Унинг 20 минг байтдан иборат шеърини девони бўлган. Лекин ундан айрим парчалар: 16 қасида, 192 ғазал, 5 китъа, 68 рубоий ва 17 байт сақланиб қолган, холос. Шоирнинг “Хамса” асарига жавобан форсий ва туркий адабиётларида 40 дан ортиқ дoston яратилган.

*30 СЕНТЯБРЬ*

**1928–2016 йиллар. ЭЛИ ВИЗЕЛЬ**, америкалик яҳудий ёзувчиси, журналист, давлат арбоби, профессор. 1986 йили Тинчлик бўйича Нобель мукофоти лауреати бўлган. Иброний, француз ва инглиз тилларида ижод қилган. У “Аҳд”, “Омад шаҳри”, “Ғойиб бўлган учқунлар”, “Келгуси авлод”, “Нотинч замон” қисса ва романлари, “Тун. Шафак. Кун” ҳамда “Тун. Шафак. Бахтсиз ходиса” трилогияси муаллифи.

*Севара АЛИЖОНОВА тайёрлади.*



●● В рубрике “Проза” представлена повесть известного таджикского писателя, переводчика и драматурга Абдугаффара Абдуджаббарова “Последний снег”. В произведении достоверно описаны социально-экономические трудности, проблемы связанные с духовностью, возникшие в обществе в переходный период, и их влияние на человека. Главный герой произведения доживает последние дни своей жизни в тюремном заключении. Как мог Курбан, “сама невинность” по признанию товарищей-солдат, совершить столь тяжкое преступление – убийство?! Но впереди его ожидает не менее тяжелое испытание. Сбросить с души груз того трагического происшествия, усыпить совесть оказывается еще более сложнее. Герой с нетерпением дожидается дней, когда можно было бы сказать: все, что было, то прошло, белым снегом замело. Но... “К несчастью, весна пришла. Наступила все же.”

●● В рубрике “Драма” вниманию читателей представлена первая часть пьесы знаменитого английского писателя и драматурга, лауреата Нобелевской премии Бернарда Шоу “Дом, где разбиваются сердца”. События происходят в семье, члены которой утратили искренние отношения между собой. Родные вроде не враждуют открыто, но и не питают друг к другу любовь и теплые чувства.

●● 24 сентября сего года народ Республики Армения широко отметил 25 годовщину Независимости отечества. В связи с этим событием в данном номере журнала уделено особое место литературе и искусству Армении. Рубрика “Глобус” пестрит увлекательными статьями, посвященными армянской культуре.

●● Творчество таких знаменитых поэтов, как Наапет Кучак, Саят-Нова, Аветик Исаакян, Наири Зарян нашло отображение в рубрике “Меридианы поэзии”.

●● Рубрика “Литературное путешествие” ознакомит читателей с произведением известного армянского писателя Гранта Матевосяна “Чужак”. Повесть затрагивает вопросы верности и предательства. Герои произведения – подростки военных лет. Примечательно, что повествование ведется от имени паренька, предавшего своего одноклассника.



●● Well-known Tajik writer, translator and dramatist Abdugaf-for Abdujabborov's "The Last Snow" narrative is presented in "Prose" rubric. Social-economic and cultural problems of society in difficult period and its influence to people are represented in this work. Qurbon wouldn't hurt a fly. But he is living his last days in a prison and he had done a big mistake – he killed a man. Qurbon couldn't forget this tragedy and his conscience is not clean. He hoped that snow would hide traces of crime, but "Unfortunately a spring has come, it has come in any way".

●● The first part of great writer and dramatist Bernard Shaw's "The House That Ruins Souls" play is given in "Dramatic Art" rubric. Relatives didn't turn away from each other openly, but because of bad air in a family you can't say them tight-knit. That's why a head of the family captain Shotover comes to a strange conclusion: "A creature named human usually admires his child for six years. I was forty six when my daughter Ariadna was born. Now I am eighty eight. I wouldn't stay in when she comes".

●● Armenian people widely celebrate the 25th anniversary of their independence day on September 24. So this issue of the magazine is about Armenian literature and art. Interesting articles about Armenian culture are given in "Globe" rubric. You can read works by talented Armenian poets Naapet Kuchak, Sayat-Nova, Avetik Isakyan, Nairi Zarian in "Meridians of Poetry" rubric.

●● Well-known Armenian writer Grant Matevosian's "The Stranger" narrative given in "Literary Travel" rubric is about fidelity and treachery. In this work one schoolboy tells a scene from his life when he had deceived his classmate. He realizes later that it was mistake to leave his sick classmate in half a way: "Did you leave your friend, rascal?!" Even this little boy can't forgive himself for treachery.

# Жаҳон АДАБИЁТИ

2016 йил сентябрь сони

Навбатчи муҳаррир: Д.РАЖАБОВ  
Мусахҳих: Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.  
Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.  
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда  
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

## Таҳририят манзили:

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга руҳсат этилди 13.10.2016 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Адади 2050 нусха. 4472 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

## Босмаҳона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2016 й.